

АБДУҚАҲҲОР
ИБРОҲИМОВ

ОСМОН ЯҚИН, ЕР ЮМШОҚ

Ҳикоялар

Тошкент

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти
1982

Уз 2
И 14

И $\frac{70303-101}{M352(04)-82}$ - 20 — 82 4702570200

*Бу китобни меҳрибон онам
Офтоббиви Миролим қизига
бағишлайман.*

ИРОДА

Усмон иккимиз бир майизни баҳам кўрадиган қалин дўстмиз. Орамиздан қил ҳам ўтмайди. Қувонч ҳам, ташвиш ҳам ўртада. Ҳатто бир хил кийинамиз: Ҳасан-Ҳусанлардек бўлиб юрамиз.

Иккимиз бир кўчада тортқилашиб ўсдик, бирга мактабга бордик, синфда ҳам бир партада ўтирардик. Уй топшириқларини бир гал уникида, бир гал меникида тайёрлардик. Мактаб йиллари кечаю кундуз бирга эдик. Гўё у менинг, мен эса унинг оила аъзоси. Кейин...

Кейин ўртада биринчи «узилиш» юз берди. Мактабни тугатгач у физик бўлишни ихтиёр этди, мен эса адабиётчи бўлишни. Энди кунда эмас, фақат якшанба кунларигина бир-биримизникида навбатма-навбат меҳмонмиз. Соат ўн иккидан оқшомгача уйдаямиз, сўнг шаҳар айланамиз, томоша кўраямиз.

Бир ой бўлдики, ўртамызда иккинчи «узилиш» юз берди. Оқшомлари у мени ёлғиз қолдирыпти. Учрашуга кетяпти. Ўзи билан бирга бешинчи курсда ўқийдиган Табассум билан учрашишга! Биринчи мартаба дўстимнинг мени ёлғиз қолдириб кетгани ғалати туюлди. Тагин якшанба оқшомида-я! Бундай ўйлаб қарасам, бир кунмас бир кун менда ҳам шундай ҳол юз бериши турган гап. Нима ҳам деб бўлади, муҳаббат-да! Ёрга муҳаббат! Шундай деб тасалли топдим, дўстимга омад тиладим.

Омад тилашга бурчлиман. Чунки, Табассумни та-

нийман. Чинакам гўзал. У ҳақда Усмоннинг ўзи ҳам кўп гапирарди: «Яхши қиз-ку, аммо жуда тортинчоқ, одамга қўшилмайди. Ўқишдан бошқани ўйламайди. Айниқса йигитлардан ўзини четга олиб юради. Ҳеч ким қалбига йўл тополмаяпти. Сўзи ерда қолган йигитлар унга «Хуркович» деган лақаб қўйишган».

Қанчадан-қанча йигитлар етиша олмаган шундай барно қиз қалбига дўстим йўл топа олади-ку, қувонмай бўладими. Ахир, Усмоннинг бўлғуси умр йўлдоши менга ҳам дўст бўлади-да!

Одатда, дўстим уйда суҳбатимиз техника янгиликлари хусусида борса, бизникида эса, адабиётдан гап кетади. Ўтган якшанба куни борганимда у кибернетика ҳақида ажойиб гаплар айтди. Қайтишимда: «Асар қаҳрамонининг савияси ҳеч қачон муаллиф савиясидан юксак бўлмайди, акс ҳолда кибернетика ва атомлар инсонга бўйсунмай қўярди. Тафаккур меваси бўлмиш ҳар бир нарса сўзсиз инсонга бўйсунди. Ёзувчи бўламан деган одам ҳар соҳадан озми-кўпми хабардор бўлмоғи лозим. Бунини ўқиб чиқ, фойдаси тегар», деб кибернетикага тааллуқли бир китобни қўлимга тутқазган эди. Ҳозир шу китобнинг сўнгги саҳифаларини варақлаяпман. Қўзим китобда-ю, хаёлим Усмонда. У Табассум кўнглини билмоқчи эди. Қиз рози бўлганмикин...

Соат ўн иккига занг урди. Одатимиз бўйича Усмон кечикмай келди. Қайфияти сал ўзгачароқ. Сўрашгач, диванга таклиф қилдим. Ёнма-ён ўтирдик.

— Ўқиб тугатдингми китобни?— деди у.

— Ҳа, ҳозиргина. Бунини қўя тур... Хўш, энди табрикласам бўладими?— сўз очдим «ўша» гапдан.

— Табриклашга... ҳали бор.

— Нега? Таклифингни рад этдимми?

— Бир гап чиқиб қолди кутилмаганда. Шуни сенга айтсам-да, кейин бир маслаҳатга келсак.

— Шарт эмас.

— Нега шарт бўлмас экан? Яширадиган сирим бор-

ми сендан? Ахир, дўстимсан-ку! Ҳеч нарсани сендан яширмай келдим шу пайтгача! Бундан буён ҳам сир тутмайман.

— Йўқ, эндиликда сир тутиладиган гаплар ҳам бўлади. Чунки, энди сенинг икки дўстинг бор: бири мен, иккинчиси...

— Ке, дўстим, фалсафангни қўй! Қулоқ бер, эшит. Усмон бир бошдан ҳикоя қила кетди.

ИЛҚ ВАЪДАЛАШУВ

— Табассум! Тўхтанг бир фурсат!.. Жудаям илдам юрасиз-а, Табассум. Ҳатто ён-верингизга қарамайсиз ҳам. Зўрға етиб олдим сизга чопачопа...

— Хўш, хизмат?

— Тўғриси, ўзингизга айтадиган гапим бор.

— Шундай денг? Марҳамат, эшитаман.

— Ҳозир эмас аммо... Эртага... Оқшом учрашайлик. Ушанда айтаман. Хўп, денг, илтимос. Жуда зарур гап ўзи. Ўтиниб сўрайман сиздан.

— Ҳозир айтинг-қўйинг-да!

— Шошиб турибсиз. Яхшиси, эртага бафуржа гаплашамиз. Келинг, хўп денг, илтимос.

— Майли. Қаерга келай?

— Шу ерга-да! Мана шу ерга келасиз. Соат еттида.

— Йўғ-эй, кўча ўртаси-ку бу жой!

— Кечирасиз... Сизни ҳув анави скамейкада кутаман. Албатта келасиз-а!

— Хўп, келаман. Хайр!

— Эртагача... Кутаман.

БИРИНЧИ УЧРАШУВ

— Ёмғирни қаранг, Табассум, челақлаб қуяётибди-я?

— Қўклам бўлгач... Нима, сизнингча, ёғмасинми?

— Майли ёгсин, ёгаверсин, аммо шу бугун, тагин шу соат еттида челахлаб қуйишини кўрмайсизми!

— Қайтага яхши. Ҳозир кўчалар холи. Иккимизни биргаликда танишлар учратиб қолиши эҳтимолдан узоқ.

— Кўришса кўришаверсин!

— Аммо ҳозирча эмас... Кўклам ёмғири яхши, лекин шивалаб ёғса. Шунда қир-далаларда лола терсанг.

— Демак, баҳорни, ёмғиру лолаларни яхши кўраркансиз-да...

— Ҳа, жудаям.

— Бўлмаса, кетдик, ёмғирда кўча бўйлаб сайр қиламиз.

— Майли. Гапингизни айтиб борасиз, бўптимиз?

— Хўп, юринг, кетдик... «Гапим» сиз билан учрашиш эди. Сиз келдингиз, биринчи муродим ҳосил бўлди, «гапим» ўз-ўзидан айтилди. Рост, чорак соат аввал келишингизга ишонч йўқ эди менда. Умид қилардим фақат. Ҳозир ҳам, мана, ёнма-ён кетяпмиз-ку, тушимнингимми, фарқига боролмаяпман. Бу севинчдан бўлса керак.

— Мен эса, кечадан бери: «Нега учрашишга ваъда бериб қўйдим? Мени нима мажбур этди?» дейман ўзимга ўзим.

— Биласизми, менинг толеим мажбур этган. Толеим сизники ҳам бўлсин. Бахтингиз эса менга ҳам тегишли бўлсин. Шу мақсад билан сизни учрашишга таклиф этдим. Сизга айтмоқчи бўлган гапим ҳам аслида шу эди...

ИККИНЧИ УЧРАШУВ

— Табассум! Қабул этинг, бинафша келтирдим, сизга. Марҳамат!

— Раҳмат!.. Мунчаям муаттар бўлмаса...

— Боғимиздан! Ўзим териб дасталадим, балки шунинг учунмикан?

— Ростданми? Бинафша тераётганингизни ҳеч ким кўрмадимиз?

— Қўришди. Ойимлар ҳам. Айтганман сиз тўғрин-
гизда. Табассум, энди сиз ҳам аянгизга маълум қилсан-
гиз. Беш йилдан бери курсдошлигимизни, бир-биримиз-
ни яхши... билишимизни айтинг... Уқиш тугаши биланоқ
тўй қилсак. Шунга нима дейсиз, Табассум?

— Ҳм. Ўйлаб кўрай аввал, кейин айтарман.

— Майли, яна ўйлаб кўрадиган нарса қолган бўлса,
ўйланг. Тезроқ ўйланг, тезроқ бир қарорга келинг, ме-
ни кўп қийнаманг, илтимос.

— Хўп, таклифингиз жавобини келаси ҳафтада эши-
тасиз. Бир ҳафта муҳлат ўйлашимга.

— Майлику-я, аммо етти кунга чидай олармикин-
ман? Келинг, олти кун бўла қолсин. Бир кун мен учун
бир йил билан баробар.

— Бўпти. Келинг, энди бошқа гапдан гаплашайлик.

— Биласизми, Табассум, мана шу скамейка гувоҳ,
ҳар кун шу жойга келиб-кетаман. Энди бу ер мен учун
шаҳримиздаги энг азиз жой бўлиб қолди. Ҳар гал кел-
ганимда ўша илк учрашган кунимиз... тасаввуримда яна
жонланади. Аввал сизни кутаётгандек сезаман ўзимни.
Кейин ҳаёлимда сиз ёнимга келасиз. Сўзлашамиз. Шу
тасаввур билан аста уйга қайтаман...

— ...Мунчаям муаттар бўлмаса! Яна гапиринг.

— Биласизми, Табассум!..

— ...Билмайман!

— Унақа кулманг-да! Ахир, «биласизми»ни кўп так-
рорлаш менга одат-ку!

— Ҳазиллашдим. Ҳазилниям билмайсизми?

— Сизнинг ҳазилингиз ҳам менга чиндек бўлиб тую-
лади...

— Кеч бўлиб қолди. Кета қолайлик.

— Хўп.

ШАНБА КУНГИ УЧРАШУВ

— Усмон ака! Сиз билан хайрлашгани келдим.

— Ие, нега? Тинчликми ўзи, Табассум?

— Тинчлик. Хўп ўйлаб кўрдим таклифингизни. Сиз билан турмуш қуролмас эканман. Сизга ёр эмас, чин дўст бўлишим мумкин. Шундай қарорга келдим.

— Сабабини билсам бўладими?

— Сабабини айтсам, ўзингиз мен билан хайрлашишни таклиф қилиб қоласиз. Беш йилдан буён қалбимда эъозлаб келаётган эзгу орзум поймол бўлади. Бу орзу мен учун эътиқодга айланган.

— Наҳотки мени...

— ...Биламан, менга бўлган самимий муносабатингизни. Ўзингизни ҳам яхши биламан. Лекин сиз мени билмайсиз. Мени, бошимдан ўтган воқеаларни на сиз, на бошқалар билишади. Ҳатто институтга топширган таржимаи ҳолимдан ҳам уларни яшириб ўтганман. Чунки, ўша кезлари шундай қилишга мажбур эдим. Майли, бошимдан кечганларни сизга айтаман. Лекин сўзимни бўлмай охиригача тингласангиз.

— Хўп.

— Дадамлар урушга кетиб, қайтиб келмадилар. Уларни эс-эс биламан. Расмлари сақланмаган. Кейин, мен мактабга бормасимданоқ, ойим ҳам оғир хасталикка учраб, дунёдан кўз юмдилар...

— Қўйинг-э, ҳар ой ота-онангиз пул юбориб туришади-ку?

— Ҳозиргина сўзимни бўлмасликка ваъда берувдингиз.

— Бўлди, энди ҳеч бўлмайман.

— Кекса, етмишдан ошган бувимларнинг қўлларида қолдим. Дадамларнинг ҳеч кимлари йўқ экан. Ўзлари болалар уйида тарбияланган эканлар.

Унингчада ўқирдим. Бувим мени узатиш тараддутига тушиб қолдилар: «Мени ҳам боғлаб қўйган эмас. Тўримдан гўрим яқин қолганга ўхшайди. Ота-онангнинг ёнига бормасимдан бурун тўйингни кўрсам, гўримда тинч ётардим. Қиз бола нарсасан, бунинг устига, кўзга

яқинроқсан. Шўхлигинг ўз бошингга етмасайди. Ким билади, мендан кейин ҳолинг нима кечади. Бир ўзинг ҳайҳотдек ҳовлида қандай яшайсан? Сендан хабар оладиган, ўз уйига, ўз қанотига олиб кетадиган бирорта қариндош-уруғимиз бўлмаса. Яхши йигит топилса, яна ичкуёв бўлишга рози бўлса, тўйингни кўра қолардим. Қўлига топшириб, оёғимни узата қолардим...»

Қўшни қишлоқдан «яхши йигит» дарров топила қолди. Тўйимиз бўлди. Уйимизга ичкуёв бўлиб келди. ЗАГС-дан ҳам ўтмадик. Ҳали ёшим етмасди. Гўё менга ёру бувимларга туғишгандан аъло ўғил. Аммо орадан бир ой ўтар-ўтмас: «Сени ўз уйимда хотин қиламан, бу ердан кетамиз»га тушди у...

Ҳам отам, ҳам онам бўлмни касалманд бувимларни ёлғиз ташлаб кетолмасдим. У бизни ташлаб, ўз қишлоғига кетди. Бувимлар бунга жуда куюндилар. «Билмайин, шошилиб сени бахтиқаро қилиб қўйдим, болам», дердилар мени бағриларига босиб. Орадан кўп ўтмай бувим вафот қилдилар. Эшитиб «у» келди. Кўзимга бувимларнинг жаллоди бўлиб кўринарди. Ҳайдаб юбордим. Ўртамизга одамлар тушди. Бўлмади. Ўз сўзимда туриб олдим, ярашмадим.

Аттестат қўлимга теккан куни бир сидра уст-бош, бувимларнинг ёстиқлари ичидаги пулни олдим. Уй калитларини қўшнимизнинг қизчасидан уйига киргизиб юбордим у ҳеч кимга билдирмай, шаҳарга, ўқишга жўнадим. Чунки унинг йўлимга ров бўлишидан қўрқардим. Ўқишга жойлашиб олгач, қўшнимизникига хат юбордим. Адресимни йўқлаб олинадиган қилиб ёздим. Хатда ўқишга кирганимни айтдим, аммо институтимиз номини билдирмадим. Тезда қишлоқдан жавоб келди... Ҳамқишлоқларим мени кўп қидиришибди. Мен ҳақимда яхши ёмон гаплар бўлибди. Охири «йўқолди»га чиқазишибди. Уйимизга шаҳардан борган врач оиласи билан кўчиб ўтибди. Кейин ўша врачдан хат билан пул қоғози келди — ижара ҳақи экан. Боя сиз айтган, «ҳар ойда ота-

онамдан олиб турадиган пул» худди мана шу ижара ҳақлари. Чиндан ҳам ижарагирлар яхши одамлар экан. Энди ўз ота-онамдек бўлиб қолишди.

Ўз ҳусним ўзимга душман бўлиб келяпти беш йилдан буён. Менга шу пайтгача оғиз солган, қўлимни сўраганларнинг ҳаммаси сизга ўхшаш ёш йигитлар бўлди. Ўзимга ўхшаш бир марта оила қурган, ёши улугроқ йигитлар эса, ҳусним қаршисида лол қолиб, «шунча шов-возлар етиша олмаяпти-ку, бизга йўл бўлсин»дан нарига ўтмадилар, менга оғиз очишга чўчидилар чоғи. Рост, ўзимга ўхшаш бир марта оила қурган бирор йигит қалбимга йўл топа олганида эди, аллақачон турмушга чиққан бўлардим. Чунки, шундай ўйлардим: уйланмаган йигит турмуш қурганимни билгач, менга уйланишдан воз кечиши эҳтимолдан узоқ эмас. Агар шундай бўлиб қолса, барчадан яшириб келаётган сирим ошкор бўлиши мумкин эди. Шундан қўрқардим. Чунки баъзи эркаклар ҳали турмуш қилмаган қизлардан ўзларини четроқ олиб юрадилар-да, турмуш кўрганларга бошқачароқ назар билан қарайдилар, кўнглига қўл солиб кўриш учун учирма гап отадилар, атрофида парвона бўладилар, оғзиларидан бол томади, учрашувга таклиф қиладилар, ёқтирадиган нарсангни билиб олиб, совға-салом беришга, тузоқларига илинтиришга интиладилар. (Бошимдан ўтган-да, биладан буларни. Турмушга чиқмасимдан илгари қишлоғимиздаги эркаклар менга гап отмаган эдилар. Эримдан ажрашганимдан кейин баъзи ҳамқишлоқларим аста-секин бошқача қарай бошлаган эдилар. Агар холи учратсалар, шилқимлик қилишдан ҳам тоймасдилар.) Уларнинг ўйлашича, турмуши бузилган аёллар бир оғиз имога маҳтал бўладилар, бунинг устига, бирор кор-ҳол юз берса, масъулияти йўқ, деб ҳисоблайдилар. Агар мен турмуш кўрганимни ошкор қилганимда, шу ўтган беш йил ичида менга қанча эркаклар шилқимлик қилишга уринмасди, дейсиз, ҳатто домлаларимиз орасида ҳам имтиҳонлар пайтида, пахта терими

кезларида мени учрашувга чорловчилар топиларди. Мен ана шундай ҳодисалар юз бермасин деб сиримни яшириб келдим. Бугина эмас. Мен ундай эркакларнинг ширин сўзларига, эҳтиросли боқишларига, ресторанлар ва холи квартираларда қилажак зиёфатларию олиб беражак қимматбаҳо совғалари, сўнгги модада тикилган кийим-кечакларга алданиб қолишдан қўрқдим. Биласиз, қайси қиз мода бўйича кийинишни истамайди, мен эса, табиатан кийим-кечакка жуда ўчман. Қолаверса, турмуш кўрганимдан дугоналарим хабар топишса, улар ҳам менга бошқача қарашарди, айримлари мени енгил йўлга бошлашлари ҳам мумкин эди...

Биласиз, халқимизнинг урф-одатига кўра, уйланмаган йигит турмуш кўрган қизга уйланавермайди, бунинг учун муҳаббат устун келиши керак. Усмон ака, мени тушунинг. Шунинг учун ҳам сиз каби ёш йигитларга рад жавоби бериб келяпман. Тўғриси, ўзимни шундай қилишга мажбур этаман. Чунки, кимга турмушга чиқсам, фақат шу одамгагина бошимдан кечганларни айтмоқчи эдим.

Бу — пинҳоний орзум эди. Шу ниятимни амалга ошира олсам, ўзимни энг бахтиёр инсон атамоқчи эдим. Бу энди сизга боғлиқ бўлиб қолди, Усмон ака. Лекин: «Сиримни айтдим, энди менга уйланишингиз шарт», демайман, асло! Бу хаёлга борманг, хўпми? Эндиликда бошимдан кечган савдонинг ошкор бўлишидан ҳам унчалик чўчимайман. Чунки, ҳозир аввалги Табассум, бундан беш йил бурунги Табассум эмаслигимни биламан. Энди ўзимни тутиб олганман. Табиатимдаги шўхлик, ўйинқароқлик, зеб-зийнатларга безаниш хаёлларини ирода билан енга олдим. Бир ойдан сўнг қўлимга диплом тегади. Қишлоғимга — ўз ота-онамдек қадрдон бўлиб қолган кишилар қучоғига бораман. Ўзим ўқиган мактабда физикадан дарс бермоқчиман.

Ўзимни одамови кўрсатиб, «Хуркович» деган ном олсам-да, бари бир, шунча вақт бошимдан кечган савдони

сир тута билдим. Ва ниҳоят, ҳозир сизга ёрилдим. «Сиз билан хайрлашгани келдим», дейишимга боис шу.

Майли, аввал яхшилаб ўйлаб кўринг. Лозим кўрсангиз, мен розиман. Бўлмаса, сир сақлагувчи чин дўст бўлиб қолайлик.

— Табассум! Энди сўзласам бўладими?

— Йўқ, кўринишдан, «ўйлаб нима қиламан», демоқчига ўхшайсиз. Мени ҳурмат қилсангиз, ҳозир ҳеч нима айтманг. Бари бир, ҳозир менинг ҳикоямдан таъсирланиб айтган сўзингизга ишонмайман. Аввал ўйланг. Кейинги шанба узил-кесил бир гап айтарсиз. Хайр.

— Табассум! Бир оз тўхтанг. Лоақал кузатиб қўяй.

— Раҳмат... Мени холи қўйсангиз... Эски гаплар, мен учун машъум хотиралар ёдимга тушиб, қалбимдаги яра-лар янгиланди. Мени ҳурмат қилсангиз, шу ерда қоласиз. Хўп, хайр, мен кетдим.

— Хайр. Соат еттида кутаман.

* * *

Усмон сўзини тугатиб, жим қолди. Мен эса хаёлан унга хитоб қилдим: «Табассум беш йил дилида сир сақлай олибди-ку, сен бўлсанг лоақал бир кун ҳам сақлай олмадинг...»

Шу суҳбатдан сўнг Усмон билан гап-сўзда эҳтиёт бўладиган бўлиб қолдим.

КУРАШ

Усмондан бу воқеани эшитганимга анча йиллар бўлди. У кезларда дўстим ҳали ишқ савдосига учрамаган, муҳаббат хиёбонидан ўтмаган эди...

* * *

Қулупнай пишиғи эди. Кечки томон Қўкча дарвозаси яқинидаги боғ ҳовлимига қайтардим. Эсимни таниганимдан буён менга қадрдон бўлиб қолган ўша ўзимизнинг боғ кўчасимиз. Бошдан-оёқ кўлоблатиб сув сепилган. Тупроқ ҳиди анқийди. Пойабзалга ширава лой ёпишади, гоҳо салгина сирпаниб кетаман.

Ёмғиру қор таъсиридан икки томондаги деворлар озгина нураган. Ҳали ёзнинг боши бўлганлиги учун деворларга лўмбоз қўйилмаган. Бу ишни ҳаммаҳаллаларим кузга яқин ҳашар йўли билан икки-уч кунда бажаришади.

Олма, беҳи, олхўри шохлари пахса девор устига аста бош қўйган. Шундоқ қўл чўзсангиз, меваларга қўлингиз етади. Лекин ҳали улар ғўра.

Ўша кунни кайфим жуда чоғ эди. Бу йилги имтиҳонларни муваффақиятли топшириб бўлганман. Шу сабабданми ёки дилхушлик қилишим учун бирор боиси бормиди, ишқилиб, ўзимча хиргойи қила борардим:

Азим дарё савлатингга ишонма, ҳа, ишонма...

Одатда боғ кўчамиз кечки пайтларда одамлардан холи бўлади. Шундай пайтларда мен бу қўшиқни хиргойи қиламан. «Қутлуғ қон»ни илк марта ўқиганимдан бошлаб, бу қўшиқни хиргойи қилиш, менга одат. Чунки романда тасвирланишича, Йўлчи билан Қора Аҳмад худди бизнинг боғ кўчамизда Гулнор учун ёқалашишган эди-да! Ушанда ҳам худди ҳозиргидек боғ кўчамиз одамлардан холи эди, Йўлчи билан Қора Аҳмад ажратиб қўювчиларсиз, танҳо ва беомон жанг қилишган. Ўзимча, кўчамизнинг хилватроқ бир жойини, «худди шу ер Йўлчи билан Қора Аҳмад мардларча олишган жанггоҳ» деб хаёлан белгилаб ҳам қўйгандим. Шу «жанггоҳ»га ~~ей~~ деб қолганимда, кутилмаганда енгил одим товуши эшитилди, хаёлим ипи чирт узилиб кетди, қўшиқ нақоратининг даъами бўғзимда қолди:

Азим ~~дари~~ савлатинга..

Ялт этиб олдинга — оёқ товуши эшитилган ёққа қарадим. Кўзим Ҳуснияга тушди. У овчидан қочган оҳудек отилиб ўз ҳовлисига кириб кетди. Бейхтиёр ~~ўхтаб~~ қолдим. Ҳусниянинг мендан ҳадиксираб қочиши ўйлантириб қўйганди. Нега Ҳусния мендан ҳадиксирайди? У яқиндан бери шундай одат чиқарди-я! Ажабо! Авваллари ҳеч бундай эмасди, бундай қилмасди. Узоқдан кўриб қолса ҳам, жойида тўхтаб турар, яқин борганимдан кейин одоб билан салом берар, сўнгра эса ўз иши билан машғул бўларди: кўчага сув сепаётган бўлса, мен анча нари кетганимдан кейингина ўз ишини давом эттирар ёки бўлмаса ўз уйига, ё қўшниникига кириб кетарди. Икки-уч ҳафтадан бери мендан ҳадиксираяпти, иложи борица менга кўринмасликка интиляпти, мени кўрса ҳам кўрмасликка оляпти ўзини. Нега энди шундай қил-япти?

Ҳусниялар биздан бир неча ҳовли берида туришади. Эскидан боғ қўшнимиз. Бувиларимиз бир-бирларини азбаройи ҳурмат қилишганидан «эгачи» деб чақириша-

ди. У менга ўхшаб оилада ёлғиз фарзанд эмас, улар олти қиз, икки ўғил. Ҳусния тўнғич фарзанд. У ўтган йили ўнинчини тугатиб, фармацевтика институтига ўқишга кирди. Шу кезлари у ёзги имтиҳонларни топшириб бўлган бўлса керак.

Ҳусния исми жисмига монанд ғоят гўзал қиз бўлма-са-да, лекин ҳар ҳолда ҳусндан унчалик камчилиги йўқ, шу ёшида ундан камчилик топиш қийин.

«Қиз бола шайтон бўлади, лоп этадию, кўзга ташланади-қолади», деганлари рост экан. Ҳусния билан ҳам худди шундай ҳол рўй берди. Ўтган йили унда қизлик латофатидан асар ҳам сезилмасди. Шу йил баҳорда бирданига кўзга ташланди-қолди. Кулишида ҳам, юришида ҳам, кийинишида ҳам, кўз қарашию сўзлашида ҳам латиф бир назокат ҳукмронлик қила бошлади...

Шуларни хаёлимдан ўтказиб, ҳовлимизга кириб бордим. Бувим ҳовуз бўйидаги супада муштдек хамирни пишитиб ўтирардилар. Салом-аликдан кейин, мени койиган бўлдилар:

— Ўйингга буғдой тўлгур! Намунча кеч қолмасанг?..

Мен ерга қарадим, бувимнинг саволларига жавобим ҳам йўқ эди.

— Ўтир, анави қулупнайни ея қол. Чанқагандирсан. Кун бугун бирам исиб кетди-ей, чамаси ёз чилласи бошланганга ўхшайди.

Супа четида бир норинтовоқда фарқ пишган қулупнай турарди. Уни қўлимга олиб, бувимга яқин бориб ўтирдим. Битта-битта олиб, қулупнай ея бошладим.

— Буви, ким чиқарди қулупнайни?

— Ким бўларди, эгачим-да!

Бувимларнинг «эгачи»лари кимлиги равшан. Ҳусниянинг бувиси. Бу ҳам, бизникига Ҳуснияларникидан қулупнай чиқиши ҳам мени унчалик қизиқтирмади. Чунки азалдан иккала хонадон ўртасида шундай «олди-берди» давом этиб келади. Уларникида қандай мева пишса, аввал боши бизникига чиқади, тансиқ овқат қилинса ҳам.

Бувим ҳам тез-тез эгачиларига «у-буни» илиниб турардилар.

Ҳозир мени Ҳуснияда кейинги пайтда менга нисбатан бўлган ўзгариш қизиқтирарди. Шунинг учун ҳам бувимларга шу саволни бердим:

— Буви, қулупнайни ким опчиқди?

— Исмоил... Эгачимнинг кенжатой невараси.

Авваллари мевами, тансиқ овқатми, нима бўлмасин бизникига Ҳусниянинг ўзи олиб чиқарди. Унда бирор ўзгариш бўлмаган тақдирда, бугун қулупнайни ўзи олиб чиққан бўларди. Шу ўзгаришнинг тагига етиш учун эртаси кун фармацевтика институтига бордим. Имтиҳонлар куни-кеча тугаб кетган экан. Студентлар «кетиш варақаси»ни тўлдириш ниятида у ёқдан бу ёққа югуриб юришарди. «Кетиш варақаси»ни тўлдириш учун келса керак, деган умидда Ҳуснияни кута бошладим. Газета ўқиётган кишидек дарахт остидаги скамейкада ўтирибману икки кўзим институт ҳовлисига кириладиган дарвоза томонда. Узоқ маҳтал бўлиб қолмадим. Бир пайт студентлар орасида мен томон келаётган Ҳусниянинг қораси кўринди. Эғнидаги қизил шоҳи кўйлагидан дарров танидим. У ниманидир хаёлини суриб келарди. Ногаҳон кўзи менга тушиб қолди. Назаримда ранги ўчинқирагандек бўлди. Ўзини мени кўрмаганга солиб, қизларга хос кескин бир ҳаракат билан орқасига ўгирилиб кета бошлади. Бунга қанчалик ажабланмайин, ҳатто аччиқланмайин, Ҳусниядаги ўзгаришни аниқлаш нияти мени у томон етаклади. Орамизда уч қадамча қолганида ҳаллослаганча унга сўз қотдим:

— Ҳусния, тўхтанг,— дедим қатъий оҳангда. Авваллари, ҳатто яқин-яқинларда ҳам уни сенсирардим. Нима сабабдандир ҳозир уни беихтиёр сизсираб юбордим.

Қиз тўхтади, аста ўгрилиб менга қаради. Унинг ранги қув ўчиб кетганди, узун ва қуюқ киприклари орасидаги қўйкўзлари савол назари билан менга боқарди.

— Сенда гапим бор,— деб яна сенсирашга ўтдим,

чунки қаршимда ўзим азалдан билиб келган ўша қўш-ни қиз турарди-да. У кўзларини ерга қадаганча жим қолди.

— Нима учун мендан ётсирайдиган бўлиб қолдинг?.. Мен фақатгина ётсирашинг сабабини билмоқчиман.

— Фақат шуми?— деди Ҳусния ерга қараганча.

— Ҳа, бошқа ҳеч нарса. Тортинмай айтавер, ахир акангман-ку! Сингил деган ўз акасидан ҳам ётсирайди-ми?

— Туғишган бўлса-да.

Мени кечадан буён қийнаган сир очилгандек бўлди. Лекин ҳали масала бутунлай равшанлашмаганди.

— Мени туғишган акангдек билавер. Бошқа нарса хаёлингга келмасин.

Ҳусниянинг чеҳраси ёришди-қўйди.

— Сиздан ётсирашим сабабини энди айтсам бўлади. Юринг,— у институт ҳовлиси томон бошлади. Ҳали яқинда бир ўзим ёлғиз ўтирган скамейкага бориб ўтирдик.

— Энди айтсам бўлади,— деди Ҳусния ерга қараб.— Асқар... Асқар акам билан гаплашиб қўйганмиз.

Асқар — ҳаммаҳалламиз. Менга тенгдош. Тор кўча охиридаги бефайз ҳовлида туришади. Қурилишда гишт терувчи бўлиб ишлайди. Бир марта судланган.

— Кўнглинг Асқарда экан, хўш, нега энди мендан ётсирайсан?

Ҳусния сумкасининг бандини ўйнаб, ҳикоя қила бошлади:

— Бунини энди очиқ айтсам бўлади. Чунки сиз энди менга ака бўлиб қолдингиз... Энди сиздан хавфсирашга ўрин қолмади. Шу йил баҳордан бошлаб, деярли ҳар куни уйимизда сиз ҳақда гап-сўз бўлиб келяпти. Бирлари олиб, бирлари қўйишади. Атайин менга эшитарли қилиб, сизни мақташади: «Усмонжон одоб-ахлоқда тенги йўқ», «Усмонжон маҳалланинг олди йигитларидан», «Усмонжон институтни битирибди-я!», «Институтнинг

Ўзида ишга олиб қолишибди», «Буни қаранг, ёш бўла туриб, домлалик қилармиш-а!» Айниқса, бувим сизни кўкка кўтариб мақтаганлари мақтаган: «Киройи куёвинг бўлса, Усмонжондек сулукатли бўлсин! Ҳам синашта, ҳам теги-тахтли, бунинг устига ўқимишли», «Усмонжондайини топиш амримаҳол», «Исроил болам, гапимга кирсанг, Усмонжонни қўлдан чиқармайлик», деб бувим дадамларга насиҳат қилсалар, улар ҳам бунга мойиллик билдирадилар. Хуллас, бирлари олиб, бирлари қўйиб, сизни мақташгани-мақташган. Кун кеча сизларникига қулупнай чиқаришди. Бувингизнинг кўнглини олиш илинжида шундай қилишди. Мақсадлари, уларнинг кўнглини олишу сизни ўзларига куёв қилиш.

— Ия, ҳали шунақами?— Ўзимни тутолмай кулиб юбордим.— Бу уларнинг нияти-ку! Сенга нима?

— Қўрқдим-да, ахир!

— Кимдан?

— Кимдан бўларди, сиздан-да! Менинг кўнглимни билмай туриб, менга уйланишга рози бўлиб қолишингиздан, сизникидан совчи чиқишидан ташвишландим. Мабодо бувингиз совчи бўлиб чиқсалар, уйимдагилар ўша заҳотиёқ уларга оқ ўратиб юборишарди. Ҳатто бунга тайёргарлик кўриб ҳам қўйишган.

— Сен ўзинг нима дердинг?

— Авваламбор мендан сўраб-нетиб ўтиришмасди, ўз билгиларича иш тутишарди. Кейин эса... мен уларга Асқар акамлар тўғрисида сўз очолмасдим. Агарда шундай қилсам борми, бувим юмма талаб берардилар, дадамлар эса мени тентакка чиқаришлари турган гап эди. Чунки улар назарида Асқар акам менга мос эмас. Ойимлар эса нуқул: «Куёвим олий маълумотли бўлиши керак, чунки қизим ҳам ҳадемай институтни тугатади», деганлари деган. Уларнинг фикрича, Асқар акам институтга ўқишга кирмаганликлари учун ҳақини сенга муносиб эмасмишлар. Нима, ҳамма олий маълумотли бўлиши шартми? Нима, олий маълумот эгаси бўлишнинг ўзиги-

на кишининг яхшилигини белгилай олармиди? Булар билан ойимларнинг ҳеч ҳам ишлари йўқ. Тилларида фақат битта сўз: «Институт», «институт»... Турмушга чиққан кишинг олий маълумотли бўлса-ю, бари бир уни севмасанг, сева олмасанг, унинг билими муҳаббат ўрнига ўтармиди? Йўқ, муҳаббат ўрнини қоплай оладиган ҳеч нарса йўқ дунёда. Муҳаббат ўз йўлига, билим ўз йўлига. Уйимдагилар эса буни тушунишмайди. Шунинг учун ҳам сизникидан совчи чиқса, мени икки қўллаб бериб юборишарди.

— Ўзинг-чи? Ўзинг жим турармидинг?

— Ҳеч-да! Аввало сизга йўлиқардим. Юрагимдагини тўкиб солардим. Сиздан яхши гап чиқса, чиқди, бўлмаса уйдан бош олиб кетардим.

— Қани, ўзинг айт-чи, мендан яхши гап чиқармиди ёки ёмон гап?

— Буни қаёқдан билай! Ўзингизни яхши билмай туриб, дилингиздагини қаёқдан билай? Тўғриси айтсам, сиздан ёмон гап чиқиб қолишидан жуда қўрқдим. Нега дейсизми? Чунки сиз агарда менинг юрагим хоҳишига қарши ҳаракат қилганингизда ҳам, сизга бари бир бўйсуниб қўя қолмасдим. Асқар акам билан қочиб кетардим. Аммо бундай қилсам, мени яхши умид билан катта қилган ота-онам эл-юрт ўртасида маломатга қолишарди, баъзи одамлар: «Ким, анави қизи қочиб кетган Исроилми», деб дадамларга кўз очтирмасди. Мен кетиб қолсам, ойимлар билан бувимлар қай аҳволга тушишларини яхши тасаввур қилардим. Шундай қилиб, биргина ўзим эмас, оиламиз ҳам ёмонотлиққа чиқиб қоларди. Ўзингиз биласиз, менинг бешта синглим бор. Бир куни келиб улар ҳам вояга етишади. Ўша пайтда баъзи кимсалар сингилларимга бошқача назар билан қараб: «Ким бўларди, ҳув бирда уйдан қочиб кетган Ҳусниянинг синглиси-да», деб камситишлари турган гап эди. Менинг «касрим»га бегуноҳ сингилларим жабр чекишларини ис-тамайман. Бунинг устига, мен Асқар акам ёнига борсам,

баъзи кишилар: «Асқар ўзи бир марта номаъқулчилик қилиб, судлангани ҳам етмагандай, бир бояқишнинг қизини ҳам йўлдан урибди-я», деб, мен бу ёқда қолиб Асқар акамни ноҳақ айблашлари ҳам мумкин эди. Чунки бир маротаба ёмонотлиққа чиққан кишини яна ёмонлашда унчалик суриштириб ўтиришмайди. Мен шундай бўлмасин деб интилдим. Бирдан-бир чорам сиздан ўзимни йироқ олиш, деб билдим...

Ҳусния чуқур нафас олди-да, кейин жим қолди. Қани энди шу пайтда унга тасалли берадиган, уни юпатадиган бирор калима келса тилимга...

* * *

Усмон ҳикоясини тугатди. Кўз олдимда эҳтимол тутилган овчидан йироқлашиб кетаётган оҳу қиёфасида Ҳусния гавдаланди.

«У — СИЗ ЭМАС»

Медицина фанлари доктори, профессор Камол Комиловични ҳамма «Баркамол домла», деб таърифлайди. Чиндан ҳам кирови домла шундай бўлса!

Ғоят билимдон; ўз соҳаси бўйича унинг олдига тушадиган олим топилмайди, касбдошлари орасида зўр эъти модга эга. Студенту аспирантлар иззат-ҳурмати қозонган; у институт остонасига қадам қўйдими, ҳаммаёқ файзиёб бўлиб кетади шогирдлари назарида.

Кийинишини айтмайсизми! Ўзига мосини топиб кияди, ҳа, кўркам кийинади, шу сабаб ёши элликдан ошган бўлса-да, кўрган одам унга нари борса қирқни берар.

Одоб-ахлоқ бобида ҳам барчага намуна! Дарсида эснаб ўтириш унинг учун зўр ҳақорат...

Кексалар уни «муллои боамал» дейдилар; ичмайди ҳам, чекмайди ҳам.

Жисмоний меҳнат унинг учун ҳаётий зарурат, бадан тарбия эса фанларнинг подшоси: ҳар куни гимнастика билан шуғулланишни канда қилмайди.

Унинг бир одати бор: студентларни биринчи курсда ноқ ҳар томонлама синаб боради. Маъқул кўринганларини келгусида ўзига аспирант қилиб олиш ниятида: «Қобилу ҳар ишга қодир экан», деб кўз тагига олиб қўяди. Уларга алоҳида меҳр қўяди. Чунки унинг бирдан бир асл мақсади — шогирдларида ўз аксини кўриш!

Домланинг кўнгиллари жуда нозик. Мабодо бирор аспиранти оиласидами, коллективдами, қаерда бўлмасин,

бари бир, ножўя хатти-ҳаракат қилиб қўйса борми, домла тўрт энлик этдан тушади. Ўша заҳотиёқ бу аспирант билан орани очди қилади:

— Бўлди, энди сизга раҳбарлик қилмайман.

— Устоз...

— Қўйинг, важ-корсон кўрсатманг. Ҳожати йўқ.

— Устоз, ахир уч ойдан сўнг илмий ишим ниҳоясига етади-ку? Келинг, шунгача... Янглишибман, узр.

— Шунгача?! Йўқ, янглишган эканман. Бари бир, эндиликда сизга сидқидилдан ёрдам беролмайман. Мажбур этманг мени. Фойдасиз. Яхшиси ўзга киши сизга раҳбар бўла қолсин. Шундай қилинг.

— Шунча меҳнатингиз...

— Ҳаммасига розиман... Хайр!

Шундай пайтларда устоз-шогирд ўртасига уларни яраштириб қўйиш учун ҳеч ким тушмайди. Чунки домла бир сўзли, айтганини қилмай қўймайди. Бундай воқеа камдан-кам содир бўлса-да, ҳар ҳолда бўлиб туради. Шунинг учун ҳам Қамол Қомилловичнинг аспирантлари ўзларини ниҳоятда эҳтиёт қилиб юридилар.

* * *

Қобил медицина институти остонасига илк қадам қўйгандаёқ, юқори курс студентларидан домланинг таърифини эшитди. Шу-шу бўлдию Қамол Қомилловичга муносиб шогирд, келажакда у каби катта олим бўлиш орзусини дилига тугиб қўйди. Аъло ўқиди, юриш-туриш, кийиниш, хулқ-атвор, жамоат ишларида домладан ўрнак олди. Шундай қилиб, «баркамол домла»нинг қалб дафтаридаги «севимли шогирдлар» рўйхатидан унинг номи ҳам ўрин олди.

Йиллар ўтди. Қобил институтни имтиёзли диплом билан тугатди. Домланинг «Қобилу ҳар ишга қодир», деган юксак баҳосини, зўр ишончини қозонди. Энди у кимсан «баркамол домла»нинг аспирантларидан бири!

Шу йили Камол Комиловичнинг Фарида исмли қизи институтга ўқишга кирди...

«Баркамол домла» илмий раҳбар бўлган аспирантлар одатда белгиланган муддат — уч йилда диссертация ёқлагувчи эди. Қобил билан ҳам шундай бўлди.

Мана, Қобил диссертация ёқлаяпти. Домланинг севинчини бир кўрсангиз! Ахир, домла қувонмай, ким қувонсин! Унинг учун шогирд бахти — ўз бахти, шогирд истиқболи — ўз истиқболи.

Шундай қилиб, Қобил йигирма олти ёшида медицина фанлари кандидати деган илмий даража соҳиби бўлди.

* * *

Қобил автореферати нашрдан чиққан кун зиёфат кечаси ҳақида домлага сўз очганди.

— Яхши ният! Кимларни чорламоқчисиз?

— Сиз...— Қобил бир бошдан кексаю ёш ўқитувчилар, ёр-биродарлари номини тилга ола бошлади.

— Менимча, бу зиёфатни ёшлар кафесига қадрдон тенгқурларингиз билан ўтказинг, ширингина бўлади,— деди домла шогирди сўзини билиб.— Биз учун зиёфат қочмас. Тўй бўлар...

Зиёфат масаласида ҳам Қобил домла маслаҳати бўйича иш тутди: диссертация ёқлаш куни маълум бўлганда, шу кунги числони қўйиб, қадрдон тенгқурларига таклифномалар тарқатди.

Мана, диссертация ҳам ёқланди: зиёфат куни етиб келди. Қобил шу кун ўзини дунёда энг бахтиёр инсон деб ҳисобларди, қувончининг чеки йўқ. У кафега ҳаммадан бурун бориб, ўзлари учун тайёрланган жойни бир кўздан кечирди. Ҳамма-ҳаммаси ўзи айтгандек: қаторасига қўйилган тўрт стол усти нозу неъматларга тўла, атрофига йигирмата стул териб қўйилибди. Бунини кўриб чеҳраси янада ёришиб кетди.

«Диссертация ёқладим — елкамдаги бир тоғни йиқит-

дим. Энди навбат иккинчисига! Қалб розин ошкор этаман шу кеч. Мен учун уч йилдан бери бу ҳам тоғни йиқитишдан мушкул бўлиб келди-я! Шу бугун, зиёфатдан кейин, албатта...» деди ўзига-ўзи...

Меҳмонлар ўз вақтида келишди. Фақатгина Қобилнинг ёнидаги стул ҳали бўш. Қобил бир-икки марта эшикка чиқиб келди. У ҳаяжонланарди: «Наҳотки келмаса-я?!» Ана шунда ҳали бўш турган стул Қобилнинг қайлиғига аталгани зиёфат аҳлига ошкор бўлди. Аммо «у»нинг кимлиги Қобилдан ўзга ҳамма учун муаммо эди.

Кутишди... Кейин зиёфат бошланди. Сайфи косагулнинг ичакузди латифалари ҳам Қобилга бу сафар унча ёқинқирамасди...

Ва ниҳоят «у» келди. Бир эмас, икки киши бўлиб ташриф буюрди. Қуйи томондан келаётган Фарида билан нотаниш йигитни кўрган Қобилнинг ранги қув ўчиб кетди.

— Вой, «Баркамол домла»нинг қизи Фарида-ку!— деди зиёфатдагилардан бири.

— Ёнидагиси ким бўлдийкин?— деди иккинчиси.

— Танишинглар, бўлажак инженер Қодир Қосимов,— Фарида Қобилнинг ёнига етиб келгач, йигитни зиёфат аҳлига таништирди.

— Марҳамат!— Қобил ўз ўрнини Қодирга, бўш стулни Фаридага таклиф этди. Ўзига эса залнинг нариги бурчагидан бир стул топиб келди. Уни Фарида ёнига қўйиб ўтирди...

Сайфи косагул икки қадаҳга вино қуйиб, Фарида билан Қодирга узатди:

— Кечикканларга «штраф»! Тез кўтариб юбормасангиз яна «штраф»га учрайсиз.

Фарида қадаҳни ушлаб ўрнидан турди:

— Бир гап келиб қолди, ҳозир шу баҳона билан айтақолай. Қобил акамлар докторликни ҳам ёқласинлар. Шундай зиёфат яна бўлсин. Биз,— У Қодирга бир қа-

раб олди,— иккимиз эса яна кечикиб келиб, шундай «штраф»ига учрасак-да, майли!

Меҳмонлар чапак чалиб бу ниятни олқишладилар. Қобил зўрма-зўраки кулиб қўйди. Фарида винодан икки ҳўплам ичиб, жойига ўтирди. Қодир дарров конфет арчиб унга тутди. Бун кўриб Қобилнинг рашки келди. Бу унда биринчи бор шундай туйғунинг пайдо бўлиши эди. У маъюсланиб қолди. Ўз зиёфати ўзига татимади. Шундай бўлгач, зиёфат ҳам унча қизимади, меҳмонлар эрта тарқалишди.

* * *

Қобил тун бўйи ухлаёлмади; хаёлан Фарида билан сўзлашди:

«Фарида!»

«Лаббай?»

«Севардим сизни».

«Севардингиз? Мени?!»

«Ҳа, фақат сизни».

«Чинми?»

«Юракдан айтяпман. Рост, севардим».

«Севсангиз... нега изҳори дил қилмадингиз?»

«Турли хаёллар бунга йўл бермади».

«Қўрқдингизми ё, рад жавобини эшитиб қолсам деб?»

«Шунга ўхшаш».

«Эшитайин, бўлмаса».

«Хўп. Тингланг. Бир бошдан сўзлайман, муҳаббатим қиссаси жуда узун. Саҳифалари кўп. У дил тўрида сақланиб келди, умрбод сақланажак, чунки у илк муҳаббат дафтари.

Йигирма уч ёшда эдим. Дадангизга аспирант бўлганимга бир ҳафта бўлувди чоғи. Домла иккимиз аудиторияга кирдик. Кўзим сизга тушди: энг орқа қаторда ўтирардингиз. Сиз ҳам менга қарадингиз, кўз кўзга тушди. Ҳали ҳам ўша-ўшасиз. Лекин бир оз тўлишгансиз, чи-

ройингизга чирой қўшилган. Кейин ҳам сизлар билан ҳафтада бир амалий машғулот ўтказа бошладик. Мен домлага кўмаклашардим.

«Эсингиздами, кейинги машғулотларда мен биринчи қаторда ўтирардим, сизга қараб-қараб қўярдим!»

«Ҳаммаси кўз олдимда... Муҳаббат изҳор этишга аҳд қилдим. Аммо кимдандир...»

«Фарида — «Баркамол домла»нинг қизи, деб эшитиб қолдингиз. Шундайми?»

«Ҳа. Эшитдиму қароримда иккиландим: муҳаббатим рад этилса, бу хабар домла қулоғига етса, устоз юзларига қандай қарайман...»

«Бу гапингиз унчалик тўғримас. Менимча, «Баркамол домла»га шогирдликдан маҳрум бўлмайин, деган хаёлга боргансиз, чўчигансиз. Қўйинг-эй, уч йилда илмий даража олай, дебсиз-ку, муҳаббатингиз тақдирини ўйламабсиз. Янглишибсиз. Тузалмас хатога йўл қўйибсиз. Кўнглим бор эди сизга. Муҳаббатингизни сўзсиз қабул этардим. Жасорат кўрсатмабсиз. Журъатсиз йигит экансиз. Сизда шу фазилат ҳам бўлганда эди, балки... зиёфатни биргалашиб уйингизда ўтказармидик, ўзим дастурхон тузармидим...»

«Қўйинг, Фарида! Қалбимни ўртаманг!»

«Нега? Сизники ўртанганда, меники куймаяптими, ёнмаяптими? Ахир, дадамлар қалбингизга ҳукмрон эмасдилар-ку!»

«Шундайку-я, аммо домлага самимий ҳурматим, садоқатим, у кишининг салобатлари...»

«Лекин муҳаббат ўз йўлига, ҳурмату садоқат ўз йўлига. Бу борада дадамларни тўғри тушунмабсиз. У киши пок муҳаббатни ҳаминша ардоқлайдилар: авторефератингиз нашрдан чиққан кун дадам билан иш кабинетларида узоқ суҳбатлашдингиз. Кофе баҳона, олдингизга кирдим. Менга тузукроқ қарамадингиз ҳам. Биринчи стаканни дадамларга узатдим, иккинчисини олдингизга қўяётиб, қўлим титраб кетдию кумуш қошиқчани

столга тушириб юбордим. Ўзимни йўқотиб қўйдим. Дадам ялт этиб менга қарадилар, мендаги бу ўзгаришни сездилар чоғи. Уялдим, шоша-пиша қўшни хонага чиқиб кетдим. Урта эшик очиқ қолди. Ойнага қарасам, рангим оқарган, вужудим титрайди. Тик туриб қолдим. Суҳбатингиз қулоғимга чалинади: зиёфатдан сўз очдингиз... Дадам: «Тенгқурларингиз билан ўтказинг, биз учун зиёфат қочмас, тўй бўлар», деган маънода маслаҳат бердилар. Билсангиз, бу сизга бир ишора эди. Ўзимда йўқ севиндим. Қувончим бир олам: демак, дадам ҳам рози эканлар.»

«Бу ишорага эътибор этмабман-да, афсус. Минг афсус. Олдинроқ қаёқда эдингиз? Менга маълум қилмай-сизми! Ҳамма айб ўзимда экан. Энди билдим.»

«Ундай эмас! Йўқ, менинг ҳам айбим бор. Сизда журъат бўлмади, мен эса андишанинг қули бўлиб қолдим. Севдим-у, зоҳирда ошкор қила билмадим, пинҳон тутдим. Сиздан садо чиқишини кутиб, янглишдим. Бир йил оғзингизни пойладим. Жимсиз. Икки йил кутдим, садо йўқ. Яна ўн ой. Ҳамон жимсиз, сукут қиласиз. Дадам оғизларидан «тўй бўлар» жумласини эшитгач, менда андишадан кучлироқ қандайдир бир туйғу пайдо бўлди. Дадам уйда эканликларини аниқ била туриб, бир неча бор автоматдан сизга телефон қилдим. Сиз трубкани оласиз:

«Лаббай?»

«Дадам бормилар?»

«Домла келганлари йўқ ҳали. Тинчликми ўзи?»

«Тинчлик! Бўш эдим, ўзим шундай... телефон қиялман.»

«Яхши». Трубкани бир оз жим ушлаб турасиз-да, жойига қўясиз.

Ҳар гал суҳбатимиз шу «яхши» билан тугайди. Мен бир нарсга дейишга ийманаман, сиз эса... Ҳамон жимсиз.

Диссертация ёқланадиган кун яқинлашган сари сиздан умид уза бошладим. Чунки аспирантлик пайтида

севги изҳор қилмаган одам, олим бўлгач мени назар-писанд қилармиди, деган хаёлга борардим. Бу хаёл мени азобларди».

«Мен эса худди шу кунни орзиқиб кутардим».

«Ие, эр йигит деган ҳам бошига бахт қуши қўнмоқчи бўлганда: «Сен бир оз яқин келмай тур, аввал елкамдаги тоғни йиқитай, сўнг қўнарсан», дейдими?!»

«Қўйинг, Фарида! Таъна тошлари отиб, бусиз ҳам ўртанган қалбимни садпора қилманг. Илтимос!»

«Кейин... Қодир акамлар билан танишдим. Сизда йўқ журъат у кишида кучли экан. Севги изҳор қилдилар бир кун. Қулоқ солсам, сўзлари самимий, муҳаббатлари пок. Қўнгил бериб қўйганимни ўзим ҳам сезмай қолдим».

«Яна бир ойча кутсангиз...»

«Бугунги режангизни туш билибманми! Билсам, бир ой эмас, яна кўп кутишга бардошим етарди. Билмадим. Хатомни зиёфатда, ўзингиз ўтирган стулни Қодир акамларга тақдим этганингизда англадим. Шу сабаб зиёфат давомида ўзимни хушчақчақ тутишга роса уриндим, сизга киши билмас кесатиқлар қилдим. Аммо бу юракдан эмасди. Шунчаки ўзимни қувноқ кўрсатиб, сиздан — эриша олмаган биринчи муҳаббатимдан ўч олардим гўё. Начора, бечора бўлгач! Қодир акамлар билан аҳд-паймон қилишганмиз. Зиёфатда эшитдингиз: шу ой ичи тўйимиз бўлади. Аммо... Қобил ака! Бари бир, у киши — сиз эмас. Илк муҳаббатим сиз билан кетди. Қалбимда унинг умрбод ўчмас доғи қолди».

«Олим бўлишни пойлаб, муқаддас инсоний туйғу — муҳаббатни бой бериб қўйдим. Бошдан учган бахт қуши каби у яна қайтиб келмас. Елкадаги тоғни исталган пайтда йиқитиш мумкин экан. Аммо қалбдагисиничи? Бунинг ўз вақтида йиқитмасанг, ўзи устингга тушар экан. Одам уни умрбод кўтариб юришга мажбур. Бир кун бориб докторликни ҳам ёқларман. Сиз каби ўзгани ёр этарман. Аммо... Фарида! Бари бир, у сиз бўлолмайди».

БАХТЛИ МУСИБАТ

Мени гўё чин бахтиёр, деб келдилар. Йўқ! Бундай эмас!

Мени гўё дасти узун, деб билдилар. Йўқ! Бундай ҳам эмас!

Мени гўё камтарин, деб ўйладилар. Йўқ! Бу хато.

Мени гўё севгига лойиқ, деб ҳисобладилар. Йўқ! Бу ҳам нотўғри.

Йўқ! Асло! Инкор этаман буларни. Яхшиямки, бошимга бахтли мусибат тушди. Бўлмаса ўз ҳақимдаги ўзгалар фикрини ҳеч қачон инкор этолмасдим.

Академик оиласида дунёга келдим. Шу оилада тирқчилик ташвишларини билмай, ҳатто сезмай ўсдим, улғайдим. Оилада ёлғиз фарзандман. Ясли... Боқча... Мактаб... Университет — мана шулар ҳаётим довлари. Ҳаммасидан силлиққина ўтиб кетдим. Рост, мақтаниш эмас-ку, мактабни олтин медаль билан, университетни имтиёзли диплом билан тугатдим. Лекин ўз кучим билан. Бу муваффақиятлар лаёқатим меваси, меҳнатим самараси.

Университет йўлланмасида номи кўрсатилган ташкилотга ишга келдим. Буни қарангки, тўрт йил ичида зина-ма-зина кўтарилиб, шу ташкилотнинг раҳбари бўлиб қолдим. Ёш бўлса-да, эплайди, деб шундай катта лавозимга тайинлашди. Ишончлари учун ташаккур! Қоллективимиз фикрича, билдирилган ишончни сидқидиллик билан, оғишмай оқлай бошлаган эмишман. Бу тўғри

бўлиши мумкин: ташкилот иши яхши боряпти. Коллектив билан иноқман. Раҳбар бўлганимдан буён яхшиёмон гапириб, биронта ходимни ранжитганим йўқ.

Тагимда икки ойдан бери ташкилотга қарашли «Волга». Эрталаб идорага, кечқурун уйга элтиб қўяди. Шофёрим нима учундир, гарчи ёши дадам тенги бўлса-да, менга «хўжайин» дея мурожаат этади. Балки пенсияга чиқиб кетган собиқ раҳбарга шу сўз билан мурожаат қилавериб, ўрганиб қолганмикан? Ҳар ҳолда, бир неча кун «хўжайин» сўзини эшитиш менга эриш туюлиб юрди. Кейин эса... кўникиб кетдим. Ўз «Волга»миз ҳам бор. Кейинги икки ой мобайнида уч-тўрт марта кўча юзини кўрди, холос. Уринмай турибди гаражимизда. Унинг ўрнида аввал «Москвич» турарди. Ўқувчилик йилларим «Москвич» миндим. Студентлигимда эса «Победа»..

Авваллари ҳам уйланишим борасида гапиришарди. Раҳбар бўлганимдан сўнг бу гап кўпайди, тез-тез тилга олина бошлади.

Бундан икки кун бурун—жума куни тушлик овқатдан кейин хўжалик ишлари бўйича ўринбосарим — Аббос Муродович эшикни аста очиб ҳузуримга кириб қолди. Бир оз у ёқ-бу ёқдан гапирган бўлди. Билдим сўзида чайналяпти. Бир муддаоси бор менга айтганиган. Унинг шунақа одати бор. Айтмоқчи бўлган гапни ишларимизга тааллуқли бўлмаса, унча-мунча даромад қилиб ўтади.

— Кун икки кеча дадангиз билан мулоқатда бўлдим,— дея Аббос Муродович ётиғи билан муддаога ўтди.— Ўзлари тўғрисида ҳам сўз бўлди...

— Уйланишимми?

— Ҳа, баракалла! Дадангиз: «Мен айтсам бўлмас, ўғлимга сиз айтганингиз маъқул. Тенгини топса, тезда тўй қилиш менинг ҳам асл муддаом. Балки кўз тагига олиб қўйгани бордир», дедилар.

— Йўқ, ҳали ҳеч ким билан аҳд-паймон қилганим йўқ.

— Бе, бу томондан ташвиш чекманг. Қимсан жаҳонга машҳур академикнинг яккаю ягона фарзанди комили бўлсангиз-а. Устига-устак, ёш бўла туриб, шундай катта ташкилот раҳбарисиз. Дастингиз узун. Қаёққа узатсангиз етади. Кўкдаги оймомани ҳам ола биласиз. Сизга кимлар ёр бўлишни орзу қилмайди, дейсиз...

— Қисқаси...

— Тўйга тараддуд кўрмоқ керак.

— Иннайкейин?..

— Келиним бу йил институтни тамомлаганини биларсиз чоғи. Курсдошларнинг хайрлашув кечаси шаҳар ташқарисидаги боғимизда бўлмоқчи. Эрта ўтиб индинга кечқурун. Борсангиз. Анчагина қизлар ҳам келади. Зора биронтаси сизни ўзига ром этолса. Бўлди, вассалом. Бу ёғини каминга қўйиб берасиз. Ўзим боплайман...

Зиёфатга айтилган муддатидан бирор соат чамаси кечки бордим. Аббос Муродович эшик олдида мени кутиб турарди. Машинани тўхтатишим биланоқ югураётган эшигини ҳам ўзи очди. Неча йиллар кўрмагандек билан қуюқ сўрашди. Тирсагимдан тутиб, боғ ҳовлига бошлади. Ҳовлининг ўртасига борганимда тўхтаб, мен ҳам тўхтатди. Чор атрофда тизилишиб ўтирган зиёфат аҳлига мени узоқ таништирди. Салкам таржимаи ҳолимни айтиб бераёзди. Ҳамманинг эътибори, нигоҳи бизга қаратилди. Сўнг мени тўрдаги стол томон бошлади. Бу стол энг азиз меҳмонлар — ёши улуг кишилар учун қўйилган экан.

Зиёфат давомида ўзимни жуда сипо тутдим. Гоҳогоҳ қизларга разм соламан. Бир вақт кўзим менга қандайдир ўзгаларниқидан бошқачароқ нигоҳ билан боқатган қизга тушди. «Чаккимас», деб дилимдан ўтказибдим. Кейин ҳам ўша қиз тарафга бир неча марта қайим. Буни Аббос Муродович ҳам дарров сезди. «Яхдеган маънода менга кўз қисиб қўйди. Ҳаммадан илгари қўзғалдим. Яна Аббос Муродович

мени тирсагимдан тутиб, эшикка кузатиб чиқди. Ҳовли ўртасидан савлат тўкиб ўтар эканмиз, яна барчанинг эътибори, нигоҳи бизга қаратилди.

Аббос Муродович «Волга» эшигини очаётиб, қулоғимга секингина: «Исми Назокат, қолган гапларни эртага бафуржа гаплашамиз», деди.

Машинани шаҳар томон елдек учирай эканман, ёнимга қараб-қараб қўяман. Гўё Назокат мен билан кетаётгандек туюлади. «Бир-икки ҳафта ичида бу хаёлим ҳақиқатга айланади, Назокат мен билан бўлади, албатта», деб ўзимни севиштириб қўяман...

Эртаси иш куним «бафуржа гаплашиш»дан бошланди. Идорага боришим биланоқ Аббос Муродович ҳузуримга оғзи қулоғида кириб келди.

— Дидингизга балли! Қойил қолдим сизга. Одам танлай билар экансиз. Кечаги зиёфат аҳли орасида деса-м янглишаман, шаҳримизда танҳо гўзал қизни танладингиз, лекин ўзи ҳам сизга узукка кўз қўйгандек муносиб. Исми жисмига монанд: Назокат! Қаранг, Назокат-а!!! Ўнинчини бу йил битирди. Институтга кириш нияти бор. Қаминага қариндош бўладиган бўлдингиз. Назокат божамизнинг қизи-да! Кеча сизнинг ўнг биқинингизда ўтирган Мавлонхон бизнинг божа бўлади. Унинг нариги ёнида ўтирган ёшгина аёл эса бўлажак қайнонанингиз. Назокат уларнинг тўнғич фарзанди. Орзу-ҳавасга ўч одамлар. Таги-тахти ҳам, гарчи ўзи академик бўлмаса-да, яхши, камситадиган жойи йўқ...

— Қисқаси...

— Қисқаси шуки, кечанинг ўзидаёқ ишни пишитдим. Сиз тўғрингизда божам ва қайинсинглимнинг фикрини билиб олдим: уларда яхши таассурот қолдирибсиз. «Қизимиз рози бўлса, бўлди. Тўйга тайёرمىз», дейишди. Демак, иш битди ҳисоб. Энди Назокат билан қачон учрашишни истайсиз? Хоҳласангиз бугун.

— Майин...

Кун бўйи оқшомни орзиқиб кутдим. Кундузнинг узун

лигига қаранг-а! Сира кеч бўлмайди. Кута-кута, ниҳоят учрашув белгиланган «Тошкент» меҳмонхонаси олдидаги фонтан олдида бордим. Соатга қарасам, бешта кам саккиз. Аббос Муродовичнинг ўғли билан келини соат саккизга шу ерга Назокатни бошлаб келиши керак эди. Демак, ҳали беш минут бор. Вақтлроқ келганимни билдириш гўё мени камситиб қўядигандек, фонтан атрофини айландим, роса саккиз бўлгач, айтилган жойга келиб турдим. Улар бир оз кечикиб келишди. Қисқагина сўрашдик. Улар фикрини сўраб ҳам ўтирмай, меҳмонхона томидаги ресторанга таклиф қилдим. Улар оғринибгина рози бўлишди...

Соат ўнда меҳмонхона олдида иккига бўлиндик. Аббос Муродовичнинг ўғли билан келини ўз йўлига кетди. Мен Назокатни кузатиб қўядиган бўлдим. Ёнма-ён кетяпмиз. Гўё назаримда бугундан эътиборан Назокат меники. У одимини тезлатган сари аччиғим чиқади. «Нега менга қараб қадам қўймайди-я!»

— Назокат, намунча шошасиз?

— Кечикяпман.

— Бирга эканлигимизни билишади-ку.

— Нима қипти билишса?

— Ота-онангизга ҳам ёқиб қолибман-ку.

Шундай дейишимни биламан, Назокат тутақиб кетди. Дилидан кечганларини тўкиб солди:

— Хўш, фақат уларга ёқибсиз, бу иш битди, деган гап эмас. Мен-чи? Мен сизни ҳали танимайман. Қўл остингиздаги одамлар сизни билар, лекин мен билмайман. Сизни энди учратган бўлсам, қаердан билай, ахир. Сизни ҳамма «яхши йигит» деса деяверсин. Аммо мен сиз тўғрингизда «яхши» ёки «ёмон» деган ҳукм чиқаза олмайман. Чунки сизни синаганим йўқ. Сизни камтарин десалар дейишаверсин. Бу менга ҳали қоронғи. Тўғринини айтсам, сизда амалдорлик кибр-ҳавоси баланд экан. Бўлмаса, кеча зиёфатда бирор қадаҳ ҳам ичмай, ҳар гал, «рулдаман, мумкин эмас», дейиш одобданми?

Машинам бор, деб шама қилишингиз лозиммиди? Тағин кўпчилик ўртасида-я! Зиёфатга кеч бориб, эрта қайтишни нимага йўйса бўлади? Бу ўзингизни бошқалардан юқори кўрсатиш, кўпчилик эътиборини қозониш, «фалончи шу», «фалончи келди», «фалончи кетди», «ростдан ўша ерда ишлайдими» деган пичир-пичирларни қўзғатиш, бу гапларни узук-юлуқ эшитиб ўтиш учун қилинган «тадбир» эмасмикин? Ҳа, худди шунинг ўзгинаси. Сизни «фалончи академикнинг ўғли, ўзи фалончи идорада бошлиқ, дасти узун, қўлини қаёққа узатса, етади, истагани ўша заҳоти муҳайё бўлади», десалар нима бўпти?! Шундай бўлиши ҳам мумкин. Аммо қалбга қалб йўли билангина йўл топиш мумкин. Бунда «дасти узун»-ликнинг аҳамияти йўқ. Шу нарсда сиз янглишасиз. Нега бўлмаса учрашувга ўзингиз таклиф этмай, одамларга буйруқ қилиб чақиртирдингиз мени? Менимча, буйруқ йўли билан қалбни забт этиб бўлмаса керак. «Ҳаммага ёқяпман-ку, демак, Назокат ҳам маъқул кўрса керак», деб ўйлагансиз. Йўқ, янглишасиз. Ойимга, дадамга, борингки, барчага ёқсангиз ёқибсиз. Улар бир томон. Аммо мен масалани ҳал қиладиган асосий томонман. Бун асло унутманг.

Назокат сўзларидан тилим лол, шалпайиб борардим. Нима ҳам дея олардим. Уйига яқин қолганида тўхтади. Бир нафас кўзларини ерга қадаб, жим турди. Мен қотиб қолдим, қани энди бир калима сўз келса тилимга, «Сўзамоллигим қаёқда қолди?»

— Хайр! — Назокат уйи томон юрди.

— Хайр! Кўришгунча!

Назокат орқасига ўгирилиб, менга қиё боқдию уйига кириб кетди.

Шундай қилиб, йигирма олти ёшга кирганимда бошимга биринчи бор мусибат тушди. «Чин бахтиёр», «дас-ти узун», «камтарин», «севгига лойиқ», «яхши инсон»-нинг кўзи очилди, бахт нимада эканлигини шундагина идрок этдим.

Инсон ким бўлишидан қатъий назар, қиз қалбига фақат қалб йўли орқалигина йўл топиши мумкин экан. Севиш, севилиш ҳамма учун баробар. Ҳамма учун бир хил бурч юклар экан...

Дилимдан шу фикрлар кечар экан, Назокат кириб кетган эшикка қараб узоқ туриб қолдим. Бу эшикни «дасти узунлик» билан очиб бўлмаслигига тўла ишонч ҳосил қилдим. Лекин Назокат хайрлаша туриб орқасига ўгирилиб қарагани қалбимда қандайдир умид учқунларини уйғотганди.

ҲАР ТОМЧИНИНГ САБАБИ БОР

Тўй қолдирилди. Барчиннинг соф севгиси чилпарчин бўлди...

Муҳаббат аҳлини одатда уч йўл кутади. Севсанг-у, севилмасанг — натижасиз. Севилсанг-у, севмасанг — бу ҳам натижасиз. Ҳам севиб, ҳам севилсанг — бу қўш бахт, бунинг оқибати висол. Барчинга шундай муҳаббат — буюк бахт насиб этди. У Очилни, Очил эса Барчинни юракдан севиб қолишди. Севги иплари осонгина уланди, қатимлари бора-бора пишиди.

Улар кутилмаганда танишиб қолдилар.

Трамвай қор устида сирпанчиқ учиб кетаётгандек текис ва шовқинсиз борарди. Тизза бўйи бўлган ва ҳамон ёғаётган қор товушни ҳам ютиб юбораётгандек эди. Трамвай қўққисдан тормоз бериб тўхтади. Ҳамма бир мункиб кетди. Барчиннинг қўлтиғидаги китоби Очилнинг оёғи остига бориб тушди. У китобни ердан ола туриб, муқовасига қаради: русча-инглизча луғат экан. Очил қаддини ростлаганида қаршисида Барчин кулимсираб турарди. Китоб шу қизники эканлигини билди. Лекин ўсмоқчилаб сўради:

— Сизникими?

— Ҳа.

— Марҳамат.

— Раҳмат,— Барчин китобни олиб қўлтиғига қистирди. Китоб катта ҳажмли бўлиб, қизнинг қўлида семиз портфель ҳам бор эди.

— Луғатингизни мен кўтариб турақолай?
— Раҳмат. Луғатлигини қаердан билақолдингиз?
— Ёзувини кўрдим.
— Дарров-а?
— Ҳа.
— Шунақа синчковмисиз ҳали?
— Йўқ... Ҳалиги... Кўзим тушиб қолди,— Очил китобга қўл чўзди.— Трамвай нотекис юряпти, яна тушиб кетиши мумкин.

— Тушиб кетса, яна олиб берақоласиз-да.
— Ердан олиб бергандан кўра ушлаб турганим яхши.

— Балки тушиб кетмас. Бир тасодиф бўлди-да.

— Тасодифнинг олдини олиш керак.

— Ҳар қанақасининг ҳамми?

Барчин нишонга урган эди. Очил аввал китобни қиз қўлтиғидан олди, кейин жавоб берди:

— Йўқ, ҳар қандай тасодифнинг олдини олмаслик керак.

— Нега?

— Чунки тасодиф замирида зарурият ётади. Масалан, иморат пештоқидан бир ғишт кўчиб тушса, бунинг замирида ҳам зарурият ётади. Чакка ўтиши, иссиқ-совуқ алмашилиши туфайли ғишт жойидан кўчиб қолган. Бир кунмас, бир кун ерга тушиши турган гап. Агар у ерга тушса, буни ҳеч ким тасодиф демайди. Агар бирор кишининг устига тушса — тасодифнинг ўзгинаси.

— Тушундим, тасодиф ёмон нарсa экан.

— Йўқ, тасодифнинг яхшилари ҳам кўп,— деди Очил шоша-пиша гўё қиз шу бекатда трамвайдан тушиб кетаётгандек.— Масалан... масалан... китобингизнинг ерга тушиб кетгани яхши тасодиф. Бизни таништирди.

Барчин кулиб ерга қаради. Улар шундай танишдилар. Трамвайдаги суҳбат асносида Очил қизнинг Чет тиллар институтида охирги курсда ўқишини, шу шаҳарда яшашини билиб олди. Ўзининг фалсафа бўйича аспи-

рантуранинг сиртқи бўлимида ўқишини, шу фандан ТошМИда дарс беришини маълум қилди. Барчин «Пионер» бекатида хайрлашиб, трамвайдан тушиб қолди. Шу, холос. Биринчи тасодифий учрашувга шунинг ўзи етарди. Очил қизнинг исмини билолмай қолди. Сўрашга ботинолмади, бир ёғи дабдурустан сўрашни ўзига эп билмади.

Орадан кунлар ўтди. Очил ҳар сафар трамвайда кетар экан, ўша қизни учратиш ниятида трамвайдагиларга, бекатда турганларга қараб борарди. Лекин қиз сувга тушган узукдек кўринмасди. Очил бир кўнгли уни қидириб, Чет тиллар институтига ҳам бормоқчи бўлди. Лекин борса, қиз ўзини қидириб келганини билиб қолади-да. Ҳар қандай баҳона қилмасин, бари бир қизни қидириб боргани сезилиб қолади. Балки қизнинг севгани бордир. Аввал бу томонни билиб олиш керак. Хуллас, Очил яна бир бахтли тасодифни кутди. Агар учрашув тасодифий бўлиб қолса, ўзи учун ҳам, қиз учун ҳам маъқул бўлишини билар эди. Шундай учрашув бўлди ҳам. Шаҳар театрида ўтказилган ёшлар кечасида улар тасодифан учрашиб қолишди. Очил қизни кўрдию қувончидан энтикиб кетди. Барчин йигитга кўзи тушдию, қизаринқиради, кўзларида ўт чақнади. Ҳалигина бегона бўлган бу ёшлар, бир зумда гўё кўпдан таниш, қадрдон кишилардек бўлиб қолдилар. Бир нигоҳда бир олам маъно бор, бутун бир севги достони —висол умидиyo фироқ ўти мужассам бўлиши мумкин. Уларнинг ҳозирги савол-жавоблари ҳам шундан шаҳодат беради.

— Қаерларда юрибсиз?— Очилнинг сўз оҳангида «Мен сизни кўп қидирдим», деган маъно бор эди.

— Ўзингиз-чи?— Барчин «мен ҳам сизни кўп қидирдим» деяётгандек эди.

Ҳамма-ҳаммаси ботинда эди. Тезоқар дарёнинг сирти сокин бўлади. Севги алангаси юракда бўлади, лекин тафти бетга қалқади. Шунга ўхшаш, қалб кечинмаларини уларнинг чехраларидан, гап оҳангларидан билиб

олиш мумкин эди. Тиниқ туйғунинг ифодаси ҳам аниқ бўлади.

Шу куни Очил Барчинни уйигача кузатиб қўйди. Унинг исмини биллиб, ўз отини билдириб қайтди. «Барчиной ва «Очил ака», дея илк бор бир-бирларининг исмларини тилга олишди, олишдию юрак яқинлигини янада яқин келтириб қўйишди.

Икки ошиқ-маъшук бир куни Комсомол кўли хиёбонида қўлтиқлашиб боришарди. Осмондан тушдими, ердан чиқдими — фотограф пайдо бўлдию уларни шиқ этиб суратга олди.

— Вой, нима қиляпсиз?— деди Барчин суратчига, Очилдан ўзини четга олиб.

— Янаги якшанбада саккизта суратингиз — ҳар бирингизга тўрттадан тайёр,— суратчи тиржайиб қвитанция ёза бошлади.— Уч сўм.

Очил чўчиб тушди: «Уч сўм!» Ҳозир чўнтагини қоқиштира ҳаммаси бўлиб уч сўм чиқадими, йўқми?

— Мен ҳозир етиб оламан,— деди Барчинга, қиз нари кетгач, давом этди.— Фоточи ака, суратдан тўртта-сиям бўлади.

— Одатда саккизта ишланади. Меҳнати бир хил. Уч сўм!

Очил индамай чўнтагидаги танга-қоғоз аралаш бор пулини санамай суратчига тутқаздию Барчинга етиб олди.

— Ҳозирча суратларимизни бир-биримизга бермай-миз,— деди Барчин.

— Кейин ҳам.

— Ҳозирча сизда турсин деяпман-да!

— Кейин ҳам... уйимда... уйимизда туради.

Очил шу куни уйига пиёда қайтди. Тўй ташвиши хаёлини чирмаб олди: ёлчиб суратга тушолмаган йигитга ҳозир тўй қилишга йўл бўлсин!

Барчинга кўп совчи келарди-ю, авваллари баҳона бор эди: ўқиш битсин. Мана, энди ўқиш ҳам битди, ша-

ҳар мактабларидан бирига ишга тайинланди. Баҳона қолмади. Янгисини топиш керак, ёки бўлмаса... Ота-онаси кутган вақт етиб келган эди. Қолаверса, ёши ҳам йигирма учдан ошди. Августда тўй мавсуми қизиб кетди. Сурнай навоси энди Барчинга хуш ёқа бошлади, қулоғига чалинганда юраги алланечук жиз этиб кетгандек бўларди. Онаси — Башорат опа сурнай товуши келганида қизига маъноли қараб қўяди. Демак, у ҳам қизининг тўйини тезроқ кўришни истайди.

Барчиннинг ўзига қолса... йўқ демайди, турмушга чиқиш ҳар бир қизнинг бошида бор савдо. Лекин шунча пайтдан бери тўй тўғрисида Очилдан ҳеч садо чиқмайди. Қиз бошига Барчин қандай қилиб бу ҳақда гап очсин, ахир, уят-ку.

Дорихонанинг ёшгина мудиридан келаётган совчиларга Барчиннинг ота-онаси мойиллик билдиришди. «Ёшлар юз кўришсин, бир-бирини ёқтиришса, биз рози», дейишди. Куёв янга келиб, келин янга — Барчиннинг кеннойиси билан танишиб, юз кўришадиган кунни белгилаб кетди. Белгиланган куни Барчин кеннойиси билан оҳорли кийимларини кийиб, уйдан чиқди. Лекин йўлда кеннойисига: «Мен бир соатлардан кейин бораман», деб бошқа томонга қараб йўл олди. Кеннойиси ҳайҳайлаганча қолаверди. Барчин шу кетишда тўппатўғри Очилнинг иш жойига — кафедрага кириб борди. Бахтига Очил шу ерда экан. У қизнинг бундай кириб келишини ҳеч кутмаган эди. Чунки шу куни кечқурун учрашувлари бор эди. Очилни ҳайронликдан қутқариш учун кўчага чиқишлари биланоқ, Барчин бор гапини айтди қўйди.

— Ҳечқиси йўқ,— деб юпатди қизни йнгит.— Сизни мендан ҳеч ким тортиб ололмайди. Бизни ажратолмайдилар.

— Ҳозир Театр майдонига борамиз,— деди Барчин Очилнинг қўлидан ушлаб,— мени кутиб туришибди. Бизни биргаликда кўришсин.

— Қандай бўларкин?
— Қандай бўлишини борганда кўрамиз. Қетдик.
— Утиринг.— Очил Барчинни йўлка ёқасидаги скамейкага таклиф қилди.— Аввал бир ўйлаб олайлик-чи.
— Ўйлайдиган вақтмас. Кутиб туришибди, ахир.
— Бормасак-чи? А, Барчиной, бормасак бўлмасмикин?

— Шундайми?..— Барчин шундай илтижо билан қарадики, бу йигитнинг бир жасоратига минг жасорат қўшди.

— Кетдик.— Очил Барчинни қўлтиқлаб йўл бошлади.

Улар қўлтиқлашиб Театр майдонига келишди. Юракда кечадиган драма ва пантомима бўлди: буларни кўрибоқ куёв янга келин янгага им қоқди. Келин янга лабини тишлади. Юз кўришишни орзиқиб кутаётган куёв тўранинг ранги ўчди. Барчин ва Очил даврага яқинлашгач, салом беришди. Фақат келин янга алик олди. Бошқалар жим. Драманинг финали равшан эди. Янгасига эргашиб келган йигит:

— Кечирасизлар,— деди Очил ва Барчинга бир-бир қараб,— мен ортиқча эканман.

Йигит янгасига хўмрайиб қараб қўйиб, нари кетди, аввал секин одимлади, кейин оёғини қўлига олди.

— Қайним бояқишнинг шохини синдирдинглар,— деди куёв янга келин янгага қараб.— Бу ёғи шунақа экан, нима қилардинглар кап-катта одамларни овора қилиб. Эй, қўйинг-эй!

— Бу ёғи шунақалигини энди билишим, овсин,— деди унга жавобан келин янга.— Қайнсинглим ичидан пишганлигини мен қаёқдан билай, ўргилай овсин.

— Бир уйда туриб, сиз билмасангиз, мен қаёқдан билай?— борган сари тутаяиб борарди куёв янга.

— Э, кеннойи, ҳозир совчи қўйдирадиган замонми?— Очил ҳам гапга аралашди.— У замонлар аллақачон ўтиб кетган.

Куёв янга Очилнинг гапига эътибор бермай, келин янгага учирик қилди:

— Ичдан пишган қайнсинглингиз ўзларига ҳам пишиқ бўлсинлар ишқилиб, охири хайрли бўлсин.

Бу гап аслида Очилнинг юрагига ғашлик, ғулғула солиш учун айтилган эди. Куёв янга нари кетди.

— Ҳой, овсин, хафа булмай кетинг,— деб қолди унинг орқасидан келин янга.

Орага жимлик чўкди. Жимликни келин янга бузди:

— Энди оймларга, акангизга нима дейман?— деди у Барчинга қараб.

Барчин ерга қаради...

— Бўлган воқеани айтасиз-да, кенной,— деди Очил кўзини четга олиб.

— Отингизни нима дейман? Сизни танимасам...

— Барчиной ҳаммасини биладилар.

— Барчин, қани, мен билан тез юринг. Сизсиз, барчбир, гапимга ишонишмайди. Кўрмаса, одам ишонадиган воқеа бўлмади-да, ўзи.

— Баҳона билан танишиб олдик, кенной,— Очил келин янганинг кўнглини кўтармоққа ҳаракат қиларди.— Билганимда мен ҳам кеннойимни бошлаб келардим. Танишардингиз. Зиёфат қилардик сизларни.

— Зиёфат қочмас, оповси. Энди бизларга рухсат берсангиз.

— Бемалол.

— Кенной, мен ҳозир орқангиздан етиб оламан,— Барчин, бизни бирпас ходи қўйинг, демоқчи эди.

— Хайр, оповси, уйингиздагиларга салом айтинг.— Келин янга кета бошлади.

— Хўп, хайр,— деди Очил кеннойининг орқасидан ва Барчинга қаради.

— Бугун кечқурун уйдан чиқолмайман.

— Бўлмаса, эртага.

— Майли.

— Ўша жойда, ўша пайтда,— Очил курант олдида,

соат еттида демоқчи эди. Йигит эслатмаса ҳам қиз буни билар эди. Доимий учрашув жойи ва пайти шундай эди.

— Бўпти.— Барчин тез юриб кеннойиси томон кетди. Очил уларни анча жойгача нигоҳи билан кузатиб турди. Барчин бир-икки орқасига — Очил томонга қараб қўйди. Унинг ҳар боқиши йигит севгисини алангалатди.

Барчиннинг ота-онаси, ака-опалари тушунган, замонавий кишилар эди. Оилада софлик, очиқ кўнгиллик — барча соф туйғулар ҳукмрон эди. Юз кўришувдаги «воқеа» ҳеч кимга эриш туюлмади. Шундай бўлиши керак ҳам эди, деб ҳисоблашди. Кеннойиси совчи қўйдирган йигитдан Очилни кўпроқ мақтади. Бўлмаса, кўринишдан совчи қўйдирган йигит Очилдан кўркемроқ эди. Киройи янганг бўлса, шундай бўлса!

Ҳаммаси кўнгилдагидек бўлди-ю, бироқ шу кундан бошлаб Барчин отаси кўзига кўринмай қўйди. Отаси уй ичида бўлса, Барчин ҳовлидан бери келмайди. Отаси ҳовлида бўлса, у уйдан ташқари чиқмайди. Дуч келиб қолишса, ерга қараб салом беради-ю, тезроқ нари кетишга шошилади. Уша «воқеа»дан кейин ҳали бирор марта ҳам отасининг кўзига қарашга ботинолмас, уяларди.

Уша «воқеа»дан кейин уч-тўрт кун ўтди, бу орада Барчин билан Очил бир неча марта учрашишди. Йигит ҳеч тўйдан оғиз очмас, қиз эса шуни кутар, ўзича гап очишга ҳаёси қўймас эди.

Барчиннинг дадаси — Қўчқор ака кекса педагоглардан. Киши руҳиятини яхши тушунади. Қизи ноқулай аҳволда қолганига ачинади, унга оталик меҳри-ла яхшилик қилишга, ҳижолатпазликдан қутқаришга иштилади. Лекин, начора, Барчин қиз бола. Ўғил бўлганда ку, тезроқ севганига уйлаб қўйган бўларди. Унинг ҳам боши қотиб қолди. Онанинг ҳам. Очилни мақтаган кеннойининг эса жудаям. Очилдан ҳамон совчи келмасди.

Охири Қўчқор аканинг ўзи хотинига сўз қотди:

— Ойиси, қизимиз бояқиш жудаям қийналиб кетди. Ўзимиз бош қўшиб тўйни тезлатмасак бўлмайдиганга ўхшайди.

— Вой, тавба! Ҳеч таомилда йўқ-ку?

— Замонга қараб таомили ҳам ўзгараверади.

— Эл-юрт нима деркин?

— Эл-юрт нима дерди. Чумчуқдан қўрққан тариқ экмайди, дейдилар. Оғзига кучи етмаганлар гапирса гапираверсин.

— Бунақа нозик нарса билан ўйнашиб бўлармиди. Ахир, бу умр савдоси-я!

— Мен ҳам шу умр савдосини ўйлаб иш тутмоқчиман. Барчиннинг ўзи йигитга тўйдан гап очсин. Шунга қараб иш қилайлик.

— Айтолмаса-чи?

— Айтолмаса, ўзим одам қўйдириб, муддаосини биламан. Куз ҳам келди. Ҳадемай совуқ тушиб қолади. Уқдингми?.. Гап тамом.

Ота гапини она қизига оқизмай-томизмай айтди. Қиз йигитга етказди.

— Нима, мени тўйимиз тезроқ бўлишини истамайди, дейсизми?— деди Очил Барчиннинг қўлини ушлаб.— Жудаям истайман. Шунн деб ҳаракат қилиб ётибман. Ирригация институтидан соатбай дарс ҳам олдим. Биласиз, тўй ўзи бўлмайди. Ошна-оғайниларим кўп. Кўпларининг тўйида бўлганман. Куёвнавкарлик ҳам қилганман. Яна маҳаллагарчилик дегандай... Мени айтганларни мен ҳам тўйимизга айтмасам бўлмайди. Сизга айтиб эдим шекилли, ёлғиз ойимлар билан турамиз. Суянчиқ бўладиган, қўллаб-қўлтиқлайдиган мураббийимиз йўқ. Биттагина тоғам бор, у ҳам жўжабирдай жон, ўзидан ортиб, бошқага енг бўлолмайди. Уч йилдан бери участкамиз битмайди. Ҳали оқ сувоқдан ҳам чиқмаган. Бу йилча шу ишларни битирсам, орқа-ўнгимни сал олволиб, келгуси йили кўнгилдагидек тўй қилсак. Дўст-душ-

манлар олдида шохим синиб қолмаса, дейман. Ниятим шу...

Йигитнинг ниятини қиз оқизмай-томизмай келиб онасига айтди. Она отага етказди. Ота «Бўлажак куёвим меҳнаткаш, орийтли, узоқни ўйлайдиган йигит экан», деб хурсанд бўлди.

— Бўлажак куёвимизнинг қўли ҳозирча қисқа экан,— деди Қўчқор ака хотинига.— Тўйни орқага суришига сабаб ҳам шу. Бундан ташвиш тортмаса ҳам бўлади. Мана, мен турибман. Тўйни шу йилдан қолдирмаймиз. Икки томоннинг харажатини ҳам ўзим кўтараман.

— Вой, дадаси, қанақа бўларкин?

— Қанақа бўларди! Яхши бўлади. Ахир, куёв ҳам ўғил-ку. У қийналса мен, сен, қизимиз қийналгани. Гап тамом.

Қўчқор ака бир сўзли, мард оталардан. Айтганини қилади, тутган жойини кесади. У Очилнинг тоғаси — Турдимат аканинг уйига одам юбориб, ўз муддаосини маълум қилди. Турдимат ака кутилмаган бу таклифдан, хотамтойликдан таажжубланди. Борган одамга унчалик рўйхуш бермай: «Ўйлаб кўрармиз, уч-тўрт кундан кейин хабар берармиз», деган мужмал жавоб қилиб жўнатди.

Турдимат акадан бундан бўлак маънилироқ гап чиқмас эди. У ўрик еб туриб: «Ўзи ширин-у, данаги аччиқ эмасмикин», дерди. Луччак шафтолини арчиб туриб: «Шу хуштаъмлигига йирик эмас-да, қоқи қилишга ярамайди», деб отиб юборарди. Ёз кезлари кўкда мабодо булут кўриниб қолса (барчадан илгари булутни у кўра қолади), ёмғир ёғишига кишини ишонтирмоқчи бўларди. Кимнинг иши орқага кетса, оиласида бирор кўнгилсизлик рўй берса, кимки ишдан бўшатилса, биринчи бўлиб у эшитади, буларни гапириб ҳузур қилади. Яхши гапни эшитмайди, эшитса ҳам эшитмаганга олади. Хуллас, у ойда ҳам доғ борлигидан хурсанд.

Турдимат ака келин томон вакилини кузатибоқ, жияни Очилникига йўл олди.

Очил тупроқ суриб лойхонани тўлдирыпти. Онаси — Муниса хола ўчоқ бошида овқатга уннаяпти. Шу бугун сувалган ўчоқда ўт олмаганидан у хуноб. Пуфлайди, самовартаглик билан елпийди, ўтин тагига қуруқ тутан-тириқ қўяди.

Кўча эшикни тарақлатиб Турдимат ҳовлига кириб келди. Очилнинг саломига алик олиш ўрнига жиянини койиған бўлди:

— Эшигининг шалоғи чиқиб кетибди. Тузатиб қўйсанг бўлмайдами? Сени ким айтади ТошМИнинг каттакон домласи деб!

— Тузатиш қўлимдан келмайди.

— Бўлмаса, тузаттир.

— Бу ҳам бўлиб қолар.

— Қачон? Уйланмоқчи эмишсан.

— Қаердан билдингиз, тоға?

— Биз биламиз. Бор, ойингни чақир.

Муниса хола, Турдимат ака, Очил лойхона яқинидаги нураган, устига бўйрадек эски шолча ташланган су-пага ўтиришди. Очил хонтахта келтириб қўйди. Муниса хола дастурхон ёзиб, чой дамлади. Бор нарсасини иниси олдига қўйди, ёлғиз ўғлию шу инисидан бўлак кими ҳам бор бояқишнинг. Бемеҳр, оқибатсиз бўлсаям жигари, қолаверса, ёлғиз маслаҳатгўйи. Онда-сонда бир келади. Келганида кўнглини олиб қолиши керак. Яна келгунича ким бору ким йўқ.

Чой охирлаганда Турдимат асосий гапга кўчди.

— Опа, бизлар беҳабар, жияним уйланмоқчи,— де-ди у Муниса холага қараб.

— Жудаям яхши, иним. Менинг орзум ҳам шу. Ха-бардор бўлмасак энди билақоламиз-да. Бахтли бўлиш-син.

Опаси жиянининг ёнини олгани Турдиматнинг жаҳ-лини чиқарди. Бўғилиб гап бошлади. Келин томон ва-

килининг айтганларини гапирди. Буни эшитиб, Муниса холанинг кайфи чоғланди, тағи-тахтли, ўзига тўқ, ўқимишли одамларга қуда бўлишидан, ёшлар бир-бирини севишидан, айниқса, совчилик қилиб, кўчама-кўча қиз қидиришдан озод бўлганидан қувончини ичига сиғди-ролмасди. Турдимат опасидан буни кутмаган эди. Ўзбошимча ўғлини юмма талаб берса керак, деб ўйловди.

— Тўғри, ҳаммаси жойида,— Турдимат қаерда гап оҳангини қандай олишни яхши биларди. У ўзини жудаям яқин, холис маслаҳат бераётгандек тутиб давом этди.— Лекин калта ўйламайлик. Ахир, бу умр савдоси. Бу билан ҳазиллашиб бўлмайди. Қани айтинг-чи, қиз томон биринчи бўлиб совчи қўйдирганини ҳеч эшитганмисиз? Мен ёшим элликдан ошиб эшитмаганман. Биламан, сиз ҳам эшитмагансиз.

— Илгари қулоғимга чалинмаган бўлса, мана, энди эшитяпман,— бўш келмади Муниса хола.— Ахир, замонлар ўзгариб борапти.

— Тушунмайсиз, опа.

— Сепчалик тушунарман, ниним. Нима, жиянинг арзимаптимми?! Қимсан ТошМИИнинг домласи. Йигит моли ерда, дейдилар. Ҳали бунга аталганининг тахи ҳам бузилмагандир.

— Мен ҳам шуни айтяпман-да, опа. Шошмайлик. Ахир, бир ишкали бўлмаса...

Турдимат атайлаб жим бўлди.

— Хўш, хўш?— Муниса хола сергакланди.— Қани, гапир, ичингда қолиб кетмасин.

— Ўзингиз яхшилаб бир ўйлаб кўринг, опа. Қиз томон совчи қўйдирса. Бу ҳам майли. Тўй қилишни қис-таланг қилса. Икки томон харажатини бўйнига олса. Бунинг устига, иморатингизнинг чаласини битириб беришгача рози бўлса. Қандай бўлмасин, тўйни тезлатса. Нима, кўчага ташлаб қўйган қизи бор эканми? Нима, қизидан шунчалик безиганми? Қизим уйимдан тезроқ даф бўлсин деяптимми? Шуларни ўйласам, юрагим уву-

ниб кетади, опа, бир балоси бор. Балки сизга келин бўл-
ғувси қиз кўча қизлариданмикин, дейман-да.

— Тоға, билмай бировни ҳақорат қилманг.— Очил-
нинг жаҳли чиқди, совиб қолган чойни сепиб ташлаб,
пиёлани хонтахтага тарс этиб қўйди.

— Жаҳлинг чиқмасин, жиян. Миямга келганини
айтдим-қўйдим-да.

— Миянгизга келганини гапираверасизми? У сиз ўй-
лаганлардан эмас. Мен Барчинни яхши биламан.

— Қачондан бери?

— Етти-саккиз ойлар бўлди танишганимизга.

— Ия, шунақами ҳали? «Биламан» дейишингга қа-
раганда, етти-саккиз йиллардан бери танийдиганга ўх-
шайсан.

— Бари бир. Одамни билиш учун умр ҳам етмайди.

— Жудаям аҳамияти бор-да. Эшитишимча, қиз йи-
гирма тўртга қадам қўйибди. Демак, кўзга кўринганига,
вояга етганига етти-саккиз йил бўлган. Қиз бола шай-
тон бўлади, буни билиб қўй, жиян.

Турдимат жим бўлди. У қаерда сукут сақлашни би-
лади. Барчинга совчи қўйдирган йигит янгаси... «Ичдан
пишган қайнсинглингиз ўзларига ҳам пишиқ бўлсинлар,
ишқилиб», деган гапи, Очилнинг эсига дарҳол келди.

— Яна ўзларингиз биласизлар,— деди мулойимлик
билан ўрнидан қўзғалар экан Турдимат.— Қўшнинг
тинч, сен тинч, дейдилар. Сизлар тинч бўлсанглар, ме-
нинг бахтим шу. Хуллас, шошилмайлик. Тўй бўлса қоч-
мас. Синалмаган отнинг сиртидан ўтма, деганлар. Си-
наб, суриштириб кўрайлик.

— Ҳа, синаб, суриштириб кўр, Турдиматжон,— инни-
си гапини маъқуллади Муниса хола.

— Албатта. Маҳалласига ҳам бораман. Қўшнилари-
га ҳам учрашаман.

— Бунинг ҳеч айби йўқ,— иниси гапини яна маъ-
қуллади Муниса хола.

— Вакил бўлиб келган одамга: «Уч-тўрт кун ичида

жавобимизни ўзим бориб айтаман», дегандим. Лекин бундай қилмайман. Арқонни узун тишлаймиз. То биз жавоб бергунча, қиз томон ҳовлиқиб, яна одам юборса, шубҳам тўғри чиқади. Унда шунга қараб иш тутамиз.

— Қиз томон ундай қилмас-ов,— Муниса холанинг юраги увушиб кетди.

— Гагин ким билади дейсиз, опа.

Шунча қисташса ҳам овқатга ўтирмай Турдимат кетди. Унинг иши битган эди: она-бола кўнглига ғулғула солиб кетганди. У кишиларни, ким бўлмасин — таниш-ми-нотанишми, қариндошми-бегонами бари бир, ноқулай аҳволга солиб қўйишдан завқланарди. Бир донишманд айтган экан: дўсти йўқнинг душмани ҳам бўлмайди. Аксинча, душмани йўқнинг дўсти ҳам йўқ. Лекин Турдимат иккала тоифага ҳам кирмайди. «Мен ўлсам, ҳеч ким юракдан йиғламаса керак», деб ўзини таърифлаган экан бир куни. Айтганча, ҳеч ким хурсанд бўлмаса ҳам керак. Шу куни янги ўчоқда дамлланган палов она-бола учун заҳар бўлди.

Эртаси биринчи сентябрь эди. Очил дарсга боришга ҳозирлик кўриб, ўзини овутишга, миясида ғужғон ўйнаётган турли ҳаёлларни қувишга ҳаракат қилди-ю, лекин эплай олмади. Хаёл унинг эркини олиб қўйган эди.

Орадан бир ҳафта ўтди. Очил иш билан бўлиб, Барчин билан учрашолмади. Учрашишга интилмади ҳам. Ҳали миясидаги турли ҳаёллардан бир тўхтамга келмаган эди. Онаизор эрта-кеч хушхабар эшитиш умидида инисини орзиқиб кутарди. Еттинчи куни оқшом Турдимат эшикни тарақлатиб очиб, ҳовлига бақириб кириб келди. Очил ишдан эндигина келиб, супада чой ичиб ўтирарди.

— Мени ҳеч тинч қўясанларми, йўқми!— деди Турдимат супа олдига ўдағайлаб келиб.— Уйланадиган сен-у, балога қолиб тинчимни йўқотган мен. Ўзинг қанақа қизга илакишган эдинг?

— Турдимат, нима гап ўзи, тушунтириброқ айт,

ука,— Муниса хола ўчоқбошидан супа олдиға елдек етиб келди.

— Нима бўларди, опа. «Жиянинг қизимизни олса ҳам олсин, олмаса ҳам олсин», деб эшигимнинг турмини бузишпти. Ўзи бирор ёмон иш қилиб қўйганмисан, дейман-а, жиян?

— Вой, шўрим!— Муниса хола супага ўтириб қолди.

— Оғзингизга қараб гапиринг, тоға!— Очил ўрнидан туриб кетди.— Тухмат қилманг.

— Нега бўлмаса ҳар куни уйимга одам юборади?

— Ҳар куни?.. Вой, тавба!— Муниса хола таажжубдан ёқа ушлади.

— Шу бир ҳафта ичида тўрт марта келишди-я. Қўни-қўшним олдида уятга қолдим.

— Ростданми?— Энди Очил ҳам таажжублана бошлади.

— Беш боламнинг ҳурмати, рост, жиян, мени бу балодан тезроқ ўзинг қутқар. Бўлмаса, сенинг касрингга маҳалладан бош олиб чиқиб кетишимга тўғри келади.

— Турдиматжон, иним, маҳалласига бориб суриштириб кўрдингми?— Муниса хола ҳамон инисидан бирор яхши гап чиқишини умид қиларди.

— Ҳа, бордим. Суриштирдим.

— Қўшнилари нима дейишди?

— Сизга айтиб бўладиган гаплар эмас.— Турдиматчиндан ҳам Барчинларнинг маҳалласига бориб, суриштирганди. Ундан илгарироқ Барчинга совчи қўйдирган йигитнинг янгаси ҳам бориб, аламиндан, қасдма-қасдликка қизни ёмонотлиққа чиқариб, бичиб-тўқиб қайтган эди. Турдимат шуларни эшитган эди.— Афтидан, улар жиянимнинг бўш-баёвлигидан, отасиз етимлигидан, қўли ҳозирча қисқалигидан фойдаланиб, қизларининг номини аритиб олмоқчига ўхшайди. Эшитишимча, қиз кўча қизларидан эмиш. Қаранг, шубҳам тўғри чиқди, опа.

— Юриб-юриб тозисига учрай дебман-а, минг қатла

шукур,— Муниса хола енгил нафас олди, иниси кўзига иссиқ кўриниб кетди шу топда.

— Коса тагида нимкоса, деб шунга айтадилар-да,— деди Турдимат мағрурланиб.

— Тоға, бизлар тенг эмасга ўхшаймиз, Тўй қолади,— деди Очил бўшашиб...

Турдимат жиянидан худди шу гапни кутарди.

— Баракалла, ҳақиқий жиянимсан,— деди у Очилнинг елкасига қоқиб.

Очилнинг гапи Барчинлар қулоғига етиб борди. Қўчқор аканинг тепа сочи тикка бўлди. «Яхшиликка ёмонлик», деб қўйди ичида. Она бояқиш ҳам пишиб етилмаган ишни тезроқ пиширишга ҳовлиққан эрини ўзича ичида койинди, қизига эса жони ачиди. Ака бундан буён синглисининг ҳар бир қадамини кузатиб юришга аҳд қилиб қўйди. Келин янга эса Очилни ортиқча мақтаб юборганидан пушаймон.

Қийин бўлганда Барчиннинг ўзига қийин бўлди. Очилдан шу гапни ҳеч кутмаган эди. Етти ухлаб тушига кирмайдиган гап. Буни эшитиб, унинг кўзларидан маржон-маржон ёш оқди. Бу кўз ёшлар ногаҳоний ёз ёмғиридек иллиққина эди. Аламдан, изтиробдан ўт бўлиб ёнаётган юрак ҳароратини ўчиришга чоғланган, лекин ўчиролмай, ташқарига тошиб чиқаётган ачиқ кўз ёшлари эди. Ҳар томчисига кимнингдир нодонлигию хатоси сабаб. Бирига ном чиқарарга тўй қилиб, бошқаларни қийнаб қўяётганлар сабабдир. Бирига ўзига ёқмаса, янги ва яхши одатларни ёмонга чиқарадиганлар сабабдир. Яна бирига хато қилиб, изза бўлгани учун ўч олишни қасд қиладиганлар сабабдир. Яна бошқа бирига ўйламай гапириб қўядиганлар сабабдир. Бу кўз ёшларда инсон тақдири ҳал бўлаётганда тарозининг бахтсизлик палласига тош қўядиган Турдиматга ўхшаш тоғаларнинг ҳиссаси оз эмасдир. Балки асосий айб шулардами-кан?..

ҲАЁ

Офтоббиви барвақт уйғонди. Ҳар кунги одатича ўғли ухлайдиган жойга қўл узатувди, қўли ўрингамас, гиламга тегди. Чўчиб тушди. Аммо зумда ўзини ўнглаб олди. «Эсим қурсин, энди Темуримнинг кўрпасини тўғрилаб қўйгувчиси бор-ку», дея ўрнидан туриб чироқ ёқди. Пешонабоғини қайта танғиб, ҳовлига чиқди. Чиқа солиб, ерга қаради: бахтига ёмғир ёғмабди. Осмонга боқди: ҳавонинг авзойи жойида, оймома кўринмайди-ю, аммо юлдузлар чарақлаб турибди. Онанинг кўнгли таскин топди. «Бугунча ёғмай турса, омонатларни уринтирмай топшириб олардик», деб кўнглидан ўтказди. Девордаги кнопокани босган эди, дарахт шохларига илиб қўйилган лампочкалар ярқ этиб кетди. Ҳаммаёқ кўзга яққол ташланади: ҳовлининг икки томонига қарама-қарши қўйилган тахта сўрилар, стол-стуллар. Бир бурчакда ерўчоқ. Ёнида устига бўйра ташлаб қўйилган дошқозон. Сал нарироқда иккита катта самовар. Дарахтларга тортиб қўйилган чизимчаларда оқ сурп дастурхонлар. Тахта сўри устида тахланган патнислар, қопқоғи билан бандига оқ ип ўтказилган чойнаклар, даста-даста пиёла ва косалар. Офтоббиви «омонатлар» деганда шуларни назарда тутган эди. У бундан икки кун бурун шуларни тўплаш ғамини еганди, энди уларни эгаларига — қўни-қўшниларга тарқатиш ташвишида. Ҳаво юзини очиқ кўриб қувонганининг боиси ҳам шунда. Кеча узоқ-яқиндан келган меҳмонларни узатиб қўйган, келини Назира билан кун бўйи «омонатларни» юиб-тараганди...

Офтоббиви ўғли билан келини ётган хона ёнидан лип этиб ўтиб, ариқ лабига борди. Ювинди. Орқасига қайтаётиб ҳам: «Жуда барвақт турибман шекилли. Ёшлар тўйиб ухлаб олсин», деган андишада оёқ учида юрди. Хонасига кириб артинаётганида жунжикиб кетди: «Бугун хийла совуққа ўхшайди». Қозиқдан оқ дока рўмолини олиб елкасига ташлади. Ўрни устига ўтиб, кўрпани тортди. Орзулар қанотига қўниб, хаёл сурди.

Офтоббиви ҳар кунни саҳарлаб уйғониб, шу ҳолатда ўй ўйларди. Аммо авваллари қаршисида ўғли ухлаб ётган бўларди, келин кўриш хаёлини сурарди. Энди эса бу орзуси рўёбга чиққан: келини бор. Ҳозир у ўғли ётиб келган жойда неварасини кўришни орзу қиларди. «Неварам ҳам отасига ўхшаб, уйқусида устини очиб ташлайдиган бўлса, ўзим кўрпани тўғрилаб қўяман. Ишқилиб, ўша кунга ҳам етай», дерди ўзига-ўзи.

Шу дамда Назира билан Темур қўшни хонада биринчи бор бир ёстиққа бош қўйиб ухлашарди. Назиранинг латиф чехрасига деразадан ёруғлик тушиб турарди. У гўё ўз бахтидан мамнун, уйқу аралаш табассум қилаётгандек эди. Унинг икки ўрим қуюқ сочлари симкароватдан ерга осилиб ётарди...

Бир пайт Офтоббивининг хаёл ипи чирт узилди — ўтирган жойида қаттиқ мункиб кетди...

Назира каравотдан ерга, гилам устига қулаб тушди. Темурнинг боши деворга урилди.

Итлар вовиллар, паррандалар чирқиллар, одамларнинг уйқули овозлари эшитиларди — ер қимирларди.

Офтоббиви зилзила бўлганини дарров сезди — ўрин устига шипдан палахса-палахса сувоқлар кўчиб тушганди. У қўшни хонага кириладиган эшик томонга отилди:

— Ҳой, туринглар! Ер қимирлаяпти!

Офтоббиви эшик дастасини зарб билан тортди — эшик очилмади. Шунда кунни кеча шу эшикни қулфлаётиб: «Ҳовли томондан даромад бор-ку, тўй-пўй бўлганда

очилар», дегани ҳамда калитни ҳеч ким кўрмайдиган жойга яшириб қўйгани дилидан ўтди. Яланг оёқ ҳовлига отилди.

Назира билан Темур Офтоббибининг овозини эшитганларидан кейингина ер қимирлаётганини билишди. Темур Назирани ҳовлига қочишга ундаса, у ҳадеб: «Кийинай, кўйлагим қаерда эди?» дерди. Охири бўлмади, елкасига шипдан кўчиб тушган сувоқ Назирани ҳам қувди. Эр-хотин қочишди. Зина устида уйга кириб келаятган Офтоббибига урилиб кетишларига оз қолди, уч-човлари ҳовли ўртасига — дарахт тагига бориб туришди.

Теварак-атрофдан қўшнилари узуқ-юлуқ овозлари қулоққа чалинади; итлар вовиллар, паррандалар чирқилларди — зилзила ерни кўтариб ташларди; иморатлар ларзага келиб тебранади.

— Қудаларим тинчмикан?— деди Офтоббиви келинига қараб.— Ёшим етмишдан ошиб, бунақасини кўрмагандим. Ишқилиб, тинч бўлишсин.

Назира қайнонаси қаршисида ички кийимда турганидан уялди. Қони қочган чеҳрасига қизил югурди. Икки қўли билан кўкрагини яширди. Эрининг орқасига ўтди. Офтоббиви келинининг ийманаётганини сезиб, кўзини четга олди.

Бир пайт тепаларидаги дарахт шохлари қаттиқ силкинди. Офтоббиви ялт этиб ўғли билан келинига қаради. Назира чизимчадаги ҳўл дастурхонлардан бирига ўралиб олибди. Меҳри товланиб кетган Офтоббиви келини томонга яқин бориб, бошидан дока рўмолини олди. Рўмолини узата туриб:

— Дастурхон ҳўл. Шамоллаб қолманг тагин. Бунга ўралиб олинг, болам!— деди.

Зилзила ҳали тўхтамаганди...

ОЙНА СИНДИ

Қўшнилари бир кўча бўлиб тўйга боришди. Эшик олдида бир тўп одам уларни тавозе билан кутиб олди. Тўй эгасини танимай тўйига кириш жудаям ғалати бўлар экан. Тонготар кўзини ердан узмай, ҳеч кимга тик қараёлмай қўшнилари даврасида остона ҳатлаб ичкари кирди.

Қирқ ёшлардаги салобатли бир йигит кўтаринки руҳда нутқ сўзларди. Кўриниши ҳам, овози ҳам Тонготарга таниш туюлди. Ҳа, таниди. Телестудия режиссёрларидан. Бир-икки телевизорда кўрган. Телесуҳбатни бошқариб борган эди. Лекин экрандагидан тўйда ўзини эркин тутар экан. Нутқни ҳам қийиб ташлади. Келин-куёв бир ёқда қолиб, уларнинг ота-оналарини, яқин қариндошларини кўпроқ мақтади. Куёвнинг отасини «Қори акамлар», деб тилга олди. Бу иборани эшитибок Турғун Тонготарнинг қулоғига шивирлади:

— Тўй эгасининг оти мана энди эсимга келди: Со-бир қори!

— Қорилик қиладими?— сўради Тонготар аста.

— Кейин айтиб бераман. Ҳозир нутқни эшитиб қолайлик.

Нотиқ сўзининг охирида тўйга келган санъатчиларни, ҳурматли меҳмонларни алоҳида тилга олди.

Бир маҳал нотиқ ҳамон йўлакда турган Тонготарларни кўриб қолди. Микрофон смини елкасига ташлаганича уларнинг олдига келди, булардан бир неча кишини тўй аҳлига таништирди (Тонготарни ҳам орқаво-

ратдан танир экан), ўтиришга таклиф этди ва тўйни очиқ деб эълон қилди. Қарсак янгради. Шампан пўкаклари отилди.

Бир пиёладан чой ичилгандан кейингина Тонготардаги ноқулайлик йўқолди. Атрофга разм сола бошлади. Улар ўтирган жойларидан теварак баралла кўринарди. Афтидан, бу жой хос меҳмонларга аталган ўринлардан: келин-куёв столига яқин ва дастурхон усти нозу неъматларга тўла. Таъриф қилганларича бор экан, ярим танобча келадиган ҳовли анвойи гулзор. Столлар гулзораро йўлкаларга қўйилган. Дарахтларда, махсус ишланган дорларда қафаслар осиглиқ. Уларда канарейка, тўти, майна, бедана, каклик ва Тонготар номини билмайдиган турли-туман қушлар сайрашади, чуғурлашади. Тўрт томон олди айвонли иморат. Айвон деворлари, шиплари, устунларига турли-туман ҳайвонлар, ўсимликлар, паррандаю даррандаларнинг сурати солиб ташланган. Хуллас, бўёқ тегмаган жой йўқ. Илк бор бу ҳовлига кирган киши ўзини бошқа бир оламда ҳис қилиши турган гап. Тўй баҳона бундай манзарани кўрганидан Тонготар мамнун бўлди.

Бир жуфт ашуладан кейин бир табрик нутқи, ундан кейин бир жуфт лапарни билан ўйин, сўнгра яна табрик нутқи... Шу тарзда тўй давом этиб турибди. Тонготар эса гулларга, қушларга ва меҳмонларга назар ташлаб ўтирибди. Тўйбоши — режиссёр йигит у ёқ-бу ёққа ўтганида уларга мулозамат қилиб қўяди.

— Олишиб ўтиринглар! Бемалол — запаси кўп! Собир қоракамла ўғил бола оталардан...

Нима учун тўй эгасини «қори» дейишади — шу нарса Тонготарни ҳамон қизиқтирарди. Охири бўлмади, Турғундан аста сўради:

— Чиндан ҳам тўй эгаси қорими?

Турғун хандон отиб кулди:

— Э, қўшни, соддасиз, жудаям содда одамсиз. Тўй эгаси ҳечам қоримас. Уни ҳурматлаб «Қори» дейишади.

— Нега?

— Эсимни танибманки, дўкондор. Бирор марта синмаган, яъни камомад қилмаган эмиш.

— Шунақа денг! Катта магазинда директор бўлсалар керак?

— Бе, катта магазинда ишлаб эсини ебдими? Ахир, катта магазинда қатор-қатор кассалар бўлади. Қори ака колхоз бозоридаги дўкончада ёлғиз ўзи туради. Тимнинг биқинидаги, супургидан тортиб қовун қоқигача топиладиган дўконча бору ана ўшанда ишлайди Қори ака.

— Ҳали, эшик олдида кўрганимиз бурнининг такки-насида пашшадек мўйлови бор кишими?

— Баракалла, танир экансиз. Тўй эгаси худди ўша киши.

— Ундан бир-икки марта супурги олганман.

Турғун кетма-кет ичгани таъсир қилди шекилли, тўй эгасини ўзича мақташга тушди.

— Собир қори акам яхши одамлар. Ҳамманинг ҳожатини чиқазадилар. Супурги сотиб, гигиенага хизмат қиладилар. Маккаи сано керак бўлиб қолсаям бораверинг олдиларига. Топиб берадилар. Қовун қоқиям бўлади...

Энди яхлит тўй бўлакчаларга бўлинган эди. Ҳар давра ўзича суҳбатлашар, кимдир ёнидагиларга ўз гапини маъқуллар, кўпчилик ашулаю рақсга, табрик сўзларга парво қилмасди. Шунинг сизди чоғи, тўйбоши овозини бир парда кўтариб хитоб қилди:

— Диққат! Диққат! Ҳозир синглимиз Камалак ўз талабларига биноан «Тановар» ўйинига тушмоқчилар. Марҳамат, Камалакхон!

Ҳамма жим қолди. Куёв-келин қаршисида ўтирган ёшгина, кўҳликкина жувон ўртага чиқди. Машшоқлар «Тановар»ни бошлашди. Шу пайт сал учиб қолган ўспиринлардан бири тўйбошига гап отди:

— Опамиз келин томонми, куёв томонми?

Бир чекаси, бу савол ўринли эди. Чунки тўйбоши

ҳар сафар «келин томондан фалончи», «Куёв томондан писмадончи» деб таъкидлаб ўтаётган эди. Лекин бу саволга жавоб бериш ўрнига:

— Диққат билан томоша қилганлар муродига етсин!— деб қўяқолди.

«Тановар»нинг мунис таронаси таралди. Камалак шундай юракдан берилиб ўйнадики, бўлакчаларга бўлиниб кетган базм яна яхлит бир тўйга айланди. Ҳамма бир жон бир тан бўлиб кўрди. Эшик олдида турганлар ҳам ҳовлига киришди. Куёв Қўйсун ҳам раққосадан кўз узмасди, шу пайтгача у на ашула, на табрик, на рақсга эътибор берган эди. Қўйсундаги бундай ўзгаришни кўриб, Тонготар кўнглидан бир фикр ўтди-ю, лекин унга иқрор бўлишга ҳатто ўзидан ҳам чўчиди.

«Тановар» тугади. Камалак жойига бориб ўтирганда ҳам қарсак, олқиш-хитоблар тинмаган эди. Тонготарнинг назарида Камалакнинг кўзларида ўкинчми, аламми, армонми, рашкми, умидми, нафратми ёки буларнинг ҳаммаси аралаш туйғуми, борга ўхшаб кўринди.

Тўй ўтди. Овозаси узоқларга кетди. Лекин Камалакнинг маъноларга тўла кўзлари Тонготарнинг ёдида қолди. Собир аканинг ўзини, ўғли ёки келинини кўча-кўйда кўрганида Камалак эсига тушади. Лекин Тонготар ёш келин-куёвни — Чечак билан Қўйсунни биргаликда ҳеч учратмади. Бундан таажжубланарди.

Орадан уч ой ўтди. Бир куни — якшанба оқшомида Тонготарни маҳалла идорасига чақириб қолишди. Чиқди. Маҳалла раиси кабинетиди йигирма чоғли одам ўтирарди. Ҳамма азага келгандек хомуш ва жим.

— Келинг,— деди Тонготарга маҳалла раиси Меливой ўрнидан сал жилиб.

Тонготар ўтирганларга бир кўз югуртирди: маҳалла фаоллари ҳамда Собир ака, унинг ўғли, келини... Тонготарга нотаниш яна бир неча киши. Қизиқ, булар маҳалла фаоллари орасида нима қилиб ўтиришибди?

— Марҳамат, бу ёққа ўтиринг,— деди Меливой.

— Тинчликми?— сўради Тонготар жойидан жилмай.

— Зарур гап бор,— деди Меливой жиддийлашиб.— Ҳозир бир оиланинг ҳаёт-мамот масаласи ҳал бўлади. Сизни гувоҳликка чақирдик. Қани, ўтиринг.

— Уэр. Ҳамкасбларим келишмоқчи эди.

— Меңиям вақтим жуда зиқ. Ҳали тўйга борадиган одамман.

— Ҳамкасбларим...

— Худбин бўлманг, ука,— жеркиб ташлади Тонготарни Меливой.— Сизни ким айтади ўқимишли йигит деб. Ёшлар тақдирига бефарқ қараш яхшимас. Қани, ўтинг бу ёққа.

Тонготар ноилож кўрсатилган жойга ўтирди.

— Бунақа можароли мажлисни бошқаришни жиним ёқтирмайди,— деб сўз бошлади Меливой.— Тўй бўлса-ю, қўйди-чиқди бўлмаса. Кулсаг-у, йиғламасак. Лекин юртчилик. Баъзан мана шунақа мажлисларниям бошқаришга тўғри келади. Қани, ким биринчи бўлиб гапиради?

Меливой ҳаммага кўз югуртира бошлади. У кимга қараса, Тонготар ҳам ўша кишининг ҳолатини кузатиб турди.

— Қани, гапиринглар!— деди Меливой ҳеч ким чурқ этмагач, дўқ ургандек қилиб.— Вақт кетяпти.

— Бўлмаса, мен гапира қолай,— деди юзини ажин босган эллик ёшлардаги аёл. Тонготар уни маҳаллада кўп учратарди.— Гапим қисқа: гулдай келинимни ҳеч қаёққа юбормайман.

Бу гапни эшитиб, Собир ака бақириб юборди:

— Эсингни едингми, хотин! Ахир, ўғлимиз келинга кўнгилсиз-ку!

Демак, бу аёл Собир аканинг хотини. У эрига бўш келмади:

— Ҳозир кўнгилсиз бўлса бора-бора кўнгил қўяр. Билсангиз, мен ҳам аввал бошда сизга кўнгилсиз бўлган эдим.

Собир қори ака ясама кулди:

— У даврлар аллақачон ўтиб кетган. Ҳозир замон бошқача.

— Тўғри, ҳозирги кунда ёшларга, «севмасанг ҳам бирга туравер», дейишга ҳаққимиз йўқ,— деди қатъий қилиб Меливой.— Буни ҳозир замон кўтармайди, қонун ҳам йўл бермайди бунга. Буни яхшилаб билиб қўйинг, Робияхон.

— Билишни истамайман,— деди Робия ажинлари чуқурлашиб.— Мен келинимни дейман. Уч ойдан бери оғиримни енгил қилди, бир оғиз ёмон гап эшитмадим. Уни ҳеч қаёққа юбормайман.

Меливой келинга — Чечакка дабдурустан савол берди:

— Хўш, сиз нима дейсиз?

Чечак аввалига ўзини йўқотиб қўйди. Кейин:

— Мен ҳеч қаёққа кетмайман,— деди бир оз сукутдан сўнг ерга қараб.— Ойимлар билан туравераман.

— Қизим, эсингни едингми?— деди Чечакнинг дадаси — ёши олтмишлардан ошган нуроний киши — Бойзоқ ота. Унинг гап оҳангида койишдан кўра таажжубланиш кучлироқ эди.— Итни ҳам «кет» деса кетади. Сен бўлсанг...— Бойзоқ ота маҳалла фаолларига қаради.— Иниларим, кўчага ташлаб қўйган қизим йўқ. Ҳозироқ ўзим билан олиб кетаман. Фақат ажрим қилиб, ўз бисотларини машинага ортиб берсанглар бўлгани.

— Айни муддао, қуда,— деди севиниб Собир ака.— Машина ҳам айтиб қўйганман.

— Мен ҳеч қаёққа кетмайман,— деди Чечак кўзига ёш олиб.

Тонготар хаёлидан шу пайт: «Қизларда кўз очиб кўрганига, илк бор келин бўлиб тушган уйига ўзгача меҳр бўлади», деб эшитгани лип этиб ўтди.

— Қетасан!— Бойзоқ ота қизини жеркиб берди.

— Қайси юзим билан қайтиб бораман уйга, адажон?— Чечак кўз ёшларини кафти билан юзидан сиди-

риб ташлади.— Одамлар нима дейишади? Ахир, айбим нима ўзи?

Робия ўғлига гап қотди:

— Айт, келинимнинг айби нима? Айби бўлса, кўпчилик олдида бўйнига қўйиб бер. Исбот қил.

— Ойи, сизга неча марта айтдим-ку, характеримиз тўғри келмади, деб,— деди Қўйсун машина калитини ўйнаб.

— Характер-парактер деганингга ўлай агар, тушунмайман. Тушунтириброқ айт.

Меливой изоҳ берди:

— Характер — феъл-атвор дегани.

— Бирга тураверишса, феъл-атворлари ҳам мослашиб кетади. Мана, ўзимдан қиёс.

— Ўзингизни у ёққа қўйиб туринг, ойи! Мен бирга туришни истамайман.

— Нега, ўғлим?

— Хоҳламайман, ёқтирмайман.

— Нимасини ёқтирмайсиз?— деди маҳалла хотин-қизлари кенгашининг раиси, кофта-юбка кийган қирқ ёшлардаги аёл, у боядан бери жим ўтирар эди.— Уялмай айтаверинг, ука.

— Қўпол,— деди Қўйсун кўзини четга олиб.

— Нозикларни ёқтирасизми?

Қўйсун жим. Бошқалар ҳам.

— Саволимга жавоб беринг. Нозикларни ёқтирасизми, деяпман?

— Ҳа,— деди Қўйсун эшитилар-эшитилмас қилиб.

— Тўйдан илгари ҳам кўришганмисизлар?

— Ҳа, кўришган,— деди ўғли ўрнига жавоб бериб Робия.— Тўйдан илгари совға ҳам олиб берган.— Робия ўғлини койий кетди.— Ҳой баттол, тўйдан илгари кўзинг қаёқда эди? Ахир, ўзинг Чечакни кўриб, тўйга розилик берган эдинг-ку?

— Менга қолса, унга уйланмасдим.

— Сени ким мажбур қилди?

— Дадамлар...

Ҳамма ялт этиб Собир акага қаради. У бўлса ўзини қўйишга жой тополмай типирчилаб қолди.

— Ё тавба!!— деди у ўзини тутишга зўр бериб ҳаракат қилиб.— Эшитдингизми, биродарлар? Пуштикамаримдан бўлган фарзандим айбини гарданимга ағдармоқчи-я?! Ҳозирги ёшларга тушуниб бўлмай қолди. Қани, қайси ота ўз фарзанди бахтини ўйламайди?!

— Сиз фақат ўзингизни ўйлайсиз, дада.

— Ёлғон гапирма!!— Собир ака кулдонни ўғлига ўқталди.

— Собир қори ака, сиз каттасиз, бир гапдан қолинг,— деб Меливой кулдонни унинг қўлидан олиб, столга қўйди. У ота-бола ўртасида гап қочганидан чўчиб кетган эди.— Ишни, яъни ажримни тезроқ, силлиққина битирайлик. Қўйсун, отага қаттиқ гапириш яхшimas.

— Ҳаммасини ўзингиз бошлаб қўйиб, яна насиҳат қиласиз-а,— Қўйсун Меливойга нафрат билан қаради.

Бу гапдан ҳамма таажжубланди. Меливой босиқ бўлишга ҳаракат қилиб, Қўйсуннинг гапини эшитмагандек сўз қотди:

— Боласи тушмагур, ҳали менга ҳам лой чапламоқчи шекилли. Ҳа, майли, ёш-да ҳали.

— Чинданам ёш эканман. Ёшлиқ қилмаганимда, сиз билан даданинг сўзига кириб, шу кунга учрамасдим.

— Ҳой, бола, ўйлаб гапир,— таҳдид билан сўз қотди Меливой.— Бетгачопар бўлсанг, маҳалладан ҳайдаб юбораман.

— Менимас, сизни ҳайдаб юбориш керак!

Меливой хандон отди. Кейин Қўйсунга сўз қотди:

— Нега?

— Айтайми?

— Айтсанг, ўзингга жабр бўлади. Қамалиб кетишинг ҳам мумкин.

— Айтадиган гапнинг ўзи ҳам йўқ,— деди юзидан қони қочиб Собир ака.

— Яна ёлғон гапирасиз-а, дада?

— Гапиринг, ўғлим,— сўзга аралашди Бойзоқ ота.— Мен сизга ёмонликни ҳеч раво кўрмайман. Давом ҳам йўқ. Қизимни ҳам олиб кетаман.

— Хўп..

Меливой Қўйсуннинг гапини шарт бўлди:

— Буёғи энди эзмачиликка ўтди. Билганингизни қилаверинглар. Мен кетдим.

Меливой кета бошлаган эди, Бойзоқ ота ўрнидан туриб унинг йўлини тўсди:

— Қани, шу ердан чиқиб кўр-чи! Ҳассам сингунча савалайман.

— Сизга нима бўлди, отахон? Ҳассангиз ҳали ўзингизга керак бўлади.

— Билсанг, сен туфайли ҳассамни йўқотдим. Кўр эканман. Сенинг сўзингга учиб, суриштирмай-нетмай синамаган жойга қиз берган эдим. Йўқолган ҳасса син-са синибди-да.

— Оғирроқ бўлинг, отахон!

Меливой кетмоқчи бўлди, Бойзоқ ота унга ҳассасини ўқталди:

— Ўтир деяпман сенга! Чапақай жаҳлим бир чиқмасин. Қани, ўтир!

Меливой мажбуран жойига келиб ўтирди. Бойзоқ ота жойига ўтираётиб, Қўйсунга сўз қотди:

— Ёлғон қўшмай гапиринг, ўғлим.

Қўйсун бир нуқтага тикилганча, ўз-ўзига гапираётгандек сўзлай бошлади...

Қўйсун онлада ёлғиз фарзанд. Собир ака билан Робия холанинг аввалги болалари турмаган. Шунинг ҳам Қўйсунга шунақа от қўйишган. Қўйсундан кейин фарзанд кўришмади. Робия хола бутун оналик меҳрини фақат шунга бағишлади. Собир ака шу ўғлини деб уйига ташмалади, мол-мулк йиғди, ошна-оғайни орттирди. Мендан кейин ўғлимга душманлик қилиб юрмасин деб, биров уни ноўрин сўкса ҳам индамасди. Робия хола эса

шу ўғлини деб эрининг барча қилмишларини кечириб келарди. Қўшнилар билан сиз оғзи сенга бормаган. Қишин-ёзин икки юз қафасдаги қушга қараш билан банд. Бир жойга бориб узоқроқ ўтириб қололмайди: қушларга қараши керак. Қуш жонивор нозик нарса, вақтида дон, сувидан хабар олиб турмасанг бўлмайди, унга фарзандга қилингандек парвариш лозим.

Эр-хотиннинг орзу-ҳаваслари фақат Қўйсун орқали ушалиши мумкин эди. Улар аслида шу орзу-ҳавасни кўрайлик деб яшаб келдилар. Қўйсуннинг бўйи чўзилган сайин Собир ака ўзига меросхўр улғаётганидан севинса, Робия хола келин тушириш, неvara кўриш айёми яқинлашаётганидан қувонар эди. Қўйсун ўнинчини битирган кундан бошлаб, оилада уни уйлантириш тўғрисида гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона тараддуд қилиб кетди. (Робия хола бўлажак келинига атаб йиғиб келаётган бир неча сидирға бош-оёқ кийим бу ҳисобга кирмайди, албатта.) Энди гап кимни келин қилиш хусусида борар-

Собир ака ўз ҳамкасбларининг қизларини тилга ол-
Робия хола тўй-ҳашамларда, кўча-кўйда кўриб қол-
дуркун қизларни ўғлига мўлжаллайверарди. Содда
из бола дуркун бўлса, тани-жони соғ бўлади,
кўриши, тарбиялаши осон кўчади, деб ўй-
ларди.

Қўйсун ота-онасидан кўра кўпроқ тоғаларининг таъсирида ўсиб, вояга етди. У қушлар жонига тегибми ёки тоғаларининг меҳриғиёси бормиди, ишқилиб, бўш вақтини тоғаларникида ўтказарди. Улар ўқимишли, оқ билан қорани яхши фарқловчи, одил маслаҳат бера олувчи кишилар эдилар.

Қўйсун тоғаларининг таъсирида ўқишга ихлос қўйди. Бўлмаса, ота-онасининг шунчалик эрка қилишлари туфайли тантиқ ва инжиқ бола бўлиб ўсиши, балки дангаса бўлиб қолиши ҳам ҳеч гап эмасди. Қўйсуннинг тоғаларига берилишини Собир ака ҳам, Робия хола ҳам зимдан олқишлашарди, шундай бўлиши фойдали экан-

лигини пайқашарди. Шу сабабдан Қўйсун «тоғаларим-никига бораман», деса ҳеч қарши туришмасди.

Қўйсун мактабда яхши ўқиди. Институтда ҳам. Бари бир оила муҳитининг таъсири маълум даража бўлар экан, Қўйсун ҳам ота касбини тутди. Лекин сал бошқачароқ. У Политехника институти кимё факультетининг озиқ-овқат савдосини ташкил этиш бўлимига ўқишга кирди. Тез орада билимларни яхши ўзлаштириши, ташкилотчилиги (у факультет касаба союз комитетининг аъзоси эди) билан кўзга ташланиб қолди. Иккинчи курсни битиргач, уни қабул имтиҳонларида навбатчилик қилувчи студентлар сафига қўшиб қўйишди. Қўйсун Камалак билан ҳам худди ўша навбатчилик қилиб юрганида танишди. Камалак ҳам шу бўлимга ўқишга кириш учун имтиҳон топширарди.

Сўнгги — математикадан оғзаки имтиҳон топшириш кунини эди. Аудитория эшиги олдида Қўйсун навбатчилик қиларди. Ичкари кириш навбати Камалакка етган. Шу сабабли у Қўйсунга яқин турар, ҳаяжондан узун ва қуюқ киприкларини тез-тез пирпирар, ранги бир оз ўчинқираган эди. Унинг ўқишга кириш-кирмаслигини шу имтиҳондан қандай баҳо олиши ҳал қиларди. Шунинг учун ҳам Камалак ҳадеб ўқиганларини пичирлаб ўзича такрорларди. Бир нима эсидан чиқди шекилли, кутилмаганда Қўйсундан сўраб қолди:

— Пифагор теоремаси қандай эди?

— Тўғри бурчакли учбурчакда гипотенузанинг квадрати катетлар квадратининг йиғиндисига тенг.

— Раҳмат,— деди Камалак ўз саволидан ўзи уялиб кетиб.— Чўчиб турганда киши шундай оддий теоремани ҳам эсидан чиқариб қўяр экан.

— Нега чўчийсиз,— Қўйсун Камалакка сиполик билан далда берди,— ҳеч чўчиманг. Чўчимасангиз «беш» оласиз.

Камалакнинг чеҳраси ёришиб кетди:

— Раҳмат!

— Исмингиз нима?

— Камалак,— деди қиз гўё имтиҳон олувчи саволига жавоб бераётгандек шошиб.

— Меники Қўйсун.

— Қўйсун? Нима, ойингизнинг бошқа болалари йўқми?— Камалакнинг хаёли имтиҳон ташвишидан бўлинган эди.

— Ха, ёлғиз ўғилман. Буни қаердан биласиз?

— Холамларнинг ёлғиз ўғиллари бор. Исми Қўйсун. Суҳбат бўлинди, ичкаридан бир абитуриент қувониб чиқди. Камалак уни саволга тутди:

— Домлаларнинг авзойи қалай?

— Аъло!— Абитуриент йўлак бўйлаб югуриб кетди.

— Киригиз,— Қўйсун Камалакни аудиторияга таклиф қилди.— Муваффақият тилайман.

— Чиққунимча кетмай туригиз,— деди Камалак ёлборгансимон, аудиторияга кираётиб. Чамаси, унда яхши баҳо олса қувончини, бўлмаса ташвишини ким биландир ўртоқлашиш истаги бор эди.

— Хўп,— деди Қўйсун Камалакнинг чақнаб турган кўзига боқиб.

...Камалак ичкаридан қувониб чиқди. «Беш» олибди. Қўйсун билан шу қувончни ўртоқлашишдан, яъни «Дўстлик» кафесида мороженое ейишдан улар ўртасида самимий муносабат бошланиб кетди. Қўйсун Камалакни севиб қолди. Улар ўқиш бошлангунча ҳам, ундан кейин ҳам кунда, кунора учрашиб туришди. Тез орада пахта терими бошланди. Студентлар ҳашарга йўл олишди. Лекин Камалак пахта теримига бормади. Қўйсун унга: «Пахтага борамиз-а?» деганида ҳам «қайдам» деб мужмал жавоб қилган эди. Қўйсун ҳашар давомида бу «қайдам»нинг тагига етолмай роса ўй сурди, лекин аниқ фикр калавасининг учини тополмади.

Аслида воқеа мана бундай эди: Камалак ўзининг битириши биланоқ ота-онасининг изми билан турмушга чиққан, кейин муросалари келишмай, ажралишиб ке-

тишган эди. Ёш боласи борлиги сабабли пахтага бормаган эди. Бундай сабаб Қўйсуннинг етти ухлаб тушига ҳам кирмасди. У Камалакни шу йил ўнинчини битирган қиз болалардан деб биларди. Камалак кўринишдан нозик—қадди-қомати, юриш-туриши, кийиниши билан энди ўн еттига тўлган, балоғат оstonасига қадам қўяётган қиз болани эслатарди. Уни биргина Қўйсун эмас, бошқа курсдошлари ҳам шундай деб ҳисоблашлари турган гап эди.

Октябрь байрами арафасида студентлар пахтадан қайтишди. Байрам ўтиши биланоқ яна ўқишлар бошланди. Ўқишнинг биринчи кунёқ Қўйсун Камалакни излаб топди. Салом-аликдан кейин биринчи саволи шу бўлди:

— Нега пахтага бормадингиз?

Бу саволни эшитиб, Камалакнинг ранги ўчинқиради. Ерга қараб анча жим қолди.

— Сабабини билсам бўладими?

— Ҳа, бўлади,— Камалак Қўйсунга тик боқди. Бу унинг Қўйсунга биринчи марта тик қараши эди. Кейин ғурур билан бундай деди:— Ўғлим бор. Байрамда бир ёшга тўлди.

Қўйсуннинг устидан бир челақ совуқ сув қуйиб юборгандек бўлди, кўз олди қоронғилашди. То у ўзига келиб олгунча Камалак кўчага чиқиб кетган эди. Кетидан Қўйсун ҳам кўчага чиқди, Камалакка етиб олди. Улар Шайхантаҳурдан Анҳор лабигача чурқ этмай келишди, гўё бирор сўз айтишса муносабатларига раҳна тушадигандек эди. Камалак сой бўйидаги скамейка устидаги сапсариқ хазонни сидириб ташлаб ўтирди. Қўйсун унинг ёнидан жой олди. Анчагача икковидан ҳеч садо чиқмади, кейин Камалак Қўйсунга юрагини ёрди.

Шу кун иккови ҳам дарсга қайтиб боришмади...

Аудиторияда қолиб кетган портфелларини эртаси куни курсдошларидан олишди...

Бу воқеадан кейин бир неча кун Қўйсуннинг Қама-

лакка муносабати совугандек бўлиб юрди. Лекин кун ўтган сайин Қўйсун Камалакка қаттиқроқ боғланиб борарди. Муҳаббат йигитнинг измини қўлидан олиб қўйган эди. Камалакнинг ҳам кўнгли Қўйсунга мойил эди, лекин уни Қўйсунни севади, деб бўлмасди. Сутдан оғзи куйган, қатиқни ҳам пуфлаб ичади, дейишганидек, Камалак жудаям эҳтиёткор бўлиб қолган эди. Қўйсунни хаёлан тез-тез ажралишиб кетган эрига таққослаб кўрар, гоҳ унисидан, гоҳ бунисидан фазилат ёки нуқсон топарди, кўпроқ эса Қўйсунга мойил эди. Лекин ўғли эсига тушиб қолгудек бўлса, ўзини мажбурлаб бўлса-да, Қўйсундан нуқсон топишга ҳаракат қиларди. Орадан бир оз ўтгач қанчалар қийналиб топган бу нуқсонлари фазилат бўлиб кўрина бошларди. Кейин эса Қўйсуннинг кўкрагига бошини қўйганини ўзи ҳам билмай қоларди. Шу алпозда Камалак на ўтмишини мутлақо унутиб юборолар, на Қўйсунга бутунлай кўнгил қўя олар, чунки ўртада бола бор эди. Хуллас, Камалак икки ўт ўртасида қийналарди. Айниқса, ўқишдан қийналган пайтларида кўпроқ азоб чекарди.

Қиш ўтиб кўклам келди. Бултур кузда Камалак сапсарик хазонни сидириб ташлаб ўтирган скамейка устига ям-яшил япроқларнинг қуюқ кўланкаси туша бошлади. Ҳаммада, барча ерда уйғониш, яшариш. Ўсмирларда севги куртак очади, ёшларнинг муҳаббати жўш уради, катталарнинг ишқи аланга олади, кексаларнинг меҳри товланади — шундай ажиб гул мавсуми бошланди. Бундай пайт Қўйсунларнинг ҳовлиси чинакамнига жаннатга айланади. Турли атиргуллар ҳар ёнга атир уфуради, садарайҳонлар мушк-анбар таратади, қафасдаги қушлар бири олиб, бири қўйиб сайрагани сайраган. Ҳатто, қуёш ботгач, кундузги электр чироқлар ёғдусида айвон деворлари, устунлари, шипларидаги жонсиз суратлар ҳам гўё жонлангандек, қушлар мана ҳозир қанот қоқиб учадигандек, ўсимликлар майин шамол таъсирида аста силкинаётгандек бўлиб туюлади. Лекин

Қўйсинга тинчлик йўқ. Ҳар куйи кечқурун битта гапни қайта-қайта эшитишга мажбур: Собир ака билан Робия хола кечки овқатни еб бўлибоқ, ўғилларини ўртага оладилар, тўй ҳақида сўз қотадилар.

Апрелнинг ўн бешлари эди. Одат бўйича, овқатдан кейинги чой устида Собир ака тўйдан яна гап очди. Лекин бу гапи жиддий эди.

— Ўғлим, сенга қолса орзу-ҳавас кўрмай, дунёдан кўзим очиқ кетадиганга ўхшайди,— деди у йиғламсираган бўлиб.— Кутиш шунчалик бўлар. Мана, учинчи курсни ҳам битираёздинг. Демак, ўқишда довои ошдинг ҳисоб. Шунча йилдан бери бизга келин бўларли қизни ўзинг тополмадингми — тополмадинг. Мана энди буёғини ўзимизга қўйиб бер. Ўзимиз ажойибини топамиз. Ҳамкасбларимда ҳам моҳипора қизлар кўп.

— Улардан тузукроқ одамлар ҳам қадамимга кўз тикиб ўтиришибди,— деди Робия хола ғурур билан. Шундай ўғил ўстириб қўйганидан кейин она кериладида, ахир.

— Мен ҳозир уйланмайман!— Қўйсун одатдаги гапини такрорлади.— Аввал ўқишим битсин.

— Баттоллик қилма!— Робия хола ўғлини жеркиб, ош сузилган лаганни олиб, айвондан тушди.— Уй юмушларига энди қариб қолдим. Ёки онангни ажалидан беш кун бурун гўрга тикмоқчимисан?!

Робия хола вайсай-вайсай ўчоқбоши томон кетди.

— Ўғлим, онангни ҳам ўйла,— деди Собир ака мулойим оҳангда.— Энди раъйингга қараб ўтириш йўқ. Май ойн ичи тўй қиламиз. Гап тамом. Келинни ўзимиз топамиз. Албатта, ўзинг ҳам кўрасан.

— Топганингиз менга ёқмаса-чи?

— Бири ёқмаса, бири ёқиб қолар.

— Ўзим ёқтирганим бор.

Собир ака бир ирғиб тушди:

— Ростданми?

— Ҳа, рост.

— Шунча вақтдан бери айтсанг бўлмасмиди?! Бизни қийнаб нима қилардинг? Ойинг учун ҳам яхши; қиз қидириб кўчама-кўча санғимайди. Хўш, кимнинг қизи?

— Билмадим.

— Билмасанг, ўзимиз билволамиз. Хўш, ўқийдими, ишлайдими?

— Ўқийди.

— Ўзинг биланми?

— Йўқ, биринчи курсни битиряпти.

— Яхши. Ёшгина экан. Ёш ниҳол қаёққа эгсанг, шу ёққа эгилади.

— Ёш эмас. Ёши йигирмада, мен билан тенг.

— Ия, нега?

— Ўқишга кечикиброқ кирган.

— Ҳа, майли, сенга маъқул бўлса бўлгани. Ўзинг топганингга уйлантираман, деб сўз берган эдим. Сўзим устидан чиқаман. Эртага совчи юборамиз.

— Бари бир, мен топганим сизларга маъқул бўлмайди.

— Нега?

— Негаки...— Қўйсун бир оз ўйланиб қолди.— Битта боласи бор.

Собир ака пешонасига бир уриб, жим қолди. Кейин ўғлига юзланди:

— Ҳали яширинча уйланганман дегин! Юзимга қандай оёқ қўйдинг, бадбахт! Шу умидда сени ўстирганмидим, ярамас?! Бир мартамас, беш марта тўй-ҳашам қилиб ўйлантириб қўйишга қурбим етишини биласан-ку, ахир? Сенга таълим берган мендек отага минг лаънат!

— Унга мен уйланмаганман, дада. Ўзи бундан уч йил бурун турмушга чиқиб, эридан ажралишган.

— Ҳали топганим бир болали хотин, дегин! Дидингга, йигитлик ғурурингга балли-эй, ўғлим! Э, қўй-э!

— Топганим ўзимга ёқади. Уйлансам, фақат ўшанга уйланаман.

— Бадбахт!!— Собир ака хонтахтага бир мушт ту-

ширди.— Қайси юзинг билан отангга шундай деяпсан, ахир!— Ўчоқбоши томондан хотини келаётганини кўриб жим қолди. Кейин ўғлига пичирлади.— Гапингни ойинг эшита кўрмасин. Ўзи зўрга юрибли.

Ўғил ота айтганини қилди. Шу кунни ота-ўғил ярим кечагача ухлашолмади.

Эртаси кунни оқшом Собир ака маҳалла идорасига чиқди. Ўғли билан бўлган синоатни Меливойга айтди. Бунни эшитиб Меливой тутақиб кетди:

— Ҳай, ҳай, Собир қори! Сени нима жин урди?— Танҳо бўлишса Меливой Собир акани сенсирарди, ёт киши олдида сизсирарди.— Болали жувонга қиз олмаган ўғлингни уйлантирадиган бўлсанг, тўйингга аралашадиган одам йўқ. Бор, қаёққа борсанг, боравер! Маҳалламдан ҳам кўчиб кет.

Собир ака Меливойни тинчлантиришга уринди:

— Меливой, ахир, гапнинг «берди»сини эшит!..

Меливой гапни шарт бўлди:

— Бегутуруқ гапни эшитадиган одам йўқ. «Тўрт томонга овозаси кетган «Ибрат» маҳалласида бўйдоқ йигит болали хотинга уйланибди», деган гапни эшитишни истамайман. Маҳаллам шаънига иснод бу, ахир! Одамлар нима дейди?!— Аслида Меливойни гапнинг бу томони сираям қизиқтирмасди. Унга катта тўй бўлса-ю, тўн кияверса. Ахир, у шаҳардаги маҳалла раисларидан тўн кийишда орқада қолишни истамайди-да.

Собир ака ёлғиз ўғлининг бир сўзлигини ўйлаб, Меливойнинг шаҳдини пасайтиришга ҳаракат қилди:

— Одамлар нима ҳам дерди! Бир кун гапирар, бир ой гапирар, борингки, бир йил ҳам гапирар, дейлик. Кейин унуттишар.

— Шунгача «Ибрат»нинг шаънига доғ тушади, Собир қори!

— Нима қилайки, ёлғиз ўғлим,— деди Собир ака йиғламсираб.— Кўнмай иложим йўқ, Меливой.

— Ўйлаб гапиряпсанми, Собир қори! Ахир, болали

жувонга карнай-сурнай чалиб тўй қилиб бўлармиди? Унақасига тўймас, енг ичида тўй ҳам хайф! Ёки сен ҳам хасисликка ўтиб олдингми?

— Ҳеч! Ҳечам!— қатъий рад этди Собир ака.

Бу гапдан Меливой руҳланиб кетди:

— Биламан сени. Орзу-ҳавасга ўч одамсан. Хотининг ўғил туққанидан буёққа орзу-ҳавас кўриш ниятидасан. Шу ниятни дилингда тугиб келяпсан. Тўғрими?

— Тўғри.

— Ҳамкасбларинг, оғайниларинг, қолаверса, маҳалла-кўй олдида қарздорсан ҳам. Эл-юртнинг сенга ўт-қазиб қўйгани бор. Тўғрими?

— Тўғри.

— Обрўйинг катта. Тағин шунча йиллик обрўйинг келиб-келиб ўғлинг балоғатга етганида бир пул бўлиб қолмасин дейман. Бу гапни азбаройи сенга ачинганимдан, сени ўйлаганимдан айтяпман. Ёки сўзимга шак келтирасанми?

— Мутлақо.

— Ишончинг учун раҳмат.

— Бўлмаса, қандай маслаҳат берасиз? Бошим қотиб қолди.

— Ўғлингни бемаза ниятидан қайтар.

— Қайтаролмайман. Юрагидан урибди шекилли.

— Шундайми?— Меливой бу саволни ҳам ўзига, ҳам Собир акага бергандек гапирди. Анча ўйланиб тургач, бундай деди:

— Чамаси бир йўли борга ўхшайди.

— Хўш? Хўш?— нажот топгандек севиниб кетди Собир ака.

— Бор, ўғлингни зудлик билан буёққа олиб чиқ!

Собир ака оёғини қўлига олиб уйига келди. Ўғлига бошқа нарсани баҳона қилиб, уни маҳалла идорасига олиб чиқди. Меливой Қўйсунга роса насиҳат қилди, ҳатто «маҳалламдан ҳайдаб юбораман», деб дағдаға ҳам қилди-ю, лекин йигитни фикридан қайтаролмади.

Қўйсун сўзида қаттиқ туриб олди. Меливой охири миясига келган фикрни айтди:

— Сени аввал моҳипора, ҳатто онаси ҳам ўпмаган бир қизга уйлантирамин, — деди ўз фикридан қувониб, ўз ақлига тасанно айтгандек қилиб.

— Камалакдан бошқасига уйланмайман! — Қўйсун ўз сўзида қатъий туриб олди.

— Шошма, тентак! — деди Меливой Қўйсунни эркалагансимон. — Фақат номигагина уйланасан.

— Хўш, ундан кейин? — луқма ташлади Қўйсун.

— Авваламбор, ота-онангининг орзу-ҳаваси ушалади. Қолаверса, «Ибрат» маҳалласининг шаънига доғ тушмайди.

— Булар мени сираям қизиқтирмайди. — Қўйсун ўр-шидан туриб кетмоқчи бўлди.

— Ўтир! — буюрди Меливой. — Гапни охиригача эшит!

— Хўп, — Қўйсун кўкрагини столга тираб, бемалол ўтириб олди.

— Кейин эса, орадан икки-уч ой ўтгач, биз уйлантирган хотинингни қўясан-у, танлаганинг билан топишасан. Кейингисига хоҳласанг тўй қиласан, йўқса, бир ко-са сув — тамом-вассалом. Ҳеч ким ҳеч нима демайди. Деб кўрсин-чи, худди ерга қозикдек қоқиб ташлай.

— Калта ўйламанг, Меливой, — деди ётиғи билан Собир ака. — Ким ҳам шу шартимизга кўнарди?

— Шартимизни айтармидик, айтмаймиз! Диёнатли, содда одамнинг ўн саккиз яшар соддагина қизини топа-миз-да, тантанали тўй қиламиз. Ўзим совчилик қиламан. Собир қори, келин томоннинг тўй харажатини ҳам ўзинг-га юклайман, шунда иш осон кўчади.

— Олиб берган хотинингиз ажрашмайман деб туриб олса-чи? — деди Қўйсун ҳали уйланмаган хотинининг ташвишини чекиб.

— Биз олиб берадиган хотинингни севмайсан-ку, ахир. Характерларинг ҳам тўғри келмайди. Ҳозирги

пайтда ҳеч ким сени севмаган кишинг билан яшашга мажбур қилолмайди. У замонлар ўтиб кетган. Ҳозир эркин муҳаббат замони. Хуллас, мана мен турибман. Ҳаммаси хамирдан қил суғургандек силлиққина, тинчгина битади.

— Йўқ, Камалак бунга рози бўлмайди.

— Сен унга айтма.

— Ундан яширолмайман, истамайман ҳам... Мен уни севаман.

Меливой гап оҳангини ўзгартирди, бақирини ўрнига мулойимлик билан сўзлай бошлади:

— Ўғлим, ҳар ҳолда мен сендан бир-иккита кўйлакни ортиқ йиртганман. Хотин зотиниям чуқурроқ ажрата оламан, феъл-атвориниям яхшироқ биламан. Бизнинг аёллар эркаклик ғурури зўр йиғитларни кўпроқ ёқтиришади. Эркаклик ғурури заиф кимсаларни эса хотинчалиш экан, деб менсимайдилар. Буни билиб қўй, ўғлим. Эркаклик ғурурининг қанчалик қадрласанг, севганинг ҳам сени шунчалик зиёда ҳурмат қилади.— Меливой бир оз тин олгач, қўшиб қўйди.— Муҳими, шу тўй туфайли сизларнинг ўзаро муносабатларингиз ҳам, севги-муҳаббатингиз ҳам яна бир марта синовдан ўтади...

Қўйсун ҳикояси шу жойга етганда бир оз жим қолди. Кейин нафрат билан Меливойга тик боқди:

— Диёнатли, соддагина одамингиз Бойзоқ ота бўлиб, соддагина, моҳипора қизингиз Чечак бўлиб чиқишди.

— Ҳмм!!— Бойзоқ ота шердек наъра тортиб юборди, бўйин томирлари ўқлоғидек бўртиб, ўйнаб кетди. Меливойни еб ташлагудек ўрнидан ирғиб турди.— Хумпар! Иркит! Сенинг бир оғиз сўзингга учиб гулдек қизимни синамаган жойга узата қолгандим.— Бойзоқ ота қизига ўнгланиб давом этди.— Кечир мени, қизим, бу махлуқни маҳалланинг отаси деб ўйлагандим-да. Билсам,

маҳалланинг тозиси экан.— Бойзоқ ота нафрат билан Меливойга қарар, чуқур-чуқур нафас олар эди.

— Мениям кечир, Чечак,— деди Қўйсун чуқур нафас олиб.— Сенинг олдингда асосан мен айбдорман. Адашдим, тентак эканман, Қамалакни ўйлабман-у, сени эса... Мени кечир.

Кабинетда ўтирганлар ҳам бир-икки оғиздан сўз қотишди:

— Севгининг кўзи кўр, деб шунга айтишади-да.

— Мажнун бўлган экан бу йигит.

— Инсофинг борми ўзи, Меливой, битта тўн учун шундай номаъқулчилик қилибсан, а?

— Тўн учунмас, маҳалла шаънини ўйладим, «Ибрарат»га доғ тушмасин, дедим,— Меливой ҳамон баланд келишга интиларди.

Бу гапни эшитиб Қўйсун тутоқиб кетди:

— Э, қўйинг-эй, амаки, яна уялмай-нетмай, ёлгон гапирасиз, а! «Даданг менга кимхоб тўн кийгазмаса, тўйингга аралашмайман», деган сиз эмасмидингиз?— Кейин Қўйсун Бойзоқ ота томон ўгирилди-да, қўлини кўксига қўйиб, деди:

— Мени кечиринг, ота, сизга кўп ташвиш келтирдим. Лекин қизингиз билан бирга яшамадик, нпкоҳимиз шунчаки бўлди. Чечакхон бокира, иффати ўзида. Мен унга қўлимнинг учиниям теккизганим йўқ. Сўзимга ишонмасангиз, мана, қизингизнинг ўзидан сўранг.

— Сенинг бу гапларингга кимам ишонарди!— Бойзоқ ота ҳайқириб юборди.— Қизим сеникида, қонуний эрининг уйида шунча вақт яшади-ку, ахир! Эл-юрт наздида йўқотилган номус қайтиб келмайди. Эвоҳ, менинг қизимда номусдан бўлак ҳеч қандай сепи йўқ эди!— Бойзоқ ота аламига чидолмай, Меливойга ҳассасини улоқтирди.— Ҳў, иблис!!

Меливой шундай бўлишини билиб, ҳушёр ўтирган эди шекилли, ҳассага чап бериб қолди. Ҳасса дераза ойнасини ёриб, ташқарига бориб тушди.

ТАХТ ҚУЛАДИ

Жазирама ёз тонги. Тўй тадорики кўрилаётган ҳовлига бир гала стул бир-бирига туртиниб-суртиниб кириб келди. Ҳаммаси негадир шошиларди. Кейин билсам, тўрдан жой олиш учун интилаётган экан. Никоҳ тўйида келин томон куёвниқига кириб келган пайтдагидек, беш-олти дақиқа стулларнинг шовқин-сурони ҳукм сурди.

— Жим!.. Мен сизларга гапиряпман!— Ҳовли тўрига чиқиб олган Ҳашамдор стул ниҳоят шерикларини тинчитди. Унинг овози, гапириш йўсини ном чиқарган малакали тўй бошқарувчиларниқига ўхшаб кетарди.— Япалоқвой, сиз яқинроғимга келинг. Сиз эса, Дағалвой, бир оз суриллинг. Иним Ялтироқвой, девор томонга ўтинг.

Ҳашамдор стул шерикларининг жойини ўз билгича ўзгартира бошлади. Бунга Суянчиқсиз стул норозилик билдирди:

— Нима кераги бор, ҳамма жой бир эмасми, ахир, ҳаммамиз ҳам бу ҳовлига бир-икки кунлик меҳмонмиз, тўй ўтгач...

Ҳашамдор стул гапни бўлди:

— Ана ўша тўй мазмунли ўтиши керак. Бунинг учун бизлар ўз ўрнимизни эгаллайлик. Чунки муносиб меҳмонлар ўзларига муносиб ўриндиқларда ўтирмасалар бўлмайди.

— Тўғри,— дея Япалоқ стул Ҳашамдор стулни ёқлади.— Ҳар биримиз ўзимизга муносиб меҳмонга хизмат қилишимиз керак.

— Инма, Ҳашамдор стулнинг гапи гапу бизники гап эмасми?— Суянчиқсиз стулнинг аччиғи чиқди.

— Фаросатингиз борми ўзи?— Япалоқ стул Суянчиқсиз стулга ўдағайлади.— Ҳурматли биродаримизга «Ҳашамдор» деган лақаб тақиш одобдан эмас. Биродаримизнинг исм-шарифлари стул эмас, Тахт! Уларни тўй эгаси — Нурилла ака, бошлиғи Хурсанд ака ўз хотини билан ўтириши учун музейдан махсус таклиф этди. Ўз отлари билан Тахт-да, бемалол икки кишига бир йўла хизмат кўрсата оладилар.

— Ҳали ўзингизга ҳам бошқача исм топарсиз?

Япалоқ стул: «Бу нодонга ўзингиз жавоб қилинг», дегандай Тахтга қаради.

— Инимнинг исмлари Кресло,— деди Тахт Суянчиқсиз стулга.— Улар маҳалла идорасидан тўйбошига хизмат кўрсатиш учун таклиф қилидидилар.

— Бўлмаган гап,— ўзиникини маъқуллади Суянчиқсиз стул.— Ҳаммамиз бир ота-онанинг фарзандларимиз. Ёгочдан бунёдга келганмиз, демак, стуллармиз.

— Сиз стул ҳам эмассиз,— Тахтанинг жаҳли чиқди.— Стул деб мана буларни айтса бўлади,— у бир оёғи билан орқа томонида суянчиғи бор стулларни кўрсатди.— Стул бўлиш учун лоақал бир томонида суянчиғи бўлиши керак.

— Хўш, бўлмаса, мен кимман?

— Сизми, сиз — табуреткасиз!

— Нархингиз ҳам арзон,— қўшиб қўйди Кресло.

— Қадрингиз ҳам,— деб керилди Тахт.— Сиз ўчоқбоши томонга боринг, чой ташувчи ўспиринларга хизмат қиласиз.

— Номимиз қандай аталмасин, бари бир тўйга келадиган меҳмонларга хизмат қиламиз.

— Лекин ҳамма гап кимга хизмат қилишда,— деб мағрурланди Тахт.

— Қаерни ишғол қилиб туришда ҳам,— деди ялтоқланиб Кресло.

Табуретка Креслога: «Сен ҳам лаганбардор чиқдинг-ку», дегандек қараб қўйиб, Тахтга личинг қилди:

— Лекин сизнинг даврингиз аллақачон ўтиб кетган, эгасиз қолгансиз, фақат мана шунақа тўйда иш бермасангиз, бошқа пайтларда бекорсиз. Сизни стул деб ҳам бўлмайди, сиз бекорхўжасиз.

— Мени ҳақорат қилишга ҳаққингиз йўқ,— Тахтнинг жаҳли чиққанидан ён суянчиқларидаги шокилалари силкиниб кетди.— Мен...

Кресло Тахтни юпатишга уринди:

— Қўйинг, келиб-келиб шу Табуретка билан санманга борасизми, ҳеч арзимаёди, ўзи киму сўзи нима бўларди. Таги...

— Оғзингизга қараб гапиринг,— деб Табуретка гурс-гурс қадам босиб Кресло томон юрди.

Тахт билан Креслонинг дами ичига тушди. Бир оздан кейин Тахт ётиғи билан гап бошлади:

— Иним Табуреткажон, мен бекорхўжа эмасман. Мен фахрий ҳордиқдаман. Музейда кўргазмага қўйилганман. Вақтида роса меҳнат қилганмиз. Ҳа, хизматимиз сингган.

— Қапақа хизмат, кимга?— Табуретка позик еридан тутди.

— Энди... энди...— Тахт ғўлдираб қолди.

Кресло жонига ора кирди:

— Сўраб нима қиладилар, ўзи маълум нарсаку.

— Музейдан чиқмасам бўлар экан,— деб Тахт гуноҳкорларча ерга қаради.

— Нега афсусланасиз?— деди Кресло.— Ўзимизга қолса, иссиқ ўрнимиздан қўзғалиб бу ҳовлига тонг сажарда ташриф буюрармидик. Ана, бутун бошли клубнинг деярли барча стуллари ҳам келишган-ку.

Орқа томонида суянчиғи бор, яъни клубдан келтирилган оддий стуллар Тахт гапирса, Тахт оғзига, Кресло гапирганда Креслога, Табуретка сўзлаганда, унга қарашарди, лекин миқ этишмасди, ҳатто устиларидаги чанг-

ни қоқиб ташлашни ҳам хаёлларига келтиришмасди. Чамаси тўй баҳона, уларнинг чангини мезбонлар артиб қўйишса керак. Табуретка ортиқ чидаб туролмади:

— Ҳой, стуллар, нега қаққайиб турибсизлар, мум тишлаганмисизлар ё оғзингизга сўк солганмисизлар, гапирсангиз-чи!

— Бизлар ҳовлидан ўз ўрнимизни эгалладик, бўлди-да,— деб жавоб қилди барча ўртоқлари номидан бир стул.

— Баракалла,— деб олқишлади уни Тахт.— Берироқ келинг.

— Майли, соя экан, ҳали қуёш чиққач...— деб Стул Креслонинг ёнидан жой олди.

— Муомалани билган мана шунақа обрў топади, мавқеи ортади,— деб Кресло Стулнинг суянчиғига қоқиб қўйди.— Табуретка, сиз ҳам бу дўстимиздан ибрат олинг, кам бўлмайсиз.

— Мен офтоб уришидан қўрқмайман.

— Қуёш тиккага келсин-чи, кўрамыз, ҳолингизни,— деди Тахт бошқа стулларнинг ҳам юрагига ғулғула солиш мақсадида. Чиндан ҳам бу гап фабрикадан чиққанидан бери қулфлоглиқ клубда ётавериб намиқиб қолган стулларга таъсир қилди. Кўпчилиги бошга тушганини кўз кўрар, деб тақдирга тан бериб қолаверди, айримлари Тахт ва Креслога хуш келадиган муомала қилиб, соя тарафдан жой ола бошлашди. Шу аснода Нурилла ака ҳовлида пайдо бўлиб, кўзи Табуреткага тушиши биланоқ жияни — клуб мудири Жориллага ўдағайлай кетди:

— Ҳали менинг тенгим шу табуретка бўлдимиз?— деб келиб Табуреткани бир тепди. (Тахт ва Кресло табуретка устидан роса кулишди, соядаги стуллар ўзларини четга олишди, офтобда қолган стуллар ачинишди-ю, лекин миқ этишмади.) — Ёки азиз меҳмонлар олдида мени уятга қолдирмоқчимисан?! Нурилланинг тўйида табуреткада ўтирдик, деб кетишса, менга ҳам, сенга ҳам

йснод эмасми?! Ахир, озиб-ёзиб икки йилда бир қилаётган тўйим, а? Музейдан тахт, идорадан кресло келтирсаму сен бўлсанг... (Тахт ва Кресло бир-бирига им қоқиб қўйиншди.)— Нурилла ака йнғламсираб гапирди.— Туғишган жияним бўлатуриб...

— Тоға, кечирасиз, табуретка адашиб келиб қолибди. Клубимдан уч юзта суянчиқли стул келтирдим, камлик қилса, уйдагиларни ҳам олиб кела қоламан,— деб Жорилла бориб Табуреткани ердан олди, Табуретка қилт этмаган, мустаҳкам эди.— Мен буни тандирга қалаб юборганим бўлсин.— Жорилла ўчоқбоши томон юрди. Қувонганидан Тахт билан Кресло қарсак чалишди, соядаги стуллар кўзларини юмиб олишди, офтобда қолган стулларнинг раҳми келди-ю, лекин миқ этишмади.

— Ҳай, ҳай, тўхта, жиян,— деди шошилиб Нурилла ака.— Ёқсанг, тўйдан кейин ёқарсан, фақат азиз нигоҳлардан нари турса бўлгани. Ўчоқбошига қўйиб кел, понвойга иш берар балки.

Бу гап Тахт билан Креслонинг аччиғини келтирди, соядаги стулларга таъсир қилмади, офтобдаги стулларни эса севинтирди, лекин улар қувончларини изҳор этмай, жим туравердилар.

Шаҳдидан тушган Жорилла тоғасига бир қараб қўйиб, табуреткани белидан ушлаганча ўчоқбоши томон кетди.

Нурилла ака хотин-халаж мезбонларга буюрди:

— Вақт кетяпти, қани, тезроқ тахт ва креслога бахмалдан янги ғилоф кийгизинглар, стулларни қуруқ сурп билан яхшилаб артинглар.

Бу гапдан Тахтнинг эсхонаси чиқиб кетди. Ахир, бахмал ғилоф кийса, зар либоси кўринмай қолади-ку; Кресло севинди, тўй баҳона янги сарупо кияди; соядаги стуллар, «Чангимизни мезбонлар артмаса, меҳмонлар тозалашарди, бизга бари бир», деган хаёлни дилдан ўтказдилар; офтобдаги стуллар эса ўзларига одам қўли

тегишидан севинишди, лекин қувончларини сиртларига чиқармадилар.

Нурилла аканинг хотини Ойша хола тахтнинг жонига ора кирди, у эрининг олдига келиб, Тахтнинг дилидагини топиб айтди:

— Зийнатилла (Ойша хола эрини катта ўғлининг исми билан чақирарди), тахтни ғилофга ўрасак, тахтлиги билинмай қолади, кўрмаганлар катта кресло экан, дейишади-да.

Бу гапни Кресло ўзини камситиш деб билди. Ойша холага хўмрайиб қўйди.

— Кўриб турибсан-ку,— Нурилла ака хотинини жеркиб берди,— тахтни чирк босиб кетибди, кийимни ишдан чиқаради.

Тахт бир энлик этдан тушди, Кресло кўкрак кериб қўйди, соядаги стуллар бепарво, офтобдаги стуллар эса, «йиллар ўтгач, бизлар ҳам шу аҳволга тушамиз», деб дилдан ўтказиб қўйишди-ю, лекин Тахтга ҳамдардлик билдиришмади.

— Қаранг, зарлари ярқираб турибди,— бўш келмади Ойша хола,— электр ёруғида роса чақнаб, тўйимизга файз киритади. Шундай тураверсин.

— Майли, лекин спирт топиб, спирт топилмаса, ароқ билан тахтни бошдан-оёқ пахта билан артиб, чиркдан тозала, зар кокилларига эҳтиёт бўл, музейга бут қайтаришимиз керак.

— Катта келинимиз Зарифаой бунақа ишларга жуда эпчил. Қараб туринг, тахтни шундай ярқиратворсинки, ўша музейдагиларингиз ҳам танимай қолади... Айтгандай, Зийнатилла, беш келин туширибмизу келин-куёвга мана шунақа тахт ҳозирламаган эдик-а. Кенжамиз Руҳиллага жуда ошириб юборяпсиз. Ҳали оқшом хотини билан тахтга ўтиргач...

Нурилла ака хотинининг гапини шартта бўлди:

— Алжирама, кампир. Тахтга келин-куёв эмас, Хурсанд ака ўз хотинлари билан ўтирадилар.

— Вой, тавба... Нима, бошлигингизни ҳам ўғлимизга қўшиб уйлантириб қўймоқчимисиз?

— Фаросатинг борми ўзи? Невара кўрган одам-ку. Мен Хурсанд акамизни тўйимда яхшилаб меҳмон қилмоқчиман, билдингми?

— Бошқалар-чи, бошқалар ҳам меҳмон-ку? Ҳаммага барабар қарашимиз керак.

— Хурсанд акадан бошқа ҳаммага барабар қараймиз.

— Нега?

— Негаки... Бор, бошни қотирма, ишнинг қил!

— Ахир, келин-куёв қаерга ўтиради?

— Меҳмонлардан қолган жойга! Мен аввало меҳмон кутишим керак. Сен ҳам шуни ўйла.

— Вой, тавба, қариганда ақлингиз суюлибди,— деди Ойша хола.

Тахт ва Кресло эр-хотин «жанжали»да Нурилла аканинг фикрини умуман ёқлашди-ю, лекин Тахт Нурилла ака хотинига бир-икки тарсаки туширмаганига афсусланди, Кресло эса, «шу гапларни хотин кишига тушунтириброқ айтиши керак эди», деб ҳисоблади; соядаги стуллар «эр-хотиннинг уриши — дока рўмолнинг қуриши», деб унчалик эътибор беришмади; офтобдаги стуллар эса Ойша хола томон бўлишса-да, лекин амалда сукут сақладилар — тарки одат амримаҳол. Шу топда Нурилла аканинг кўзига ҳовли тўла меҳмон, Тахтда эса бошлиғи хотини билан ўтиргани кўриниб кетди.

Табуретка бу гаплардан беҳабар, ўчоқбошида нонвойга астойдил хизмат қиларди.

Кун бўйи ҳовлида тўй ҳозирлиги бир дам тўхтамади. Мактаб қурилишига олиб келинган силлиқ тахталардан стол тайёрланди; ерўчоқ қазилди; бир неча қўй ва биттагина сўқим сўйилди; дарахтлар тарашланди; қазни қайнатилиб, кулчатой пиширилди — норин қорилди; хасип солинди; кабобпаз гўштнинг фақат қора кесак жойларини танлаб олиб, ишга киришиб кетди; алоҳида

қозон темирўчоққа осилиб, мохорага уннаб юборилди (фақат хотин қудаларга тортилади), қовун-тарвузлар навига қараб косаланди, каржланди, тилимланди, олмаю анор, шафтолию анжир шиша вазаларга уюлди, буларнинг устига ҳусайни бошлари ёнбошлатиб қўйилди, ликопчаларга «Пахтакор», «Оқ олтин»лар тўлатилди, пахта гулли ликопчаларга, тандир ва варақи сомсалар солинди; сув ва ҳоказо ичимликларнинг ҳозирча ертўлада туриши маъқул топилди. Айтгандай, газда мураббо, мис қозонда нишолда ҳам тайёрланди. Хуллас, тўйхонада тиним бўлмади, Табуреткада ҳам. Уч қоп ун ёпилгунча, у нонвойга хизмат қилди. Кейин монтер ҳовлига сим тортишда, хотин-қизлар келин тушадиган хона ва ҳовли деворларига кирпеч, дорпеч, чойшаб, палак ва гилам илшда ундан фойдаландилар. Ҳозир у четдаги нимқоронғи уйда. Донғи кетган закускачи Табуреткада ўтириб помидор, бодринг, пиёз, турли резаворлар ва яхна гўшдан гул ясаб газак тайёрлаяпти.

Ҳамма ҳамма билану Нурилла ака фақат Тахт билан уймаланиб қолди, ўзи ароқ билан яхшилаб артди. Тагин коньяк ичадиган азиз меҳмон димоғига ароқ ҳиди урилиб, кўнгли айниб-нетиб ўтирмасин деган хаёлга бориб, Тахтга атир пуркади. Бунини неваралари кўриб қолиб, унинг атрофини ўраб олишди:

— Бува, мени битта миндириш.

— Мени ҳам...

Аввалига Нурилла ака қанд-қурс бериб болаларни Тахтга йўлатмади, лекин бола халқи ман қилинган нарасага қизиқувчан эмасми, буvasининг кўзини шамғалат қилиб, Тахт томон бораверишди. Нурилла ака ўзидан ортмай қолди, болаларга жаврайвериш чакаги тушди. Кресло бахмалдан гилоф кийса ҳам унга ҳеч ким парво қилмади, чунки деярли ҳар хонадонда бор-да. Тахтнинг атрофидан болалар аримагани учун Креслонинг гаши келарди. Офтобдаги стуллар қуёшдан баҳра олиб, бод захдан мусаффо бўлаётганликларидан севинишарди, ле-

кин қуёшга миннатдорчилик билдиришни ҳеч хаёллари-
га келтиришмасди. Соядаги стуллар эса офтобдаги ўр-
тоқларига ҳам ҳавас, ҳам ҳасад қилишарди, лекин энди
вақт ўтган, офтобрўяда жой қолмаган эди.

Кун оққандан кейин дарвоза олдида ногора, карнай-
сурнай янгради. Руҳилланинг ўртоқлари, маҳалла-қўй,
узоқ-яқиндан тўйга таклиф қилинганлар кела бошлади.
Нурилла аканинг ўзи далон бошида меҳмонларини кутиб
олаётган бўлса ҳам, хаёли тахт тарафда эди. Соат тўрт-
ларда бир тўда артистлар келиб, ҳовлидаги тахта кара-
вотдан жой эгалладилар. Бир пиёла чойдан кейин хо-
нишни бошлаб юбордилар. Муқаддимаси «Айрилма»
бўлди. Кейин «Айрилмасин», «Яхшилик қил» ва ҳоказо,
ҳаммаси насихат.

Соат олтиларда Нурилла ака бошлиқ қариялар (бу-
лар орасида ўттиз-ўттиз беш ёшли сино йигитлар ҳам
бор эди) пешонасига «Институт» деб ёзилган автобус
ва еттита енгил машинада келин томонга жўнашди. Ке-
тар олдида Нурилла ака хотинига тайинлади:

— Бошқа ишингни қўй, тахтдан кўз-қулоқ бўлиб
тур...

Соат саккизларда қариялар келин томондан қай-
тишганида, куёвнавкарлар (булар орасида етти-саккиз
яшар болалар ҳам бор эди) ногора, карнай-сурнай са-
доси остида, кўча бошида ўйин-кулги қилиб туришарди.
Ёшлар қариялар билан ўрин алмашдилар.

Нурилла ака ҳовлига кира солиб, дарҳол Тахт то-
монга қаради. Буни қарангки, Тахтда саксонлардан ош-
ган қайнанаси ёнбошлаб ўтирар, яқин атрофида ҳеч ким
йўқ эди. «Табаррук, тақводор кампир,— дилдан ўтказ-
ди Нурилла ака.— Майли, азиз меҳмон келгунча ўтирса
ўтираверсин. Қариб, фози келиб, қушдек енгил бўлиб
қолган, ундан Тахтга зиён-захмат етмайди».

— Яхши бориб келдингларми?— деди Ойша хола
эри томон келар экан.— Қалай кутди?

— Аъло! Ота ўғил-да, кенжамиз ўзига зўр жойдан

қаллиқ топибди.— Нурилла ака шу топда ҳаддан ташқари хурсанд эди, у тахт томонга ишора қилди.— Сен ҳам қўриқчининг ўзини топибсан.

— Ҳа, хархаша қилган болаларга оймлар: «Тўполон қилсаларинг, мен ўлиб қоламан», деб қўрқитдилар... Энди уйғотайми, ўзингиз пойлоқчилик қиласизми?

— Ҳозирча қўятур, ўзим уйғотаман.— Нурилла ака дастурхон тузаётган кишилар томон юрди. Улар ишига у-бу деб аралашган эди, тўйбоши уни койиб берди:

— Бу дейман, Нуриллавоё, тўйни энди кўраётганимиз йўқ-ку. Бизга ишониб топширдингизми, бўлди, бу ёғини ўзимизга қўйиб беринг.

— Хўп, хўп, ҳамма-ҳаммаси ўзингизга ҳавола. Ишқилиб, тўйимни яхшилаб ўтказиб берсангиз бас, мен аралашмаганим бўлсин.

— Албатта. Тўй эгасининг ҳовлига кириши уят.

«Қанчадан-қанча чиқимдор бўлсам ҳам, ўз тўйимни ўзим кўролмасам,— деб дилдан ўтказди Нурилла ака.— Майли, таомил шунақа-да».

— Илтимос,— деди у тўйбошига ёлборган оҳангда,— меҳмонлар ўзларига муносиб жойларга ўтказилса, тахтга эса...

— Биламиз, боринг, бизни ишдан қолдирыяпсиз.

Нурилла ака чор-ночор далон бошига бориб, меҳмонларни кута бошлади. У ўқтин-ўқтин тахт тарафга қараб қўярди, қайиниси ҳамон мудраб ўтирарди. Қизил тўйнинг қаймоғи келин келгандан кейин бошланади, деб ҳисоблайдиган меҳмонлар мана энди қадамранжида қияптилар. Уларнинг ҳар бирига Нурилла ака ўзига муносиб муомала қилиб кутиб оляпти, тўй баҳона обрў-эътибор, таниш-билиш орттириши керак-да!

Соат ўнларда куёвнавкарлар келинникидан қайтишди. Куёвтўра Руҳилланинг устида зарбоф тўн, барлари ерга тегай-тегай дейди. Удумдаги расм-русмлар бажо келтирилди: нсириқ тутатиб, атрофидан ўгиришди, амма-холалар, опоқилари бир-бир келиб кўришишди; табу-

ретка яна иш берди, устига оҳорли кўрпачани тўрт бук-
лаб ташлаб, Руҳиллани ўтқазишди, кеннойилари қўли-
га гўдакларини тутқазишди:

— Тўнғичига қўчқордай ўғил берсин!

— Жиянингиз сиздек кўркам куёв бўлсин...

Ойша хола югуриб уйга кириб, зумда кичкина тугун
кўтариб чиқди:— Сал бўлмаса эсимдан чиқаёзибди-я,—
деб ўғли устидан сочқи сочди, болалар, хотин-халажнинг
қий-чуви ҳовлини тутиб кетди. Ойша хола тахт томонга
ишора қилиб, ўғлига буюрди:— Бор, бувинг билан сў-
раш..

Қий-чувдан уйғониб кетган бувининг ўзи шу томон-
га келарди. Руҳилла бувисига эгилиб елка тутди. Буви
неварасининг пешонасидан ўпиб:

— Ували-жували, пири бадавлат бўлинглар. Қўша
қаринглар,— деб фотиҳа ўқиди, кейин қўшиб қўйди:—
Бориб дадангга айт, тахтига бошқа одам қарасин, мен
чарчадим, уйга кириб бир оз чўзилиб олмасам бўлмайди...

Тайёргарлик авжига чиққан, ҳамма ўзи билан ўзи
овора; эрталабдан бери тик оёқда юрган хизматчилар
ҳориб қолишган эди, кимки бир муддат бекор қолгудек
бўлса, дарҳол келиб табуреткага ўтирар, бир нафас-
ярим нафас дам олиб кетар эди. Тўйбоши креслога яс-
таниб ўтириб олганча, буйруқ устига буйруқ беради,
олдидаги микрофондан ҳали фойдалангани йўқ. Стул-
ларнинг деярли тўртдан уч қисмини меҳмонлар эгал-
лашган (булар орасида балоғатга етмаган болалар ҳам
бор эди), қолганлари азиз меҳмонлар ва келин томон
учун ажратиб қўйилди, уларга тўйбошининг рухсатисиз
ҳаттто Нурилла ака ҳам бировни ўтқаза олмас эди. Ун-
га тахтни биров эгаллаб олмаса бўлгани. Айниқса, Хур-
санд ака кечикаётганидан ташвишланарди: «Келмай
қолса-я?!» Бир маҳал дарвоза олдида «Волга» келиб
тўхтади.

— Келишди!!— дея Нурилла ака кўча томон отилди.
Хурсанд ака билан узоқ сўрашди, унинг хотини билан

эса янада узоқроқ, машина ҳайдаб келган ўзига нота-ниш йигитчани сизсираб, «ака» деб атади, тўйбошига берган ваъдасини ҳам унутиб меҳмонларни бошлаб ўз ҳовлисига киришга журъат этди, зина устида турган хотинига баланд овозда сўз қотди:

— Ойиси, меҳмонлар келишди!

Кўнгли нозикроқ меҳмонлар бу гапдан ранжидилар. «Нима, бизлар меҳмон эмасми?» Нурилла ака Хурсанд ўкани қўлтиқлаб тахт томон бошлади.

— Қани, қани, бу ёққа. Сизларга махсус жой ҳозир-лаганмиз.

— Шунча одамни безовта қилиб-а?

— Ҳечқиси йўқ, орқамдан юраверинг, ҳали тўй бошлангани йўқ.— Нурилла ака тўйбоши ёнидан ўтишаётганида:— Хурсанд ака ташриф буюрдилар, микрофон орқали эълон қилинг,— деб тайинлади.

Ўтирганларни безовта қилиб, стол-стулларга турти-ниб-суртиниб кўзланган жойга етиб боришди.

— Марҳамат,— деб Нурилла ака Хурсанд акага тахтни кўрсатди.— Ўтиринглар.

— Нуриллавой! Мени мазах қиляпсизми?!— Хурсанд аканинг жаҳли чиққанидан киприклари пирпираб кетди.

— Сизни мазах қилиб эсимни ебманми, сизга садоқатим, ҳурматим чексиз. Тахт ҳозирлашимни шунинг бир намоёйиши деб ҳисобланг.

— Раҳмат, раҳмат,— деб пичинг қилди Хурсанд ака. Нурилла ака пичингни тушунмай:

— Камига қарздормиз,— деб қўл қовуштирди.

— Нуриллавой, бу дейман, тўй қиламан, деб бошин-гиз гангиб қолибди.

— Ҳа, тўй қилиш оғир савдо.

— Ахир, бу ўриндиққа келин-куёв ўтириши керак-ку.

— Бу ўриндиқ тахт дейилади... Сизлар учун музей-дан махсус олиб келинган.

— Йўқ, биз тахтингизга ўтирмаймиз. Мажбурласан-гиз, бизга рухсат...

Нурилла ака билан Хурсанд ака тортишувини ҳамма кузатарди. Хурсанд аканинг Тахтдан воз кечаётганидан Кресло севинарди, кун бўйи сояда турган стуллар бефарқ эди, офтобда қолган стуллар Нурилла аканинг ҳолига ачинишарди-ю, лекин миқ этишмасди. Мезбонлар ҳайрон, меҳмонлар ўзаро пичирлашарди.

Нурилла ака Хурсанд акага илтижо қилди:

— Лоақал келин келгунча тахтни эгаллаб туриңг. Табаррук қилиб беринг. Ешлар сизлардек бўлиб юришсин. Иrimi шунақа...

— Майли, сазангиз ўлмасин,— деди кулиб Хурсанд ака ва хотини билан Тахтга ёнма-ён ўтирди. Кимдир, кайфи ошиб қолган шекилли, «Яшасин» деб қарсакни бошлаб берди. Меҳмонлар унга қўшилишди. Боши гангиб қолган Нурилла ака ҳам қарсак чалди. Тўй бюроси орқали филармониядан таклиф этилган артистлар «Тўйлар муборакни» бошлаб юборишди. Хурсанд ака катта қорнини силкитиб қотиб-қотиб кулар экан, кутилмаганда ерга қулади, устига хотини йиқилди, Тахтнинг тўрт оёғи тўрт томонга ажраб кетган эди. Нурилла ака қотиб қолди. Ашула тўхтади, мезбонлару меҳмонлар бўй чўзиб шу ёққа қарадилар. Уч-тўрт ўспирин югуриб келиб Хурсанд ака билан унинг хотинини турғазишди, тўйбоши табуреткани олиб келиб, Хурсанд аканинг ёнига қўйди:

— Ўтиринг... Чой келтиринг!

Хурсанд ака табуреткани хотинига узатди. Табуретка яна иш берди. Кресло Тахтнинг қулаганидан севинар, Табуретканинг азиз меҳмонга хизмат қилишга ноил бўлганидан куюнарди. Сояпарвар стуллар бу ҳодисага бефарқ эдилар, кун бўйи офтобда турган стуллар эса Тахтнинг вафотидан қайғуришар, Табуретка обрў қозонганидан қувонишарди-ю, лекин миқ этишмасди. Табуретка эса меҳнаткашлиги билан фахрланарди. Шу пайт узоқдан «Ёр-ёр» эшитила бошлади — келин келатган эди.

НИМА УЧУН ЗИЛЗИЛА БЎЛДИ?

Тун. Қаердандир бульдозер овози келади. Чамаси, зилзила туфайли путури кетган эски иморатлар зудлик билан суриб ташланяпти.

Ҳошияхон каталакдек ҳовлисидаги супада ёнига икки дилбанди — Зокиржон билан Ботиржонни олиб маъюс ўтирибди. Болалар авваллари шу пайтгача уч уйқуни олишган бўлишарди. Аммо етти кун бўлдики, тун бўйи мижжа қоқмай чиқишади. Ҳошияхон ҳам, болалар ҳам зилзиладан юрак олдириб қўйишган. Гўё ҳозир яна ер қимирлайдию ҳовлининг уч тарафида қад кўтарган иморатлар улар устига қулаб тушаётгандек. Она қўрқяпти, болалар эса оналарини бу ҳолда кўриб баттар ваҳимага бериладилар. Оила бир ҳафтадан бери шундай таҳлика билан яшайди.

Зилзила туфайли маҳалладаги айрим оилалар ҳар йилдагидан анча бурун чорбоғларига кўчиб кетишди, яна бировлар ўз фарзандларини қишлоқдаги қариндошлариникига юборишди. Бу эса маҳаллада ваҳимани янада ажв олдириб юборди. Икки ён қўшнининг тезда маҳалладан ғойиб бўлиши Ҳошияхонни ҳам, болаларни ҳам янада чўчитиб қўйди. Демак, бугун-эрта яна кучли зилзила бўлар экан-да! Бўлмаса, Флорани дадаси қишлоққа олиб кетармиди, деган фикр пайдо бўлди, энди етти ёшга қадам қўйган Зокиржоннинг мурғак қалбида. Тўрт яшар Ботиржон эса бугун боғчадан хомуш қайтди. Бирга ўйнайдиган Асқаржон исмли ўртоғи боғчага борма-

япти. Қишлоққа кетган эмиш. Бу гап Ҳошияхонни анча эсанкиратди. У азалдан сал нарсадан чўчидиган эмасми, бугун тун бўйи ухламай чиқмоқчи. Мана, ярим кеча бўлди ҳамки, оила супада тик этган товушдан қўрқиб, гапиришга ҳам чўчиб тек ўтирибди. Ваҳима уйқуни олиб кетган.

Бир пайт кўча эшик тақиллаб қолди. Болалар ялт этиб оналарига қарашди. Ҳошияхон Ботиржонни етаклаб, далон томон одимлади. Зокиржон унга эргашди.

Ҳошияхон ҳовлининг далонга туташ жойида тўхтади:

— Ким?

— Ман, ўзим,— деган овоз эшитилди. Ҳошияхон овоз эгасини дарров таниди — эри. Болалар ҳам ўзларида йўқ севиниб кетдилар. Бу овоз улардаги бутун қўрқув, таҳликани бир лаҳзада йўққа чиқарди. Зокиржон тимқоронғи далонга — эшик очгани отилди. Ботиржон ҳам онаси қўлидан чиқиб, ўша томонга чопқиллади... Ҳошияхон турган жойида серрайиб, нима қиларини билмай тўхтаб қолди. Қулоғига болаларнинг «ада», «адажон» деган овозлари, эшик занжирининг шарақлаган товуши, ошиқ-мошиқнинг ғирчиллагани эшитилди.

Ҳалимжон Ботиржонни кўтариб, Зокиржонни етаклаб, далондан чиқиб келди. Ҳошияхон унга тик қарай олмади, кўзларини айбдорларча ерга олди. Ҳалимжон унинг ёнидан сўрашмай ўтиб, бориб супага чўкди. Шунда ҳам Ботиржон дадасининг қўлидан тушмади. Тиззасига ўтириб олди. Бўйнидан ачомлади. Зокиржон ҳам ота бағридан жой олди. Ҳошияхон улар ёнидан ерга қараганича ўчоқбоши томон ўтиб кетди. Ака-ука дадаларини саволга кўмиб юборишди:

— Ада, энди кетмайсизми?

— Йўқ, ўғлим.

— Мен билан ётасиз-а?

— Мен-чи? Мен билан ҳам-а, ада?

— Хўп, хўп, икковинг билан ухлайман

— Ада-чи, ада, велосипеди бор Қўчқор ҳам адаси билан ётармиш. Боя кўчада менга шунақа деди. Сиз келмасайнз, бугун ухлмасдик, ойимла ҳам.

— Бўпти, энди ухлаймиз, ойингга айт, супага ўрин солсин,— деди Ҳалимжон катта ўғлига.

Зокиржон ўчоқбошига томон учди. Сабзи тўғраётган онаси ёнига бориб гўё уйқуси келган одамдай деди:

— Ойи, ойи, бугун ўхларканмиз. Адамла айтдилар. Супага ўрин солармишсиз.

Ҳалимжон ўғилларининг севинаётганини кўриб, ўзи-га таскин берди:

— Шуларни деб бу даргоҳга қайта қадам босдим-да. Бўлмаса...

...Ҳалимжон асли андижонлик. У Ҳошияхон билан бундан саккиз йил муқаддам Москвада энергетика институтига кириш учун имтиҳон топшираётган кезде танишди. Ҳошияхон ҳам шу ўқув юртига кираётган эди. Имтиҳонлардан муваффақиятли ўтишди. Уқини бошланди. Ана шунда қишлоқ мактабини тугатган Ҳалимжон лекцияларни ёзиб олишга улгуролмай, анча қийналди. Чунки у рус тилини яхши билмасди. Бу эса йигитни рус тилини анча мукамал биладиган тошкентлик қиз — Ҳошияхон билан яқин муносабат боғлашга мажбур этди. Ҳар кун у ўқишдан кейин Ҳошияхон билан қизлар ётоқхонасига бориб, лекцияларнинг ёзиб олишга улгурмаган жойларини қизнинг дафтаридан кўчириб ола бошлади...

Кунлар ўтди. Улар бир-бирига жуда ўрганиб қолишди. Бирга сайр этишди, кино кўришди. Ойлар ўтди. Ҳалимжон ҳам илғор студентлардан бўлиб қолди. Бир кун — Янги йил байрами арафасида группа студентлари орасида Ҳошияхон турмушга чиқаётган эмиш, деган дув-дув гап тарқалди. Ҳошияхоннинг эрга тегаётгани ҳеч кимни унчалик таажжублантирмаса ҳам, аммо куёвнинг Ҳалимжон бўлиши ҳаммани ажаблантирди. Чунки, Ҳалимжон ширин сўз, тиришқоқ йигит бўлса-да,

жуссаси кичик, бўйи Ҳошияхондан анча паст бўлиб, ҳам ундан икки ёш кичик эди. Курсдошлар уларни «тутинган опа-ука» ҳисоблаб келишарди. Тўй ҳақида хабар тарқалганда қизлар Ҳошияхонга, йигитлар Ҳалимжонга бир гапириб кўришди. Лекин тўйни қолдириб бўлмасди... Номига тўй бўлиб ўтди. Бундан келин-куёвнинг ота-оналари беҳабар қолишди. Орадан олти ой ўтар-ўтмас Зокиржон дунёга келди. Бу хушxabар Ҳошияхон ота-онаси қулоғига шум хабар бўлиб эшитилди. Улар қизларини ғойибона «оқ қилишди, кўк қилишди», «уйга қайта оёқ босма, сендек қизимиз йўқ», қабилида хат ёзиб юборишди. Хатни ўқиб Ҳошияхон пичдан зил кетди. Ҳалимжон эса уйлангани, ўғил кўрганини уч йилгача ота-онасига билдирмай юрди.

Азим ака Москвага, Халқ Хўжалиги Ютуқлари Кўргазмасига илғор пахтакорлар сафида борганида ўғлининг уйланганини ўзи билиб қолди. Аввал тепа сочи тикка бўлиб кетди. Кейин, невараларини кўргач, ҳовурдан тушди.

Азим ака Москвадан қайтишда Ҳошияхонларникига кириб ўтди. Зокиржоннинг шўхлигини, Ботиржоннинг қиқирлаб кулишини қудаларига роса таърифлади. Бунини эшитиб, қудаларида невараларини кўриш иштиёқи уйғонди. Ўртадаги совуқлик барҳам топди. Кейин «невараларимиз ҳурмати» деб Ҳошияхоннинг ота-онаси ҳам қизлари билан ярашиб кетишди, ўзлари Москвага бориб, улар ҳолидан хабар олишди. Лекин «қизимиз ўз тенгини топмабди», деб қайтишди.

Йиллар ўтди. Уқинш тугади. Ҳалимжон аспирантурага кирди. Ҳошияхон ишлай бошлади. Лекин у шунча йил ўтиб, Тошкентга ҳам, Андижонга ҳам келмаганди. У умрбод Москвада тургун бўлиб қолиш ниятида эди. Йўқ, бўлмади. Бундан бир ойча муқаддам, Ҳалимжон диссертация ёқлагач, Тошкент политехника институтига ишга тайин этилди.

Хат йўқ, хабар йўқ бир кун оила «Хонақоҳ» маҳал-

ласига кириб келди. Туғилиб ўсган ҳовлиси эшигини берк кўриб Ҳошияхон таажжубдан ёқа ушлади. Бир зумда қўни-қўшнилар йиғилди. Улар қаршисида бундан саккиз йил аввалги хипчадан келган, сочи қирқ кокил қиз — Ҳошияхон эмас, анча тўлишиб, чиройига чирой қўшилган барно жувон — Ҳошияхон ёнида икки фарзанди ва Ҳалимжон билан турарди. Баъзилар аввалида ҳаттоки Ҳошияхонни таниёлмай турдилар, «Вой тавба, ўша Ҳошиями?» дейишарди таажжубланиб. Ҳалимжонга ажабланиб боқишарди: «Ким бўлдийкин?». Лекин ҳамма ҳам Ҳалимжон билан Ҳошияхоннинг эр-хотин эканлигига дарров ишонқирамас эди: келишган гавдали Ҳошияхон қаршисида Ҳалимжон янада ушоқ, ўзи эса анча ёш кўринарди.

Ҳаммаҳаллалари Ҳошияхонга, ота-онаси «дом»дан квартира олиб, яқинда кўчиб кетишганини айтишди...

Ҳалимжон қайнота-қайнонаси маслаҳатига кўра квартира олгунча оиласи билан вақтинча эски ҳовлида яшаб турадиган бўлди. Агар...

Агар оила бу маҳаллада истиқомат қилмаганда, балки шунча йил иноқ яшаб келган эр-хотин ўртасида келишмовчилик чиқмасмиди! Ким билади дейсиз. Лекин киши билмас можаро юз берди. Ҳошияхоннинг кўчиб келганини эшитган узоқ-яқин қариндошлар, мактабдош дугоналари, таниш-билишлар йўқлаб кела бошладилар. Улар Ҳалимжон уйда йўқлигида келишса баҳарнов-а, аммо уйдалигида-чи? Беш қўл баравар эмас-ку! Баъзилар Ҳошияхон теккан йигитни ўзгача — гавдали, басавлат, ҳам ёши улуғроқ тасаввур қилиб келганликларини гоҳ яширин, гоҳ ошкора Ҳошияхон қулоғига шипшитиб кетишарди. Ажабо, улар назарида «Ҳошияхон тенгини тонмаган эмиш». Бу гап-сўзлардан у ўкина бошлади.

Орадан уч-тўрт кун ўтгач, Ҳошияхон трамвайда мактабдош дугоналаридан Санобар билан тасодифан учрашиб қолди. Саккиз йил кўришмаган дугоналарнинг илиқ суҳбати охири бола-чақага келиб тақалди. Санобар ҳа-

ли турмушга чиқмаганини, Самарқанд медицина институтида ишлаётганини айтди.

— Улар ўғилларим,— деди Ҳошнйахон бир қатор олдинда ўтирган Ҳалимжон ёнидаги Зокиржон билан Ботиржонни қўли билан кўрсатиб.

— У йигит қайнингизми?— деди Санобар Ҳалимжон томон имо қилиб.

— Ҳа,— Ҳошнйахон шундай деворганини ўзи ҳам сезмай қолди...

Ҳошнйахоннинг дугонасига бундай жавоб қилиши Ҳалимжон қалбига найзадек санчилган эди.

— Ҳали, трамвайда... Сиздан шуни ҳеч кутмагандим,— деди Ҳалимжон болалар ухлагач, хотинига.

— Одамлар гап-сўзини эшитавериб, қийналиб кетдим. Нима қилай, ахир! Энди ўйлаб қарасам, ўшанда ёшлик қилиб...

—...Сизга турмушга чиқиб хато қилган эканман, демоқчимисиз? Қўйинг, азоб чекманг. Тилини тия олмаганлар гапираверади-да, майли, гапиришсин. Ўн кун гапирар, бир ой гапирар, кейин уларга бошқа гап топилар, бизни унутиб юборишар. Квартира тегиб қолар. Кўчиб кетамиз бу ердан.

— То ўшангача бошқа-бошқа тура қолсак...

— Тушундим: ажраламиз деяпсиз. Шундайми? Хўп, мен сизга тенг эмас эканман. Аммо болаларда нима гуноҳ? Уларнинг ухлашига бир қаранг.

— Болалар бир кунини кўриб кетар.

Ҳалимжон узоқ жим қолди. Кейин шахд ўрнидан туриб, болаларнинг тепасига борди. Ширин уйқуда ётган Зокиржон билан Ботиржоннинг ёноғидан аста ўпди. Тун кечада уйдан бош олиб чиқиб кетди. Шу кетишда тўғри аэропортга борди. То хизматга киришгунга қадар — институтда қабул имтиҳонлари бошлангунча Тошкентга келмасликка сўз олиб Андижонга учди.

Ҳалимжоннинг бир ўзи уйга хомуш кириб келиши Азим акани ҳам, Саври опани ҳам ташвишлантирди.

Лекин Ҳалимжон оиласида бўлган можарони айтмади, яширди.

— Келинингиз болалар билан кейинроқ келишмоқчи,— деб қўя қолди...

— Тур, ҳей, тез тур! Тура қол, ўғлим!

Маст уйқуда ётган Ҳалимжон Азим аканинг овозидан чўчиб уйғонди, кўзини очса, тепасида Азим ака билан Саври опа турибди. Уларнинг ранги қув ўчиб кетганди. Буни кўриб Ҳалимжон чўчиди. Тез туриб ўтирди. Ота-онасига ҳайрон боқди:

— Тинчликми?

— Бугун тонгда Тошкентда қаттиқ зилзила бўлибди,— деди Азим ака ҳовлиқиб.— Қурбонлар ҳам бормиш. Ҳозироқ отлану Тошкентга уч. Болаларингдан хабар ол! Бора солиб бизга хабар бер.

— Ҳа, бўл, ўғлим, отлана қол!— эрининг сўзини қувватлади Саври опа ҳам.

— Ер қимирлагани ростми? Ёки...— Ҳалимжон зилзила бўлганига ишонқирамади. Хаёлига: «Можарони эшитишибди-да», деган фикр келди дарров.

— Ёлгон гапирармидик, ўғлим, ҳозир радиодан эшитдик. Етти балдан ортиқ куч билан ер силкинибди!

— Етти балдан ортиқ!— Буни эшитган Ҳалимжоннинг кўз ўнгидан уйдан чиқиб кетган куни кечаси ширин уйқуда ётган Ботиржон билан Зокиржон бир-бир ўтди.

Чойга ҳам қарамай, кўчага отилди. Ҳамманинг оғзида Тошкент зилзиласи ҳақидаги гап. Бир-бирига сира тўғри келмайдиган миш-мишлар: «Анҳор суви тескари оқаётганмиш», «Ер ёрилганмиш»...

Ҳалимжон икки ўт ўртасида қолди: Андижонда қолай деса, ваҳима гаплар уни болалари ёнига ундайди, Тошкентга кетай деса, хотинининг ўша куни: «Болалар бир кунини кўриб кетар», деган гапи монелик қилади. Олти кунгача йнгитлик шаъни, ор-номус устун келди. Ота-онасига: «Ҳошияхон билан телефонда гаплашдим,

ҳаммалари соппа-соғ экан», «Тошкентдан келган бир танишим билан гаплашдим, болалар тинч экан», деб Тошкентга кетишни галга солиб юрди. Еттинчи кун ўта болажон бўлган Азим аканинг тоқати тоқ бўлди:

— Қанақа бемеҳр отасан? Кеча зилзиладан зарар кўрган тошкентликлардан анча оила Андижонга ҳам келибди. Уларни еттиёт бегона кишилар бағрига олибди. Сен бўлсанг, шундай оғир кунларда болаларнинг ёнида бўлмай, бу ерда кайф-сафо қилиб юрибсан. Сен бормасанг, ўзим бориб невараларимни Андижонга бошлаб келаман. Йўқса, қани тур, отлан, ўғлим.

Ҳалимжон қараса, дадасининг қарори қатъий. Шундан кейингина: «Борсам, Зокиржон билан Ботиржон учун бораман. Майли, болалар учун...» дея ўзига таскин бериб, Тошкентга қараб учди...

Ҳалимжон супада ўтирганча ўзи келгани учун зилзила қўрқувини унутиб юборган, севинаётган ўғилларини кўриб:

— Шуларни деб бу даргоҳга қайта қадам босдим-да. Бўлмаса...— дейишга мана шулар сабаб бўлган эди.

Шу кеча оила посбони — ота келган кеча оила тинч ухлади. Ҳатто бир неча марта бўлган уч-тўрт балли зилзила ҳам сезилмади. Зокиржон билан Ботиржон шундай ором олиб ухлашдики, гўё ёнларида ётган кичик жуссали оталарини, иморатлар у ёқда турсин, ҳатто осмон қулаб тушса ҳам ушлаб қоладиган кучли паҳлавон, деб билардилар. Улар назарида дадалари кетгани учун зилзила бўлдию у келгач энди ер қимирламайдигандек эди.

ОСМОН ЯҚИН, ЕР ЮМШОҚ

Тун ярмидан оққан. Файзи хола келини Муборак атрофида парвона. Янги меҳмон кутилмоқда.

Беш ўғил, уч қиз — саккиз фарзанд кўрган, ўнлаб неварани папалаб катта қилган Файзи хола дард нима, тўлғоқ нима жуда яхши билади, бу борада корафта. Келинидаги ўзгаришни оқшомдаёқ сизди, сиздию: «Эсон-омон қутулиб олсин», деб дилидан ўтказиб қўйди. Муборак самовар олиб келгани кетаётганида, ҳай-ҳайлаб йўлини тўсди. «Қўйинг, болам, ер тойғаноқ», дея койиб берди. Учоқбошида ош сузаётганида турп тўғраётган келинининг бўрсиллаб-бўртиб турган юзига кўзи тушиб ўзича:

«Ўғил бўлса отасига, қиз бўлса — онасига ўхшасин. Аммалари ҳам, тоғалари ҳам кўркам, чиройли. Уларга ўхшаса ҳам майли, ишқилиб, икки жон соғ-саломат бўлсин», деб қўйди.

Файзи холанинг бағри бутун: эгачи-сингиллари, ака-укалари, қариндош-уруғлари кўп. Ёши олтмишдан ошиб, ўзи буви бўлиб қолган бўлсаям, отаси Шодмон бобо, онаси Руқиябибилар ҳали барҳаётлар. Лекин умр умр экан, ҳаёт ҳаёт экан, бари бир ўз ишини қилар экан. Шунча йил яшаб, бирор марта «иҳ» демаган Шодмон бобо, мана, бир ҳафтадирки, қаттиқ касал ётибди. Ўғил-қизлари навбатма-навбат унинг тепасида тунни тонгга улашяпти. Файзи хола ҳар кеча дадаси ёнида, кундузлари ноилож ўз уйида. Ахир, келини... Бугун ҳам кечки

овқатдан сўнг ўша ёққа бормоқчи эди. Лекин орада бу гап чиқиб қолди.

Файзи хола Муборакнинг овқатдан номига чўқилаб ўтирганини ҳам, ўзини ноқулай сезаётганини ҳам кўздан қочирмади, боисини билгани учун келинини овқатга кўп ундамади.

Муборак лагандаги ош яримлаганда ниманидир баҳона қилиб ўз хонасига кириб кетди. Акмал ўрнидан қўзғалиб хабар олмоқчи бўлган эди, Файзи хола: «Ошингни е, ўғлим, мен ўзим», деди-да, қўлини апил-тапил артиб, келини ёнига кирди.

Муборак диванда хомуш ўтирарди. Файзи хола хонага кира солиб:

— Қизим, ўтириш ярамайди, у ёқ-бу ёққа юриб туринг. Юрган яхши,— деб насиҳат қилди.

Муборак ҳайрон:

— Ойи, оғир бўлиб, бўшашиб кетяпман-ку.

— Чўчиманг, қизим, чўчиманг. Одатда ўзи шунақа бўлади. Юриб турсангиз енгил тортасиз.

— Ойи, кўнглим беҳузур бўляпти.

— Ҳечқиси йўқ, қизим. Чуқур-чуқур нафас олинг, ҳаммаси ўтиб кетади. Қани, ўрнингиздан туринг. Юринг, юринг. Мен ҳозир...

Файзи хола хонадан чиқа бошлади.

— Ойи, қаёққа... кетманг.

— Кетмайман, қизим, ҳеч қаёққа кетмайман. Аччиқ-қина қилиб бир чой дамлаб келай. Гаплашиб ичамиз. Ўзимни ҳам ош чанқатяпти.

Файзи хола хонасига кирар экан, эри Асқар амаки, ота бўлай деб турган ўғли Акмал, кенжатоий Аброр оғизларида ош билан унга ялт этиб қарашди. Айниқса, Акмалнинг нигоҳи бўлакча. У безовта кўринади.

— Тинчликми?— сўради Асқар амаки.

— Ҳа, сизлар бафуржа овқатланаверинглар,— деб жавоб берди чой дамлар экан Файзи хола.— Ростдан ҳам мен бугунча у ёққа боролмасам керак. Чунки...

— Тушунарли,— деди Асқар амаки маъноли кулиб.
— Шунинг учун ҳам, дадаси, бугунча сиз у ёққа борақоласиз. Менинг жилишим қийин.

— Бу дейман, ойиси, қанақа бўларкин?

— Қанақа бўларди? Дадамлар хурсанд бўладилар, кўнгиллари тоғдек ўсади. Ахир, куёв ҳам ўғил-ку! Божаларингиз, акаларингиз эртаю кеч танда қўйишмоқда.

— Эртага саҳарлаб борақолсам бўлмасмикин-а, ойиси?

— Йўқ, бормасангиз, хавотир оладилар. «Кечқурун албатта келаман», дегандим.

— Хўп, хўп, қўлимдаги шу чойни ичаману йўлга тушаман. Сиз бу ерда, биз у ерда посбон. Шундай эмасми, ойиси?— ҳазиллашди Асқар амаки.

— Бўлмасам-чи! Лекин мени сўрашса, зинҳор-базинҳор келинингиз аҳволдан сўз очманг. Юк тушмасин тагин. Қани, тезроқ отлана қолинг.— Файзи хола эрига шуларни айтиб, Аброрга буюрди:— Ошингни еб бўлгач, ертўлага тушгн-да, хумчадаги нордон олча қиёмдан олиб чиқ. Қеннойингга чойга қўшиб бераман...

Файзи хола бир қўлида чойнак-пиёла, бир қўлида ликопчада қанд, хонадан чиқа бошлади.

— Ойи... Ҳалиги...— Акмал гапининг давомини айттолмади, чайналиб қолди: у «Тез ёрдам» чақирмаймизми?» демоқчи эди.

— Ҳали вақт эрта. Керак бўлсанг, ўзим чақираман.

Файзи хола сўзи ўткир аёллардан. Оилада унинг айтгани айтган, дегани деган. Ўзи ҳам билиб айтади, дегани ўринли бўлади. Бир нарсани билмаса гапирмайди. Лекин билгани бўйича тутган жойини кесади. Шунинг учун ҳам ҳозирги гапига, тўғрироғи, буйруғига на эри, на ўғиллари қарши бўлишмади. Унинг ўз фалсафаси бор. Лекин жуда содда фалсафа: одам тафтини одам кўтаради, аритади. Шод кунингда ҳам, бошинг ёстиққа текканида ҳам, тўю маъракада ҳам, ҳозир Муборак тушган аҳволда ҳам одам одамга эш бўлмоғи шарт.

Файзи хола келинидаги ўзгаришни сезган заҳотиёқ «Тез ёрдам» чақиртириб, уни туғруқхонага юбориши ҳам мумкин эди. Лекин бундай қилмади. Чунки бундай маҳалда ҳовлиқиш ярамайди. «Муборак ёш нарсаси, ҳар нимани ўзига олиб, ваҳимага тушади,— ўзича ўйларди Файзи хола.— Уни элдан бурун туғруқхонага юбориб қўйсан, қийналиб қолиши мумкин. То «дарди пишгунча» кўз олдимида бўлгани маъқул».

Мана, тун яримлаган бўлса ҳам Файзи хола мижжа қоқмай Муборакнинг хаёлини чалғитиш учун уни гапга солиб ўтирибди. Яхши гаплардан, кишига далда бўладиган гаплардан гаплашяпти. Унга иссиқ-иссиқ чой ичиряпти, лекин ўтиргани қўймапти, келинига бўла ўзи ҳам бундоқ ёзилиб ўтирмапти.

Акмалда ҳам уйқу қаёқда дейсиз. Тўнғич фарзанди, қандай бўларкин! У хона эшиги олдида тез-тез келиб, ичкарига қулоқ солади, «ойимлар менга бир гап айтармикинлар» деган умидда томоқ қириб йўталиб қўяди. Ҳадеб шунақа «йўталавергач», Файзи хола унинг ёнига чиқиб деди:

— Ҳозирча ечинмай ётатур. Ўзим чақираман. Муборакнинг кўринишидан «Тез ёрдам» чақиритишга пича бор.

Муборак ҳам шу ҳақда сўз очганди, Файзи хола: «Акмалга айтдим, телефон қилгани кетди», деб уни ҳам хотиржам қилди-қўйди. Бу гапдан кейин Муборак тик этса кўчага қулоқ тутарди, ҳар қандай товуш машина овозига ўхшаб туюларди. Шу алпозда вақт ўтарди. Бир пайт Файзи хола учун кутилмаганда, уларнинг иморатлари олдида машина келиб тўхтагани эшитилди. Файзи хола иргиб ўрнидан туриб, дераза олдида борди, лекин қанча тикилиб қарамасин кўчани кўролмади: қиш дераза ойналарига нақшбанд қиров пардасини ёпиштириб қўйган эди.

«Ҳа, баттол, ўз билгича иш тутиб, машина чақирибди-да», деб ичида Акмални койиб қўйди. Шу пайт кўчадан овоз эшитилди:

— Опа, ҳой опа...

Бу — Файзи холанинг дадаси билан бирга турувчи кенжа иниси Қувондиқнинг овози. Эшитди-ю, бўшашиб кетди Файзи хола: «Дадамга бир гап...»

Тизза бўйи қор. Яна ёғяпти. Олдинда беқасам тўн устидан шоҳи қийиқча боғлаган Аброр боради, қўлтиғида ҳам икки беқасам тўн. Дадаси ва акаси учун. Ойиси уларни сандиқ очиб олди. Бугун тўн кийишлари керак экан. Аброр умрида биринчи марта тўн кийиши, ўзини ноқулай сезади, этаги қорга тегиб, юриши қийинлашади, оёқлари чалишиб кетади.

Орқада белига шолрўмол боғлаб олган Файзи хола боради. Бошида ҳам қора рўмол. Кўзи ёшли...

Она-бола шу алпозда Файзи холанинг ёшлиги кечган ота маҳалласи — тор кўчага кириб боришганда, Шодмон бобо эшиги олдида беш-олти киши тўпланиб турар, ичкаридан йиғи овози эшитилар эди. Йиғини эшитдию Файзи холанинг ичидан бир нарса узилиб кетгандек бўлди. Ана шунда чиппа-чин ишонди. Йўл-йўлакай «вой отам»лаб борди. Эшик олдида турганлар елкасига бир-бир бош қўйиб, айтиб-айтиб йиғлади: «Беозоргинам отам...»

Файзи хола йиғлаганча ичкарига кириб кетди. Шундан кейингина эшик олдида турганлар — дадаси, тоғалари, поччалари Аброрга эътибор қилишди.

— Жиян, мана, бувангдан ҳам айрилиб қолдик,— деди ўртанча тоғаси ўпкаси тўлиб.

Аброр бундай пайтларда қандай жавоб қайтаришни ҳали билмасди, хўрсиниб ерга қаради.

— Опкелиб яхши қилибсан,— деди дадаси Аброрнинг қўлтиғидаги тўнга кўзи тушиб.— Қани, бер-чи, ки-йиб олай.

Аброр тўннинг бирини дадасига узатди.

— Униси кимга?

— Акмал акамларга!

— Ўзи қани?— Асқар амаки шундай дедию кейин

уйдаги «воқеа» эсига тушиб, ўзи жавоб қила қолди.— Келиб қолар.

— Жиян, совуқ қотибсан, ичкарига кириб исиниб чиқ,— деди Аброрга катта тоғаси ачиниб.

— Йўқ, совуқ қотганим йўқ,— ўзини кўрсатишга ҳаракат қиларди Аброр.

— Бўлмаса, қўлингдаги тўнни ичкарига қўйиб чиқ,— деди Асқар амаки.

Аброр кирганида, ҳовли хотин-халажга тўла эди. Уни кўриб, яқин қариндошлари яна қайтадан уввос солиб йиғи бошлашди, холалари уни бағриларига босиб, айтиб-айтиб йиғлашди. Лекин Файзи холанинг йиғиси ажралиб турарди: «Беозоргинам отам...» Аброр бундоқ ўйлаб қараса, буваси чиндан ҳам беозор, мулойим, ширинсўз киши эди. Аброр бувасининг на ўзига, на бошқа неварачевараларига, на бегоналарга бирор марта қаттиқ гап айтганини, ранжитганини эслолмади. Онаси топиб йиғларди: Шодмон бобо ҳақиқатан беозор эди.

Аброр қўлидаги тўнни айвон қозигига илиб, қайтиб чиққанида кўчада ўттиз чоғли киши тўпланиб қолган эди. Уч-тўрт киши тобут безатар, тоғалари дадаси билан ниманидир маслаҳат қилишар, бошқалар эса маҳалла раиси Олим оқсоқол бошчилигида қор курашарди. Аброр нима қиларини билмай, серрайиб турарди. Буни кўриб Олим оқсоқол унга насиҳат қилгандек сўз қотди:

— Ўғлим, мана бу акаларингга қарашвор. Совуқ қотмайсан.

Аброр шундай қилди. Аввал қор курашди, кейин тўп-тўп қорларни замбиллаб кўча ёқасидаги эски ҳовузга тўкишди. Маҳалла йигитлари завқ билан, худди тўй тараддудини кўраётгандек ишлашди. Кўпчилик — кўпчилик-да. Ҳа-ҳув дегунча тор кўча қордан анча тозаланди. Ёғиб турмаганда-ку!

Одам кўпайганидан кўпайиб борди. Кишилар тор кўчанинг икки четида сафрост бўлиб туришибди. Янги

келганлар уларнинг ёнига тизилишади, қариндошлар эса оралаб ўтиб, эшикка яқин келишади, қариндошлар ёнидан жой эгаллашади, айримлари ҳовлига ҳам кириб чиқишади. Аброр қариндошлар сафида, ўзига тенгдош тоғаваччалари, холаваччалари ёнида турибди. У умрида бундай манзарани биринчи кўриши, ўзини ғалати сезади.

Бир пайт Акмал ҳам етиб келди. У ҳаяжонини яширолмай қийналарди. Лекин бир амаллаб тоғаларига таъзия билдирди. Дадаси унга «ичкари кириб чиқ» деб имо қилди. Акмал ҳовлига кирганида ҳам ойиси ва холалари уни бағриларига босиб, уввос солишди. Кейин ойиси Акмални четга тортиб, унга савол назари билан боқди.

— Ўғил,— деди Акмал секингина.

— Келиним қалай?

— Яхши, врачлар жуда осон қутулиб олди, дейишяпти. Туғруқхонага олиб келганимдан кейин орадан кўп ўтмай «суюнчи» деб чиқишди олдимга...

— Айтмовдимми кеча сенга,— ғурур билан сўзларди Файзи хола.— Ана, кўрдингми... Тўнинг айвон қозиғида...

Акмал ҳам тўн кийиб, бел боғлаб, қариндошлар сафига тизилди. Кўзи Аброрнинг кўзига тушганда атрофидагиларига сездирмай жилмайиб қўйди. Бунга жавобан Аброр ҳам. Лекин ўғил кўрганини укасига айтолмадида! Майли, умуман билдириб қўйди-ку. Кўзларига кўзим тушармикин деб шунча қарадию қани энди, дадаси унга қараса, унинг қувончини сезса. Қизиқ, инсон шодлигини ҳам яқин кишиси билан баҳам кўришга шунчалик муштоқ бўлар экан-да. Акмалнинг эса ҳозир ичи пишиб кетяпти...

Қабристон томон йўл олишди. Тор, лекин серқатнов кўчадан боришмоқда. Тобуткашлар сафи чорак чақиримдан ошади. Худди нотинч денгизда сузиб кетаётган кема сингари тобут одамлар елкасида чайқалиб боради. Олим оқсокол тез-тез:

— Баракалла... баракалла,— деб тобут кўтараётганларга далда беради, тартибга чақиради.— Тенг-тенги билан кўтаринглар... Навбатни аввал йўловчиларга беринглар. Улар ҳам савобдан қуруқ қолишмасин... Эҳтиёт бўл... Оёғингга қара...

Аброр таъзиядорлар сафида — атрофдагиларни кузатиб бормоқда. Буларни кўриб анча нарида машиналар тўхтади. Шофёрлар, йўловчилар машинадан тушиб, тобутни бир неча қадам кўтариб боришади. Баъзи машиналар эса тик юриб келаверади, одамлар ёнидан шошилиб ўтиб кетади. Аброр илгари бунақа нарсаларга эътибор бермасди. Энди билиб турибди: ҳамма ҳар хил-а!..

Қор ёғади. Осмон яқин, ер юмшоқ. Уфқ яқин кўринадди. Шодмон бобо эшиги олдида одам кўп. Улар орасида Аброр ҳам қўл қовуштириб турибди. Таъзия изҳор қилгани келувчиларнинг кети узилмайди. Азадорлар уларни кутиб олиш, кузатиб қолиш билан банд. Агар келувчилар сийраклашса, ёки бир оз тўхтаб қолишса, азадорлар хаёлига оғир мусибат лоп этиб яна тушади, кўзларига ёш қалқади. Таъзия билдирувчилар келганида эса хаёллари бўлинади, ғам-алам улардан чекинади, бу ҳолни Аброр энди кўряпти. Қани энди, одамлар келаверса, тоғаларининг хаёли бўлинаверса. Ун еттига эндигина қадам қўйган Аброр бувасининг вафоти муносабати билан шунга яхши тушуниб етдики, лутфан таъзия изҳор қилиш — бу вафот этган кишининг хотирасига ҳурмат ифодасигина эмас. Бу — тириклар учун ҳам керак, азадорлар ғамини озми-кўпми аритади, улар хаёлини мусибатдан чалғитади.

Аброрнинг нигоҳи кўча боши тарафда... Ана, бир гуруҳ одам келяпти. Буни аввал у кўрди.

— Қувондиқ тоға, келишяпти,— деди Аброр. Тоғалари келаётганларни кутиб олишга чоғланишди. Хаёллари бўлинди.

Қор ёғади. Яна ёғади. Осмон яқин, ер юмшоқ. Уфқ яқин келганга ўхшайди.

ЎЗЛАРИНИ ҚЎРСАТСИНЛАР

Йигит китобни ёпти-да, ўзига-ўзи, лекин ёнида ўтирган қиз ҳам эшитсин, деган ниятда атайлаб баландроқ овоз билан менсимаган оҳангда гўлдирлаб қўйди:

— Эсиз шунча қоғоз.

Қиз, йигит менга гапиряпти шекилли, деган хаёлга бориб, китобдан кўзини олди-да, йигитга қайрилиб қаради.

— Менга гапиряпсизми?— деди у, йигит нима деганини англаёлмай қолиб.

Йигит аста ўгирилиб, менсимаган назар билан қизга қаради.

Кутубхона залида китобхонлар анча сийрак бўлиб, кўп жойлар бўш эса-да, атайлаб шу қизнинг ёнига келиб ўтирган эди. Лекин бир неча марта томоқ қириб йўталиб, стулни гижирлатган бўлса-да, қиз унга қиё боқмаган, китобдан кўзини узмаган эди. Ҳали кўз кўзга тушмаганди. Мана, энди кўзлари тўқнашди. Қизнинг гўзаллиги қаршисида йигит лол қолди шекилли, қиёфа-сидаги менсимаслик ифодаси бир оз ёришди.

— Сизга эмас, бу китобни чиқарганларга, ёзган авторига айтаяпман,— деди у салдан кейин, гўё тезда жавоб қайтарса эгардан тушиб қоладигандек.— Ёмон китоб экан. Уртоқлар оғиз кўпиртириб мақташганига бир ўқиб кўрай-чи, дегандим.

— Мумкинми, мен ҳам бир кўрай?— деди қиз қизиқсиниб.

— Марҳамат,— деди йигит стол чангини артгандек, кафтининг қирраси билан китобни қиз томон суриб қўяркан.— Мана, кўринг.

— Раҳмат,— дея қиз китобни қўлига олди, орқа-ўнгига қаради, варақлади.— Чиройли қилиб чиқазишибди. Ички расмлари ҳам чиройли экан.

— Мазмуни жўн-да, мазмуни,— деди йигит китобга ижирганиб қараб.

— Тавба,— дея ажабланди қиз,— бу авторнинг бошқа китобларини ўқиганман. Менга жуда-жуда ёққан эди. Лекин бу китобига кўзим тушмаган экан. Китоб дўконларидан топилармикин?

— Йўқ-да,— деди йигит, бу сўзни ачиниш билан айтдим, таажжубланиб айтдим, билиб бўлмасди.— Магазинларда бўлса, бу ерга — кутубхонага келиб ўтирармидим. Айтишларича, аллақачон сотилиб кетганмиш, ҳатто уч кун ҳам турмаганмиш магазинларда. Китобхонлар бунинг нимасига учишди, ҳайронман. Магазинга чиққандан кейин сотиб олаверишар экан-да. Тавба!

— Бу авторнинг бошқа китоблари яхши эди,— деди қиз ёдида қолган сеvimли образларни хаёлидан ўтказиб.

— Ҳа, уларни мен ҳам ўқиганман,— деди йигит билан одамлардек оғзини тўлдириб.— Жуда унчалик эмас-ку, лекин ҳар ҳолда, бир ўқиса, шунчаки кўз ташлаб қўйса бўларди. Лекин буниси жуда-жуда жўн нарса, киноларда аллақачон кўрганларимизнинг чалакам-чатти қайта ишланган бир нусхаси.

— Ўқиб тугатдингизми?— деди қиз, йигитнинг китобни шунчалик ерга уришига ишонқирамай.

— Ҳали тугатмадиму кўп қисмини ўқидим. Лекин ҳали анча қисми бор.

Одатда баъзи китобхонларда жуда мақталган ёки ўта танқид қилинган асарларга қизиқиш кучли бўлади: мақташибди, демак, бир гап бор, деб ҳам ўқишади, қа-

ни, нимасини танқид қилишибди, деб ҳам ўқишади. Шунга ўхшаш қизга ҳам йигитнинг танқидий гаплари кор қилди шекилли, бу китобга қизиқиб қолди.

— Бу китобни уйга беришса, сиздан кейин мен ҳам бир ўқиб кўрардим.

— Бу ерда уйга китоб берилмайди,— деди йигит, наҳотки шуни ҳам билмасанг, дегандек қилиб.— Нима, бу ерга биринчи келишингизми?

— Йўқ, уч-тўрт йилдан бери келиб тураман,— деди қиз, гўё ноўрин гапириб, катта гуноҳ қилиб қўйган кишидек қисиниб-қимтиниб.— Лекин бунақа бадий китоблар уйга берилади, фақат камёб дарсликлар, қўлланмаларнигина уйга олиб кетиш мумкин эмас, деб ўйлардим.

Йигит қизга гўё такаббур олим ғирт оми кишига қарагандек жуда паст назар билан боқди.

— Ия, шунча йилдан бери бу ерга бирор марта ҳам бадий китоб ўқигани келмадингизми?

— Йўқ,— дея ерга қаради қиз.

— Ҳм, тушунарли, бадий асарларга қизиқмас экансиз-да.

— Вой, нега унақа дейсиз?— деди қиз узун киприкларини пирпиратиб.— Иложи борича бадий китобларни ҳам кўп ўқийман. Лекин атайлаб бу ерга бадий китоб ўқигани келишга вақт қаёқда.— У бир оз жим қолгач, ерга қараганча қўшиб қўйди.— Кечкида ўқигандан кейин шу-да. Тўғрисини айтсам, мен бу ерга фақат қишқи ва ёзги имтиҳон кезлари, дарс тайёрлашга келаман.

Икки ёшнинг суҳбати мўъжаз залнинг у ер-бу ерида ўқиб, конспект ёзиб ўтирган кишиларнинг диққатига ҳалал бераётган эди. Улар индашмаса-да, ўқтин-ўқтин хўмрайиб қараб қўйишарди. Бунни кутубхоначи аёл сезиб ўтирарди-ю, лекин суҳбат тугаб қолар, деган хаёлда, йигит ва қизни огоҳлантиришга шошилмасди. У суҳбат чўзилаётганини кўриб, йигит ва қиз олдига келди-да, даkki берди:

— Яхшимас, бошқаларни ҳам ўйланг, Агар ўқиб чарчаган бўлсангиз, марҳамат...

Кутубхоначи аёл жойига қайтиб кетди. Қиз чиндан ҳам конспект ёзавериб чарчаган эди. У йигитнинг китобини унинг олдига олиб қўйди-да, китоб-дафтарларини йиғиштиришга тутинди.

— Бугунга шу ҳам бўлар, жуда чарчаб кетдим,— деди у. Бу гапи билан отланаётганини йигитга маълум қилаётган эди. Ваҳоланки, йигит бусиз ҳам қизнинг кетишга тараддуд кўраётганини пайқаган эди.

Одатда баъзи қизлар ҳар нарсага юқоридан қаровчи йигитларни ёқтиришади. Бу қиз ҳам шундайлардан эди. Йигитнинг таниқли бир ёзувчининг китобига менсимай қарагани, талабни катта ва қаттиқ қўйгани қизга ажойиб фазилат бўлиб туюлди шекилли, у ўзида бу йигитга нисбатан қандайдир мойиллик сизди. Ўйга отланаётганини атай тилга олишининг сабаби ҳам ана шундан эди. Йигитнинг чеҳрасида зеркиш аломати кўринарди. Бу ҳам қизга кўп ўқийвериб чарчаганлик белгиси бўлиб туюлди. Аслида эса йигит китобдан атиги беш-олти бетгина ўқиган эди. «Ўқимишли йигитга ўхшайди», деб дилидан ўтказиб қўйди қиз.

— Бунақа китобни бундан кўп ўқиса, одамнинг мияси суюлиб кетиши ҳеч гап эмас,— дея йигит ҳам қиз билан баробар ўрнидан қўзғалди-да, китобни қўлтиғига қистирди.

Йигит ва қиз олган китобларни топшириб кўчага чиқишганда, қоронғи тушиб қолганди. Қишнинг охирлари бўлса-да, худди авжи баҳордагидек кўнгилларига ором берувчи, ёшлик эҳтиросларини туғён урдирувчи ўйноқи кўклам шамоли эсарди. Улар ёнма-ён кетишар экан, йигит биринчи бўлиб гап бошлади:

— Кечкида ўқийман, денг. Қайси бирида?

— Тўқимачилик институтида. Тўртинчи курсда ўқийман.

— Яхши. Кундузи бирор жойда ишласангиз керак?

— Бўлмасам-чи!— деди қиз ғурур билан. У ҳам ишлаб, ҳам ўқиётганидан, ишда илғор, ўқишда аълочи бўллоганидан фахрланарди.— Шунинг учун ҳам кечкида ўқийман-да. Курсдошларимнинг ҳаммаси ҳам ишлашадди. Бири тўқимачилик комбинатида, бири ательеда, бири либослар уйида. Мен бўлсам бадний буюмлар фабрикасида ишлайман.

— Ҳа, чеварман денг!— деди йигит ва гапни дарров яна ўқишга буриб юборди:— Нима, кундузгига киролмаганмисиз?

— Аввал кундузгига кириб, кейин кечкига ўтганман. Йигит таажжуб билан елка қисиб қўйди.

— Қизиқ, ҳамма кундузи ўқишга интилади-ю, сиз бўлсангиз... — деди афсусланиб у.

— Шундай қилишга тўғри келиб қолган-да.

— Ҳа, тушундим. Кундузи ўқиш осонмас. Бошимдан ўтган. Биз билан ўқиган икки-уч ўртоқ кечкига ўтиб кетган эди. Бир йил кейин битиришди-ю, лекин олган дипломларимизда фарқ йўқ.

— Нима, сизнингча, кундузгига қараганда, кечкида ўқиш осонми?— деди қиз ўзи, кечкида ўқиётган барча студентлар камситилаётгандек оғриниб.

— Ҳар ҳолда, кундузги кундузги, кечки кечки-да,— деди бамайлихотир йигит.

Қиз бир кўнгли: «Ҳаётга юзаки қарар экансиз», де-моқчи ҳам бўлди-ю, яна бир кўнгли: «Кундузгидан кечкига ўтиб кетганлар орасида бу йигит айтаётгандек укувсизроқ студентлар ҳам бўлса керак», деган хаёлга борди-да, фикридан қайтди. Ахир, биринчи кўришдаёқ нотаниш одамга: «Ҳаётга юзаки қарар экансиз», деб бўладими? Ахир, бу одобдан эмас-ку. «Балки ҳаётга чуқур қараганидан, турмушни яхши билганидан шундай деяётгандир. Боя таниқли ёзувчининг янги китобини шундай қаттиқ танқид қилиб, катта талаб билан ёндашдики, демак, бу йигит ҳаётга ҳам теран қарайди, одамларга ҳам катта талаб қўяди».

— Лекин сиз айтган студентлар курсдошларим орасида йўқ. Бутун институтимизда ҳам йўқ бўлса керак. Балки сиз ўқиган институтда бўлса бордир.— Қиз кейинги гапини йигитнинг таржимаи ҳолидан азмойиш олиш ниятида айтди.

— Гапим оғир ботибди, а?— деди йигит узр оҳангига ўхшаш бир тарзда, лекин бу кечирим сўраш эмас эди.— Бироқ унақа студентлар мен ўқиган Халқ хўжалиги институтида ҳам, сиз ўқиётган институтда ҳам оз бўлса-да, топилади. Яна ким билади дейсиз. Балки мен янглишаётгандирман. Мен ҳозир ишлаб турган мактабдаги кекса ўқитувчиларнинг айтишича, илгариги болаларга қараганда бугунги болаларнинг диди, савияси, қобилияти ошиб кетганмиш. Эҳтимол, ҳозирги студентлар ҳам бутунлай ўзгариб кетгандир. Ахир, институт билан хайрлашганимга ҳам ёз келса тўрт йил тўлади.

Қизнинг кўнглидагидек бўлди: у йигитнинг таржимаи ҳолидан муҳим бир-икки нуқтани билиб олди. Лекин билиши, аниқлаб олиши керак бўлган нуқталари ҳали кўп.

— Ўқитувчиман денг?

— Ҳа, математикадан дарс бераман,— деди йигит ва бир оздан кейин қўшиб қўйди:— Аслида бухгалтерлик қилишим керак-ку, лекин мактабимизда ўқитувчи етишмас экан.

— Мана, касб-коримизни ҳам билиб олдик,— деди қиз яна гап қўзғатиш мақсадида.

— Энди исмларимизни ҳам билиб қўйсак ёмон бўлмасди,— дея йигит қизга қўл узатди.— Муслимбек.

— Қундузой,— дея қиз ҳам йигитга қўлини берди.

— Ўзингиз ҳам қундузга ўхшайсиз.

Қундузой ҳали ҳеч бир йигитнинг бундай таърифига сазовор бўлмаган эди. Шунинг учун ҳам унга Муслимбекнинг гапи жуда-жуда ёқиб тушди, йигитга мойиллиги кучайди, юрак яқинлиги янада яқинлашди. Улар шу

пайт кинотеатр ёнидан ўтиб кетишарди. Муслимбек даб-дурустдан таклиф қилди:

— Бир кино кўрмаймизми?

— Майли.— Қундузой қандай қилиб розилик бериб қўйганини сезмай ҳам қолди. У ҳамон бояги таърифнинг таъсирида эди-да.

Улар афиша олдига боришди. Муслимбек афишага разм солар экан:

— Э, бу фильмми?— деди менсимаган оҳангда.— У ҳақда эшитганман. Бачкана нарса эмиш.

Бу гапни эшитиб, Қундузой: «Демак, фильм кўрмас эканмиз», деган хаёлга борди. Унинг ўрнида бошқа одам бўлса ҳам Муслимбекнинг бу гапидан шундай хаёлга бориши турган гап-да. Лекин бундай бўлмади. Муслимбек: «Мен ҳозир...» дея кинотеатр кассаси томон кетди-да, бир зумда иккита билет билан қайтиб келди:

— Яна ўн минутдан кейин бошланади. Икки серия-ли экан. Тезда буфетга бориб, у-бу нарса тамадди қилиб олмасак бўлмайди. Қани, марҳамат.

Аввалига Қундузой: «Кўришга арзимайди, зерикар-ли, бачкана», деган одамнинг икки серияли фильмга билет олганига таажжубланди. Кейин эса: «Фильм шаъ-нига айтган гаплари балки ҳазилдир», деган хаёлга бо-риб Муслимбекка эргашди.

Улар буфетга яқинлашар-яқинлашмас, Муслимбек буфетчига сўз қотди:

— Нималарингиз бор, опажон?

— Ҳаммасини кўриб турибсиз, мана, блинчик, бляши, сомса, кекс, торт, тил...— деди буфетчи қўлидаги вилка билан бир-бир кўрсатиб.— Лимонли чой, қора қаҳва, какао, қаймоқ, қатиқ.

— Ҳа, биламан буларнинг қанақалигини,— деди мен-симаган оҳангда Муслимбек, пештахта устидаги егу-ликларга кўз югуртириб.— Блинчик чала пишган. Бля-шининг ичига иссиқ ўтмаган. Сомса пиёздан иборат.

Кекс тараша. Торт ачиб қолганга ўхшайди. Тил туравериб қотиб кетибди...

Муслимбекнинг бу гапларидан Қундузой: «Энди ҳеч нарса еб олмас эканмиз, уч соат оч ўтириб, кино кўриб бўлмайди-ку», дея ичида ташвишланарди.

— Нега унақа дейсиз?— деди аччиғи келиб буфетчи.— Аввал тотиб кўринг-да, кейин шунга қараб баҳо беринг... Ёки ҳазиллашяпсизми?

— Ҳазил эмас, чин,— деди жиддий Муслимбек,— мен бу ерда биринчи марта бўлаётганим йўқ.

— Ёқмаса, олмай қўяқолинг.

— Нега олмас эканман?.. Оламан, қани, бизга сомсадан тўртта беринг. Икки стакан чойдан қуйинг.

Муслимбекнинг бу гапидан Қундузой буфетчи олдида ўзини ноқулай сезди, буфетчи эса ҳайрон бўлиб: «Тавба», деб қўйди. Бу орада залга киришга иккинчи қўнғироқ ҳам чалинди.

Сомса хушхўрғина эди-ю, лекин буфетчи билан ҳозиргина бўлган кўнгилсизликдан кейин, айниқса, унинг кўз ўнгида Муслимбек томонидан ерга урилган сомса Қундузойнинг томоғидан ўтмасди. Муслимбек эса еб турган сомсасига минг хил нақл ўқиса-да, лекин иштаҳа билан паққос туширарди, танқид орқали ўзини кўрсатиш пайдан эди. Қундузой Муслимбекка тикилиб ўтирар экан: «Қанақа одамга дуч келиб қолдим? Субути борми ўзи! Ёқмаса, ема-қўй!» деган фикрларни дилидан кечирарди.

Беш-олти минут фильм кўрилгач, Муслимбек энгашиб Қундузойга пичирлади:

— Боя сизга айтмовдимми: «Кўришга арзимайди, бачкана кино», деб. Мана, айтганим рост чиқди. Шу ҳам кино бўлди-ю...

Қундузой бу гапдан: «Демак, фильмнинг бу ёғини кўрмай, ҳозир залдан чиқиб кетар эканмиз-да», деган хаёлга бориб, кетишга шайланди. У анчагача тараддудланиб ўтирди. Лекин Муслимбекдан садо йўқ, стулга

ястаниб бамайлихотир фильм кўрарди. Лекин бутун томоша давомида, ҳатто фильмнинг энг таъсирли жойларида ҳам тез-тез: «Шу ҳам фильм бўлди-ю, фильм қилдим деб ишлашаверар экан-да», дейишни канда қилмасди. Қундузой эса: «Фильмнинг нимаси ёмон экан, менга ёқпти-ку, балки менинг фаҳм-фаросатим етма-яптимиқан», деган хаёлга бориб қийналар, ҳатто ўзидан-ўзи хафа бўлар эди. Лекин қиз бояқиш Муслимбекнинг одатини қаёқдан билсин ҳали? Муслимбекнинг одати шу эдики, ўзини кўрсатиш учун ҳамма нарсани ерга урар, ҳаммани менсимасликка интилар, яхши нарсадан ҳам кир қидириб, тополса-тополмаса танқид қилар эди, шу йўл билан, юзаки, қараганда, гўё обрў ортирган, ўзини бир кўрсатиб қўйган бўларди. Бир кўрган одам уни чиндан ҳам билагон экан, деб ўйлаши ва ҳатто, «билагон»лигига чиппа-чин ишониб қолиши ҳам мумкин эди. Лекин яқиндан танишгач, унинг ҳақиқий қиёфасини яққол кўрарди-да, унга бўлган аввалги ҳурмати, эътимодидан асар ҳам қолмасди. У ўзини кўрсатиш учун ўқувчилик йилларида синфдошларига, студентлик кезларида курсдошларига, ҳатто баъзи бўш-баёв ёш ўқитувчиларига нисбатан ҳам ундай-бундай дея нақл тўқиган эди. Мана, ҳозир ишлаб турган мактабида ҳам ҳар кимдан ва ҳар нарсадан бир «айб» топар, доимо баланддан келар, унча-мунча нарсани назар-писанд қилмас, иложи борица ерга уришга ҳаракат қилар эди. Мабодо, сиз унга бирор гап айтмоқчи бўлсангиз, у сиздан олдинроқ сўз бошлаб, қулоқ-миянгизни қоқиб қўлингизга беради. Унинг тўхтовсиз сўзлашидан безор бўлиб айтмоқчи бўлган гапингиз ҳам эсдан чиқиб кетиб, тезроқ ундан узоқлашиш пайига тушасиз. Мактаб педагогика кенгаши мажлисларида (У мажлис бошланмасдан бурунроқ ўз «мажлисча»сини очиб юборади) албатта сўзга чиқиб, «қўрқоқ олдин мушт кўтарар» қабилида баланддан келиб нутқ сўзлар, ўзини бир кўрсатиб қўярди, дарс беришга унчалик уқуви йўқлигини ҳам шу би-

лан ёпиб кетар, танқид эшитишдан жон сақлар эди. Кейинги пайтларда ҳамкасблари унинг бу қилиғини сезиб қолишди. Мактабда педагогика кенгаши ёки ота-оналар мажлиси бўладиган кунлари айрим аскияга ўч ўқитувчилар:

— Муслимбек, бугун бир ўзларини кўрсатадиларми?— дейдиган одат чиқаришди.

Ота-онаси уни уйлантириш тараддудига тушиб, тўйдан оғиз очишганда, у нима деди денг?!

— Хотин зоти қуриб кетсин. Уйланиш—ўзни дўзахга ташлаш-ку.

— Баракалла, ўғлим, рост гап шу,— деди отаси Муслимбекнинг фикрини қувватлаб. Лекин орадан бир зум ўтар-ўтмас, тамом бошқа гапни айтди.— Ўғлим, кўз тагига олиб қўйганингиз бўлса, айтинг, тўйни бошлаб юборайлик...

Ана ўшандан бери Муслимбек зимдан ўзига бўлажак ёр қидиради (боя кутубхонада Қундузойнинг ёнига бориб ўтирган, атайлаб суҳбат бошлашга урингани ҳам шу илинждан эди), лекин уйланган ўртоқлари даврасида: «Хотин зоти қуриб кетсин. Уйланиш—ўзни дўзахга ташлаш!» дейишни канда қилмайди.

Уч-тўрт йилдан бери Муслимбек кўпгина қизларга илмоқ ташлаб кўради-ю, лекин ҳеч бири иккинчи учрашувга келмайди. Қаҳри ҳам, меҳри ҳам бошланмай сўнадиган, обрўталаб, менсимай қараши орқасида худбинлик ётган бу йигит дастлаб зўр кўринса-да, биринчи учрашувнинг охиридаёқ ундан қизларнинг кўнгли муз қотарди. Муслимбекнинг меҳри ва қаҳри янглиғ унга нисбатан қизларда эндиgina куртак ёза бошлаган мойиллик ҳам очилмай сўларди.

Айтгандай, Муслимбек ҳақиқий ота ўғли эди. У эсини танибдики, оилада жанжал бўлмаган кун йўқ. Эрта-лабданоқ эр-хотин ади-бади айтишади. Кечқурун бу яна давом этади. Айниқса, ота ойлик олиб келган кунлари эр-хотин ўртасида можаро авжига чиқади. Она ойликни

қўлига олаётиб бошлаб беради:

— Қолгани қани?

— Ҳаммаси шу.

— Ҳо, мени алдаб бўпсиз. Бу гал мукофот ҳам бўлиши керак.

— Ҳей, эсингни едингми, мукофотни ҳар кварталда бир марта оламинг-ку.

— Ҳозир кварталнинг охири бўлмай, нима?

Шундай қилиб, бирни хотин айтади, бирни эр. Итмушук бўлиб кетишади. Фарзандлари уларни томоша қилиб туришади. Ногаҳон бу жанжал устидан чиқиб қолган киши, улар энди батамом юзқўрмас бўлиб кетишади, дейиши турган гап. Лекин бундай бўлмайди, бирор соатдан кейин яна апоқ-чапоқ бўлишади-қўйишади: сан кўр-ман кўр, ўтган ишга саловат.

Жанжалдан кейин, лекин яраш-яраш бўлгунга қадар эр хотинининг ҳар бир ишидан нуқсон топиб дакки бераверади: «Уй ивирсиқ», «Овқатнинг тузи паст, куюнди ҳиди анқияпти...» Эр баланд кела бошлайди, хотин ўз навбатида паст туша бошлайди. Дастурхон йиғиштирилиб, хотин идиш-товоқни ювгани ўчоқбошига кетгач, эр тишини мисвак билан тозалаётиб, мақтаниб қўяди:

— Одамзод зап ғалати-да. Сал баланд келсанг, даров паст тушади.

Бу гапни оиланинг тўнғич фарзанди бўлмиш Муслимбек ҳам албатта эшитади, эсини таниганидан буёққа эшитиб келади.

Муслимбек билан Қундузой кинотеатрдан кўчага чиқишгач, Муслимбекнинг биринчи гапи шу бўлди:

— Эсиз уч соат вақтимиз, ярамас кино экан. Ахир...

— Яхшисини сиз яратасиз,— деди пичинг қилиб Қундузой, гапни шарт бўлиб.

Муслимбек пичингга тушунган бўлса ҳам, ўзига олмай давом этди:

— Ахир, ўзингиз ўйлаб кўринг. Бош ролни шунақа хунук артистга бериб бўладими ўзи.

— Автобусим келиб қолди, хайр,— дея Қундузой беқатга келиб тўхтаётган автобус томон югурди.

— Келгуси шанба куни яна кутубхонага бораман,— деб қолди унинг орқасидан Муслимбек турган жойида қотганича. У Қундузойнинг бунчалик тез ва кутилмаганда қочиб қолишини сира ҳам кутмаган эди.

Муслимбек келгуси шанба куни (ҳафтанинг шу кунлари у бўш эди) эрталабданоқ ўша кутубхонага бориб, кутубхоначидан ўша китобни олиб, ўша стулга ўтириб, келган жойидан китобга кўз югуртира бошлади, лекин миясига бирор жумла кирмасди. Тез-тез залнинг кўча эшиги томонига қараб қўярди. У Қундузойни орзиқиб кутарди, лекин қиздан ҳеч дарак йўқ эди. Йўли тушибми ёки махсус ният биланми, Муслимбекнинг ҳазилкаш касбдошларидан бири залга кириб қолди. Китоб ўқиб ўтирган Муслимбекка кўзи тушгач, душанба куни бўладиган педагогика кенгаши мажлисига хаёли кетиб, уни шу мажлисга тайёргарлик кўраётибди, деб ўйлаб, олдига келди-да, елкасига қўлини қўйиб сўз қотди:

— Индинга ўзларини бир кўрсатар эканлар-да.

ОЛДИЛАРИДАН БИР УТАЙЛИК

Ҳасан Собирович ишдан кейин транспорт кутиб қолиб, уйига кундагидан бир оз кеч қайтди. Одатда кечки овқат унинг келишига тайёрланар, келгач, дастурхонга тортиларди. Бугун эса ўчоқбошидан тиқ этган товуш эшитилмайди, хотини Шарофатой ҳам кўринмайди. У бир-икки томоқ қириб атай йўталган бўлди ҳамки, хотини пешвоз чиқмади. Фарзандлари мактабда, иккинчи сменада ўқишади. «Ойиси қўшниларникига чиққан бўлса керак, келиб қолар», деган хаёл билан Ҳасан Собирович айвон четига омонатгина ўтирди. Одатда ҳар куни ишдан қайтгач, у шу ерга ўтирар, туфлисининг боғичини хотини ечиб қўяр эди. Бугун эса, пешвоз чиқиш ҳам, бу ҳам йўқ. «Элакка чиққан хотиннинг эллик оғиз гапи бор», деган гапни ёдидан ўтказиб, ўзига тасалли бериб, Ҳасан Собирович Шарофатойни анча кутди, лекин хотинидан дарак бўлмади. Кейин у хавотирлана бошлади. Кўча эшик ланг очиқ, хоналарга кириладиган эшиклар ҳам. Уни бирдан ваҳима босиб, сапчиб ўридан турди, икки зинани бир ҳатлаб, айвонга чиқди-да, туфлисини ечишни хаёлига ҳам келтирмай шошилганча меҳмонхоналарига кириб борди. Бисот-бағалларининг аксари қисми шу хонада эди-да. Не кўз билан кўрсинки, меҳмонхонада ўғри эмас, хотини — Шарофатой диванда ўтирибди. Афтидан, у оёқ товушидан шу топда уйғониб кетган бўлса керак, кўзлари уйқули эди.

Шарофатой кафтлари билан юз-кўзларини силагач, пешонабогини қайта тангиди-да, деди:

— Келинг, дадаси, ухлаб қолибман. Бир оз тобим йўғроқ...

— Нима қилди?— дея Ҳасан Собирович чўғдай гиламни чанг қўнган туфлиси билан босиб, диван томон юрди.

— Билмадим... Бошим оғриб турибди.— деди Шарофатой гаранг бир аҳволда, юмилиб кетаётган кўзларини каттароқ очишга уриниб. Сўнг дивандан тушиб, гиламга чўкалаганча эрининг туфлисининг боғичини ечмоқчи бўлди.

— Ия,— деди Ҳасан Собирович оёғига энди кўзи тушиб,— бўлар иш бўлибди, қўявер, ўзим ҳовлига чиқиб ечарман. Иссиғинг ҳам борми?— у хотинининг манглайига кафтини тегизди.— Бир оз борга ўхшайди. Доридармон қилмадингми?

— Қўрқдим,— деди Шарофатой ийманиб ерга қараб.— Дўхтирлар айтишувди.— Шарофатой тўртинчи фарзандларига ҳомиладор бўлиб, врачлар назоратида турар, лекин ой-кунига ҳали икки-уч ой бор эди. Докторлар унга: «Врач рухсатисиз, билар-билмас дори ичманг», деб тайинлашганди.

— Доктор чақирайми?— деди Ҳасан Собирович.

— Ўзи ўтиб кетар... Ўтган кунням, чошгоҳларда шундай бўлувдим, кейин ўз-ўзидан ўтиб кетганди.— Шарофатой эрига гуноҳкордек термилди.— Овқатга ҳам қараёлмадим.

— Майли, ҳечқиси йўқ. Лекин қорин ҳам пиёзнинг пўсти бўлган эди-да.

— Анча ўзимга келиб қолдим, уннаб юбора қолай.

— Шу аҳволда-я!... Сен дамингни олавер. Ўзим... Хўш, нима овқат қилиб берай?

— Нега сўрайсиз? Ошдан бошқасини билмай-сиз-ку.

— Паловхон тўрадан бошқасини билмасак ҳам, ол-

диларидан бир ўтишимиз керак-да,— деди тиржайиб Хасан Собирович.

— Тавба!— деди таажжубланиб Шарофатой. Унинг таажжубланганича бор, эри бирор иш қилмоқчи бўлса, одатда ундан сўраб ўтирмасди, ўз билгича иш тутарди. «Ўзгариб қолибдими?»

Хасан Собирович хотинини диванга ётқизишда ёрдамлашган бўлди-да, меҳмонхонадан чиқди. Орадан чорак соат ўтар-ўтмас, оҳори тўкилган пижамада, нима-нидир кавшаб меҳмонхона остонасига келди:

— Ойиси, шу кийимда ўчоқбошига борсам бўлади-ми?

Шарофатой яна кўзи илинган экан шекилли, қўққисдан берилган саволни тезда фаҳмлай олмай, хаёлини йиғиб олиш учун бир оз жим қолиб, сўнгра деди:

— Шуни ҳам мендан сўраб ўтирибсизми?

— Олдиларидан бир ўтишимиз керак-да, ойижонисн.

— Тавба.

— Бундан янгисини ҳам, эскисини кийишимиз мумкин-да.

— Эскини қўйинг-эй,— Шарофатой эрини койиган бўлди.— Эскисини лойга кийгансиз-а, ахир! Ювсам, жомошовдан титилиб чиқди. Қўшнилари кўриб қолса, нима дейди?

— Демак, пижамани тўғри кийибмиз-да,— деди тантанавор оҳангда Хасан Собирович ва мабодо қўшнилари уни чурук пижамада кўриб қолишса: «Эски ишидан кетиб, янгисига боргач, шу аҳволга тушибсан-да», дейишлари мумкинлигини хаёлидан ўтказди.

Орадан беш дақиқа ўтар-ўтмас, у қўлида капгир билан яна остонада пайдо бўлди:

— Ойиси, ошни қайси ўчоқда қилай?

— Тавба, ҳеч уйда палов дамламагандай гапирасиз-а!— деди Шарофатой базўр кўзларини очиб.— Ёки эсингиздан чиқиб кетганми?

— Эсимда,— деди Ҳасан Собирович ишонч билан. Илгарилари уйида ошни бот-бот ўзи қилар, у дамлаган палов жуда хушхўр бўларди. Лекин эски идорасидан кетиб, янгисига ўтганидан буён бу биринчи марта қўлига капгир олиши эди.— Лекин, ҳар ҳолда, олдиларидан бир ўтишимиз керак-да, ойиси... Тўғри, тўғри, биламан, паловни оддий ўчоқда дамлаганга не етсин. Саксовулми, қуп-қуруқ ўрик ёғочими бўлса, жудаям зўр.

— Шуларни биласиз-у, яна мендан сўрайсиз,— деди аччиғи келиб Шарофатой.

— Билишга-ку, биламан-а, аммо-лекин ҳозир газ ўчоққами, ёки манқалгами, қозон осиб юборишим мумкин-да.

— Ё тавба-ей, ўзингиз ҳам эзмачурук бўлиб кетибсиз-эй...

— Йўқ, ойиси, йўқ. Ахир, ҳозирги аҳволдан беҳабарман. Ўтин ҳўл бўлиши мумкин-да.

— Сизни қаранг-ку. Бус-бутун ўтинхонада неча йилдан бери турган саксовул наҳотки келиб-келиб бугун ҳўл бўлса! Мени калака қиялпсиз шекилли.

— Сени нега калака қиларканман?— дея Ҳасан Собировичнинг чинакамига жаҳли чиқди.— Ахир, ўтинхонада йиллаб ётавериб ернинг намини тортган бўлиши мумкин-да.

— Ҳеч-да. Қуп-қуруққина. Куни кеча ўзим олиб ишлатдим.

— Ана, айтмадимми, рўзгорни мендан кўра сен яхши биласан, кунда ишинг тушиб туради.— Ҳасан Собирович хотинининг кўнглини кўтариш учун мажҳул сизсирашга ўтди.— Шунинг учун ҳам бир олдиларидан ўтпимиз-да.

— Раҳмат,— деди киноя билан Шарофатой.

— Ташаккур,— деди хотинининг киноясини билмаганликка олиб Ҳасан Собирович, сўнгра аста остонадан узоқлашди.

Орадан бир оз ўтгач, у тагин остонада гапириб қолди:

— Ойиси, ойиси, тагин бир гап...

— Нима экан?— деб сўради Шарофатой, «ёғ ёниб кетган бўлса керак», деган хаёлга бориб.

— Учоққа ўт қалаб юбордим,— деди Ҳасан Собирович худди катта ишни бошлаб юборган кишилардек оғзини тўлдириб.— Айтганингдек, саксовул қуп-қуруқ-қина экан, гуриллаб ёниб кетди. Қозонга ёғ ҳам солинди. Сабзи-пиёз эса таппа-тайёр. Шу дейман, сон гўштидан тўғрайми ё қовурғаданми?..

— Сизга нима бўлди ўзи?— дея ўрнидан туриб ўтириб Шарофатой.

— Ҳеч нарсаси,— деди хотиржамлик билан Ҳасан Собирович.

— Йўқ, сизга бир нарсаси бўпти. Билиб туриб сўрамасдингиз бўлмаса. Қовурғаси шўрвага ишлатилади, ошга эса сон гўшти маъқул.

— Албатта, буни биламан-ку, лекин...

— Нима «лекин»? Қасал ётган одамни калака қилишми?

— Йўқ, ойиси, калака қилиш хаёлимда ҳам йўқ,— деди Ҳасан Собирович ёлворгансимон,— лекин, ҳар ҳолда, олдиларидан бир ўтишим керак-да. Ахир, ошни мен дамласам ҳам, иккимиз, болалар танаввул қиламиз. Меҳмон келиб қолса, бош устига. Шу хонадонда тайёрланган ош унга ҳам маъқул бўлганига не етсин. Иккимизнинг обрўйимиз, ютуғимиз.

— Бўлди-ей, тез бориб қаранг, ёғ ёниб кетмасин тагин... Гўшт холодильникда.

— Баракалла, мана гўшт қаердалигини ҳам аниқ билиб олдиқ, энди қийналмай топамиз. Олдиларидан ўтганимиз яхши-да,— деди Ҳасан Собирович меҳмонхонадан шошилиб чиқаётиб.

Шарофатой шу билан эрим мени тинч қўяр, деган ўйга бориб, девор томонга қараб ёнбошлаб ётди. Йўқ,

орадан чорак соат ўтар-ўтмас Ҳасан Собирович меҳмонхонага бамайлихотир кириб келди. Шарофатой уни билмаганликка олиб, миқ этмай жим ётаверди. Ҳасан Собирович хонада бир оз у ёқ-бу ёққа юргач, хотинига сўз қотди:

— Ойиси, ишларни анча саранжомлаб қўйдим. Сабзи милтиллаб қайнаяпти. Чой қўйиб юбордим. Шу дейман, ошни қовурма қилсаммикин ёки ивितма?

— Ихтиёрингиз,— деди Шарофатой қайрилиб қарамай.— Биламан-ку бари бир қовурма ош қилмайсиз, ошқозонингизга ботмайди.

— Бу-ку, тўғри-я. Лекин, ҳар ҳолда, олдиларидан бир ўтайлик, деймиз-да.— Ҳасан Собирович хотинининг чаккасига аста қўл тегизди,— иссиғинг анча қайтибди. Ош пишгунча, отдек бўлиб кетасан. Дамингни олавер, ойиси,— дея меҳмонхонадан чиқди.

Шарофатой, «дамингни олавер, деди-ю, энди ош пишгунча мени тинч қўяр», деган хаёлда, яна жиндак мизғиб олиш учун кўзларини юмди. Одатда мана шунақа учиниқ-қоқиниққа учраганда, уни ҳадеб уйқу элтар, ухлагани сайин тиниқар, енгил тортарди. Йўқ, бу гал ҳам ўйлагани тўғри келмади. Унинг «олдидан бир ўтиш» учун Ҳасан Собирович ўчоқбоши билан меҳмонхона орасида бўзчининг мокисидек танда қўяверди:

— Ойиси, гуручни босдим. Тузини бир кўриб берадиларми?

— Тузи расо-ку.

— Расолигини билиб турибман. Лекин, ҳар ҳолда, олдиларидан бир ўтай деймиз-да. Ахир, бирга танаввул қиламиз-ку...

— ...Ойиси, гуручи етилди. Бир татиб кўриб берадиларми?

— Ҳа, етилибди.

— Буни ўчоқбошида татиганимдаёқ билгандим. Лекин, ҳар ҳолда, олдиларидан бир ўтай деймиз-да. Ахир, биргаликда танаввул қиламиз-да. Айтгандай, болалар

мактабдан келишди. Ойингиз дам оляпти, безовта қилманг, деб, уларни бу ёққа йўлатмадим. Фарида билан Умида аччиқ-чучук қилишяпти. Равшан менга қарашяпти. Бу ёққа киришсинми ё?

— Ўзим чиқарман...

— ...Ойиси, дам едириш учун ошга товоқ босганимга роппа-роса чорак соат бўлди. Сузайми? Туратурсинми ё?

— Билганингизни қилинг!

— Айтсинлар-да.

— Бундан ортиқ туриб қолса, ош ланж бўлишини биласиз-ку?

— Буни яхши биламиз. Лекин, ҳар ҳолда, олдиларидан бир ўтайлик-да. Ахир, ошни биз пиширган бўлсак ҳам, уни бутун оиламиз билан баҳам кўрамиз-ку. Мабо-до, ош у-бу бўлиб қолган бўлса, бошидан охирига қадар олдиларидан ўтиб, иш тутганмиз, деймиз-да. Шарофатой Қосимовна.

Шарофатой бир кўнгли эрига: «Эски идорангизда сўрамай бир иш қилиб қўйгач, лавозимингиз пасайтирилиб, бошқа идорага бориб, орттирган қилиғингиз шу бўпти-да», демоқчи бўлди-ю, яна бир кўнгли бу гапни икки ярим соатларда пишган ош ейилгач, айтишга аҳд қилди.

КИМГА УЧРАЙ

Улар санаторийда кадрдон бўлиб қолишди. Сафарлари қариган чоқда Мирза Ҳамидович кутилмаганда бундай деб қолди:

— Аҳад Раҳматович, бизга ишга келасиз. Гап тамом.

— Ишга?

— Ҳа, ишга!

— Ўз ишим бор. Ишимдан кўнглим тўқ.

— Бари бир! Бизга ишга келаверасиз. Келмаганингизга қўймайман. Ўзим чақиртириб оламан.

— Таклифнингиз учун раҳмат. Ўз коллективимга ўрганиб қолганман. Кечирасиз.

— Келмасангиз кечирмайман,— деди самимий табассум билан Мирза Ҳамидович.— Келмаганингизга қўймайман ҳам. Мен сизни ёқтириб қолдим. Агар мен сизга маъқул келмаган бўлсам... унда бошқа гап. Сизни мажбур қилолмайман.

— Нега ундай дейсиз, Мирза Ҳамидович? Сиз ҳам дилимдаги одам экансиз.

— Бўлмаса, бизга ишга ўтасиз. Лойиҳа-смета бўлимига мудир бўлиб. Ойлиги ҳам ёмон эмас. Келишдикми?

— Мирза Ҳамидович, санаторийда дам олиш бошқа, бирга ишлаш бошқа,— деди Аҳад Раҳматович ётиғи билан, суҳбатдоши кўнглини заррача бўлса-да оғритиб қўймасликка ҳаракат қилиб.— Иш бўлгандан кейин...

— Ишда ҳам киши бир-бирини тўғри тушунса, юрак яқин бўлса, санаторийдагидек роҳат. Кўрибсизки, ишда

унум, сан-манга бориш йўқ. Ҳатто бунақа санаторийга келиб даволанишга ҳожат ҳам қолмайди.

— Гапингиз тўғри,— Аҳад Раҳматовичда бирга ишлаш хоҳиши туғила бошлади.— Аҳил коллективда ишлаш севган кишинг билан яшашдек яхши, осон ҳам.

— Бормисиз! Бизнинг коллектив жудаям иноқ. Худди яхши тарбия кўрган бир оила фарзандларидек аҳил. Келинг, мени рост айтган экан, дейишингизга ишончим комил.

— Ўз коллективимдагилар нима дейишаркин...

— Бу томондан хотиржам бўлинг,— деди Мирза Ҳамидович, Аҳад Раҳматович мойил бўлаётганидан севиhib.— Улар билан ўзим гаплашаман.

— Йўқ, мен бошқа нарсани айтяпман.

— Билиб турибман. «Юқорироқ, ойлиги кўпроқ ишга учиб кетиб қолди», дегувчилардан андиша қилаётибсиз. Нима, одам ҳадеб бир ўринда ишлаб қолаварамиди? Билими, тажрибаси ошгач, юқори кўтарилиши табиий. Бунинг ҳеч андиша қиладиган жойи йўқ. Демак, бирга ишлаймиз. Ишлаймиз-а?.. Мана бу бошқа гап!! Бугун оқшом битта шампань мендан...

Улар санаторийдан қайтгач, орадан кўп ўтмай бирга ишлай бошладилар. Энди Аҳад Раҳматович қурилиш бошқармасида эмас, трестда лойиҳа-смета бўлимининг мудири. Бўлим кичик: мудир ва машинистка, холос. Лекин иш серғалва, пул билан боғлиқ. Эртадан-кечгача қурилиш бошқармалари, участкалар, йирик объектлар, лойиҳалаш бюrolари, устахоналардан келиб-кетувчилар узилмайди. Одатда бинокор аҳли сал тажанг бўлади. Буни Аҳад Раҳматович яхши билади, бу борада кўзи пишган. Пишқириб турган одамга ётиғи билан муомала қилсанг, бир оздан кейин ўз-ўзидан ҳовуридан тушиб қолади, ювош тортади. Буни ҳам Аҳад Раҳматович яхши билади, тажрибасида синаб кўрган.

Аҳад Раҳматович ҳузурига ким келмасин, ишини тезда битириб жўнатади: раҳмат эшитади. Битириб бўл-

майдиган иш бўлса, бунинг сабабини ётиғи билан тушунтириб, маслаҳат бериб, келган одамни хурсанд қилиб жўнатади: бунда ҳам раҳмат эшитиб қолади. У ишчан, қобилиятли, тадбирли, пухта билимли мутахассис-да!

Аҳад Раҳматович ишга келдию трест фаолиятининг бу томони яхшигина йўлга тушиб кетди. Илгарилари лойиҳа-смета бўлимига иш билан келган одамларнинг бир қисми собиқ мудирдан арз қилиб, иши битмаётганидан шикоят қилиб, трест бошлиғи — Мирза Ҳамидович ҳузурига кирар, унинг ҳам бошини қотиришарди, кўп вақтини олишарди. Энди-чи? Энди бундай ҳодисалар йўқ. Аҳад Раҳматович ишга келганидан буён аҳвол шундай яхши. Бундан келиб-кетувчилар ҳам, трестдагилар ҳам хурсанд. Айниқса, Мирза Ҳамидовични айтмайсизми. Иш яхши кетганидан кейин ҳамма хурсанд бўлади-да! Янги ходим ҳақида гап кетганда, Мирза Ҳамидович: «Одам танлашни биламиз, Аҳад Раҳматовични ишга таклиф қилган ҳам ўзимиз-да!» деб қўяди.

Аҳад Раҳматович ўз бўлимига тегишли барча масалаларни ўзи ҳал қилади, шунга одатланган. Иккиланиб қолган кезларидагина Мирза Ҳамидович ҳузурига маслаҳатлашгани киради. Бундай ҳол келганидан буён фақатгина бир-икки марта юз берди, холос. Лекин бўлим фаолияти ҳақида вақти-вақти билан Мирза Ҳамидовичга ҳисоб бериб туради. Бошлиқ ҳузурига ҳуда-беҳудага киравермайди, ишлари бўлимдаёқ битгани учун келиб-кетувчилар ҳам киришмайди, бунга ҳожат ҳам йўқ. Лекин кутилмаганда Мирза Ҳамидовичнинг янги ходимга муносабати ўзгарди. Бу шундай содир бўлди.

Мирза Ҳамидович кабинети ҳавосини янгилаш мақсадида (у кўп чекиб юборган эди), дераза дарчасини очаётиб, ҳовлида трест томон келаётган қадрдон дўстин Бақо Назаровични кўриб қолди. «Студентлик йилларини эслаб, бир отамлашамиз», деган фикрни дилидан ўтказди. Дўстини кутиб олиш тараддудида шошиб қолди. «Беломор» қолдиқлари тўла кулдонни идишга тўкиб,

тозалаб қўйди, янги «Беломор» очди. Секретарь қизга чой буюрди, оқ оралаган, сийраклашиб қолган сочларини таради. Кўзойнагини артиб қайта тақди.

Секретарь қиз чой олиб кирди. Бақо Назаровичдан дарак йўқ. Мирза Ҳамидович чойни уч марта эринмай қайтарди, бир оз тинитиб қўйди. Бақо Назаровичдан Ҳамон дарак йўқ. Бир пиёла чойни майдалаб ичди, ҳали ҳам Бақо Назарович кўринмайди. Ўртоғини кутавериб, тоқати тоқ бўлгач, секретарь қизни чақириб сўради:

— Бақо Назаровични танийсиз-а?

— Ҳа.

— Олдингизга кирмадими?

— Йўқ. Нимаиди?

— Қараб келинг. Қайси бўлимга кирганикин?

— Хўп, ҳозир...

Орадан бир дақиқа ўтар-ўтмас секретарь қиз кабинетга қайтиб кирди:

— Бақо Назарович янги ходим билан... Ҳалиги...

— Аҳад Раҳматович олдидами?

— Ҳа. Чақирайми?

— Йўқ, ишингизни қилаверинг.

Секретарь қиз Мирза Ҳамидовични авзойи ўзгарганини билиб, оёқ учида юриб чиқиб кетди. Эшикни аста ёпди.

Мирза Ҳамидович совинқираб қолган чойдан бир пиёлани тўлдириб қултиллатиб ичди. Дўсти учун очиб қўйган «Беломор»дан олиб, дераза олдига бориб чека бошлади. Папирос тугаб қолаёзганида Бақо Назарович ҳовлидан илдам юриб ўтиб кетди.

— Ажабо, шунча йиллик қадрдоним бўлса-ю, идорага келиб, мени йўқлаб ўтмаса-я!— таажжубланарди Мирза Ҳамидович.— Ҳа, янги ходим ҳаддан ошяпти чоғи. Анчадан буён тополмай юрган калаванинг учини мана энди топдим. Янги ходим мени четлаб ўтишни одат тусига киритиб олибди. Мени ўзи четлаб ўтгани ҳам майли-я, одамларни, ҳатто кўп йиллик қадрдонларимни

ҳам мендан четлаштиряпти. Ҳа, четлатди ҳам. Ўз билгича иш тутса... Ахир, мен бу ерда нима қилиб ўтирибман? Ўзингдан чиққан балога қайга борай давога, деб шуни айтсалар керак. Бўлмаса, Аҳадни ўзим бу ерга ишга олиб келгандим, уни оддий Аҳадликдан Аҳад Раҳматович даражасига кўтарган эдим. Бу кетиши бўлса, ҳали унга жойимни ҳам бўшатиб беришимга тўғри келар. Одамларга ҳам тушуниб бўлмас экан. Ахир, бугун туғилган куним эди-я! Шунча йиллик қадрдоним Бақо Назарович шундай йўл усти йўқлаб ўтмади-я! Еки бугун туғилган кунимлигини билмасмикин? Билади, жудаям яхши билади. Шунча пайтдан бери ҳар йили йўқлаб келган бўлса-ю, энди ёдидан кўтарилармиди. Анчайин эсдан чиқадиған кун ҳам эмас — баҳор боши биринчи март-ку!

Иш куни охирида трест активлари Мирза Ҳамидович олдига кириб, туғилган куни билан қутлашди, энг яхши тилакларини изҳор этишди, кичкина совғача — Мирза Ҳамидович лойиҳаси бўйича қурилаётган театр биноси макетини ҳадя қилишди. Улар орасида Аҳад Раҳматович йўқ эди. Бунини Мирза Ҳамидович кўнглидан ўтказиб қўйди, ўзича: «Қутловларига ҳам арзимабмиз-да!» — деган фикрни дилидан ўтказди.

Шу куни оқшом одатдагидек Мирза Ҳамидовичнинг энг яқин қариндош-уруғлари, ёр-биродарлари дастурхон атрофида тўплана бошлади. Лекин у ҳеч кимни меҳмонга чорламаган, туғилган куни ҳақида ҳеч кимга сўз очмаган эди. Келаётганлар юракдан чиқариб, туғилган кун қувончини баҳамлашиш учун ташриф буюришяпти. Табиатан қувноқ, айниқса, шундай оилавий тантанали маросимларда яшнаб, яшариб кетадиган, юзидан табасум аримовчи Мирза Ҳамидовичнинг бу сафар шаҳди пастроқ кўринади.

Ҷамоат жам бўлай деб қолганда (Мирза Ҳамидович туғилган кунига кимлар, албатта келишини олдиндан чамалар, кўпинча бу тўғри чиқарди) бир даста гул кўта-

риб Аҳад Раҳматович хотини билан кириб келди санаторийдан қайтишганидан буён икки хонадон ўртасида оилавий борди-келди бошланиб кетган, келажакда қуданда-анда бўлишга келишиб қўйишган эди). Авваллари севинчдан ўтқазгани жой тополмай шошиб қоладиган Мирза Ҳамидович бу сафар Аҳад Раҳматовични унчалик рўйхуш бермай кутиб олди:

— Келинглар,— деди у «нега келдинг?» дегандек қилиб.— Бекорга овора бўлибсизлар-да.

— Оворагарчилиги борми, Мирза Ҳамидович,— деди самимият билан Аҳад Раҳматович ва гулдастани узатди.— Тугилган кунингиз билан чин юракдан қутлайман. Доимо гулдек яшнаб юринг. Идорада ходимлар билан биргаликда табриклай олмаганим учун узор. Гулхона ёпилиб қолмасин, деб илгарироқ кетиб қолган эдим.

Шу топда Мирза Ҳамидовичнинг қулоғига гап кирмасди. Гўё бунга Аҳад Раҳматович айбдордек, унинг хаёли боя ўзини йўқламай ўтган қадрдон дўсти Бақо Назаровичда эди.

Бир пиёладан чой ичилар-ичилмас Бақо Назарович ҳам хотини билан кириб келди. Уни кўриб Мирза Ҳамидовичнинг кўнгли жойига тушди-ю, лекин яна хаёлини дўсти йўл усти йўқламай ўтгани банд қилди.

— Келардилар-да,— деди у кесатиб.— Уйимиз кўчиб кетмабдими ишқилиб? Адашиб-нетиб бошқа кўчага кириб кетмадиларми? Ишхонамиз ҳам ўз жойида турибди.

— Оббо сен-эй!— Бақо Назарович кесатиқнинг тагига дарров етди.— Идорангга бориб, сени йўқламай ўтганимни юзимга соларсан деб ўйловдим. Хўш, ишим бўлимдаёқ битганидан кейин, сенга учраб нима қилдим? Сени безовта қилишнинг нима кераги бор?

— Ке, бу гапларни ҳозирча қўя тур. Қани, ўтир,— Мирза Ҳамидович дўстининг тирсагидан ушлаб стол томон бошлади.

Бақо Назарович бу ҳақда гаплашиб олиш учун атай

меҳмонлар тарқалгунча ўтираверди. Холи қолшгач, аста сўз қотди:

— Тўғри, илгарилари ҳар сафар идорангга борганимда сенга ҳам учрардим. Ёўлимда ишим битмасди-да, собиқ мудиринг билан тортишиб қолардик, у ишни билмасди, сенсиз ишим битмасди. Энди-чи? Энди бошқача. Аҳад Раҳматович...

Мирза Ҳамидович гапни шартта ёўлди:

— Дўстим ёўла туриб, сен ҳам ўшани дейсан-а?

— Ҳўш, ёўлмаса кимга учрай?

Мирза Ҳамидович ўйланиб қолди.

* * *

...Аҳад Раҳматович ҳозир ўша жойда ишляаптимийўқми — бундан хабарим йўқ: анчадан бери трест томон йўлим тушмади. Йўлим тушса, бунин албатта суриштираман. Ўшанда аввал кимга учрай?

ҚОЯ ОСТИДА

Ортиқ паришон овқатланипти. Саломат унга чой қуйиб бериб ўтирибди. Болалар ўнг`томондаги хонада ухлашяпти.

— Олимжон, чойингиз яна совиб қолди.— Саломат эрини тўнғич ўғлининг исми билан атарди.— Совқотиб келгансиз, иссиқ-иссиқ нчсангиз-чи.

— А, нима?— Ортиқ ўз хаёли билан бўлиб, хотини нима деяётганини англамади.— Нима деяпсиз?

— Чойни айтяпман,— Саломат чой қуйилган пиёлага ишора қилди.

— Хўп.— Ортиқ бир кўтаришда пиёлани бўшатиб, хотинига узатди. Саломат пиёлага чой қуйиб, эрига тутди. Орага яна жимлик чўкди. Чой совий бошлади. Саломат ҳайрон. Эри бунақа эмасди. Доимо очилиб-сочилиб ўтирарди. Ҳазил-мутойиба қилар, ҳатто овқатга ўзича баҳо берарди. «Ўртача», «ўрта», «яхши», «чаккимас». Энг зўр баҳоси «чаккимас» эди. Лекин қиш кезлари суюқ овқат, ёз кунлари қуюқ овқат бундай зўр баҳога сазовор бўлмасди. Буни Саломат яхши билади, эрининг кўнглига қараб қозон осадди. Лекин бугун эри қиймали мошкичирини еб тугатди ҳамки, ундан садо чиқмади — овқатга баҳо бермади. Саломат эса буни орзиқиб кутарди. Шунга одатланган. Эрининг баҳоси унинг учун бир мукофот. Мактабда дарс бериш, кейин тўртта шўх болани овутиш, ювиб-тараши, уй-рўзгор юмушларининг чарчоғи овқат устидаги суҳбатда, эрининг бир оғиз ши-

рин сўзи билан ёзилиб кетарди. Лекин бугун... Лоп этиб эсига газетада ўқигани мақола тушди.

— Газетада ёзишибди: эр-хотиннинг меҳри овқат устидаги суҳбатда бир-бирига товланармиш. Шу суҳбатдан путур кетса, ўртага совуқчилик тушганини, бир-биридан кўнгли қолаётганини билдирармиш. Сиз ҳам мендан...— Саломат у ёғини айтолмади, тили бормади.

Ортиқ бошини кўтариб, хотинига маъюс термилди:

— Саломатхон, қаёқдаги гапларни гапирасиз-а.

— Бўлмаса, нега индамайсиз?

— Бугун чарчабман шекилли. Болалар қалай? Гриппдан омонми? Исириқ тутатишни канда қилманг.

— Келганингизга бир соатдан ошди-ю, болалар энди эсингизга келди-я. Қенжангиз сизни сўрайвериб энка-тинкамни қуритди. Охири чарчаб ухлаб қолди.

— Идорада тутилиб қолдим.

— Мажлис бўлдим?

— Ҳа,— Ортиқ яна хаёлга чўмди.

— Нима, сизга бирор нарса дейишдим?

— Нималар деяпсиз, Саломатхон?

— Бирор машина авария қилибдим?

— Йўқ, тинчлик. Одатдагидай мажлис бўлди.

— Авзойингиздан бирор гап бўлганга ўхшайди. Айтинг, нима гап?

— Ҳеч гап йўқ. Жой солиб берсангиз, дам олсам.

— Жойингиз тайёр.

Ортиқ шалвираб ўрнидан турди-да, пардани қисиб қолган эшикни очиб, ичкари кирди, тирсакларини ушлаб, у ён-бу ён юрди.

Кун жуда совуқ. Оловни ялаб кетяпти. Саломат ҳовли бурчагидаги ўчоқбоши охуридан икки челақ кўмир олиб келиб, икки печкага қалади.

Улар оила қуришганига ўн йилдан ошди, лекин шу вақтгача эр-хотин эслайдиган биронта кўнгилсизлик юз бермади. Ортиқ тоғлик қишлоқлар аҳолисига озиқ-овқат ташувчи автопаркда шофёр эди, ҳозир эса диспет-

чер. Ҳамкасблари орасида обрўси баланд. Уни маҳаллий комитет аъзолигига сайлашган. Саломат эса ўзининчи битирганидан буён мактабда ишлайди. Бошланғич синфга дарс беради. Тоғ этагига жойлашган посёлканинг қоқ ўртасидаги тўрт хонали уйлардан бири шуларники. Ҳовлилари ҳам каттагина. Ёзда жудаям чиройли бўлади. Сўри тагидаги тахта каравотда панжарага суяниб чойхўрлик қилиш, суҳбатлашиш нақадар завқли! Хуллас, оила тотув, ҳеч нарсадан камчилиги йўқ. Эр хотиндан, хотин эрдан, болалар ота-оналаридан хурсанд.

Саломат юмушларини тугатиб, ётоқхонага кирганида, Ортиқ шифтга термилиб ётарди.

— Чарчаган одам, ухламайсизми?— деди Саломат эрига ҳазил қилиб.

— Киши қаттиқ чарчаса ҳам ухлолмайди, дейишарди. Рост экан. Уйқум қочиб кетди.

— Ўзингиз қочиб кетмасангиз бўлгани.

— Сизни... сизни ташлаб-а...

...Ортиқнинг бугунги уйқуси қуш уйқуси бўлди. Барвақт ўрнидан туриб кетди. Ишга бораё деса, ҳали вақт эрта. Китоб ўқиш юрагига сиғмайди. Ҳадеганда мажлисдаги воқеа эсига тушаверди. Хаёлини бўлиш ниятида пахтали чопонини кийиб, қулоқчинини бостириб, ҳовлига чиқди. Ҳаммаёқ қор. Яна ёғяпти. Қуруқ қор. Кун жуда совуқ. Қуруқ қор шитирлаб овоз чиқариб ёғар экан. Буни Ортиқ ўттиз учга қадам қўйиб, энди билди. Майли, буни билмаса билмабди-да. Бу табиатнинг сири-ку. Лекин анави Каттабобовни айтмайсизми. У билан кўпдан бери бирга ишлайди-ю, бироқ уни яхши билмас экан. Билганда-ку...

Каттабобов ҳам автопарк шофёрларидан. От юзли, буғдойранг, ўрта бўйли, кўзлари юзига нисбатан кичикроқ, бети гавдасига нисбатан каттароқ, ўттиз ёшлардаги йигит. Машинанинг миридан-сиригача билади. Интизомли. Ҳамма билан иноқ. Гап-сўзи билан бир суҳ-

батдаёқ кишини ўзига ром қилиб қўяди. Айтган гапларига кишини ишонтириш қобилияти зўр. Ҳамма уни «Қаттабоев» деб чақиради. Исминини кассир ва кадрлар бўлимидагилардан бўлак ҳеч ким билмас керак. Ҳозир Ортиқ ҳам эслолмайди. Исми «Қ» билан бошланиши эсида, холос. Ортиқнинг бундай кўнгил ғашлиги шу Қаттабоев туфайли эди. Воқеа бундай юз берганди.

Ортиқ кабинетида узоқ тоғлиқ қишлоққа эрта-индин жўнайдиган машиналар карвони рўйхатини тузиб ўтирарди. Қишлоққа хавфли довол орқали борилади. Шунинг учун сафарга энг моҳир шофёрларни юбориш лозим эди. Ортиқ ҳар бир шофёрга ўзича баҳо бериб танлар, танлаганда ҳам жуфт-жуфт қилиб танлаши керак эди. Негаки, йўл оғир, бир машинани галма-галдан икки шофёр ҳайдаши керак.

Бир пайт хонага Қаттабоев кириб келди.

— Келинг,— деди жой кўрсатиб Ортиқ.— Тиккақишлоққа боришдан хабарингиз бор-а?

— Ҳа, бор,— жавоб қилди Қаттабоев.

— Яхши... Хўш, хизмат?

— Қаёққа бўлса ҳам боравераман. Лекин Ёрхўжага шерик бўлмайман.

— Ие, нега?— Ортиқ Қаттабоевнинг гапига ҳайрон бўлди. Ёрхўжа билан Қаттабоев жуда иноқ эди. Узоқ сафарларга доимо бирга боришарди. Бирга юборишни кўпинча Қаттабоевнинг ўзи Ортиқдан илтимос қиларди.

— Нима, ораларингдан бир гап ўтдимми?

— Йўқ. Аввал қандоқ бўлсак, ҳозир ҳам шундоқмиз. Мени бу ерга Ёрхўжанинг ўзи юборди. «Бор, айтиб қўй, сафарга бирга борамиз», деб. Лекин у билан бирга бормайман.

— Нега?— жиддий сўради Ортиқ.

— Негаки, Ёрхўжа аравани баравар тортмайди. Мени рулга ўтқазиб қўйиб, ўзи ухлагани ухлаган. Машина ҳар тўхтаганда юзтадан отволади.

— Қизиқ. Доимо шунақами?

— Мен уни билганимдан буён. Жонимга тегди. Ишни мен қиламану ҳақни барабар олади.

— Демак, Ёрхўжа билан бормайсиз, шундайми?

— Бормайман. Лекин бу гап мендан чиққанини Ёрхўжа билмасин.

— Бошқалар-чи?

— Иложи бўлса бошқалар ҳам.

— Нега?

— Уртага совуқчилик тушмасин.

— Гапингизга қараганда, Ёрхўжа интизомсиз, дангаса, ароқхўр. Ўз ишига масъулият билан қарамайди, шундайми?

— Ҳа, шундай.

— Бунга ўзига ҳам айтганмисиз?

— Йўқ, гапириб, дилини оғритиб эсимни ебманми?

— Мен айтайми?— ўсмоқчилади Ортиқ.

— Йўқ, айтманг. «Қимдан чиқди бу гап?» деб ёқангиздан олади.

— Нима қилай бўлмаса?

— Иккимизни иккига бўлиб юборсангиз бўлгани. Илтимос.

— Ҳаракат қиламан. Кечқурун соат бешда мажлис бўлади.

— Хабарим бор,— дея Каттабоев кабинетдан шошилиб чиқиб кетди.

Ортиқ шу пайтгача Ёрхўжа ҳақида бошқача тасаввурда эди. Қутилмаганда бундай гап чиқиб қолди. Бироқ у Каттабоевнинг гапига ишонмас, тухмат қиляпти ҳам деёлмасди.

Мажлис бошланди. Кўриладиган масала битта — у ҳам бўлса қишлик-қировлик кунда интизомни янада мустаҳкамлаш. Ёрхўжа билан Каттабоев олдинги қаторда ёнма-ён ўтиришибди... Президиумдан жой олган Ортиқ буларга қараб-қараб қўяр, Каттабоевдан эшитган гапнинг тагига етолмасди. «Гапи рост бўлса, ёнма-ён ўтирармиди. Балки...» Интизом масаласи кўрилган

мажлис ҳамма вақт қизғин ўтади. Бу сафар ҳам сўзга чиқувчилар кўп бўлди, ўзларининг, ҳамкасбларининг ютуқ ва нуқсонларидан гапиришди, яхши таклифларини ўртага ташлашди. Ортиқ Каттабоевга маъноли қилиб қараб-қараб қўйди. Ҳар сафар нигоҳлар тўқнашганда Каттабоев кўзини четга оларди. Ортиқ Каттабоев сўзга чиқса керак, деб ўйлаган эди. Лекин чиқмади. Бошқаларнинг гапини берилиб тинглади, чапак чалиб, олқишлади. Охири мажлис раиси: «Яна ким гапиради?» деганида ҳам миқ этмай ўтираверди. Шунда Ортиқ ўрнидан туриб, сўзлашга ижозат сўради.

— Мен гапирмоқчи эмасман,— деди у мажлис раисига қараб.— Фақат бир нарсани ўртоқ Каттабоевга эслатиб қўймоқчи эдим.

Ҳамма Каттабоевга қаради. Унинг рангидан қон қочди.

— Ўртоқ Каттабоев, ҳали — пешинга яқин менга бир нима деган эдингиз,— деди Ортиқ Каттабоевга қараб.— Ўша гапингизни айтинг, бошқалар ҳам эшитсин. Шунга қараб илтимосингизни кўриб чиқайлик.

Каттабоев бир Ортиққа, бир президиумдагиларга, бир Ерхўжага қаради:

— Йўғ-эй, мен сизга ҳеч нима деганим йўқ,— деди у эсанкираб.

— Наҳотки ёдингиздан кўтарилган бўлса?— Ортиқ асабийлашди.

— Гапирган бўлсам, ёдимда бўлади-да,— энди Каттабоев ўзини тутиб, дадил гапирарди.— Сизга бошқа одам гапирган бўлса керак.

— Йўқ, худди ўзингиз гапирдингиз,— Ортиқ ноқулай аҳволда қолди.

— Ўзингиз яхшилаб ўйлаб кўринг,— деди Каттабоев ўрнидан туриб.— Балки гапирган одам эсингизга тушиб қолар.

— Эсимда! Сиз эдингиз, Ерхўжани ёмонотлиққа чиқарган сиз эдингиз. Энди эсладингизми?

Каттабоев қақ-қақ уриб кулди. Тавба, ясама кулгини ҳам шунчалар ўринлатиб юбориш мумкин экан.

— Тавба, вой тавба, бу мутлақо мумкин эмас. Ахир, Ёрхўжа энг қадрдон дўстим. Синашта ҳамкасбим. Буни ҳамма билади.— Каттабоев ўгирилиб залга қаради.— Тўғрими, ўртоқлар?

Залнинг у ер-бу еридан Каттабоевнинг гапини тасдиқловчи хитоблар янгради.

Каттабоев кулиб Ёрхўжанинг елкасига уриб қўйди:

— Гапир, ўртоқ. Гапим тўғрими ёки йўқми?

— Тўғри бўлганда қандоқ,— деди Ёрхўжа пишил-лаб.

Ортиқ бўшашиб жойига ўтириб қолди. Залдагилар унга турли назар билан қарашди. Мажлис ранси якунловчи нутқ сўзлагач, ҳамма тарқалди. Залдан энг кейин Ортиқ чиқди.

Бўлган воқеа шу. Ортиқ ҳадеганда ўсал бўлиб қолганини, президиумдаги ҳолатини, ўтирганларнинг унга қараб турганини, Каттабоевнинг қаққаҳасини эслаб, азобланар эди. Ҳамкасблари энди унга қандай қарашади, балки туҳматчи дегувчилар ҳам топилиб қолар. Ортиқ шуни ўйлаб безовта эди. У нохуш хаёлларни қувиш умидида ҳовли йўлкаларининг қорини куради. Кўчага чиқди. Жимжитлик. Баъзи деразаларда чироқ нури кўринарди. Кўча ўртасидан машина ўтибди, чуқур изидан оғир юк машинаси ўтганини, қор кўп ёққанини билиш мумкин.

Қорга ботиб келаётган ўн ёшлардаги дўмбоққина қизча куралган ердан қийналмай юрди. Буни кўриб Ортиқнинг кўнгли равшан тортди. Қизчанинг бир қўлида папка, бошқа қўлида эса тугунча бор эди.

— Ассалом алайкум.

— Ваалайкум ассалом. Ҳали мактабга эрта-ку.— Ортиқ болалигида қиш кезлари кўп қор ёққан кунлари мактабга барвақт бориб қўярди. Уйларида соат йўқ эди.

Қордан ташқари ёруғ кўринар, вақт алламаҳал бўлиб кетгандек туюларди.

— Холамларга мана бу қаймоқни ташлаб, кейин мактабга бораман,— деди қизалоқ йўлида давом этаркан.

Ортиқ ҳовлига кайфияти анча чоғ бўлиб кирди. Лекин ишга ҳеч шошилмасди. Кечаги воқеадан кейин ҳамкасблари кўзига қандай қарайди? Балки Ёрхўжанинг ўзи ҳам гап билан бир узиб олар уни.

Ортиқ ишга кечикиб борди. Каттабоев уни кутиб турган экан. У салом берди. Бу алиқ олди. Каттабоевнинг муомаласидан гўё ўртада ҳеч гап ўтмагандек кабинетга киришди. Ортиқ жой кўрсатди, Каттабоев ўтирди.

— Хўш, хизмат?— деди Ортиқ.

— Кечаги илтимос билан яна келувдим.

— Кеча биз гаплашганимиз йўқ,— кескин жавоб берди Ортиқ.

Каттабоев олдин талмовсиради, кейин ўзини билиб-билмасликка солди:

— Гаплашдик-ку. Ёрхўжа тўғрисида мен сизга арз қилдим. Мен у билан бирга бормайман, дедим. Мана шу хонада гапирдим.

— Мажлисда-чи?

— Э, Ортиқжон ака-ей! Қўпчилик олдида Ёрхўжани уялтиришим яхшимас. Ахир, кўз кўзга тушади-ку.

— Хўш, мендан нима истайсан?— Ортиқ ўзини тутишга ҳар қанча ҳаракат қилмасин, бўлмади.— Нима истайсан?!— деди бақириб.

— Мени Ёрхўжадан бошқага қўшиб қўйинг.

— Шундайми?

— Ҳа, илтимос. Лекин бу гап мендан чиққанини Ёрхўжа билмасин.

— Уфф! Рўйхат колонна бошлиғи қўлида. Ўшанга бориб учрашинг. У рози бўлса, мен қарши эмасман.

Каттабоев шошилиб чиқиб кетди. Ортиқ ўзини жуда оғир касалдан турган кишидек ланж сизди. Қани энди

қўлидан келсаю мажлисда Каттабоевнинг гапини эслатган ўз тилини суғуриб ташласа. Балки аксинчадир.

* * *

Каттабоев колонна бошлиғига учрашиб, Ёрхўжа тўғрисида гапирди. Лекин колонна бошлиғи: «Ҳазилни қўйинг», деб унинг гапига эътибор бермади. Каттабоев яна қайтадан гап бошлаган эди, колонна бошлиғи уни:

— Боринг, бошимни қотирманг, ҳозир ҳазил қиладиган пайт эмас. Ёрхўжа биргина Ортиққа ёқмагани билан ёмонотлиққа чиқиб қолмайди,— деб уришиб берди.

— Унга Ёрхўжани мен ёмонлаганман,— деса-да, Каттабоев сўзини маъқуллай олмади...

Каттабоев билан Ёрхўжа бирга сафарга чиқишди. Иккови бошқарган машина довол ўтаётганда аварияга учради. Каттабоевнинг чап оёғи синди. Ўша пайтда рулда ким ўтиргани номаълум.

УЙИМДА КУТАМАН

Эҳсон уйда ёлғиз қолди, Шарифа эса дўстлар даврасига бир ўзи кетди.

Эҳсон ғирт етим ўсди — ота дийдорини кўрмади, она кўкрагига бош қўймади. У туғилганда отаси фронтда эди. Онаси ёшлик қилибми, уруш йилларининг машаққатларидан чўчибми, ёки ёш умримга, бахтимга зомин бўлмасин, деб ўйлабми... ишқилиб, Эҳсонни етим болалар яслисига ташлаб кетди.

Эҳсон мактаб ёшига етгач, болалар уйига ўтказилди. Шу ерда уст-боши бут, қорни тўқ яшаб, ўқий бошлади. Мураббийлар, тарбиячилар, ўқитувчилар барча болалар қатори унга ҳам ҳар қанча меҳрибонлик қилмасинлар, бари бир у ниманидир қўмсарди. Лекин мурғак қалб буни ҳали тўлиқ англаб етмасди. Бир куни...

Эҳсон тўрт-беш ёшларда эди. Бурнини тез-тез торта-торта совуқ кунларнинг бирида эрталаб ўртоқлари билан ошхонага киришса, катта дарахт «ўсиб» қолибди. Кечқурун йўқ эди. Болалардан эслироғи:

— Арча, арча! — деб чапак чалиб юборди.

Ўртоқлари севингани учун Эҳсон ҳам севинди. Лекин арча нима учун келтирилгани гўдакнинг хаёлига қаёқдан келсин. Кейин мураббиялар арчага тақинчоқлар, чироқчалар, ўйинчоқлар осишди — арча безанди. Ундан кейин Қорбобо келди. Қўшиқ айтиб, арча атрофидан айландилар. Қорбобо совға улашаётганда хонага

бир бегона хотин кириб келди. Совға олиш навбати Ёдгор деган болага келган эди.

— Ёдгоржон!— деди ҳалиги хотин.— Уғлим!

Ёдгор бу овозни эшитди-ю, совға олишни ҳам унутиб онаси томон отилди. Ҳамма уларга қараб, жим қолди. Она-бола узоқ ачомлашиб турдилар. Ёдгор хурсанд, онаси эса энтикиб-энтикиб қўяр эди. Болалардаги қувонч йўқолди. Қорбободан олган совғалар ҳам эсдан чиқди. Гўё бутун шодлик шу она-болага ўтиб кетган эди. Иккови дунёда энг бахтиёр эдилар.

— Янги йилни мен билан кута қолсин,— дея ёлбо-рибди мураббияларга Ёдгорнинг онаси.— Байрам ўтгач, олиб келиб қўярман. Иложим қанча...

Уша аснода Ёдгорни онасидан ажратиб олиб қоладиган куч дунёда йўқ эди. Мураббиялар рози бўлишди. Онаси Ёдгорни олиб кетди, Ёдгор ҳам онасининг бўйнидан қаттиқ ачомлаб турар эди. Улар кетишди-ю, Эҳсон ғамгин бўлиб қолди. Ана ўшанда унинг мурғак қалбидан илк бор: «Нега менинг онам йўқ? Бўлса, Ёдгорнинг она-сига ўхшаб бугун келарди, мени олиб кетарди, Янги йилни бирга кутардик», деган хаёллар ўтди. Яна бир кун...

Эҳсон ҳунар-билим юртида ўқирди, бошланғич маълумотли бўлгач, уни шу ёққа юборишган эди. Кўпчилик ётоқхонада яшар, озчилик уйидан қатнаб ҳунар ўрганар эди. Яна Янги йил келди. Одатдагидек байрамга тайёр-гарлик кўрилди. Арча ҳам ясатилди. То Янги йил қарши олинадиган кун — ўттиз биринчи декабр-гача Эҳсон ҳамма нарсага бефарқ қараб юрди. Лекин байрам оқшоми келгач, у ўзини қандайдир ғариб, қўнгли ўксик сизди. Чунки уйидан қатнаб ўқиётган болалар ҳар куни уйдаги байрам тадориклари ҳақида гап топиб келишар, ўртоқларига мақтаниб ҳикоя қилишар эди. Эҳсон нимани гапиради?! Ўттиз биринчи декабрь куни ётоқхонада болалар жуда кам қолди, табнатан ўйчан, зийрак, ҳар нарсага ботинан муносабат билдирадиган Эҳсоннинг

хаёли шу кун бутунлай қатнаб ўқиётган ўртоқлари билан банд бўлди, ўзича уларни, уларнинг уйини, ясатилган арчаларни, ясатиғлик столларни, айниқса, ота-оналарини тасаввур қилиб кўрди, хўрсиниб-хўрсиниб қўйди. Ана шунда унинг ёш қалбидан: «Нега менинг уйим йўқ?» деган бир фикр ўтди. Лекин нима учун? Қанча ўйлаб-нетмасин, бари бир бу саволга жавоб тополмас эди.

Шу-шу, Эҳсон биринчи қор ёғса, Янги йилни эслайдиган бўлди. Эрта ёғса ҳам, кеч тушса ҳам. Ҳатто Янги йил байрамидан кейин ёғса ҳам. Қор унинг учун доимо Янги йил элчиси бўлиб қолди.

Хунар-билим юртини битириши олдида Жўравой исмли ўртоғи Эҳсонни қўярда-қўймай Янги йилни бирга кутиш учун уйига олиб кетди.

Кутишди. Танча атрофида радио тинглаб, суҳбатлашиб, Москвада ҳам Янги йил кутиб олингунча ўтиришди, сўнг қотиб ухлаб қолишди...

Эрта тонгда Жўравойнинг бобоси болаларни ҳой-ҳойлаб уйғотди:

— Ҳаромилар! Шу пайтгача ҳам ухлайдимми? Турларинг-эй!..— Чол болалар устидаги кўрпани улоқтириб ташлади.

Чолнинг гапи Эҳсоннинг суяк-суягидан ўтиб кетди-ю, индамади. Ахир, чол ўзининг бобоси эмас-да. У яна ухлагиси, тўйиб-тўйиб ухлагиси келарди. Жўравой бобосидан қўрққанидан яраб туриб кетди, ҳадеб уйқули кўзларини ишқар эди... Чол чиқиб кетгач, Эҳсон кўрпани устига тортиб олиб, яна ухламоқчи бўлди. Шунда Жўравой унинг тепасига чўккалаб:

— Эҳсон, тур, қолганини ётоқхонангда ухларсан,— деди аста.— Бобом яна киради.

Эҳсон мажбуран ёстиқдан бошини кўтариб, ўрин устида анчагача хаёл суриб ўтирди. «Ота-онанг, бобонг, уйинг бўлса-ю, сени тушунишмаса, буям оғир экан...»

Шу-шу, Эҳсон Янги йил кутишдан безиллайдиган ҳам

бўлиб қолди. Лекин чор-ночор, қатордан қолмаслик учун Янги йилни ўртоқлари даврасида кутар эди.

Эҳсон электр панвандчи бўлиб етишди. Машинасозлик заводида ишлай бошлади. Шу корхона ётоқхонасига кўчиб ўтди. Уни жамият тарбиялаб вояга етказди, хунар ўргатди, одам қилди. Атрофидагилар қанчалик меҳрибон бўлмасин, лекин бу ота-она меҳри ўрнини босармиди. Эҳсон ҳамон ота-она меҳрини, оилавий ҳаёт кечирishi қўмсар эди. Смена тугаши биланоқ, уйига, оиласи ёки ота-онаси бағрига шошилган ҳамкасбларини кўрганда уларга ҳаваси келиб кетарди.

Заводда иш бошлаганига беш йилдан ошганида у бахтини топгандек бўлди. Ўзи безиллаб қолган Янги йил ўтиришида Шарифа билан танишди, қиз техникумни битириб, завод лабораториясига яқиндагина ишга келган эди. Танишгач, ваъдалашув бўлади. Ваъда учрашувга етаклайди, агар юрак юракка мойиллик билдирса, бир-бирига талпинса. Бу сафар ҳам худди шундай бўлди. Юлдузи юлдузига мос келиб, икки ёшнинг осмон никоҳи ерга тушди. Ёзда уларнинг тўйи бўлиб ўтди. Эҳсон Шарифаларникига ичкўёв бўлиб борди. Тўй ҳам Шарифаларникида бўлган эди. Қатта хонадон, данғиллама участка. Шарифанинг бағри бутун эди. Ота-онаси, акалари, сингиллари, укалари, қўша-қўша келин-қўшнлари, жиянлари шу ҳовлида тотув-иноққина яшардилар. У ёлғизлик нима, билмай, ҳатто ҳаёлига ҳам келтирмай ўсган эди.

Кўёвбола Эҳсонни ҳамма ҳурмат қилар, иззати жойига қўйилар эди. Қайнота ва қайнонаси уни «ўғлим», қайноғалари, кеннойилари «Эҳсонжон», қолганлари «почча», деб чақиришарди. Шарифа эса уни орқасидан «улар», кўпчилик олдида «булар» дер, иложи борича, одат бўйича, номини атамасликка ҳаракат қиларди.

Ичкўёв бўлиб яшаш халқимиз турмушига кенг сингмагани учунми, маҳалла-кўйдагиларнинг: «Нима, кўёв-тўра мусофир эканми?» деган гапларини эшитиб қолга-

ни учунми, Эҳсон бу ердан тезроқ кўчиб кетишга ҳаракат қилди. Бунини Шарифанинг ўзи ҳам маъқул топди. Икковлашиб завод маъмуриятига квартира сўраб ариза беришди.

Эрта кузакда икки хонали квартирага кўчиб ўтишди. Қайнота-қайнонаси бошчилигида ҳовли тўйи ҳам қилиб беришди. Энди Эҳсон ўзини тўла бахтли деб ҳисоблай бошлади: ўз уйи—ўлан тўшаги, оиласи, қариндошлари, севимли касби, иноқ коллективи бор! Энди у ҳам смена тугаши биланоқ уйига шошилади! Тортинмай меҳмонга бора олади, бемалол меҳмон кута олади! Унга квартира қаердан берилиши маълум бўлганда, кўчиб ўтмасданоқ таниш-билишларига адресини айтиб, ёзиб берган ҳам Эҳсон-да! Энди унинг ўз адреси, эшигида почта қутиси ҳам бор!..

Иккинчи смена ҳам тугади. Эҳсон ишлайдиган цехда иш икки сманали бўлиб, лабораторияда эса доимо бир сманали эди. Шунинг учун ҳам Эҳсон ва Шарифа бир заводда ишласалар ҳам, иш вақтлари ҳеч бир пайтга тўғри келмас эди.

Эҳсон жомакорини ечиб, ювиниб-тараниб ҳамкасблари билан заводдан ташқарига чиққанида қор учқунларди. Дастлаб унинг юраги орқасига тортиб кетди, кўнгли ғашланди. Ахир, унинг учун қор Янги йил элчиси эмасми, Янги йил кутишдан эса юраги безиллаб қолган эмасми... Лекин бу нохушлик тезда ўтиб кетди. Энди унинг Шарифаси, ўз уйи бор. «Энди Янги йилни уйимда кутаман!» Бу фикр уни қувонтириб юборди. Севинчдан ўзини йўқотаёзган Эҳсон ёнида келаётган ўртоқларига баралла:

— Бу йил Янги йилни уйимда кутаман! Меникига марҳамат, дўстлар!— деди.

Ўртоқлари таклифдан ҳайрон бўлиб, тўхташди. Улардан бири:

— Эҳсон, нима, ёнғоқнинг тагидан ўтганмидинг?—

деди таажжубланганини яширмай.— Бу қор адашган қор. Ҳали Янги йилга икки ярим ойча бор. Сен бўлсанг...

— Қор адашса ҳам, мен адашмайман!— деди Эҳсон гапни бўлиб, қатъий ишонч билан.— Бу йил мен Янги йилни албатта уйимда кутиб оламан. Сизлар ҳам боринглар.— Эҳсон самимият билан шу гапни айтгач, хайрлашиб ўз йўлига кетди.

* * *

Осмон кўпқаватли иморатлар томига қадар пастлашгандек — шиддат билан қор ёғмоқда, юқорига қараш мушкул — юз-кўзингизга қор учқунлари ёпирилади, бари бир иморат томидан уёғини кўролмайсиз. Бунга ҳожат ҳам йўқ. Оёғингиз тагига қараб юрсангиз бас. Ер музлаб, тойғанчиқ бўлган, устига қор тушмоқда. Эҳтиёт бўлмасангиз тойғаниб кетишингиз ҳеч гап эмас. Айниқса, Эҳсон эҳтиёт бўлиши керак. Ахир, у тўнғич фарзанди Омонни етаклаб кетмоқда. Ота-бола арча олгани кетишмоқда. Ҳув анови муюлишдан кейинги майдонда арча сотилаётганини Эҳсон боя ишдан қайтаётганида ўз кўзи билан кўрди. Ишқилиб, тугамаган бўлсин-да! У ерда тугаган бўлса, бошқа жойдан қидиришади. Ҳеч топилмаса, Эҳсоннинг ўзи тоғдан арча кесиб келади...

Бу Эҳсоннинг хаёли, тўғрироғи орзуси эди. Ўзи эса трамвайда жунжикиб уйига қайтарди. Қим билибди дейсиз, бугун қор ёғишини. Эрталаб қуёш чарақлаб турган эди. Ўғил кўришса, Омон деган исм қўйишни дилига тугиб қўйган эди. Қаранг, ота-боланинг исмлари қандай бир-бирига мос: Эҳсон, Омон. Эҳсонга Омон ўғил эканлиги отидан ҳам билиниб турсин-да!..

* * *

Эҳсон йўлакда костюми елкаларига қўнган қор уч-

қунларини чўтка билан қоқар экан, унга пешвоз чиққан Шарифанинг саломига алиқ олиш ўрнига дабдурустан:

— Янги йилни уйда кутамиз,— деди.

— Ҳуҳ денг, ҳуҳ денг,— дея Шарифа эрим ичиб келганга ўхшайди, деган ҳаёлга борди.

— Қачон ичиб келган эдимки, мана шундай қор ёғаётган ажойиб кунда ичсам. Ичганим йўқ, Шарифаой.

— Майли, бир марта ҳуҳ деб кўринг-чи.

Эҳсон бир неча марта ҳуҳлади. Шарифанинг юзига илликқина нафас тегди, чеккаларидаги соч толалари енгилгина титраб кетди, димоғига тамаки ҳиди урилди-ю, лекин ичкилик иси келмади.

— Бўлмаса, сизга бир нарса бўпти ўзи,— деди Шарифа эрининг ичмаганига ишонч ҳосил қилиб.— Ҳали Янги йилга анча бор.

— Биладан. Лекин...

Шарифа эрининг гапини бўлди.

— Ана календарь, бир қараб қўйинг. Бугун йигирманчи октябрь.

— Биладан, лекин менга қор ёққани ҳисоб,— дея Эҳсон энгашиб туфлиси боғичини ечар экан, гапни ҳазилга бурди.— Мен бу сафар, бундан кейин Янги йилни уйда кутамиз, деб сизга ҳам тайинлаб қўяман.

— Бе, компанияда кутганга нима етсин,— дея Шарифа чимирлиб ичкарига йўл олди.

* * *

Янги йилга қадар яна бир неча дафъа қор ёғди, баъзан учқунлаб ўтди. Эҳсон дунёга келиб биринчи марта бу Янги йилни орзиқиб кутар, тезроқ келишини истар эди. Энди у Янги йил кутишдан қўрқмайди, довярак! Аввало, ўзимиз, қолаверса, қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар кўриб, дили яйрар, деб катта арча олиб келиб, бино қўйиб безатди. Балконда кабоб пиширса бўлаверди, деб кўра келтирди.

Илҳақлик билан кутилган кун — ўттиз биринчи декабрь ҳам етиб келди. Иш куни эмас эди. Эр-хотин уйда. Эҳсон нонушта устида байрам дастурхони тузаш ҳақида гап очди. Дилсиёҳлик ана шундан бошланди.

— Бе, уйда бало борми, ўзимиз яшаб келаётган ма-на шу каталакдек уй-да,— дея бобиллаб кетди Шарифа.— Янги йилни уйда кутмаймиз.

— Уйимизда сиз бор, мен бор, бало эса йўқ,— деди Эҳсон гапни ҳазилга буришга интилиб.— Телевизорни қўйиб, эркин, бемалол уйда кутганга нима етсин.

— Икковимиз-а? Шундай шўппайиб-а?!

— Ҳа. Истасангиз, мен ашула айтаман, сиз менга ўйнаб берасиз.

— Йўқ,— деди Шарифа қатъий қилиб.— Икковимизгина бўлсак, мен зерикиб қоламан.

— Зериктирмайман.

— Бари бир. Мен Янги йилни компанияда кутишга ўрганиб қолганман.

— У ёқ уйдагиларни айтсак, хабарингиз бор, «ўзингиз кела қолинглар, биз йиғилиб борсак, сизларникига сизмаймиз», деб ҳазилга олиб, таклифимизни рад этишди.

— Улар келса ҳам, бари бир мен уйда қолмас эдим.

— Нима учун?

— Вой тавба, вой тавба, сиз-биздақа ёшлар қариқартаглар билан Янги йил кутадами?

— Оилавий кутаверади-да.

— Унга ҳали анча бор биз учун,— деди кулиб Шарифа.— Уни-буни қўйинг, Ҳакима деган дугонамни биласиз-а?.. Тўйимизда ёнимда ўтирган сочи жингалак қиз бор-ку?

— Нима эди?

— Техникумни бирга битирган курсдошлар ўшаникида Янги йил кутамиз.

— Бормайман,— деди Эҳсон ўзини қаттиқ гапириб юборишдан тийишга интилиб.— Бормаймиз.

— Борамиз. Мен иккаламиз учун ўтиришга пул тўлаб қўйганман. Уйланганлар, турмушга чиққанлар жуфт-жуфт бўлиб бориши керак экан.— Шарифа эрини кўндиришга ҳаракат қиларди.— Анави-чи, артистлар ҳам таклиф этилган. Ҳа, ҳм... шунақа.

Гап жанжалга айланмасин, деб Эҳсон ўрнидан туриб ошхонага кириб кетди. Бир оздан кейин катта рўзгор сумка кўтариб қайтиб чиқди:

— Мен бозор-ўчар қилиб келай.

— Майли, бугун бўлмаса, эртага керак бўлар,— деди Шарифа дастурхонни йиғиштирар экан.— Анордан кўпроқ олинг...

* * *

Янги йил киришига икки соатча вақт қолди. Эҳсон емакхонада телевизор кўриб, хотинининг ҳар бир ҳаракатини кузатиб ўтирар эди. Оҳорли кийимларини кийиб, пардоз-андоз қилиб олган Шарифа ётоқхонадан чиқди ва эрига боядан буён айтаётган гапини яна бир бор такрорлади:

— Ҳай, бўла қолинг. Тезроқ кийининг. Бўлмаса, кечикамиз.

Эҳсон ҳам ҳалиги жавобини такрорлади:

— Ҳеч қасб-қасб бормаимиз. Янги йилни уйимизда кутамиз.

— Йўқ. Уйда кутмаймиз.

— Уйимизда кутамиз.

— Бўлмаса, мен бу ерда кутмайман. Ўзим боравераман.

Бу гап Эҳсоннинг юрагига наштардек урилди. Лекин ўзини тутиб қолди.

— Нима учун?

— Мени ҳам тушунинг-да, Эҳсон ака,— дея ёлворди Шарифа.— Ахир, мен даврага, улфатга ўрганганман.

— Мен сизга улфат бўлолмайманми?

Шарифа аввалига қандай жавоб қилишни билолмай гарангсиниб турди-да, кейин:

— Мен бир ҳафтадан бери курсдошларим билан бирга Янги йил кутишни орзиқиб кутяпман.

Эҳсон: «Мен эсимни таниганимдан буён шу кунни кутар эдим», дейишга оғиз жуфтлади-ю, лекин айтмади. Буни айтса, бошидан кечирган бошқа қийинчиликларни гапириб юбораётгандек эди. «Мен учун шундай бахтли бўлган кунда мени ёлғиз ташлаб кетманг, илтимос», демоқчи ҳам бўлди-ю, лекин бир оғиз сўз айта олди, бу сўз юрак-юрагидан, бутун вужудидан қалқиб чиқди:

— Борманг.

— Бораман,— Шарифа уйдан чиқиб кетди. Йўлакка чиқиладиган эшик очиқ қолди. Буни Эҳсон уй совий бошлаганидан сезиб, эшикни бориб ёпди.

Шундай қилиб, Янги йил арафасида Эҳсон уйда ёлғиз қолди, Шарифа эса дўстлар даврасига ёлғиз кетди.

Юраклар бир-бирга пайванд бўлмаса қийин.

* * *

Соат ўн икки марта бонг урди. Соат бонгига биллур қадаҳларнинг садоси уланиб кетди. Шарифа қувноқ ва ёш давранинг гули бўлиб ўтирарди.

Эҳсон хаёлан ота-онасини кўз олдига келтирар, туфилмаган ўғли Омон билан тасаввурида гаплашар эди.

«СОВУҚ»

Икки тарафида ҳам бир ошёнли иморатлар қад кўтарган «Толзор» кўчаси қор қўйнида.

Бир текис, қатор ўтказилган қоратоллар узоқ ёққан қор таъсиридан мажнунтол қиёфасида.

Йўлкалардаги оёқ излари якандоздаги қавиқ ўрнини эслатади. Кўча ўртасига сидирға оппоқ чойшаб ёпилгандек — оёқ изи ҳам, транспорт изи ҳам кўринмайди.

Кун анча совуқ: дераза ойналарига табиатнинг сеҳрли қўли билан ажойиб «нақш»лар солинган. Тарновларда узун-қисқа сумалаклар осилиб турибди.

Ҳамма иморат дудбуронларидан оддий тутун кўтарилмоқда. Аммо бир иморат дудбуронидан эса қуюқ қора тутун бурқсиб чиқмоқда.

Биз шу иморатга яқин борамиз. У ниҳоятда оппоқлиги, томига оқ тунука ёпилгани, салобати, дераза бўёғининг оқишлиги билан қўшни иморатлардан ажралиб кўзга ташланади.

Дудбуронга жуда яқин борамиз. Ҳаво етишмаётгандек сезамиз ўзимизни. Назаримизда иморат бизга:

«Бу тутунмас, менинг нафасим. Печкамда ҳўл ўтин ёнаётгани йўқ. Балки ҳозир хўжайиним Сулаймон кичик хонамда», деяётгандек бўлиб туюлади.

Биз иморатнинг кичик хонасига кирдик. Бу ерда ҳеч кимга кўзимиз тушмагач:

— Иморат бизни алдабди-да,— деган фикр кечади дилимиздан,

— Елғон гапирган бўлсам уч кунда куйиб кетай! Хўжайин қайси хонамда бўлса, ўша бўлмам кичрайиб, бир кишилик бўлиб қолади,— деб иморат бизга жавоб қилгандек туюлади.

Шу пайт қаршимиздаги ҳашамдор, икки тавақали эшик ланг очилиб кетади-да, рўпарада катта хона кўринади, ўша ёққа кирамиз. Кириб, ҳайратланамиз: уй эмас, бир ажойибхона. Ўрта ерда сурмаранг духоба қолип дўппи, қора беқасам чопон кийган, ўрта бўй, тўладан келган бир киши турарди. У теварак-атрофга синчиклаб кўз югуртирмоқда.

— Хўжайиним шу киши!— Назаримда иморат Сулаймон билан бизни таништиради.

Сулаймон кўча дераза олдига борди. Кўзи токчадаги билинар-билинемас чангга тушди. Турқи тундлашди. Кўрсаткич бармоғи билан токчага «С» ишорасини чизди-да:

— Ҳой, Салтанат, бу ёққа кел!— деб бақириб юборди у.

Бир зумда хонага ўн тўрт яшар нозиккина бир қиз кириб келди.

— Лаббай, ада?— деди қиз итоаткорона.

— Берироқ кел, мана бунни кўр,— дея Сулаймон токчадаги «С» ёнига «АЛТАНАТ»ни улади, — ўқи, ўқи, «Сал-та-нат»; чанг бозор-ку ҳаммаёқ!

— Ёздан буён бугун очдингиз-ку бу хонани,— ерга қараганича қўрқа-писа деди қиз,— ойимлар ҳам даданг уришадилар, деб, бу ёққа кирмайдилар ҳеч, биз ҳам.

— Бўлди, гапни чўзма, қуп-қуруқ латта опкелиб, чангни арт.

— Хўп,— дея Салтанат хонадан тез чиқиб кетди.

Сулаймоннинг кўзи энди девордаги йиртма календарга тушди, унинг биринчи саҳифасидаги ёзувларни овоз чиқариб ўқиди: «1978 йил, 18 август». Сўнгра календарни таг-туғи билан қўлига олди-да, девордаги қора «тугмача»ни босди. Хона чароғон бўлиб кетди. Сулаймон

шипдаги катта ва серҳашам қандилга қаради, чеҳрасига шодлик ифодаси қалқиди. Лекин тезда чироқни ўчирди. Хонадан чиқаётиб, эшикни ёпишга тарадуд кўраётганида, оппоқ қуруқ латта ушлаган Салтанат унинг ёнига келди.

— Тез тугат ишингни,— Сулаймон ноилож эшикни ёпмай кетди.

Сербар иморатнинг бўйи баравар равон. Дераза ойналаридаги қиров-нақшлар «қишки парда» вазифасини бажармоқда — ҳовли юзини тўсиб турибди. Афтидан, бу ер оила учун ошхона ва емакхона хизматини ўтаса керак: бир бурчакда газ плита. Унга ёнма-ён қўйилган стол устида ўттиз беш-қирқ ёшлардаги аёл хамир қормоқда. Бу — Сулаймоннинг рафиқаси Каромат.

Нариги тарафда икки ўғил бола овқат столига эгилганича дарс тайёрлаш билан машғул. Уларнинг бири чамаси ўн, бошқаси саккиз ёшларда.

Сулаймон равонга чиқди. «Контрамарка» печка эшикчасини очиб, ичига қўлидаги календарни ирғитгач, хотини олдига борди. Тўғорадаги хамиргга синчиклаб қараб:

— Қаёққа?— деди хотинига дабдурустан.

— Шу ердаман-ку.

— Кейин, деяпман!

— Ўзимизга,— эрининг саволига энди тушуниб етди Каромат.

— Хамиринг одатдагидан мўл кўринад.

— Сувни сал ортиқ қуйворибман-да.

— Шундай дегин.

Сулаймон болалар томон кела бошлади. Буни кўрган болалар машқдан тўхташди.

— Машқ тамомми?

— Ҳм,— дейди кичиги кўзларини жавдиратиб.

— Қани, тез отланинглар. Биргалашиб кинога бо-
рамыз.

Каромат эрининг овозини эшитиб ялт этиб шу ёққа

қаради, у нимадандир ташвишга тушган эди. Болалар жимгина ерга қараб қолишди. Улардаги бу сукутни кўриб Сулаймон тутоқиб кетди:

— Ўзларинг ҳар якшанба кино кўришни канда қилмайсанлар! Нега мен билан боришни истамайсанлар-а?

— Дўқ қилманг-да, дадаси, болаларга,— деди Каромат,— ахир, қаттиқ гапириб бола кўнглини олиб бўлармиди.

— Сен суқилма гапга!— Сулаймон ўшқириб берди.

* * *

Башанг кийинган Сулаймон кўчага чиқиб, ўз уйидан сал узоқлашиши биланоқ, уй ичкарисидан болаларнинг дупур-дупур оёқ товушлари, шўх кулгилари эшитилди.

Сулаймон йўлка бўйлаб бормоқда эди. У бир иморат дарвозаси ёнидан ўтаётганида, далондан оёқ товушини эшитди-ю, тўхтади. Ичкаридан бир киши чиқиб келди. У Сулаймонни шундай рўпарасида кўриб ҳайратланди.

— Ассалому алайкум, Назиржон,— дея Сулаймон қўл узатди.

— Ваалайкум ассалом,— деди қўшни кўришаётиб,— Сулаймон ака, менда ишингиз бормиди, бу ерда турибсиз.

— Йўқ, йўғ-эй,— деди Сулаймон кулиб,— ўтиб кетаётиб оёқ товушингизни эшитиб қолдим. Сизга ҳамроҳ бўлай деб турувдим.

— Яхши,— деди Назиржон зўр-базўр.

Улар ёнма-ён юра бошладилар.

Сулаймон ўз одати бўйича ҳамроҳига саволлар ёғди-ра бошлади:

— Йўл бўлсин, қўшни, томошагами?

— Бе, эрталабдан томоша нимаси.

— Ҳа, бозор-ўчарга денг?

— Йўқ, зарур бир иш билан.

— Ишқилиб, ташвишли эмасми?

— Йўқ, ташвишли эмас.

— Жуда зарурийми?

— Ҳа.

— Очиқроқ айтаверинг, биродар, ёрдамдан қочади-ганлардан эмасмиз.

— Раҳмат. Ўзи битиб кетадиган иш.

— Билдим, энди тушундим...— Сулаймон яна савол бошламоқчи бўлганди, Назиржон юришдан шартта тўхтаб унинг гапини бўлди:

— Кечирасиз, сиз бораверинг, ҳужжат уйда қолибди, олиб кетмасам бўлмайди.

— Меники ёнимда!

— Ўзимники бўлиши шарт,— дея қўшни орқага қайта бошлади.

— Кутиб турайки сизни?— деди Сулаймон унинг ортидан.

— Йўқ, бораверинг, анча пойлаб қоласиз...

Сулаймон Назиржон то ўз уйига кириб кетгунича унинг орқасидан қараб турди-да, кейин йўлида давом этди.

Назиржон ҳовлисида хотинига дуч келди.

— Сафарингиз тез қарибди?— деди таажжубланиб хотини.

— Сулаймон ака ҳамроҳ бўлувди. Қайта қолдим.

— Яхши қилибсиз.

* * *

Сулаймон трамвай бекатида теварак-атрофни зимдан кузатиб турибди.

Кун боягидан анча ташлаган. Шу сабабли бу ернинг қори эрий бошлаган.

Сулаймондан уч-тўрт қадам нарида турган бир йигитнинг қўлтиғидаги портфели ногаҳон ерга тушиб кетди. У портфелини бир учидан ушлаб, ердан олди. Чўнтагидан рўмолча чиқариб, уни артмоқчи бўлаётганида Сулаймон икки ҳатлаб келиб, унинг қўлидан тутди:

— Акаси, аввал анави тоза қорга бир суркаб олинг, ҳа, шундай бўлсин!

* * *

Трамвайда Сулаймон билан портфелли йигит эшикка яқинроқ жойда қарама-қарши ўтириб кетишяпти. Сулаймон тинмай сўзляяпти, аммо портфелли йигит унинг гапига эътибор бераётгани йўқ.

Трамвай бир бекатга келиб тўхтади. Шу бекатда турган бир киши ҳамроҳи билан қўл олишиб хайрлашиб вагонга чиқди-ю, изига қайтиб тушди. Уртоғи ундан, нега қайтиб тушдинг, деб сўраган эди, у тушунтирди:

— Сулаймон гап қилаётган экан. Кейинги трамвайда кетарман.

* * *

Сулаймон катта кўча йўлкаси бўйлаб, йўловчиларга назар ташлаб борарди. У қарши томондан қўл ушлашиб келаётган ота ва ўғилни тўхтатди-да, деди:

— Ўғилчанинг шарфини тўғрилаб қўйинг, биродар. Тагин шамоллаб қолмасин.

* * *

Тушки пайт. Осмонда қуёш борлиги сезилади-ю, аммо унинг нурлари қалин булутларни ёриб ўтолмаётир. Сулаймон йўлда давом этмоқда. Қўзи дафъатан қарши томондан анча нарида келаётган ўз фарзандларига тушиб қолса бўладими! Дарҳол одимини тезлатди, лекин беш-олти қадам юргач, тўхтади.

Салтанат укаларини етаклаб, ўнг қўлдаги бинога — кинотеатрга кириб кетди. Сулаймон эса турган жойида узоқ ўйга ботиб қолди.

УРТАДАГИ ОДАМ

— Осмон қўлингда бўлса, ташлаб юбормайсанми!— Инженер Инъомжон кабинет эшигини тарақлатиб ёпиб чиқиб кетди. Сарғимтир тусли, кичкина кўк кўзли, кўсанамо Ҳусайн Холиқовичга зарда қилмаган, у билан айтишмаган, тортишмаган, биргина шу Инъомжон қолган эди. Мана энди Ҳусайн Холиқович ўз тенгдоши, курсдоши, бунинг устига ён қўшниси бўлмиш Инъомжондан ҳам дакки эшитди. У билан ҳам сан-манга бориб қолди. Бундай бўлишига ким айбдор? Қурилиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Ҳусайн Холиқович айбдорми ёки оддий инженер Инъомжонми? Агар Ҳусайн Холиқович коллективнинг бошқа аъзолари билан ҳам сан-манга бориб қолмаганда эди, айбни Инъомжонга тўнкаса бўларди, чунки бошлиққа нисбатан бетгачопар бўлиш одобдан эмас, дейдилар. Аммо кўриб-билиб турибмизки, ҳамма ходимлар Ҳусайн Холиқовичдан норизо. Демак, биз ҳам кўпчиликнинг фикрига тўғридан-тўғри қўшилсак, унда Ҳусайн Холиқович айбдор бўлиб чиқади. Лекин бундай хулосага келишга ҳали шошилмайлик: ахир, одамни ёмонотлиққа чиқаришдан ҳам осонроқ иш борми дунёда!! Яхшиси, айти шу пайтда, энг қадрдон дўстидан ҳам дакки эшитган Ҳусайн Холиқовичнинг олдидан бир ўтайлик, қани, у бу ҳақда, яъни ўзи тўғрисида қандай фикрда экан. «Қанақа одамсиз?» деб ўзидан сўрасак, унга оғир ботар, шунинг учун ҳам унинг қўйнига бир қўл солиб, қалбига қулоқ тутиб кўрайлик-чи.

— Одамлар! Ҳой, одамлар!— Ҳусайн Холиқович айна дамда шундай дея унсиз бонг урарди.— Мен ҳам одамман, тўрт мучам тугал, қўл-оёғим бус-бутун, танжоним соғ, ақл-ҳушим жойида. Аммо аро йўлдаги одамман. Бошлиқ бўлиб бошлиқмас, ходим бўлиб ходим эмасман. На у ёқлик ва на бу ёқлик эмас — аросатда қолганман. Бошлиғимиздек ўзимча буйруқ беролмайман, ходимлардек ўз билгимча иш тутолмайман. Вазифам жуда ғалати: бошлиғимиз буйруғини ходимларга ўз қароримдек билдираман, буларнинг бажарилишини назорат қиламан, ижросини қаттиқ талаб этаман. Хизмат вазифамни ўтаб турганимда ходимларга баъзан ёмон кўриниб кетаман, буни ўзим ҳам сезаман, албатта.

— Одамлар, ҳой одамлар! Ҳамкасбларим! Иш пайтида мен берган буйруқлар ҳамма вақт ҳам сизларга ёқавермайди, баъзан ошкора, баъзан дилингизда мени ҳақорат қиласизлар. Лекин мендан нотўғри ранжийсизлар. Ахир, бошлиғимиз миясида пишиб, унинг оғзидан чиқадиған ҳамда менинг қулоғимдан кириб, миямда қайта ишланмай, тўппа-тўғри оғзимдан чиқиб кетаверадиган буйруқларни меники, деб бўладими? Аммо юзаки қараганда, булар гўё менинг буйруқларимдек туюлади сизларга. Бу табиий. Чунки сизлар буйруқни мендан эшитасизлар, менга ҳисоб берасизлар-да! Гўё мен сизларнинг раҳбарларингизман. Ажабо! Ахир, ўзларингиз яхши биласизлар-ку, буйруқ дўндириб бажарилган кезларда мен бу тўғрида бошлиққа хабар қиламан. У киши сизларни ҳузурларига чақириб, мақтайдилар, елкангизга қоқадилар. Оғизларидан бол томади. Кўрибсизки, ким яхши — бошлиқ яхши, ким ширинсўз — бошлиқ ширинсўз, ким донишманд — бошлиқ донишманд! Чеҳрангизда қувонч, шодлик — бошлиқ ҳузуридан чиқасизлар.

Мабодо бирор буйруқ хоҳ узрли, хоҳ узрсиз сабаблар билан бажарилмаган бўлса, мендан эшитадиганни эшитасизлар. Рангингиз ўчган, дилингиз хуфтон, асабингиз бузилган ҳолда ҳузуримдан эшикни тарақлатиб ёпиб

чиқиб кетасизлар. Ким ёмон — Ҳусайн ёмон, кимнинг турқи совуқ — Ҳусайннинг турқи совуқ, кимнинг оғзидан заҳар томади — Ҳусайннинг оғзидан заҳар томади, ким гапга тушунмайди — Ҳусайн, ким узрли сабабни ҳам тан олмайди — Ҳусайн-да!

Йўқ, ҳамкасбларим, аслида мен ҳам «сабаб» билан «баҳона»ни фарқига бораман. Лекин, начораки, буйруқ ижросини тезлатиш учун, яна узрли сабаблар кўндаланг бўлмаслиги учун ҳар қанақа узрларни тан олмайман, буларни ҳатто эшитишни ҳам истамайман. Чунки бошлиғимиз менга шундай буюрган. У мендан фақат хушхабарни — буйруқ ижро этилганини эшитишни истайди, шунини талаб қилади. Бошқасини билмайди, тан олмайди. Бас, шундай экан, мен сабаб билан баҳонанинг дилимда фарқига борганимни сиртимга чиқарайми, «тўғри, бу буйруқнинг бажарилмаганига сабаб бор экан», деб индамай кетаверайми? Йўқ, асло! Бошлиғимиз бажарилмаган иш учун мени маъзур кўрмайди, унинг учун дунёда сабаблар, монеликлар йўқ, фақат баҳоналаргина бор, холос.

— Одамлар, ҳой одамлар! Бир жойнинг, бир идоранинг одамлари, ҳадеб мени ҳаммангиз ёмонотлиқ қилаверманг. Мен ҳам, худди сизлар менга ҳисоб берганингиздек, ўз буйруғининг ижроси ҳақида бошлиғимизга ҳисоб бераман. Ҳаммангиз ҳақингизда ҳисоб бериш, ахир, осонми? Тағин ҳам ўлмаган менинг жоним, бирингиз ўринли, бирингиз ўринсиз сабаблар билан ишга келмай қоласизлар. Ҳаммангиз ҳақингизда бир ўзим, фақат бир ўзим ҳисоб бераман бошлиғимизга. Тўғри, одам машина эмас, тирик мавжудот, ундан ҳамма вақт бир хилда бўлишни кутиб бўлмайди. Тирик жон иситмасиз бўлмас, унинг кайфияти гоҳ ҳуд, гоҳ беҳуд бўлиши турган гап. Буларни мен ҳам биламан. Аммо бошлиғимиз мендан «бажарилди»ни эшитишни истайди. Шундай бўлгач, мен ҳам сизлардан бажаришингизни талаб қиламан. Бошлиғимиз эса «бажарилди»ни эшитишни ис-

тайди-ю, лекин сизлардан буни бевосита талаб қилмайди, мен орқали, яъни билвосита талаб қилади. Бошлиғимиз фақат ижобий натижани, танқидчи айтмоқчи, фақат ижобий қаҳрамонларни яхши кўради. Мен эса сизларнинг ҳамиша ижобий қаҳрамон бўлишингизни истайман. Тўғри, ҳамма вақт ижобий қаҳрамон бўлиб туравериш қийин, албатта. Баъзан, гўё ҳаво исиб-совиб тургани каби киши бир-икки куп, танқидчи айтмоқчи, «салбий» қаҳрамон бўлиб қолиши мумкин. Сизлар менга ҳам ижобий, ҳам салбий қаҳрамон қиёфасида кўринасизлар. Аммо бошлиғимиз ҳузурига фақат ижобий қаҳрамон сиймосида ташриф буюрасизлар.

— Одамлар, ҳой одамлар! Ҳамкасбларим! Авваллари, мен янги бошлиғимизга янги ўринбосарлик лавозимига ўтгунимча, ҳаммангиз билан иноқ эдим, орамиздан қил ўтмасди, «сиз» оғзимиз «сен»га бормасди. Аслида ҳозир ҳам ўша-ўшаман. Ҳеч бирингизга ёмонликни раво кўрмайман. Лекин ўртадаги одамман...

Мана, Ҳусайн Холиқовичнинг кўксига қулоқ тутиб, дилидаги гапларни ҳам билдик. Қани, бу ёғи нима бўларкин, бир фурсат уни кузатайлик-чи.

Ҳусайн Холиқович инженер Инъомжон кабинет эшигини тарақлатиб ёпиб чиқиб кетганидан буён нима қиларини билмай гаранг, боши қотган. Телефон жирингласа ҳам трубкани олмайди. Ҳар кунги одати бўйича идора ходимларини бир-бир ҳузурига чақириб, улардан у-буни ҳам суринштирмайди. Ҳа, инженер Инъомжоннинг бояги гапи унинг суяк-суягидан ўтиб кетган эди. Бошқа ходимларга ҳам дакки бериб, улар билан ҳам Инъомжон билан бўлгани каби дилснёҳликка боришга унда ҳозирча бардош етинқирамасди. У шу алпозда тушгача кабинетда ўтирди. Ҳеч бир ходим уни йўқлаб кабинетга кирмади. Чунки улар бу ерда дакки эшитавериб, зада бўлиб қолишган эди. Авваллари, Ҳусайн Холиқович ўринбосарликка эндигина кўтарилган кезларда, кабинетидан ходимлар аримасди. Бирини юзасидан

маслаҳат сўраб кирса, яна бири ўзи эшитган қизиқ бир янгиликни айтиш, бир зум бўлса-да, Ҳусайн Холиқович билан отамлашгани кирарди. Энди-чи? Эндиликда унинг ўзи чақиртирмагунча, биронта ходим унинг кабинетига юраги дов бериб киролмасди.

Авваллари, тушлик овқатга ўтиб кетаётган тенгқур ҳамкасблари кабинетига бош суқиб:

— Қани, Ҳусайн, овқатга юринг,— дейишини канда қилишмасди. Энди-чи! Эндиликда улар Ҳусайн Холиқовичдан ўзларини олиб қоча бошлашган эди. Биргина Инъомжонгина унга ўзини яқин тутарди. Қани, бояги дилсиёҳликдан кейин ҳам Инъомжон кабинетга бош суқиб, «оғайни, қани юр овқатга», дермикин? Ҳусайн Холиқович ҳозир шуни кутиб ўтирарди. У анча кутди. Аммо Инъомжондан ҳамон дарак йўқ. Тушки танаффус яримлади. Ҳусайн Холиқовичнинг кутишга ортиқ бардоши қолмади. Унинг ўзи кабинетдан йўлакка чиқиб, Инъомжон ўтирадиган хона томон қулоқ солди: жимжитлик. Бошқа хоналардан ҳам овоз эшитилмайди. У қулоқларига ишонмай, Инъомжоннинг хонаси томон юрди. Хона эшиги тутқичини аста тортиб кўрди. Эшик берк. Шунда Ҳусайн Холиқович: «Шунча йиллик қадрдошим Инъомжон ҳам мени яккалатиб кетибди-я!» дея эзилиб, ошхона томон юрди.

Шу куни тушликдан кейин бошқарма коллективнинг қурилиш ишларининг бажарилишига бағишланган мажлиси охирида иккита буйруқ ўқиб эшиттирилди.

Мукофотлаш тўғрисидаги буйруқни тантанали суратда бошқарма бошлиғи эълон қилди.

Мажлис қатнашчилари ҳайфсан бериш тўғрисидаги буйруқни эса бошқарма бошлиғининг ўринбосари Ҳусайн Холиқовичнинг оғзидан эшитдилар.

Шунда иккала буйруқ ҳам бошқарма бошлиғи томонидан имзолангани ҳеч кимнинг ёдига келмади.

ПУФАҚ ЕРИЛДИ

Ҳар кимнинг ҳар хил одати, бирор нарсага ишқибозлиги бўлганидек, Азамат Аброрович табрикнома юборишга ва олишга ишқибоз эди. Ишқибозгина эмас, жуда ўч эди. Табрикнома юборишга ҳеч эринмасди, вақтини аямасдан жарангдор сўзларни аввал оддий қоғозга тушириб, сўнгра чиройли ҳуснихат билан оққа кўчирадди. Ўз номига келган табрикномаларни эътибор билан такрор-такрор ўқир, сўнгра асраб қўярди. Тома-тома кўл бўлур, деганлари рост экан. Азамат Аброрович табрикномаларни тўплаб, ғалати бир коллекция тузган. Бу коллекцияни собиқ ишхонасидаги темир қутида авайлаб сақларди.

Азамат Аброрович табрикномалар ёзавериб, ёздиравериб, (у собиқ идорасида ишлаб турганида расмий байрам табрикларини ходимларига ёздирарди, ўзи эса устидан бир кўз ташлаб қўйиш билан чекланарди) турли-туман табрикномаларни қайта-қайта ўқийвериб, ўқитавериб, (уйда айрим табрикномаларни рафиқаси ва болаларига ўқитиб кўрарди — жуда роҳатланарди) табриклаш бўйича бой тажриба тўплаган эди; бу борада махсус лекция ўқиш, мақола ёзиш баъзи кишиларнинг гапларига кўра, ҳатто илмий иш қилиши ҳам мумкин эди. У табрикнома ёзаётганда, ёздирётганида, ўқитаётганида, ўқиётганида атрофдагиларга шундай дейишни канда қилмасди:

— Табриклаш — ажойиб инсоний фазилат; кўнгил

қинлигини изҳор қилиш воситаси; табриклаш — ишонч, умид билдириш, ёдга олиш демак.

Азамат Абборович азалдан байрам яқинлашган санин қариндош-уруғларидан, ҳамкасбларидан, таниш-билишларидан табрикномалар келишини орзиқиб кутарди ва шунга одатланган эди. У ўзи, рафиқаси ва фарзандлари туғилган кунларни ҳам тарихий сана ҳисоблар, катта байрамлар қаторига қўярди; тантанали тарзда нишонларди. Байрам ўтгач, ўз номига келган табрикномаларни яна бир бор ўқир, эринмай санаб чиқарди. Қанчалик кўп табрикнома олган бўлса, унинг учун байрам шунчалик файзли ва тантанавор ўтган ҳисобланарди. Бир байрамнинг иккинчисидан фарқини ҳам олган табрикномаларининг оз-кўплиги билан белгиларди. Буни аниқлагач, барча табрикномаларни уринтирмай, устма-уст тахлаб, сандиқдаги табрикномалар ёнига қўярди. Шу тариқа унинг коллекцияси бойиб борарди.

У табрикномаларни уч қисмга бўларди. Биринчиси: ҳамкасбларидан — ўз соҳаси кишиларидан олган табрикномалари. Буларнинг сонига қараб, у ўзининг ижтимоий ҳаётда тутган мавқеини белгиларди.

Иккинчисига обрўли таниш-билишларидан олган табрикномалар кирарди: буларнинг сонига ва уларнинг остидаги имзога қараб, у ўзининг жамоатчилик ўртасидаги обрўсини белгилаб юарди.

Учинчисини эса қариндош-уруғларидан олинган табрикномалар ташкил этарди: буларнинг сонига у кўпда эътибор бермасди. Лекин, ҳар ҳолда, бундай табрикномалар орқали у барча қариндош-уруғларининг ўзига бўлган ҳурматини ҳис қилар ва улар орасида энг обрўли қариндош бўлганлиги билан фахрланарди.

Олмоқнинг бермоғи ҳам бор, албатта. Азамат Абборович кимки ўзини байрамлар билан табриклаган бўлса, у ҳам уларни қутлашни ёддан чиқармасди. Одамларни табриклашда унинг ўз мезони ва қутлаш тартиби бор

эди. Азамат Аброрович байрамга ўн беш, камда ўн кун қолганида, «табрик сандиғи»ни очиб, аввалги байрамда олган табрикномаларни кўздан кечирар, улар кимлардан келган бўлса, шуларнинг исмларини ва адресларини ёзиб, бир рўйхат тузарди. Кўпинча бу рўйхатдан айрим номлар тушиб қоларди, ўрнига янги номлар қўшиларди. Бу эса Азамат Аброрович авваллари байрам билан табриклаб келган айрим кишиларни бу сафар қутламасликка қарор қилганлигини ҳамда бошқа кишиларни табриклашни лозим топганлигини кўрсатарди.

Бундан бир ойча муқаддам Азамат Аброрович соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғи вазифасидан озод этилди. Эртаси кун уни врачлар малакасини ошириш институтига ўқишга юбориш ҳақида қарор чиқарилган эди, аммо Азамат Аброрович ёши бир жойга бориб қолганида яна ўқишни ўзига эп билмасди. Шундан бери у уйда. Кўчага ҳам чиқмайди. Лекин ҳар кун и эрталаб нонуштадан кейин, балконга чиқиб кўчага бир қараб қўяди. У шундай қилишга одатланиб қолган. Авваллари Азамат Аброрович балкондан қараганда, кўчада — тротуарга ёнбош қилиб ўзига таниш енгил машина турарди. У шу тиббий белгили машинада ишга йўл олар, кечқурун яна шу машина билан уйга қайтарди...

Азамат Аброрович бир кўнгли врачлар малакасини ошириш институтига ўқишга боргиси ҳам келди: маоши тўлиқ сақланиб қолар экан. Лекин у бормади. Ҳамма гап шундаки, Азамат Аброрович: «Институтни ўзимдан йигирма-йигирма беш йил кейин тугатган ёшлар билан ўқиним, бунинг устига, кечагина медицина оламига кириб келган муаллимлардан лекция эшитишим мен учун тўғри келмайди», деб ҳисоблаганди. У соғлиқни сақлаш бўлимига бошлиқ бўлганидан буён бирор марта ҳам қўлига пинцет ушламаган, рецепт ёзмаганди. Бунга зарурат туғилмаганди, лекин у ўзи учун, врачларга раҳбарлик қилишдан ташқари, бевосита ўз мутахассислиги билан шугуллана боришни унутиб қўйганди.

Бошлиқ учун рецепт ёиш, пинцет ушлаш шарт эмас, унинг учун шунча врач шай бўлиб тургач, ўзи бажарганидан кўра, ходимларига имо қилиб қўя қолгани маъқул эмасми!

Азамат Абборович ишдан кетгунича кўп вақтини турли йиғилишларда ўтказарди, кўпинча ёрдамчилари ёки ходимлари ҳам қатнашса бўлаверадиган йиғилишларга ҳам шахсан ўзи иштирок этар, мавриди бўлса сўзга чиқарди. Қисқа танаффуслардан ҳам ўринли фойдалана биларди. Ўз соҳаси кишилари ёки таниш-билишларининг деярли ҳаммаси билан қўл сиқийиб кўришишга улгурарди. Бу билан: «Мана, биз ҳам шу йиғилишга қатнашяпмиз», деган маънода уларга дунёда ўзининг ҳам борлигини эслатиб қўярди, яъни эсга олган кишидек кўришиб, аслида ўзгаларга ўзини эслатиб қўярди. У мажлисларда кўзга ташланарли жойда ўтиришни севарди.

Азамат Абборович диссертант учун ҳеч қандай аҳамияти бўлмаса-да, диссертация ҳимояларида қатнашишини жондан яхши кўрарди. Бу билан ўзининг илмий жамоатчиликка яқин турган шахс эканлигини билдириб қўймоқчи бўларди. Шундай қувончли кунларда у тўлиб-тошиб нутқ сўзларди, аммо мажлис залида эмас, мажлисдан кейин... диссертантнинг уйида!

Бугун Азамат Абборович ишдан кетганидан кейин биринчи марта байрам келиши. У одатдагидек бу байрамга ҳам ўн кунлар қолганида «табрик сандиғи»ни очди, аввалги байрамда, яъни ишлаётганида олган табрикномаларини бир-бир кўздан кечирди, ҳатто рўйхат тузмоқчи ҳам бўлди, кейин ниятидан қайтди: «Неча йиллардан буён биринчи бўлиб мен табрикномалар йўлайман, кейин — мен юборган табрикномалар кишиларга бориб етганидан кейингина табрикномалар оламан. Қани, бу сафар сабр қилай-чи, нима бўларкин?» Азамат Абборович шундай деб, «табрик сандиғи»га қулф солди ва бу байрамда кимлардан табрикнома олсам, ўшалар-

га табрикномалар йўллаيمان, деган фикрни дилига ту-
гиб қўйди.

У табрикнома келишини орзиқиб кута бошлади. Почтальон ҳар сафар газета олиб келганида, ундан: «Бошқа ҳеч нарса йўқми?» деб сўрайди-ю, аммо ўз илн-
жини яширади. Орадан уч кун ўтди. Табрикнома келма-
ди. Беш кун ўтди: йўқ. Бир ҳафта ўтди: ҳамон йўқ. Шу
кунлар ичида у шундай қаттиқ руҳий азоб чекдики, бу-
ни ўзидан бошқа ҳеч ким билмайди.

Мана, кунни кеча тушдан кейин унинг собиқ идораси-
дан бир йигитча келиб, бир даста табрикнома ташлаб
кетди. Йигитча ишга янги келган экан. Шу сабабданми
ёки бошқа боиси борми, ишқилиб, Азамат Аброрович
шунча қистаса ҳам, ичкари кириб бир пиёла чой ичма-
ди. Кимсан Азамат Аброровичнинг сўзини ерда қолдир-
ди-я! Авваллари, бошлиқ бўлиб турганида бирор ходим
унинг бир сўзини икки қилиб кўрсин эди!

У табрикнома олганидан аввалига севинди, лекин бу
қувончи уч дақиқа ҳам чўзилмади. Сабаби: табрикнома-
лар Азамат Аброровичнинг ишдан кетганидан беҳабар
кишилар томонидан йўлланган бўлиб, «Соғлиқни сақ-
лаш бўлимининг бошлиғи — ҳурматли Азамат Аброро-
вич!» деган сўзлар билан бошланган эди. Буни кўриб,
у бўшашди-қолди. Бу табрикномаларни «табрик санди-
ғи»га солиб қўйишни ҳам унутди, уларни коллекциясига
қўйишни ҳам эп кўрмади.

Кечадан буён у ҳатто рафиқаси ва болалари билан
ҳам очилиб сўзлашмади. Бугун эса байрам ҳам қилмаяп-
ти, ҳамон боягича диванда чўзилиб ётибди. У хаёл су-
рарди, гоҳо-гоҳо ўзича пичирлаб қўярди: «Табриклаш ҳам
икки хил бўлар экан: кишини табриклаш ва ёки унинг
мартабасини қутлаш. Ёдга олиш ҳам икки хил бўлар
экан: ўзга кишини ёдга олиб, унинг қўнглини кўтариш
ва ёки ўзини бошқа киши ёдига солиб қўйиш».

Азамат Аброрович эса одамларнинг ўзини эмас, ла-
возимини табриклашга, уларга ўзини эслатиб қўйишга

ружу қўйганди. Бундай ҳаракат ила ўз мавқеи ва обрў-сини оширишга уринганди. Бу гўё пуфакни ҳадеб пуф-лайверишдек гап эди. Бир кунмас-бир кун пуфак ёри-лишини у ўйламаганди. Мана ҳозир шипга тикилиб ётар экан, дилидан шундай фикрлар кечарди. Ўз қилмиши-дан афсусланарди, аммо буларни сиртига чиқармасди. Шундай қилганида анча енгил тортган бўлармиди!..

Азамат Аббасович кун бўйи дами чиққан пуфакдек диванда чўзилиб ётди.

Ҳар байрам арафаси Азамат Аббасовичдан узлук-сиз равишда табрикнома олиб келаётган унинг самимий яқинлари бу сафар ҳам ундан табрикнома келишини кутишди. Азамат Аббасовичдан табрикнома олмай ту-риб қутлаш улар учун жуда ғалати туюлди. Чунки улар бунга одатланмаган эканлар-да! Улар гапни бир жойга қўйиб, шу куни кечқурун биргалашиб Азамат Аббасовичнинг уйига уни байрам билан қутлаш учун кириб келишди. Бундан соҳиби хонадоннинг боши кўкка етди, бироқ у қувончини сиртига чиқазишни ўзига эп билма-ди, отдан тушса ҳам, эгардан тушишни истамасди.

Йўқлаб келганларнинг кўпчилиги Азамат Аббасовичнинг ҳамкасблари эди. Азамат Аббасович ўқишим-дан сўз очишармикин, деб уларнинг оғзини шунча пой-лади, лекин бу ҳақда индашмади. Улар шундай қутлуг айёмда, ишдан, ўқишдан сўз очишни лозим кўришмас-ди. Бундай қилсак уй эгасининг нафсониятига тегиб ке-тиши мумкин, деган андишага боришарди. Азамат Аб-басович эса худди шуни кутарди.

СУНГГИ НУР

Найман ака саломимга алик олди-ю, томдан тараша тушгандек савол берди:

— Карим Расуловичнинг аҳволи қалай?

Нима деб жавоб қилай? Бошим қотиб қолди. Чунки ўзим яқиндагина облОНОга инспектор бўлиб ишга келганман. ОблОНО мудирин Карим Расулович билан бир мартагина иш юзасидан суҳбатлашдик, холос. Унга ҳам уч ҳафтадан ошди. Мана, тўрт кундан буён райондаман, мактабларнинг янги ўқув йилига тайёрлигини тафтиш қилиб юрибман. Хуллас, Карим Расуловичнинг шу кеча-кундуздаги аҳволидан беҳабарман. Найман акага шуни айтсаммикин? Йўғ-э, бирга ишлаб, раҳбари аҳволини билмаса, нима қилиб инспектор бўлиб юрибди, демайдими? Ёки: «Карим Расулович ўйнаб-кулиб юрибдилар» деб айтсаммикин? Йўқ, бу ҳам бўлмайди. Найман акага бир қараб олдим, юз ифодасидан ўз саволига оид бирор маъно уқмоқчи бўлдим.

Йўқ, унинг юз ифодасида ҳуш ёки ноҳуш хабарни эслатувчи ҳеч қандай маъно кўринмайди. Демак, Карим Расулович соғ-саломат. Оғир бемордан ҳам: «Тузукмисиз?» деб кўнгил сўрасангиз, «кечагидан анча енгилман», деб жавоб қилади-ю, мендан нима кетди деган ўйга бориб, Найман акага бундай жавоб қилдим:

— Карим Расулович ўйнаб-кулиб, соғ-саломат юрибдилар.— Ёлғон гапиришга гапирдим, энди нима бўлса бўлар, деб қўшиб қўйдим.— Сизга кўпдан-кўп салом айтиб юбордилар.

— Саломат бўлсинлар!

Жавобим, айниқса, қўшимчам Найман акага ёғдек ёқиб тушди. Мен ҳамон остонада турардим, у дик этиб ўрнидан туриб, узун кабинетигаги гилам поёндоздан юриб келиб, қўш қўллаб сўрашди, ичкарига таклиф этди, ўтиришга жой кўрсатди, ўзи эса мендан қуйироқдаги стулга омонатгина ўтирди.

— Эсимда борида айтиб қўяй,— деб сўз бошлади Найман ака,— аввало Карим Расулович йўллаган саломларини каминага етказганингиз учун сизга чин қалбимдан миннатдорчилик изҳор қиламан. Сўнгра, агар сизга оғир бўлмаса, областга қайтиб боргач, хизматга киришингиз биланоқ Карим Расуловичга каминанинг оташин ва самимий саломларини изҳор қилиб қўйсангиз.

— Бажону дил,— бундай пайтларда ваъдани қуюқ бериб юборар экансан, киши. Ваҳоланки, Карим Расулович ҳузурига ходимлар ҳуда-беҳудага кираверишини ёқтирмайди, деб эшитган эдим.

— Баракалла, яшанг!.. Хўш, хизмат?

— Ҳали секретарингизга бу ёққа келишдан мақсадимни...

— Кириб айтди. Фақат шуми?

— Ҳа. Мактабингизда янги ўқув йилига қандай тайёргарлик кўриляётгани билан танишсам. Боя райкомда ҳам бўлдим. Шу ерга келишни маслаҳат беришди.

— Яхши. Карим Расулович сизни шундан шу ёққа махсус йўллайдилару сизни қучоқ очиб кутиб олмай бўладими, ахир! Мактаб ишлари билан яқиндан ва батафсил танишиш учун сизга барча шароитни яратиб берамиз, албатта. Бу ёғидан хотиржам бўлинг. Айтгандай, танишиб қўяйлик: Наим Сойимов.

Мен исмимни айтдим. «Ия, исми Наим экан-ку, райкомда ҳам, мактаб секретари ҳам «Найман ака» дейишди». У дилимдан кечган фикрни сезди шекилли, тушунтирди:

— Асли исмим ўзи Наим, лекин районда ҳамма ме-

ни Найман ака дейди. Сабаби ёшлигимда, у пайтларда тенгдошларнинг бир-бирига лақаб қўйиши анча кенг тарқалган эди, жўраларим гурунгида: «Мен ўзбекнинг найман қабиласиданман» деб юборган эдим. Шу-шу исми Найман бўлиб кетган.— Найман ака овозини пасайтириб давом этди.— Мен сизга айтсам, Қарим Расулович ҳам найман қабиласидан, бир қишлоқданмиз. Қишлоғимиз «Қизилтепа» деб аталарди.

Найман ака ўз қишлоғи, ҳамқишлоқлари, уруғ-аймоқлари, мактабдош ва курсдошлари, улар орасидан етишиб чиққан таниқли кишилар ҳақида анча гапирди. Сўзининг охирида мендан сўраб қолди.

— Зафарали, ўзингиз асли қаерликсиз?

Мен туғилган жойимни айтдим.

— Ҳа, Водил ажойиб маскан. Ўзбекистоннинг Швейцарияси деб бекорга айтишмайди.

— Географиядан дарс берасиз шекилли?

— Ҳа, жуғрофиёнмиз! Лекин дарс беришга вақт қаяқда, ташкилий ишлардан қўл бўшамайди. Айтгандай, Водил тарафларда лақаб қўйиш одати сақланганми?

— Хабарим йўқ, у ердан кўчиб кетганимизга йигирма йилдан ошди.

— Менимча, лақаб қўйиш йўқолиб кетадиган одатлардай. Айтгандай...

Қарасам, Найман ака ишга алоқаси йўқ мавзуларда ҳали кўп гапирадиган, унинг райондаги йирик мактаблардан бирининг директори эканлигидан ҳам тап тортмай шартта сўзини бўлдим:

— Найман ака, энди ишга киришсак.

— Албатта. Бўлмаса, мен секретарни чақирай, ҳужжатларни келтирсин. Лекин секретаримиз ҳали янги, керакли ҳужжатларни дарров келтирмаса керак, айбга қўшмайсиз, майли, ҳечқиси йўқ, то унга чақчақлашиб ўтирамиз-да, сизни зериктириб қўймайман.

Найман ака жойига ўтиб тугмачани босди. Секретарь қиз кирди:

— Лаббай.

— Карим Расулович бизларга салом йўллабдилар, Шарифаой!

— Муаллим, Карим Расулович ким бўладилар?

Мен гап келганда отангни ҳам аяма, деган қабилида иш тутиб, сўз қотдим:

— Карим Расулович Найман ака билан қабиладош бўладилар,— кейин ўз гапимдан ўзим кулиб юбордим. Шарифаой ҳам илжайди. Ўзининг ноқулай аҳволидан қутулиш учун Найман ака ҳам хандон отиб:

— Зўрсиз, келган жойидан ғиппа олдингиз. Қойил, ҳисоб биру ноль. Ўзи Фарғона одамлари аскияга уста бўладилар-да. Айтгандай...

Найман аканинг гапини яна бўлишга журъат қилдим.

— Энди, ишга киришсак.

— Албатта, Шарифаой, янги ўқув йилига тайёргарликка оид ҳужжатларни бу ёққа келтиринг... Ўзингизда борини...

Шу кунни бир ўзим, эртаси ва индинига район ташкилотларининг вакиллари (Найман ака райОНО вакилига нимагадир Карим Расулович ҳақида, ўзига салом йўллагани тўғрисида гапирди) билан биргаликда мактабнинг янги ўқув йилига тайёргарлигини текширдик. Натижада бир қатор нуқсонлар очилди. Масалан, ўтган ўқув йилида икки ўқитувчи Найман аканинг сўзини охиригача эшитмагани учун ҳайфсан олибди. Бу йилги ремонт ишлари ҳам ўлда-жўлда экан. Хуллас, гап кўпу, иш оз экан. Бу аҳволдан мактабдаги жамоат ташкилотлари, кекса педагоглар ташвишланиб, район ташкилотларини хабардор қилишган экан.

Командировка муддати тугаб, вазифам битгач, об-ластга йўл олар эканман, Найман ака райОНО вакилига атайлаб эшитарли қилиб:

— Зафарали, саломимни Карим Расуловичга албатта етказинг-а,— деб тайинлади.

Орадан икки ҳафтача вақт кечди. Соат ўн бирлар эди, хонамизга қабулхона секретари кириб:

— Сизни Карим Расулович чақиряптилар,— деб изига қайтиб чиқиб кетди.

Салом-аликдан кейин Карим Расулович мени мақтаб қолдилар.

— Биринчи командировкангиз натижаси чакки эмас. РайОНОдан маълум қилишларича, тафтиш қилган мактабнинг директори лавозимидан пасайтирилиб, етти йиллик мактабга ишга юборилибди. Сиз тўғрингизда илиқ гаплар ёзишибди.

— Раҳмат.— Найман аканинг қарз саломини айтишга бундан ҳам қулай вазият бўлмаса керак, дедим ичимда:— Айтгандай,— бу сўзни тилга олар эканман, Найман ака қиёфаси кўз олдимда гавдаланиб кетди,— Найман ака сизга салом айтиб юборган эдилар.

— Найман, дейсизми? Ким экан у?

— Ўша мактабнинг директори Наим Соёимов-да. Уни районда ҳамма Найман дер экан-ку.

— Йўқ, мен уни танимадим. Майли, ҳечқиси йўқ, салом йўллаган экан, саломат бўлсин.

...Орадан бир неча йил ўтди. Яқинда йўлим яна ўша районга тушиб қолди. РайОНОда мен ўзим Найман акани суриштирдим.

— Ия, сиз ҳам танийсизми?— деб таажжубланди янги мудир.

— Ҳа, бир оз танишлигим бор.

— Лекин Найман ака танимайдиган маорифчи йўқ. Ҳамма унга таниш ёки қариндош. Ҳозир у чекка қишлоқларимиздан биридаги бошланғич мактабда директор. Шаҳарга ўқишга юборган йигит-қизларимиз мутахассис бўлиб келгунича, ишлаб турсин. Географиядан дурустгина дарс ўтади-ю, лекин дарс беришга бўйни ёр бермайдими, хуллас, директорликни яхши кўради-да.

— Мен ўша мактабга борсам.

— Бе, тафтиш қилишга арзимайдиган кичкинагина мактаб, ҳам жуда узоқда.

— Майли.

Йўловчи юк машинасининг кабинасига ўтириб, ўша қишлоққа йўл олдим. Шофёр йигит билан гурунглашиб кетдим. Найман ака ҳақида анча-мунча янги гапларни эшитдим. Найман ака, «ҳатто фалончини ҳам танийман», деган эмиш. Қишлоққа етиб келгач, шофёр бир қаватли узун иморат олдида машинани тўхтатди.

— Мактаб мана шу.

Раҳмат айтиб машинадан тушдим. Шофёр кабина эшигини ёпар экан:

— Муллака, айбга санамайсизу шаҳарлик нотаниш одамлар орасида: «Найман акани танийман», деган биринчи киши сиз бўлсангиз керак,— деди ва машинага газ бериб кўздан узоқлашди.

Найман аканинг хотираси яхши экан, орадан шунча йил ўтганига қарамай, кўрган заҳотиёқ мени таниди:

— Зафарали!.. Иноят Ҳидоятovich омонмилар!

Аввалига аччиғим келди: «Нега ўзимдан ҳол-аҳвол сўрамайди?» Биринчи учрашувимизда: «Қарим Расулович омонмилар?» дегани майлига эди, чунки бизлар унда нотаниш эдик. Ахир, бир кўрган таниш, икки кўрган қадрдон дейишади-ку. Дарвоқе, Қарим Расулович яқиндагина пенсияга чиқиб, Иноят Ҳидоятovich облОНО мудири бўлганини Найман ака дарров қаердан била қолибди?

— Иноят Ҳидоятovich сизга кўпдан-кўп салом айтиб юбордилар,— дедим биринчи учрашувимиздагидек.

— Саломат бўлсинлар,— деди ва кейин бир нарса эсига тушган кишидек шошилиб менга қўл узатди:

— Яхшимисиз.

Қўл олишдик. Танаффус пайти эди, мактаб ҳовлисида турардик. Болаларнинг қий-чуви ҳаммаёқни тутиб кетган эди, бири ланка тепар, бири ҳовлига кириб қолган хўрозни қийқиратиб қувлар... бир гуруҳ қизлар сопа-лак ўйнар эдилар.

— Зафарали, очиғини айтганда бугун иш юзасидан

гаплашмайлик,— деди Найман ака.— Бир ўқитувчимиз касал бўлиб қолган экан, географиядан уч соат жавраб чарчадим. Сиз ҳам йўл юриб чарчаганингиз кўриниб турибди. Бугунги ишим ҳам тугади ҳисоб. Қани, юринг, бизникига кетдик.

— Мен меҳмонхонага жойлашсам.

— Меҳмонхона?! Тушингизни сувга айтинг. Синфхона етишмайди-ю, меҳмонхона нима қилсин бу ерда.

Демак, бу қишлоққа келиб, чакки иш қилмабман, мактабни кенгайтириш, қурилиш ишига колхоз раҳбарлари эътиборини жалб қилиш масаласини кўтариш мумкин.

Найман ака ҳўроз қувлаган болага даkki бераётган паст бўйли бир ўқитувчи аёлни ёнига чақирди:

— Зебиой, Иноят Ҳидоятovich бизга салом йўллабдилар.

— Ким у?

— Мен сизга минг марта тайинладим, газет ўқинг, саводингизни оширинг деб.

— Қолдирмай ўқияпман.

— Керамги жойларини уқиб олиш керак.

— Хўп бўлади.

— Иноят Ҳидоятovich облОНОмиз мудири бўладилар. Бизлар эски қадрдонмиз. Фронтида бирга бўлганмиз-да.

— Ҳа, эсимга тушди,— деди аёл чехраси ёришиб.— Анов кунн мажлисимизда бу ҳақда гапирувдингиз-ку...

— Баракалла...— Найман ака менга юзланди.— Қани, кетдик. Қоронғи тушмасдан сизга қишлоқни ўзим бир кўрсатай.

Озиқ-овқат магазинига мени бошлаб кирар экан, Найман ака:

— Мудиринг қани?— деди сотувчи йигитчага.

— Мудирни сўраб нима қиласиз, оқидан берайми? Нечта?

— Сдобсиз. Областан келган катта инспектор олдида шундай муомала қиладими?

«Инспектор» сўзини эшитиб сотувчининг ранги ўчиб, дами ичига тушиб кетди, ароқ тутган қўли титрарди.

— Қўрқма, Зафарали қадрдон укаларимдан. «Экстра»дан битта ўраб бер, мана, пулини ол, қайтими сигаретга етадими?

— Ортади...

Найман ака ароқни пальтосининг қўйин чўнтагига, сигаретани ён чўнтагига солди. Магазиндан чиқдик. Японги «Жигули» ўтиб қолди. Найман ака қўл кўтариб тўхтатди.

— Даданг омонми?

— Дадамни сўраб нима қиласиз?— деди ҳайдовчи йигит машина ойнасидан бош чиқариб.— Ундан кўра тўғридан-тўғри: «Уйимга олиб бориб қўй», деявермайсизми?

— Ўзи сенларга қайси муаллим таълим берган? Номерсиз машина ҳайдашни биласану, лекин областан келган катта инспектор олдида шунақа муомала қиласанми?

Ҳайдовчи йигит гўлдираб қолди.

— Кечирасиз, ўтиринглар.

— Раҳмат, мен пиёда юрмоқчиман,— деб тезда машина олдидан узоқлашдим.

Найман ака менга етиб олди. Қолхоз идораси олдидан ўтаётганимизда скамейкада суҳбатлашиб ўтирган уч-тўрт мўйсафидга яқин бориб:

— Раис ака райондан қайтдиларми?— деди.— Бўлмаса, келишлари биланоқ бизникига борсинлар, областан меҳмон келди...

Уфққа бош қўйган қуёшнинг энг сўнгги заиф, ҳароратсиз нурлари ҳам тугаб борар, қишлоқ узра оқшом қўнар эди.

ИЛННЖ

Одатдагидек, кўрикдан кейин фильм муҳокамаси бошланди. Байрамова биринчи бўлиб сўзга чиқди:

— Ҳурматли томошабинлар, азиз ҳамкасбларим, муҳтарам устозлар!— у президиумга бир қараб қўйди. Бир оз тин олгач, давом этди.— Гапим узук-юлуқ бўлса кечиринг — жуда ҳаяжондаман. Биринчи бўлиб сўзламоқчи эмасдим. Лекин ўзимни тўхтатиб қололмадим. Менга журъат берган ҳам ҳозиргина кўрганимиз шу фильмнинг ўзи. Талантли асарнинг таъсир кучи деб мана шуни айтсалар керак-да! Мени тўғри тушунинглар, ўртоқлар. Мен жуда ҳаяжондаман. Умрим бино бўлиб мана шунақанги ҳаяжонга тушмагандим. Ҳатто ўзим қатнашган фильмларнинг премьерасида ҳам бунчалик бўлмаган эди. Чунки бу фильм зўр! Жуда зўр!! Ҳар томонлама етук. Айниқса, режиссура жиҳатини кинорежиссуранинг классик намунаси дейиш мумкин. Шундай дейиш керак ҳам.— Байрамова президиумда ўтирган фильм бош режиссёрига қараб олди. Режиссёр мақтовдан ўзини ноқулай ҳис этар, ҳадеб чеккасини қашлар эди.— Лоақал жанг саҳналарини эсланг. Қўраётганингиздан худди ўша жангларда қатнашаётгандек ҳис этасиз ўзингизни. Бу катта талант, моҳир ташкилотчилик, зўр меҳнат самарасидир, ўртоқлар. Лекин бир-икки дақиқа ичида экрандан ўтиб кетадиган бу саҳналар қанчалик машаққат билан яратилганини, кечирасизлар-у, мана шу залда ўтирган айрим ўртоқлар ҳис қилолмай-

дилар. Буни биз, киночиларгина биламиз. Кинода бош фигура — бу режиссёр! Жанг сахналарини суратга олишда режиссёр мисоли саркардага айланиб кетади. Асосий ижод заҳмати ҳам унинг зиммасига тушади. Қўмондон-да! Қатта оиланинг отаси-да! Тўғри, биз, актёрларга ҳам осон эмас. Лекин Содиқбек Жасурбекович каби режиссёрлар билан ишлаш жоннинг роҳати. Бу фикримни ҳамкасбларим ҳам тўла тасдиқлайдилар. Бунга имоним комил.— Байрамова президиумда ўтирган, муҳокама қилинаётган фильмда қатнашган актёрларга бир-бир қаради. «Бекзода бўлиб кетган» режиссёр Содиқ Жасуров ўзини ноқулай ҳис этиб, столдан кўз узмай ўтирар, нотиқ эса шу дақиқада кўзи режиссёрнинг кўзига тушишини истар эди, ахир, юз амридан ҳам кўз амри иссиқ-да, меҳр, ихлос уйғотади! Байрамова давом этди.— Бу гапларни осмондан олиб гапираётганим йўқ. Эсингизда бўлса керак, мен Содиқбек Жасурбекович бундан икки йил олдин яратган «Тасодиф» фильмида роль ижро этганман. У фильм ҳам зўр чиққан эди. Лекин буниси, яъни ҳозиргина кўрганимиз «Иқбол» ундан зўр! Ҳар томонлама зўр! Айниқса, режиссураси қойилмақом. Демак, Содиқбек Жасурбекович фильмдан фильмга ўсиб боряптилар, маҳоратлари камол топяпти, талантлари ёрқинроқ намоён бўлмоқда. Мен...

Мажлис раиси луқма ташлади:

— Регламентга риоя қилинг, вақтингиз тугади.

— Хўп, ҳозир,— деди Байрамова президиумга қараб. Кейин залга юзланиб давом этди.— Аввал бошда айтмадимми, мен ўта ҳаяжондаман, деб. Яхши фильм қандай тамом бўлгани билинмай қолгани каби у ҳақда гапириш ҳам жуда-жуда мароқли. Буни мана шу бугун тушуниб турибман.

— Регламент!— дея яна луқма ташлади мажлис раиси қалам билан стаканни чертиб.

— Ҳозир... Мен сўзимнинг охирида фильм ижодкорларини, албатта биринчи навбатда устоз режиссёримиз,

биз, актёрларнинг меҳрибон отахони Содиқбек Жасурбековични улкан ижодий муваффақият билан қизгин табриклайман ва қутлайман. Бутун...

— Регламент!!

— Ҳозир... Бутун ижодий коллективга, биринчи навбатда, Содиқбек Жасурбековичга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, саодатли турмуш, улкан ижодий ютуқлар тилайман. Яқин орада янги фильм бошлаб юборишларига имоним комил. Айтгандай, актёрлар ижроси ҳақида бир оғиз сўз. Содиқбек Жасурбекович ролларга артистларни деярли тўғри танлаганлар...

— Сўз студент Орифхўжаевга берилади,— мажлис раиси эълон қилиб юборди.

* * *

Байрамова бу сафар ҳам фильмни одатдагидек залнинг ўрта ерида кўрди, муҳокама бошланиши олдидан биринчи қаторга ўтиб ўтирди. Мажлис раиси фильмнинг асосий ижодкорлари ва ҳурматли меҳмонлар президиумдан жой олгач, залга савол ташлади.

— Қани, биринчи бўлиб ким гапирмоқчи?

Бараварига бир неча киши қўл кўтарди, албатта. Булар орасида Байрамова ҳам бор эди, у ўрнидан туриб, минбар томон боришга шай эди. Мажлис раиси бирваракайига шунча одам қўл кўтаришини кутмаган эди, чунки фильм бундан илгари студияда муҳокама қилинганда айримлар: «Фильмда жозиба кам, оддий томошабинни қизиқтириши қийин», деб хавотирланишган эди. Ҳозир эса... Қўл кўтарганларнинг кўпчилиги оддий томошабинлар — жамоатчилик вакиллари эдилар. Бу мажлис раиси учун ҳам қувонарли эди:

— Биринчи сўз энг охирги қаторда ўтирган томошабинга.

Байрамова ўтиришга мажбур бўлди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сўз сўраган йигит минбарга яқинлашганда, стенографчи қиз қўли билан ишора қилиб, уни ёнига чақириб, кимлигини сўради. Йигит исм-фамилиясини айтиб, минбарга чиқди. У фильм ўзига маъқул бўлганини, ишчилар синфи ҳақида мана шунақа фильмларни тез-тез яратиш кераклигини икки оғиз сўз билан, лўнда ва содда қилиб айтди.

— Бу фильм экранга чиққанда яна бир марта кўрмоқчиман,— деб йигит минбардан тушиб кетди. У сўзини тугатмасданоқ, Байрамова қўл кўтариб олган эди. Мажлис раиси регламентга риоя қилишини таъкидлаб, иккинчи сўзни унга берди. У минбардан туриб сўзлашнинг ҳадисини олган эди, гап бошлашдан олдин микрофонни паст тушириб, бўйига мослади.

— Ўзимдан олдинги нотиқнинг фикрига тўла қўшиламан,— дея сўз бошлади Байрамова.— Мен бу фильм экранга чиққанда, бир мартагина эмас, кўп марта кўраман. Чунки эскирмайдиган, ўз аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайдиган фильм бу. Ҳар томонлама баркамол. Маълумки, таланти режиссёрсиз таланти фильм бўлмайди. Бу фильм студиямиз тарихида, фақат бугина эмас, бутун кино санъатимиз тарихида улкан воқеадир. Айтмоқчиманки, иқтидорли режиссёр акахонимиз Абдурахмонхон Аюбонович фильмдан фильмга камол топиб бормоқдалар,— Байрамова президнум томон ўгирилиб қаради. Режиссёр Раҳмон Аюбов ёнидаги меҳмон билан шивирлашар, ўзининг «хон» бўлиб кетганига бепарво эди, чамаси у Байрамовани тингламаётган эди. Байрамова залга қараб давом этди.— Ўртоқлар, фильм яратиш машаққатли иш. Бунни биз, шу соҳанинг одамларигина билмаса, чет кишилар ҳатто тасаввур қилолмайдилар. Кино бир томондан ижодий иш бўлса, иккинчи томондан ишлаб чиқаришдир. Буларни ким бошқаради? Режиссёр бошқаради!

— Фильм ҳақида гап бўлсин,— дея кимдир залдан луқма ташлади.

— Мен театр ҳақида эмас, кино ҳақида гапиряпман,— баланд келди Байрамова пинагини бузмай.—Режиссёр Абдурахмон Аюбхонович суратга олишни жуда моҳирона бошқарадилар. У киши билан ишлаш жоннинг роҳати. Хоҳ павильонда бўлсин, хоҳ натурада бўлсин, ижодий вазият ҳукм суради. Бақириқ-чақириқ йўқ, ҳовлиқишлар йўқ. Суратга олиш ими-жимида, силлиққина боради. Мен буни ҳаводан олиб гапираётганим йўқ, ўз тажрибамдан олиб гапиряпман, мен бундан тўрт йил аввал Абдурахмон Аюбхонович яратган «Тасодиф» фильмида роль ижро этганман.

— Мен у фильмда иккинчи режиссёрлик қилганман,— дея Раҳмон Аюбов Байрамовани тузатди, афтидан, энди режиссёр нотиқни тинглар ёки бўлмаса, сўнгги гапини эшитиб қолган эди.—«Тасодиф» фильмининг Содиқ Жасурович суратга олганлар. Илтимос, чалкаш-тирманг, устоз эшитиб қолсалар хафа бўладилар.

— Сизнинг гапингиз ҳам тўғри, лекин мен қатнашган эпизод сизнинг раҳбарлигингизда суратга олинган эди. Уша кунинг устозингиз касал бўлиб қолиб, ишга келолмаган эдилар. Ҳа, худди кечагидек эсимда. Сизнинг истиқболингиз ўшандаёқ маълум бўлган эди, мен учун! Мана, бугун «Садоқат» фильмингиз буни исботлаб турибди. Сизга баҳо беришда янглишмаган эканман.— Байрамова залга қараб давом этди.— «Садоқат» фильмида артистлар деярли тўғри танланган. Актёрлар ансамбли деярли чиққан.

— Регламент!— дея луқма ташлади мажлис ранси.— Сиздан бошқалар ҳам гапириши керак.

— Албатта... Бу фильм ҳақида ҳар қанча гапирсанг, шунча оз. Қанни энди, регламент бир соат бўлса-ю, тўйиб-тўйиб гапирсанг. Мен сўзимнинг охирида, Абдурахмон Аюбхонович бошлиқ бутун ижодий коллективни улкан ютуқ билан табриклайман ва қутлайман. Бу муваффақият янада мустаҳкамланишига, Абдурахмон Аюбхонович ижодни янада кенг қулоч ёйдириб, яқин орада

янги фильм устида иш бошлаб юборишларига ишончим
комил. Ютуқларга ютуқлар уланаверсин.

* * *

Байрамова бирор фильмнинг жамоатчилик кўриги ва муҳокамасини қолдирмасди. Таклиф этилмаган пайтларда ҳам қаердандир дарак топиб албатта қатнашарди. «Кўклам севинчлари» фильмини одатдагидек залнинг ўрта ерида ўтириб кўрди, кўрикдан кейинги ўн минутлик танаффусда вестибюлнинг у бошидан бу бошига юриб таниш-билишлари, ҳамкасблари билан сўрашди, «Кўклам севинчлари»ни яратган санъаткорларни табрикларди, режиссёр Мавлон Обидовнинг хотини Ёқут билан қучоқлашиб, эрининг катта ижодий ютуғи билан қутлади.

— Мавлонжоннинг худди ўзлари!— дея етти-саккиз ёшлардаги Икромнинг манглайидан ўпиб қўйди.— Ёқутхон, Икромжон тўнғич ўғлингиз-а?

— Бундан катта қизимиз ҳам бор.

— Бахтли экансиз, тўнғичига қиз бўлгани яхши-да. Тез орада онанинг қўлидан ишини олади. Қизингиз сизга ўхшаса керак. Демак, қизингиз ҳам жуда чиройли бўлиши керак. Айтгандай, кинога нега олиб келмадингиз?

— Укаларини олиб, уй пойлаб қолди...

Танаффус тугади. Байрамова одатига ҳилоф равишда биринчи қаторда эмас, Ёқутнинг ёнида — саккизинчи қаторда ўтирди. Раислик қилувчи президиумдан жой олган фильм яратувчиларни бир-бир таништиргач, қўлидаги бир варақ қоғозга қараб:

— Биринчи сўз ҳурматли олимимиз Тошбек Маҳкамовга берилади,— дея эълон қилди.— Рўйхатга йигирмага яқин киши ёзилган. Шунинг учун регламент беш минут.

Байрамова ўрнидан туриб кетди.

— Рўйхатга мени ҳам ёзиб қўйинг.— Биринчи сўзининг ўзига эмас, кинодан йироқ олимга берилишини, рўйхатга шунча одамнинг ёзилиб олишини у тасаввур ҳам қилолмасди.— Мен албатта гапиришим керак.

— Ўртоқлар чарчаб қолишмаса, вақт қолса, сизга ҳам сўз берамиз. Сиз йигирма биринчи бўлдингиз.

«Одатда рўйхат-пўйхат бўлмасди, баъзан зўрлаб сўз беришарди, ё тавба! Менга сўз тегмай қолса-я!» дея ташвишланарди Байрамова. Қулоғига нотиқларнинг гапи кирмас, «бири кетди», «иккинчиси кетди», деб сўзга чиққанларни санар, уларнинг тезроқ минбардан тушиб кетишларини истар эди.

Олти кишига сўз берилгач, еттинчи кишига сўз бериш ўрнига мажлис раиси бундай деб қолди:

— Ўртоқлар, сўзга чиққанларнинг фикри, ўзингиз эшитдингиз, бир жойдан чиқяпти. Охирги сўзни режиссёрдан эшитсанг-у, шу билан муҳокамани тўхтатсак, вақт ҳам алламаҳал бўлиб кетди. Нима дейсизлар?

Залдан: «Тўғри!», «Маъқул!» деган хитоблар эшитилди. Байрамова ўрнидан туриб, минбар томон юра бошлади:

— Бир оғиз гапим бор! Фақат бир оғиз.

— Менга-ку, бари бир, лекин кўпчилик нима деркин? Байрамова зал томонга ўгирилди:

— Рухсат беринглар. Гапим танқидий.

«Танқидий» сўзини эшитгач, залдагилар жим қолишди.

Тавба, муҳокамага келганлар танқидий фикр эшитишни яхши кўришадими ёки бўлмаса, мақтовлардан кейин танқидий гапни эшитиш қизиқарли бўладими, хуллас, Байрамованинг оғзидан «танқидий» сўзини эшитгач, залдагилар жим қолишди, ҳамманинг эътибори Байрамовага қаратилди. Мажлис раиси эълон қилди:

— Сўз қисқа гапириш шarti билан Байрамовага!

— Фильм жуда зўр чиққан,— дея гап бошлади Байрамова.— Қойил қолиш керак. Мен ажойиб режиссёр

укамиз Мавлонжон Обиджонович қўлларида шундай улкан кинополотно яратиш келишини бирга ишлаганимдан бери биламан. Бундан беш йил аввал «Тасодиф» фильмини...

— Мен «Тасодиф»да режиссёр ёрдамчиси бўлганман,— дея луқма ташлади Мавлон Обидов.

— Лекин ўша фильмнинг муваффақиятли чиқишига айниқса сизнинг ҳиссангиз, ижодий меҳнатингиз кўп сингган. Ўшандаёқ...

— Танқидий гапларини эшитайлик,— дея президиумда ўтирганлардан бири Байрамованинг гапини шартта бўлиб ташлади.

— ...Фильмда роль ижрочиларига артистлар деярли тўғри танланган. Актёрлар ансамбли деярли чиққан...

— «Деярли», «деярли» деяпсиз... Демак, айрим роль ижрочилари нотўғри танланган экан-да?— деди мажлис раиси.

— Йўқ, бунақа демоқчи эмасман. Менингча, фильмда аёллар камроқ қатнашади, ўзи баҳор ҳақидаги фильм-ку, ахир.

Залда кулги кўтарилди. Байрамова эса қаттиқ танқид қилиб қўйдим деган хаёлга бориб, шоша-пиша қўшимча қилди:

— Лекин бунда режиссёрнинг ҳеч қандай айби йўқ. Сценарийнинг ўзи шунақа ёзилган бўлиши керак. Мавлонжон Обиджоновичнинг қўлларида эса икки серияли фильм яратиш ҳам келади. Бунга ишончим комил. Икки серияли фильмда эса аёлларнинг роллари ҳам шубҳасиз кўпроқ бўлади.

...Байрамова кўпдан бери фильмда суратга тушишни орзу қиларди.

ҚИШ ЁМҒИРИ

Пешиндан бери ёмғир ёғяпти. Аввал эзиб ёғди — тўпиққа чиқадиган қорни оқизиб кетди. Кечга бориб бирдан шамол турди. Тарнов сувлари гоҳ чапга, гоҳ ўннга, гоҳ иморат деворига қуйилади...

Трамвай бекатида турганлар ўзларини кўча ёқасидаги дорихонага, магазинларга уришди. Бекатда фақат уч киши қолди: қиз тутган зонтик йигит учун ҳам паноҳ бўлди. Кейин зонтик йигит қўлига ўтди. Улардан сал нарида ўрта мактабнинг математика муаллими Қозимбек турибди. Қўлида чамадонсифат портфель. Қаҳваранг пальтоси ёмғирдан қорайиб кўринади. У панага ўтишни хаёлига келтирмайди.

Трамвай келди. Одамлар дорихона ва магазинлардан отилиб чиқишди, ўзларини трамвайга уришди; чиқолганлар чиқди, қолганлар изларига қайтишди.

Қозимбек ҳам, йигит-қиз ҳам жойларидан силжишмади.

Троллейбус келди. Одамлар дорихона ва магазинлардан отилиб чиқишди ва ўзларини унга уришди. Чиқолганлар чиқди, қолганлар изларига қайтишди. Йигит билан қиз ҳам троллейбусга илинишди. Бекатда Қозимбекнинг ўзи қолди.

Автобус келди. Йўловчилар дорихона ва магазинлардан югуриб чиқишди. Чиқолганлар чиқди, қолганлар изларига қайтишди.

Ёмғир қуймоқда...

Козимбек кутяпти...

Ниҳоят унинг кутгани — маршрутли такси келди, муроди ҳосил бўлди. Козимбек маршрутли таксида юришга одатланиб қолган. Бўлмаса бу бекатда трамвай, троллейбус, автобуслар тўхтаб ўтади.

Козимбек эгилиб маршрутли таксига чиқар экан, орқа ўриндикда ўтирган Жўравойга кўзи тушди. Қайтиб тушиб кетишнинг иложи бўлмади, машина жойидан жилган эди.

— Ие, Козиммисан, сени сувга бўккан...— Жўравой гапининг давомини айтмади, шундоқ ҳам нима демоқчи эканлиги равшан эди, кейин ёнидан жой кўрсатди.— Қани, бу ёққа!

Козимбек билан Жўравой курсдош, беш йил бирга ўқишган. Жўравой курсдошлар орасида ҳазил-мутойибага, калака қилишга усталиги билан танилган эди. Козимбек бошқа бўш жой йўқлиги учун Жўравойнинг ёнига ўтиришга мажбур бўлди. У Жўравойнинг аскиясига учрашидан чўчир эди. Айниқса, одамлар орасида.

— Табриклайман!— деди дабдурустан Жўравой Козимбек билан қўл олишар экан ва унинг елкасига уриб қўйди. Козимбек анг-танг бўлиб қолди, ҳар нарсадан ўзича хулоса чиқараверадиган, ҳадиксирайверадиган бўлгани учун «табриклайман» унга ғалати таъсир этди.

— Ўзим эшитмасам, бундоқ шипшитиб қўймайсан ҳам!— деди сўзида давом этиб жиддий қиёфада Жўравой.— Янгилик зўр-ку!

Козимбек типирчилаб қолди:

— Тушунтириб айт! Нима билан табрикляяпсан? Янгилик деганинг нимаси!

— Қўй, муғамбирлик сенга ярашмас экан,— деди Жўравой.— Билиб туриб, ўзингни гўлликка солма, оғайни. Бир коллективда ишлаб туриб... Эй, қўй-э...

— Рост айтяпман,— деди Козимбек.— Ҳеч қанақа янгиликни эшитганим йўқ.

— Ие, ҳали шундоқми, бўлмаса гафлат босибди, оғайни. Мактабингдаги ўзгаришдан беҳабар қолибсан.

Қозимбекнинг юзида таажжубланишдан кўра ваҳима, ташвишланишга ўхшашроқ ифода пайдо бўлди.

— Қанақа ўзгариш?— деди у ўз касалидан қўрққан бемор врачга чўчиб савол берганидек. Буни Жўравой сезмай қолармиди! Одатда ҳазилкаш кишилар суҳбатдошларининг ҳолатини тезда илғаб оладилар, шунга қараб суҳбат тарзини белгилайдилар. Жўравой яна жиддийлашди. Бир оз сукут сақлагач, Қозимбекнинг қулоғига шипшиди:

— Директоринг мактабдан кетди, ўрнига райОНО инспектори Солиев тайинланди.

— Йўғ-э, йўғ-э... Бўлмаган гап. Ҳазилни қўй, оғайни.

— Ҳазил эмас, чин. Сенга ёлғон гапирармидим?

— Мени калака қилма. Қўй, тинчгина кетайлик.

— Рост. Кунни кеча райОНО шундай қарор қилибди. Ҳозир ўша ердан эшитиб келяпман.

Бу гапдан Қозимбекнинг эти увишиб кетди. Шунча ёмғирда қолиб ҳам эти увишмаган эди.

— Мана шунақа гаплар, оғайни,— деди Жўравой юпатгансимон.

— Наҳотки...— Қозимбекнинг томоғига бир нарса тиқилгандек бўлди.— Наҳотки... Йўқ, ишонмайман.

— Майли, ишонмасанг, ишонмай қўя қол. Мен бор гапни айтдим.

— Гапинг чин бўлса, яхши бўлмабди. Ҳар ҳолда, Фиёс Ғаниевичга ўрганиб қолгандик.

— Ҳаммами ёки...

— Айниқса, ўзим. Йўқ, бари бир ишонмайман. Фиёс Ғаниевич мактабдан кетмайди.

— Нега энди?

— Негаки, бугун Фиёс Ғаниевичда ҳеч бир ўзгариш сезилмади. Авваллари қандай бўлса, бугун ҳам шундай кўринди.

— Дилидагини билиб ўтирибсанми? Мактабдан кетиши аниқ.

— Ўзи билармикин?

— Бўлмаса-чи! Кеча райОНО мажлисида қатнашибди.

«Кўринишдан на хурсандлиги, на хафалиги сезилган эди». Қозимбек шуни дилидан ўтказди, кейин Жўравойдан аста сўради:

— Оғайни, қани айт-чи директоримиз юқорилармикин ёки...

Қозимбек гапининг бу ёғини айтмади, гўё Ғиёс Ғаниевич эшитиб қолаётгандек тилга олишга чўчиди.

— Дарвоқе, буни сўрамабман. Лекин мактабдан кетиши аниқ,— шундай деб Жўравой тушиб қолди. Қозимбекни эса ғулғула гирдобига ташлаб кетди.

Қозимбекнинг юраги увишганича бор. Мактаб директори Ғиёс Ғаниевич унинг кўз очиб кўрган бошлиғи. Қозимбек институтни тугатиб, тўғри шу мактабга ишга келган. Бунга ҳам бу ўқув йили тугаса, ўн йил тўлади. Қозимбек ишга қабул қилинишини сўраб Ғиёс Ғаниевич номига ариза ёзган, дипломининг асл нусхасини ҳам унга кўрсатган. Мана энди кутилмаганда бунақа гап чиқди. Қозимбек қизил қор ёғишини хаёлига келтириши мумкин эди (қачонлардир аллақерда қизил қор ёққан ҳақида газетада ўқиган эди). Аммо Ғиёс Ғаниевичдан ўзга кишини мактаб директори сифатида тасаввур қилолмасди. Ғиёс Ғаниевичга шу қадар кўникиб, ўрганиб, мослашиб кетган эдики, асти қўяверасиз. У мактабда директордан бўлак ҳеч кимни тан олмасди. Ўқитувчилар у ёқда турсин, ҳатто илмий мудир билан ҳам ҳисоблашмасди. Нимаики таклифи бўлса, лутфан директорга айтади; нимаики илтимоси бўлса, шахсан директорга учрашади. Бу ҳолнинг одат тусини олишига дастлабки пайтларда Ғиёс Ғаниевич билан Қозимбекнинг тенгдошлиги сабаб бўлди. Қозимбекнинг маслаҳат сўраб ёки таклиф билан ҳузурига тез-тез кираверишига Ғиёс

Ғаниевич мойиллик билдиради, чунки бу ўзига хуш ёқарди. Қозимбекдан илтифотларини дариғ тутмади. Илмий мудир ёки мактабнинг бошқа раҳбарлари билан ҳам битирса бўладиган иш юзасидан ҳузурига кирганида Қозимбекка бир нима демади, масалани шахсан ўзи ҳал қилаверди, «илмий мудирга учрашинг», «завхозга боринг», дейишни унутди. Қозимбек бора-бора коллективда директордан ўзгани тан олмайдиган бўлиб қолди. Унинг директор ўзгаришини, ўзга кишининг бошлиқ бўлишини тасаввур қилолмаслигига сабаб ҳам шунда.

Қозимбек ҳаёл билан бўлиб, ўз бекатидан ўтиб кетди. Муюлишда сезиб қолди. Ҳай-ҳайлаб тўхтагунча машина ярим чақирим йўл босиб қўйди. Янги очилган кўчадан лойгарчиликда, бунинг устига жалада юриш ўзи бўлмайди. Қозимбек бемаврид ёққан ёмғирни ичида сўқди.

У тўпигидан лойга ботиб, аранг ҳовлисига етиб келди. У уйга киргач, кийимларини алмаштирди, овқатланди, ширин чой ичди, ўзини печкага тоблади, лекин бари бир вужуди исимади. Чунки ўзи учун энг совуқ хабар эшитган эди. «Жўравойнинг гапи ростмикин ёки ҳазил?»

Бу савол унинг оромини ўғирлаб қўйган эди.

Кимдир бир куни Қозимбекка ҳеч эсдан чиқмайдиган гап қилган эди: «Қозимбек, эсингиз борида математика ўқитувчиси касбини танлаб зап иш қилган экансиз-да! Бахтингизга бу фан тез ўзгаравермайди. Икки карра икки ҳамиша тўрт. Бошқа предметдан дарс берганингиздами...»

Қозимбекнинг феъл-атвори ҳам одатига муносиб эди. У қайнатасининг уйига борса, фақат қайнатаси билан гаплашарди, бошқалар билан сўзлашишни ўзига эп билмасди. Чунки қайнатаси оила бошлиғи-да!

Тўйда тўй эгаси билангина сўрашади. Никоҳ тўйида эса келин-куёвни табриклаш ўрнига уларнинг ота-оналарини қутлайди.

Магазинга кирса, мудирни йўқлаб қўйгач, харид қилади.

Қурсдошларини кўрганда уларнинг ўзини эмас, бошлиқларини суриштиради. Хуллас, ёмғирдан кўра қорни афзал билади, ҳандалак пишиғида қовундан гап очади...

Қозимбек бир кечадаёқ ўзини олдириб қўйди. Эртасига ишга кўзлари киртайиб келди. Ҳамкасблари уни тоби йўққа чиқаришди. Аллаким: «Грипп бўлса керак», дея ўзини четга олди. Бу ҳам Қозимбекка таъсир қилмай қолмади. «Янгилик»дан хабардор бўлса кераки,— деб ўйлади,— мени Ғиёс Ғаниевичга яқин санаб ўзини олиб қочяпти». У тўрт соат дарсини ўтгунича ўқитувчилар хонасига кирмади — ўқитувчилардан бирор гап эшитиб қолишидан чўчиди. «Қани энди Жўравой айтган гап ҳазил бўлса!»

Қозимбек танаффус пайтларида синфда ўтирди, лекин бекор ўтирмади. Ғиёс Ғаниевич хузурига кириш учун баҳона ўйлади. Топди! «Шу Наврўзда коллектив бўлиб тоққа чиқилса!» Яхши таклиф! Буни тополганидан беҳад қувониб, директор хузурига йўл олди. «Лекин Наврўзга ҳали анча бор-да! Майли, олдиндан тайёргарлик кўрган яхши». Кабинетга кириб не кўз билан кўрсинки, директор райОНО инспектори Солиев билан суҳбатлашиб ўтирибди. Буни кўриб Қозимбек ўзини йўқотиб қўйди, останада сўррайиб қолди. Директор унга қайрилиб каради:

— Келинг, Қозимбек,— у ўрнидан турди. Буни Қозимбек ўзича шундай йўйди: «Аввалари кирганимда ўрнидан турмасди, демак, мактабдан кетадиганга ўхшайди. Солиевда яхши таассурот қолдирмоқчи шекилли». У олдин директор билан сўрашсаммикин ёки бўлажак директор билан қўл олишсаммикин, деб бир зум иккиланиб турди. Ниҳоят, олдин инспекторга қўл узатди:

— Яхшимисиз... Хуш келибсиз...

Қозимбек директор билан ҳам қўл олишгач, пойгакдаги стулга чўкди.

— Хўш, келинг?— деди унга Гиёс Ғаниевич.

Бу гапдан Қозимбек: «Нега суҳбатни бўлдинг, қани, гапингни тез айт-у, кўздан йўқол», деган маънони уқди. Демак, Жўравойнинг гапи ҳазил.

— Гиёс Ғаниевич, Наврўзда бир лола сайлига чиқсак, ўзингиз бош бўлсангиз, камина хизматда турса...

— Лола сайли?.. Майли, чиқамиз. Наврўз келсин, албатта чиқамиз.

— Раҳмат,— Қозимбек кабинетдан хурсанд бўлиб чиқиб кетди.

«Жўравойнинг гапи ҳазил экан, Гиёс Ғаниевич мактабдан ҳеч қаёққа кетмайди. Кетадиган одам ҳеч қачон шундай қатъият билан ваъда бермасди». Қозимбек бахтиёр эди...

Ташкилот ва муассасалардаги гавжум қабулхоналарга кўзим тушса, беихтиёр Қозимбекни эслаб қўяман.

ДОВУЛ

I

Йўловчилардан бири қўққисдан аксириб юборди. Долим унга томдан тараша тушгандек сўз қотди:

— Биродар, грипп бўлганга ўхшайсиз.

— Эҳтимол,— жавоб қилди йўловчи оғиз-бурнини рўмолчаси билан артар экан.

— Оёқ-қўлингиз қақшамаяптими?

Йўловчи керишгансимон бир тўлганиб қўйди, вужу-дида ҳеч қандай ўзгариш сезмади шекилли, «йўқ» деган ишора қилди.

— Ўзи одатда шунақа бўлади,— деди Долим қатъият билан.— Грипп билан оғриганда дастлаб оёқ-қўл қақшамаслиги ҳам мумкин. Кейин-кейин...

— Балки тумов бўлгандирлар,— гапга аралашди йўловчилардан яна бири.

— Йўғ-э, соппа-соғман,— кулимсираб эътироз билдирди «бемор».— Шунчаки аксирдим-да!

— Балки шундайдир. Лекин...— Долим муҳим бир сирни айтишдан қўрққан кишидек жим қолди.

Энди ҳамма йўловчиларнинг эътибори суҳбатга қаратилганди. Ахир, кузнинг охири — қишнинг боши-да!

Долим атрофга бир қараб олди-да, давом этди:

— Газетада ўқидим бугун. Бу йил тумов аралаш грипп тарқалиш хавфи бор экан. Ёзишларича, анча оғир ўтармиш. Номи «Осиё гриппи» эмиш.

Йўловчиларни қандайдир қўрқув ҳисси чулғади. «Бемор»нинг дами ичига тушиб кетди. Кимдир чуқур

хўрсиниб қўйди. Шофёр ёнида кетаётган йўловчи орқасига ярим ўгирилиб, гап қотди:

— Боя кимдандир эшитдим, Англияда грипп эпидемияси тарқалибди.

— Англия ҳам гапми,— илиб кетди дарров Долим,— бутун Европа қитъасига грипп тарқалган ҳозир. Боши Лондон бўлса, кети Истанбул. Қуни кеча Истанбулда грипп билан оғриган уч юздан ортиқ бемор госпиталга тушибди.

— Вой-бў... Вабога ўхшайди-я,— деди кекса йўловчи бош чайқаб.

— Ундан ҳам баттар,— давом этди янада жонланиб Долим.— Биринчи жаҳон уруши йилларида ҳам худди бу йилги грипп эпидемияси тарқалган экан. Ушанда жангда ўлганлардан грипп олиб кетганларнинг сони кўп бўлган экан. Ўн саккиз миллион киши-я!

— Астафидулло,— деб юборди кекса йўловчи.— Шу гап ростми, ўғлим?

— Бўлмасам-чи! Ўзим журналда ўқидим,— деди Долим гўё гриппнинг «қаҳрамон»лигидан мағрурлангандек.— Ушанда грипп ўн саккиз миллион кишининг ёстигини қуритгани рост гап.

Грипп ҳақидаги суҳбатданми ёки бошқа сабабданми, ишқилиб, аксирган йўловчи маъюсланиб қолди.

— Грипп... ишқилиб бу томонларга етиб келмасмикин?— деб сўради у Долимдан қўрқа-писа. Афтидан, у ўз саволига кўнгилдагидек жавоб олишни истарди.

— Бу кўп нарсаларга боғлиқ,— деди Долим ўз илмига жуда ишонган кишилардек, қатъият ва кескинлик билан.— Жумладан, шамолнинг йўналишига. Агар Фарбдан эсса...

Бу гапни эшитиб ҳамма ташқарига синчиклаб қарай бошлади: улар шамол қай тарафдан эсаётганини билишни истардилар, лекин бўралиб ёғаётган қор бунга имкон бормасди.

Ҳалиги йўловчи яна аксириб юборди. «Маршрутли

такси» манзилга етиб келганида, у ўзини чиндан ҳам лоҳас сезарди, оёқ-қўли қақшаб оғрирди. Бошқа йўловчилар эса грипп ҳақидаги гапни ишхона ва уйларида давом эттирган бўлсалар керак...

II

Долим газета редакциясининг хатлар бўлимига томоқ қириб кириб борганида, ходимларнинг кайфи чоғ эди, берилиб ишлаб ўтиришарди.

Салом-аликдан сўнг Долим пальтосининг чўнтагидан тўрт букланган қоғоз олди-да, кулимсираб ходимлардан бирига узатди. Ходим хандон отиб кулиб юборди. Унинг нега кулаётганига тушунолмай, Долим эсанкираб қолди, қоғозни столга қўйиб, ходимга савол назари билан қараб тураверди.

— Э, Долим ака-ей, қорхатни шундай берадими киши,— деди ходим қувноқлик билан,— буниям йўли бор! Сиз билан уч кишини қўлга туширдим. Қорхатингизни ўзингиз ўқий қолинг,— у ҳамкасбларига қаради.— Қани, ўртоқлар, сизлар ҳам эшитинг.

— Мен ҳам қўлга тушдим,— деди пойгакда ўтирган ходим Долимга.— Энди зиёфатни биргаликда ўтказадиган бўлдик. Ўқийверинг.

Долим, булар мени мазах қилишяпти, деган хаёл билан талмовсираб қолди.

— Зиёфат... қанақа зиёфат... тушунмаяпман...

— Қорхат бера билмай, қўлга тушгач...

— Қорхат эмас,— деди Долим,— хабар, оддий хабар, одатдагидек...

Долимнинг ота-онаси бутун умр бўйи эл назарида юришга интилиб келган кишилардан эдилар. Ўғилларини ҳам шу руҳда тарбиялашди: «Бизни ҳамма танийди, сен ҳам камида биздек эл оғзига тушишинг керак», деб унинг қулоғига қўйиб келишди. Долим мактабни тугатгач, ўз лаёқатини ҳисобга олишни ҳатто хаёлига ҳам

либ тургач, сўзида давом этди.— Аммо ер юзида ярим очлик ва очликдан азоб чекаётганлар ҳам жуда кўп. Куни кеча газетада ўқидим. Очликдан ҳар секундда бир одам ўлар экан, соатига эса саксон мингта! Қелгуси йили очликдан ўттиз миллионга яқин одам ўлиши кутилмоқда. Қаранг, қандай даҳшат-а! Гапирсам гап кўп. Келинлар шу қадаҳни бутун ер юзида маъмурчилик бўлиши учун кўтарайлик!

Долим тикка турганича, қадаҳни бўшатиб, жойига ўтирди. Баъзилар ичди, баъзилар эса шунчаки лабига тегизиб қўйди. Долимнинг гапидан кейин меҳмонлар овқатга қўл уришга ийманиб қолишганди, чет эл кинохроникаларида тасвирланган юпун бева-бечоралар, қовурғалари саналган етим-есирлар кўз олдиларига келарди, лабораториялардаги одам скелетлари ёдларига тушарди, иштаҳалари ғиппа бўғилган эди.

Долимнинг нутқи туфайли кириб келган совуқлик зиёфат охиригача ҳам аримади. Кўп ноз-неъматлар ва иссиқ овқат ейилмай қолди. Ҳаваскорларга «жуфт бўлсин» дегувчилар бўлмади. Зиёфатдан файз кетиб, тезгина тарқади.

IV

Институт ҳузуридаги касалхонада Долим ишлаётган мактабнинг илмий бўлим мудирин анчадан буён даволадди. Шу пайтгача Долим вақт топиб лоақал бирон марта бўлсин уни кириб кўрмаганди. Ўқитувчиларнинг айтишларича, мудир яқин орада касалхонадан чиқиб қолар экан. Соғайиб қолибди. Бу гап қулоғига чалингач, Долим мудирни албатта кириб кўришга аҳд қилди. Ҳол-аҳвол сўради, зиёфат дастурхонидан қоғозга ўраб олган нарсаларни — совғасини: «Оз бўлса ҳам кўш кўрасиз-да», дея мудирнинг қўлига тутқазди. Ўзоқ суҳбатлашдилар. Долим мактаб ҳаваскорлари янги йил кечаси учун янги спектаклни қандай тайёрлаганликларини айтиб берди. Суҳбат охирида у бугунги диссертация ҳи-

мояси ҳақида, ўзи эшитган медицинага оид ноёб янгиликлардан гапирди.

— Ошқозон яраси мутлақо тузалиб кетиши мушкул дардлардан экан,— деди гап орасида Долим.— Ҳалигина диссертация ҳимояси пайтида эшитдим — агар беморнинг организми газак олишга мойил мижоз бўлса, яра-нинг битиши, ҳатто операциядан сўнг ҳам битиши мушкул экан. Гоҳо операция чоклари сўкилиб, ошқозон ёрилиб кетаркан...

Палатага ҳамшира беморга укол қилиш учун кирди. Суҳбат бўлинди. Долим мудир билан қуюқ хайрлашиб чиқиб кетди. У остонадан якка-кифт бўлиб ўтаётганида мудирнинг кўзига унинг бўйни худди ҳўкизнинг бўйнига ўхшаб кўринди.

Долим мудирнинг юрагига ғулғула солиб кетди. У бояқиш газакка ўч мижоздан эди. Саратоннинг сариқ ёзида ҳам қўлини пичоқ кесса ҳафталаб битмасди. Ҳозир эса қиш! Мана, бугун биринчи қор ҳам ёғди. Устига-устак яқиндагина ошқозони операция қилинган. Ошқозон-а! Вужуднинг тегирмони.

Қоронғи тушган сайин мудирни ваҳм боса бошлади, чироқни эртароқ ёқтирса ҳамки (ҳали туриб юролмасди), дили ёришмади. Хуфтон маҳалига бориб кўнгли айнай бошлади, кейин тез-тез ўқчиди. Навбатчи врач барча чора ва тадбирларни қўлласа ҳамки, ўқчиқ тўхтамади, аксинча кучайди. Қаттиқ бир ўқчиқ пайтида бемор чинқириб юборди-ю, ҳушидан кетди. Уни икки ҳафтача бурун ётган операция столига яна ётқизишди. Аммо...

Эртаси кун дафн маросимида Долим ҳам иштирок этди. Азахонада ҳам, мазорбошида ҳам таниш ва нотаниш кишиларга сўз қотди: «Куни кеча марҳум билан узоқ отамлашган эдик. Бугун эса... совуқ тупроққа қўйяпмиз. Эвоҳ, одамзоднинг ҳоли шу экан-да...»

У бир кишининг кўнглига ғулғула солиб бўлгач, иккинчи кишининг ёнига шошиларди.

ҲАЁТ КУТМАЙДИ

Қирқини қоралаб қолган, лекин ижодда ҳамон ёш ҳисобланган архитектор Ҳусайн Замон мажлисларда бир чеккада ёки нотаниш одамлар ёнида ўтиради. Танишлар билан суҳбатлашиш, бирор нарсага муносабат билдириш лозим бўлиб қолиши мумкин. Сўраганда фикр билдирмаслик одобдан эмас. Нотўғри жавоб бериб қўйишдан оғир нарса йўқ. Шу сабабли Ҳусайн Замон мажлислар бошланай-бошланай деб турганда етиб боради, эртароқ бориб қўйса, кўчада ёки вестибюлнинг панароқ жойида кутиб туради, ҳаммадан кейин залга киради-да, эшик олдида у ёқ-бу ёққа аланглаб, бўш қаторни ёки нотаниш одамлар ёнини кўзлайди...

Ҳусайн Замон ичкарига қадам қўйганда, зал сув қуйгандек жимжит, мажлисга ранслик қилувчи эндигина ўрнидан қўзғалаётган эди. Ҳусайн Замон энг орқа қаторнинг бутунлай бўш турганини кўриб севиниб кетди. Оёқ учида юриб, шу қаторнинг қоқ ўртасидаги стулга бориб ўтирди. Бериққадаги стулни эгалласа, кечиккан одамлар унинг ёнига ўтириб қолишлари эҳтимоли бор. Ким билади, улар Ҳусайн Замонга таниш чиқар, балки ҳамкасб бўлар. «Эҳтиёт шарт деганлари кўп яхши нарса-да». Ҳусайн Замон бу гапни мингинчи ёки минг биринчи марта дилидан кечирди, стулга шарпасиз ўтирар экан. У турганда йирик, ўтирганда ўртача гавдали бўлиб кўринадиган, уйдагига қараганда ишхонаси-

да — лойиҳалаш муассасасида жуссаси бирмунча кич-
раярди.

Мажлисга раислик қилувчи — кичик, лекин кўҳна
шаҳарнинг бош архитектори Восил Ҳосилов қўлидаги
қоғозга қараб сўз бошлади:

— Ҳурматли ўртоқлар, азиз меҳмонлар! Маълумки,
мажлисимиз кун тартибига бир масала қўйилган — кўҳ-
на шаҳримизнинг янги бош плани лойиҳасини муҳокама
қиламиз. Ўйлайманки, лойиҳа билан ҳамма танишиб
улгурди. Сўзловчиларга ўн минут вақт берилади. Ҳар
икки соатдан кейин ўн минут танаффус. Хўш, энди иш-
га ўтайлик. Қани, ким биринчи бўлиб сўзлайди?.. Тор-
тинманглар, ўртоқлар! Ҳа, ҳеч тортинманглар. Ўтирган-
ларнинг ҳаммаси ўзини ўзини, ҳар ким ўз фикр-мулоҳа-
засини бемалол айтиши мумкин.

Залдан ҳадеганда садо чиқавермади. Тумонат одам-
нинг салобати босиб, отилиб сўзга чиқувчи йўқ эди.
Шаҳарнинг янги бош плани лойиҳаси билан батафсил
танишган, бир чеккаси бу лойиҳани тузишда озгина иш-
тироки бор Ҳусайн Замон азалий одатига ҳилоф равиш-
да бу мажлисда сўзга чиқишни дилига тугиб келган эди.
У ҳам ўзини бир кўрсатиб қўйсин-да. Восил Ҳосилов
залдан садо чиқишига маҳтал бўлиб турган ана шу он-
ларда Ҳусайн Замон бир кўнгли мардона қўл кўтариб
сўз сўрамоқчи ҳам бўлди-ю, мажлис ҳайъатият залга
кўз югуртиргач, бу фикрдан қайтди: «Атоқли архитек-
торлар ўтиришибди-я, улар олдида одоб сақлаш керак,
улардан бири муҳокамани бошлаб бергач, кейин гапи-
риш қочмас, мажлис кун бўйи давом этади-ку. Кутиш
керак, кутган яхши. Бунда фойда ва маъно кўп». Ҳу-
сайн Замон дилидан шу фикрларни кечирар экан, ерга
қараб олди.

Талабгорлар бўлавермагач, президиумда ўтирган
ҳурматли меҳмонлардан бири ўрнидан туриб, Восил
Ҳосиловга юзланди:

— Бўлмаса, менга сўз беринг.

— Марҳамат,— деди Восил Ҳосилов.— Биринчи сўз ҳурматли меҳмонимиз Ҳаким Қосимовга!

Восил Ҳосилов меҳмон минбар қошига етиб борганидан кейингина жойига ўтирди.

Бир оз жонланган зал яна тинчиб қолди. «Биринчи бўлиб сўзга чиқмай тўғри иш қилдим. Шундай атоқли архитектор турганда муҳокамани бошлаб беришни менга ким қўйибди. Жуда ярашмаган иш бўларди-да», дея дилидан кечириб қўйди Ҳусайн Замон, ердан кўзини олиб минбарга тикаркан.

Ҳаким Қосимов икки кафтини минбарга қўйиб, залга кўз югуртирди-да, аста сўз бошлади:

— Ҳурматли ўртоқлар! Афв этгайсиз, айтишга мажбурман, мени бир нарса таажжублантирди. Шаҳрингизнинг ўтмиши, иқлим шароити, жойлашган ўрни, пастбаланд томонлари мендан кўра сизларга маълум. Қурилиш ишлари бош план асосида олиб борилишидан мендан кўра сизлар, шу шаҳарнинг граждандлари бўлмиш сизлар кўпроқ манфаатдорсиз, келажакда ўғил-қизларингиз, невара-чевараларингиз шу ерда яшайди. Шунинг учун ҳам биринчи навбатда сизлар фидойи бўлишингиз керак. Биринчи сўзни сизлар айтишингиз керак эди.

«Эҳ, аттанг, биринчи бўлиб сўзга чиқсам, шундай атоқли архитекторнинг эътиборини қозонар эканман-а»,— ўзича афсусланди Ҳусайн Замон.

Ҳаким Қосимов давом этди:

— ...Ҳа, майли, муҳоқамада фаол бўлишга чақираман. Шундай бўлади, деб ўйлайман ҳам...

«Албатта, иккинчи бўлиб ўзим сўзлаганим бўлсин!» деб дилига тугиб қўйди Ҳусайн Замон.

—...Гап келганда отангин ҳам аяма, дейишади-ку. Кези келганда айтдим...

«Мен ҳам лойиҳанинг камчиликлари ҳақида ҳеч кимни аямай шундай гапирайки, ҳамма ҳайрон қолсин», дея дадилланиб ният қилди Ҳусайн Замон.

Ҳаким Қосимов давом этди:

—...Баъзи муҳокамаларда мажлисининг умумий руҳини биринчи нотиқнинг сўзи белгилаб қўяди...

«Афсус, биричи сўз олганимда мажлисининг умумий руҳини белгилаб юборишим мумкин эди-я», дея ачиниб кетди Ҳусайн Замон.

—...Шунинг учун ҳам алоҳида таъкидлаб ўтаманки, лойиҳа хусусидаги менинг сўзимни хомакни фикрлар, субъектив мулоҳазалар, деб тушунинг. Лойиҳа бўйича фикр-мулоҳазаларим қуйидагича,— дея Ҳаким Қосимов қўйнидан қоғоз олиб, унда ёзилганларни ўқиб берди.

Ҳаким Қосимов сўзини тугатиши биланоқ, залда қарсак янгради. Мажлис қатнашчиларининг юз ифодаларига қараганда, бу фикр-мулоҳазалар айримларга маъқул тушган, бошқаларда эътироз уйғотган эди. Ҳусайн Замоннинг юз ифодасидан эса бирор нарса ўқиб бўлмасди. Лекин аслида бу фикр-мулоҳазалар унга умуман маъқул бўлган эди. «Атоқли архитектор фикри билан фикрим умуман бир жойдан чиқди,— деди Ҳусайн Замон.— Биринчи бўлиб сўзлайверсам бўларкан. Иккиланиб нотўғри қилибман. Бўлмаса, атоқли архитектор олдида эътиборим ошарди, назарига тушиб қолардим. Тўхта, ахир унга қўшилмайдиган, қўшилиб бўлмайдиган ўринлар ҳам бор-ку. Бу ҳақдаги ўз фикр-мулоҳазаларимни айтиб қўйиб, ноқулай аҳволда қолишим ҳам мумкин эди. У мендан кейин сўз олиб, мени танқид қилиб қолса, нима бўларди? Обруйим икки пул бўларди-я. Бир асрабди. Демак, биринчи бўлиб сўзга чиқмай, тўғри қилганман. Шошмаслик керак. Сабрда фойда ва маъни кўп».

Ҳаким Қосимов минбардан икки-уч қадам узоқлашар-узоқлашмас худди бирор нарсаси қолиб кетган кишидек шошилиб изига қайтди, кулимсираб деди.

— Муҳокама ўз оти билан муҳокама-да. Тўғри фикр ҳам, нотўғрироқ фикр ҳам ўртага ташланиши мумкин. Бунинг ҳеч айби йўқ. Ҳақиқат эса таққослаш орқали

аниқланади. Эътиборингиз учун ташаккур.— Афтидан, яхши ташкилотчи бўлган архитектор муҳокамани жонлантириб юборишга интиларди.

Ҳаким Қосимовнинг қўшимча гапи учун залда яна қарсак янгради, ҳамма жонланиб, Ҳусайн Замон эса дидилланиб кетди. Шу пайт у бир кўнгли мардона қўл кўтариб, сўз сўрамоқчи, ҳаттоки ирғиб ўрнидан туриб, минбар томон шаҳдам йўл олмоқчи ҳам бўлди-ю, лекин... «Ҳой, Ҳусайн, сабр қил»,— дея ўзини тўхтатди у, нима учундир: «Сабр қилсанг, ғўрадан ҳалво пишар, сабрсизлар ўз оёғидан йнтар», деган мақол лоп этиб эсига тушди. «Ахир, ҳали ҳеч ким Ҳаким Қосимов айтган фикр-мулоҳазаларга муносабат билдирганича йўқ. Кейинги нотик ўзидан олдинги нотикнинг фикрига муносабат билдириши одат тусига кирган. Одоб шуни тақозо этади. Лекин шундай атоқли архитекторнинг фикрига муносабат билдиришининг ўзи бўлмайди. Ёки қўшилмаган ўринларини танқид қилаверсинми? Йўқ, танқид кимга ҳам ёқарди. Баъзи танқидни севаман дейдиганлар ҳам, ўзлари бошқаларни танқид қилганларидагина танқидни севишади. Қолаверса, Ҳаким Қосимов атоқли архитектор, бир нарсани билмаса гапирмайди. Балки, айтганларининг ҳаммаси тўғридир. Шунинг учун кутгани яхши. Ҳа, кутишда фойда ва маъни кўп. Майли, иккинчи сўзни бошқа одам айта қолсин. Қани, у нима деркин? Ҳаким Қосимовнинг фикрига қандай муносабат билдираркин? Гапириш қочмайди, ҳали вақт эрта».

Восил Ҳосилов: «Хўш, энди ким сўзламоқчи?» дейиш учун ўрнидан қўзғалганида, бир неча киши бараварига қўл кўтарди. Гўё қўл кўтарса ҳамма қолиб, унга сўз бериладигандек, Ҳусайн Замон қўлларини тиззалари устига қўйиб, ерга қараб олди.

Одатда кичик шаҳарларда кўпчилик бир-бирини танийди, яхши гап ҳам, нохуш хабар ҳам тез тарқайди, бир кундаёқ деярли ҳаммага етиб боради. Асли шу шаҳарлик Восил Ҳосиловнинг хотираси яхши бўлиб, залда

ўтирган юз чоғли кишининг кўпчилигининг исм-шарифи у ёқда турсин, ҳатто салкам таржимаи ҳолигача биларди. У биринчи қаторда ўтирган талабгорга сўз берди.

Иккинчи нотиқнинг гапи қулоғига етиб келганидан кейингича Ҳусайн Замон бошнинг кўтарди. Ёш олим атоқли архитектор мутлақо тўхталмаган масала — сув таъминоти, фонтанларни кўпайтириш, ариқларни сувга мўл қилиш ҳақида гапирди, бу масалага бош план лойиҳасида етарли эътибор берилмаганини таъкидлади, бу борадаги ўз таклиф ва истакларини айтди. Биринчи нотиқнинг фикр-мулоҳазаларига муносабат билдирмасдан минбардан тушиб кетди. Шу нарса қоронғи бўлиб қолгани учун Ҳусайн Замон учинчи бўлиб сўзга чиқиш фикридан дарҳол қайтди. Раислик қилувчи ўрнидан туриб: «Энди ким гапирмоқчи?» дейишга улгурмасданоқ Ҳусайн Замон бўйинини ҳам қилди. «Майли, учинчи нотиқни ҳам эшитай-чи,— деб ўзига-ўзи тасалли берди ичида у.— Балки бу нотиқ Ҳаким Қосимов фикрига муносабат билдирар, шунга қараб мен ҳам ўз мулоҳазаларимни айтарман. Ҳа, бунақа нозик пайтларда шошмаслик керак (Ҳусайн Замон учун эсини танигандан буён нозик бўлмаган пайт йўқ), кутгани яхши-да. Шошган қиз эрга ёлчимайдн, дейишадн-ку. Ҳа, кутишда фойда ва маъни бор. Кутсанг кам бўлмайсан».

Учинчи бўлиб сўз олган олим Содиқ Рафиқов иккинчи нотиқнинг фикрига тўла қўшилгани ҳолда биринчи нотиқ мулоҳазаларини танқид қила бошлади. Уни эшитар экан, Ҳусайн Замон дилидан кечирди: «Шу гаплар менинг ҳам хаёлимдан ўтди-ку, ўзим айта қолсам бўлмасмиди, қаранг, зал қандай берилиб тинглаяпти. Нима учун сўз олмадим?» Кейин уни бирдан ваҳм босди, гўё архитектор Ҳаким Қосимовни Содиқ Рафиқов эмас, ўзини танқид қилаётгандек, қўрқиб кетди: «Ҳаким Қосимов қаёқда-ю, Содиқ Рафиқов қаёқда. Ҳаким Қосимов ноўрин мулоҳаза билдириши эҳтимолдан узоқ. Содиқ Рафиқов эстетика олими бўла туриб, архитекторлар

ишига бош суқиб нима қиларди? Танқидий мулоҳазалари ҳам ўринли эмасга ўхшайди, далиллай олмаяпти-ку...»

Содиқ Рафиқов сўзини тугатди, Ҳусайн Замон бир кўнгли нима бўлса бўлар, сўз сўраб фикримни айтиб қолай, деди-ю, лекин тезда бу фикрдан қайтиб, тўртинчи нотикни ҳам эшитишга қарор қилди. Тўртинчи бўлиб сўз олган шаҳар автобазасининг директори, механик-инженер Нуриддин Сайфиддинов: «Мен ўзимдан олдин сўзлаган ўртоқларнинг фикрларига муносабат билди-ролмайман, очигини айтсам, улар тилга олган масалалардан яхши хабардор эмасман. Лойиҳанинг фақат ўз соҳамга тегишли жиҳатлари ҳақида тўхталиб ўтаман», дея сўз бошлади. У жамоат транспорти хўжаликлари, шахсий гаражларининг жойлашуви, ёғингарчилик ва транспорт қатнови муаммоларига тўхталиб, бу масалалар шаҳар бош плани лойиҳасида етарли ҳисобга олинмаганини мисоллар билан таъкидлаб ўтди. Бу нутқни Ҳусайн Замон эътиборсизлик билан эшитди, чунки ўз соҳасига ва айтмоқчи бўлган мулоҳазаларига бу гапларнинг алоқаси йўқ эди. Шунинг учун бешинчи нотикни ҳам тинглаш учун стулнинг орқа суягиғига бемалол ястаниб олди. Буни қарап-ки, бешинчи сўз бинокор-инженер Мираҳмад Мирҳамидовга берилди. У эса чорраҳалардаги ерости йўлларини қуриш, водопровод, газ қувурларини ётқизиш, алоқа кабелларини олиб ўтиш масалаларига олдиндан жиддий эътибор бериш кераклигини айтиб, механик-инженернинг мулоҳазаларини қувватлади. Демак, ўз-ўзидан маълумки, олтинчи бўлиб сўз олган қурилиш трестининг вакили, гап-сўзларига қараганда иқтисодчи бўлса керак, Соҳиба Назарова деган ўрта яшар аёл: «Ҳозиргина инженер ўртоқларимиз айтиб ўтган масалалар бош планда етарли даражада ўз ифодасини топган, бундан ортиғи сарф-харажатни ошириб юборади», деб лойиҳа авторларини ёқлади. Демак, Ҳусайн Замон еттинчи нотикни тинглашга ҳам мажбур,

Бечора нима қилсин, дастлабки нотикларнинг фикрига муносабат билдиришмаяпти-ку.

Шу тариқа муҳокама давом этаверди, Ҳусайн Замон эса унга у деб, бунга бу деб, ўзига баҳона топиб, сўзга чиқишини орқага сураверди. Бу орада ўн минутлик танаффус эълон қилинди. Ана шунда Ҳусайн бир оз ҳушёр тортди, ҳатто танаффусдан кейин биринчи бўлиб сўзлашга қарор қилди. Одатдагидек, ҳаммадан илгарии залдан лип этиб чиқди-да, вестибюлнинг одамлар кўзидан панароқ ери — иккинчи қаватга чиқиладиган зина остига бориб турди. Таниш-билишлари, ҳамкасблари ундан, масалан, «Ҳаким Қосимовнинг фикрига қўшиласизми?» деб сўраб қолишлари мумкин-да... Одамларга қўшилмай четда ёлғиз туриш қийин. Бу ўн минутлик танаффус Ҳусайн Замонга ўн соатлик туюлиб кетди. Биринчи марта бу аҳволга тушаётгани йўқ, оғир бўлса-да, иложи қанча. Бахтига қўнғироқ деган нарсаси бор. Яна бир неча секунддан кейин Ҳусайн Замон зина остида туришдан қутуларди!

Одатдагидек, Ҳусайн Замон залга ҳаммадан кейин қайтиб кирди-да, оёқ учида юриб бориб бояғи жойига ўтирди. Ғала-ғовур тиниб, раислик қилувчи муҳокамани давом эттириш учун ўрнидан тургунича ҳам, Ҳусайн Замон бояғи қарорида — энди биринчи бўлиб сўз сўраш ишятида эди. Лекин раислик қилувчи ўрнидан қўзғалиш биланоқ, аҳдидан қайтди. Ичида ўзини оқлади: «Балки энди муҳокама бошқа йўсинда кетар, қани, бировикки кишини эшитиб кўрай-чи, нима деркин? Шунга қараб иш тутарман. Ҳа, кутганим маъқул. Ноўрин гапириб қўйиб, танқидга нишон бўлишдан ёмони йўқ. Донишмандлар ноўрин гапиришдан сукут афзал, деб бекорга айтишмаган. Қутишдан зиён оз, фойда кўп, камида бамаънилар сафидан жудо қилмайди кишини».

Ҳусайн Замон ҳар бир нотик минбар қошига бораётганида: «Шундан кейин гапирганим бўлсин», деб дилига тугиб қўяр, лекин сўз сўрашга келганда бирор нарсаси

ни ўзига рўкач қилиб, қўл кўтармасди. Шу тарзда сўзга чиқишни орқага суриб ўтирар экан, ранслик қилувчи кутилмаганда (фақат Ҳусайн Замон учун кутилмаганда бўлса керак) бундай деб қолди:

— Ўртоқлар, шу билан сўзга чиқишни тўхтатсак, деган таклиф бор. Хўш, бунга нима дейсизлар?

Залда: «Тўғри!», «Маъқул!», «Ҳамма гаплар айтиб бўлинди!» деган овозлар эшитилди. Лекин бу хитоблар Ҳусайн Замон қулоғига бошқача чалинди: «Ҳусайн Замон, ахир сен ҳам тортинмай гапирсанг бўларди-ку. Негача гапирмадинг?» Аслида бу таъналар Ҳусайн Замонга унинг виждони томонидан қилинаётган эди. Демак, унинг мудроқ виждони уйғонаётган эди. Шуниси муҳим. Лекин...

Ранслик қилувчи: «Шаҳар бош плани лойиҳаси махсус комиссия томонидан муҳокамада айтилган фикр-мулоҳазалар бўйича яна кўриб чиқилади», дея якунловчи путқ сўзлаб, мажлисни ёпишни биланоқ, Ҳусайн Замон қон-қонига сингиб кетган одатининг қулига айланди-қўйди, залдан ҳаммадан илгари шошилиб чиқди-да, бояги пана жойга — иккинчи қаватга чиқиладиган зина остига бориб турди. Агар гардеробда пальтоси бўлмаганда, шу шахд билан кўчага югурарди-я. Гардеробдан пальтосини олиб, кийгунича залдан чиқаётган одамлар орасидаги таниш-билишлари, ҳамкасблари орқадан келиб, масалан, «хўш, Ҳаким Қосимовнинг фикрига қўшиласизми?» деб сўраб қолишлари мумкин-да. Шунча кутди, яна бир неча минут сабр қилса ҳечқиси йўқ. Қаёққа ҳам шошиларди, ўна ўзи билган уйга боради-да. Қолаверса, ҳамма кетгач, бемалол кийинади, одамларга туртиниб-суртиниб юрмайди.

Аксига олиб Ҳусайн Замоннинг уч-тўрт ҳамкасби кийинган бўлишса-да, ҳадеганда гардероб олдидан кета қолишмасди. Ўзуқ-юлуқ эшитилаётган гап-сўзларига қараганда, улар муҳокамани ҳамон давом эттиришарди. Шу дақиқа Ҳусайн Замон учун хавфли. Улар ҳозир Ҳу-

сайн Замонни кўриб қолишса, биринчи галда аския қилишади, бу ҳам майли-ю, лекин бирор потиқнинг, масалан, «Ҳаким Қосимовнинг гапига қалай қарайсан?» деб сўраб қолишлари, мажбуран суҳбатга тортишлари турган гап. Ана шуниси чатоқ.

Ҳусайн Замон яқингинада сотиб олган мўйна ёқали пальтосини кийиб кўчага чиққанида, ёмғир томчиларди. У ёмғир ўтиб кетар, деган хаёлда ўзини иморат панасига олди: «Бир оз кутай, пальтомнинг оҳори тўкилмасин».

Лекин ҳадеганда ёмғир тинмади, кейин бирданига кучайди. Ҳусайн Замон кставермаганига ачинди. Бекаг бу ердан унчалик узоқ эмас — бор-йўғи юз қадамча келарди. Лекин кутишдан бошқа иложи йўқ. Ёмғир шаррос қуйяпти. Ўзини қанчалик панага олмасин, тарновдан отилиб тушаётган сув Ҳусайн Замонга сачрарди. У бино ичига кирмоқчи бўлди-ю, лекин эшик ичкаридан қулфлоглик эди. Ўстига-устак шамол туриб, ёмғирни олиб келиб Ҳусайн Замонга ура бошлади. Қанча авайламасин уст-боши, айниқса, пальтоси жиққа ҳўл бўлди.

Ёмғир тингач, Ҳусайн Замон бекат томон одимлади, устидаги зилдек пальтоси елкасидан босиб турарди.

Ҳусайн Замон бўш автобус келишнини кутиб анча турди. Шалаббо пальтоси билан тиқилинч автобусга чиқишни ўзига эп билмади, тегманозик йўловчига туртиниб-суртиниб кетса, дакки эшитиши мумкин. Қолаверса, ҳўл нарса тез ғижимланади, селгиб олса, пальтонинг сумбати йўқолмайди...

Ниҳоят, бўшроқ автобус келди. Ҳусайн Замон автобусга чиққанида ҳам пальтосининг барларидан сув томарди. У кондуктордан билет олар экан, «ўғлим, амакингга жой бер», деган аёл кишининг ўзига тапиш овозини эшитди. «Қим экан бу?» дея дарҳол овоз келган ёққа қаради. Юраги бир ҳаприқиб кетди: ёшликда кўнгил бергани Шоҳида-ку!

— Ия, сизмисиз?— ўз кўзларига ишонмай деди Шоҳида.

Ҳусайн Замон пальтосининг ҳўллигидан қисиниб-қимтиниб Шоҳиданинг ёнига ўтирди:

— Яхши юрибсизларми, Шоҳидахон, уй ичингиз тинчми?

— Раҳмат. Ўзингиз яхшимисиз?— Шоҳида атайлаб Ҳусайн Замондан уй ичини сўрамади, чунки унинг оиласи тинч эмаслигини орқаворатдан эшитган эди.— Тўнғичимиз сизга ўхшаб архитектор бўлмоқчи,— деди у тепаларида тик турган ўғлига ишора қилиб.— Бу йил ўнинчини тугатади. Аълочи.— Шоҳида ўғлига мурожаат қилди:— Файзулла, бу амакинг катта архитектор Ҳусайн Замон бўладилар.

Ҳусайн Замон билан Файзулла бир-бирларига тикилишди. Икковининг қарашларида ўзгача маъно бор эди. Файзулла то шу пайтгача орзу қилган касбининг вакили билан бақамти бўлмаган эди, шунинг учун ҳам у Ҳусайн Замон сиймосида ўз келажagini кўрарди: салобатли, босиқ. Йигитчанинг қалбида архитектор бўлиш орзун янада аланга олди. Ҳусайн Замон Файзуллага зимдан тикилар экан, йигитчанинг онасига қанчалик ўхшаш-ўхшамаслигини аниқларди: қошу киприклари, бурни, ияги, қулоғи Шоҳиданинг худди ўзи. Лекин сочлари жингалак, от юзли, суяги бузуқроқ. «Агар ўшанда Шоҳидага уйланганимда ҳозир шундай кап-катта ўғилнинг отаси бўлардим-а,— дея ўкиниб қўйди Ҳусайн Замон.— Ўғлим ўзимга тортарди, албатта».

— Яна ҳамшаҳар бўлиб қолдик,— деб Ҳусайн Замоннинг хаёлини бўлди Шоҳида.

Ҳусайн Замон бу гапдан бир чўчиб тушди.

— Ия, нега?— сўради у нимадандир хавотир олиб.

— Дадасини шу ерга ишга ўтказишди, янги микро-райондан квартира беришди, яқинда кўчиб келдик,— деди Шоҳида, кейин ўзларини оқлагандек қўшиб қўйди:— Ўн беш йилча қишлоқда яшадик, бўлди-да...

Микрорайон бекатида она-бола тушиб қолишди. Ҳусайн Замоннинг эски яраси янгиланди.

Шоҳида билан Ҳусайн Замон бир маҳаллада ўсиб-улғайишган, бир мактабга қатнашган эди. Шоҳида икки синф қуйи ўқирди. Муҳаббатга тараф йўқ, Шоҳиданинг ўзи Ҳусайн Замонни ёқтириб қолган эди, севгисини ҳам, ўзи биринчи бўлиб, кўз қарашлари, имо-ишоралари билан, одобдан ташқари чиқмай, изҳор қилган эди. Айтишларига қараганда, индамаслиги, ўзини сипо тутиши билан Ҳусайн Замон қизнинг муҳаббатини қозонган эмиш. Бу тўғри бўлиши мумкин. Баъзи қизлар ўзини четга олиб қочадиган тортинчоқ йигитларни ёқтиришади. Ҳусайн Замон ҳам Шоҳидага бора-бора мойил бўлиб, кейин бу мойиллиги севгига айланган эди. Ҳусайн Замон ўнинчини битирмасданоқ улар аҳд-паймон қилиб қўйишган эди. Шоҳида Ҳусайн Замон институтни тугатгунича беш йил кутди. Орадан яна икки йил ҳам ўтдики, Ҳусайн Замон тўйдан оғиз очмади. Андишани бир ёққа йиғиштириб қўйиб, Шоҳиданинг ўзи гап очди.

Шоҳиданинг минг қийналиб берган саволига Ҳусайн Замон:

— Аввал акам уйланиши керак экан,— деб жавоб берди.— Лекин унинг қачон уйланиши ҳозирча маълум эмас. Кутишимизга тўғри келади.

Шоҳида йигитдан бундай жавобни кутмаган эди. Шу кунёқ у бу гапни онасига айтди. Онаси дадасига шипшиди. Натижаси шу бўлдики, эр-хотин қизларидан сўраб ҳам ўтирмасдан кўпдан буён қатнаётган совчиларнинг навбатдаги келишида уларга оқлиқ бериб юборишди...

Орадан кўп ўтмай Ҳусайн Замоннинг «Севиб қолмагунимча уйланмайман», деб юрган акасининг ҳам осмон никоҳи ерга тушди. Ўртада Ҳусайн Замон севгилисидан айрилиб қолди. Ота-онаси эса, «каттаимиздан қутулдик, энди кичкинтойимизга навбат», деб Ҳусайн Замонни уйлантириш ташвишига тушишди. Лекин унга Шоҳида-

ни унутиш осон бўлмади. Икки-уч йилча тўйдан гап очилса, индамай ўрнидан туриб кўчага чиқиб кетар, ярим тундагина уйига қайтар эди. Кейин эса дарак солинган қизларни орқаворатдан кўра бошлади. «Шоҳидага ўхшадини топсам, унинг ўрнини босар», деб ўйлади. Лекин унга монанд келадиган учрамасди. У қизни у деб, бу қизни бу деб, ёқтирмай, Шоҳидага ўхшаши топилишини кутиб юраверди. Бу орада ёши ҳам ўттиздан ошиб кетди, кейин Зубайда исмли бир қиз назарида Шоҳидага ўхшаш кўринди-да, шунга уйланди. Зубайда кўринишдан Шоҳидага ўхшаб кетса-да, феъл-атвори тамом тескари эди: аввало, оғзи ботир, шартаки, жанжалга ўч... Ҳусайн Замон билан Зубайданинг бошиданоқ муросалари келишмади. Ҳусайн Замон бир кўнгли ярани газак олдирмай, тезда ажралишмоқчи бўлди-ю, аммо зора эпақага келиб қолса, деб бир оз кутиб туришни лозим топди. Чунки конкурсга лойиҳа топширган эди. Орқаворатдан қулоғига чалинишича, у ҳам конкурсда мукофот оладиганларданмиш. Агар ҳозир ажралиш масаласини қўзғайдиган бўлса, бу нарса жюри қулоғига етиб, иш чаппасига айланиб кетиши мумкин. Қолаверса, жюри аъзоларидан бири Зубайдага қариндош бўлармиш. Масаланинг мана шу томонларини кўзда тутиб, Ҳусайн Замон ажралишни орқага суриб, конкурс натижасини кута бошлади. Аксига олиб, ҳадеганда конкурс якунланавермади. Бу орада Зубайданинг кўзи ёриди: Ҳусайн Замон ўғил кўрган куни конкурс натижаси матбуотда эълон қилинди. Мукофот олганлар рўйхатида унинг номи йўқ эди. Хаёлида қандай зўр режалар ғужғон ўйнаётган бўлса-да, конкурсга топширган асари бир ёқли бўлишини кутиб, у янги лойиҳа яратмаган эди. Тўғрироғи, қўли ишга бормаган эди...

Шоҳидалар тушиб қолишгандан кейинги иккинчи тўхташида автобусга Ҳусайн Замон билан бирга ишлайдиган Шарифжон исмли архитектор йигит чиқди.

— Э, Ҳусайн ака, асосалому алайкум,— деди у.—

Генплан муҳокамасида ҳам қатнашмадингиз, нима бўлди?

— Қатнашдим, сизни ҳам кўрдим.

— Э, ҳа,— деди маънодор қилиб Шарифжон, Ҳусайн Замоннинг ўзини панага олиб юришини эслаб қолиб.— Энди қайтасизми?

— Ҳа... йўқ, ҳалиги... Иш билан бир жойга бориб келяпман.

— Тушунарли,— деди Шарифжон Ҳусайн Замоннинг ёмғирда қолганини пальтосидан сезиб.— Роса ивибсизда.

— Ҳа, хаёл билан бўлиб, ёмғир остида пиёда кетаверибман.

— Айтгандай, сўзга чиқмоқчи бўлиб юрган эдингиз?

— Гапиришдан кўра тинглаш маъқул деб қўя қолдим.

— Бу гап ҳам тўғри.

Ҳусайн Замон: «Ишқилиб, Шарифжон, муҳокамада сўзга чиққанларнинг, масалан, Ҳаким Қосимовнинг фикрига қандай қарайсиз, деб сўраб қолмасин-да», деган ташвишда жони ҳалак эди. Тезроқ манзилга етиб, Шарифжондан қутулишни истарди. «Муҳокама ўтдикетди, ундаги гапларни чувалаштиришдан нима фойда», деб ҳисоблар, бирор нотиқ фикрига муносабат билдириб қўйса, бу гап ўша нотиқ қулоғига етмайди, деб ким ҳам кафолат бера оларди? Хайрият, манзилга етиб қолди, бўлмаса гап айланиб муҳокамага тақалиши ҳеч гап эмас. Автобус ўз бекатига яқинлашмасданоқ, Ҳусайн Замон ўрнидан қўзғалиб, Шарифжон билан олдиндан хайрлашиб, автобус эшигига яқин бориб турди. Автобус тўхташи билан ерга тушди. Бундан бу ёғига беш-олти юз қадам келади. Ҳусайн Замон йўлкадаги ҳалқоблардан аста сакраб ўтиб, эҳтиёткорона одимлай бошлади. Унинг Шарифжондан тезроқ қутулишга интилишининг бошқа сабаби ҳам бор эди. Бундан уч-тўрт йил аввал

Ҳусайн Замоннинг илмий йиғига ўқувчи борлигини сезиб юрган институт кафедра мудирин уни ҳузурига чақирди. Илмий иш учун мавзу тавсия этиб, сўзининг охирида бундай деган эди:

— Ҳоҳласангиз, шу мавзунини ишланг, ўзим раҳбарлик қиламан. Ҳозирча планимизда бундан бошқа муҳим мавзу йўқ. Агар бу мавзу ёқмаса, ҳаёт тақозоси билан яна бошқа мавзу чиқиб қолар...

Ҳусайн Замон дарҳол бир қарорга келолмай, иккиланди. Гўё ҳозирги мавзунини ишлай олмайдигандек, ҳали номаълум бўлган мавзу бундан осонроқдек туюлиб кетди назарида.

— Домла, бошқа мавзу чиқишини кутсаммиким-а,— деди Ҳусайн Замон ингоҳини ерга қадаб.

— Ўзингиз биласиз,— деди мудир сал койигандек бўлиб.— Лекин, айтиб қўяйки, илмда ҳам, ҳаётдагидек журъат керак.

У кейинроқ ҳам икки-уч марта Ҳусайн Замонни ҳузурига чақирди, ундаги иккиланганини кўриб, қатъий равишда йиғитга мавзу тавсия қилмади, ўзинга ташлади. Сўнг қизиқмай қўйди. Шарифжон эса ўша олим раҳбарлигида биринчи марта Ҳусайн Замонга тавсия қилинган мавзуда аллақачон диссертация ёқлаган эди. Шунинг учун ҳам Ҳусайн Замон Шарифжонни кўрганида ўша мавзунини дарҳол ишламай, бошқа мавзунини кутиб хатога йўл қўйгани учун афсусланар, баъзан эса ҳатто ўзидан нафратланиб кетарди. Бугун ўзи нима бўляпти? Наҳорликка хотинидан дакки еди. Муҳокамада сўзга чиқмоқчи эди, мавриди келишини кутиб, гапи ичиди қолиб кетди. Томчилаётган ёмғирнинг тинишини кутиб, жалага йўлиқди. Бўш автобусни кутиб, Шоҳидани учратди. Устига-устак Шарифжонга дуч келганини қаранг! Шундай хаёлларга берилиб, уйи томон кетар экан, Ҳусайн Замонни машинанинг қаттиқ сигнали чўчитиб юборди. У қўрқувдан жойида қотиб қолди. Катта тезликда келаётган «Волга» шундоқки, энтига илтиб тўхтади.

— Қани, чиқ машинага,— деган таниш овозни эшитганидан сўнггина Ҳусайн Замон ҳушёр тортиб, ярим ўғирлиб машинага қаради. Машина деразасидан девордармиён қўшнисини Шермат унга жилмайиб боқарди:— Тезроқ чиқа қол.

— Ҳазилиннга...— деб сўкинди-да, Ҳусайн Замон, плгарилай бошлади. Бу кўчада Шерматга дуч келишини билганда-ку, уйига бошқа кўчадан айланиб борарди-я. Шермат машинани Ҳусайн Замон билан барабар юргиза бошлади. Қўшнилари — бири пиёда, бири машинада ёнма-ён боришарди.

— Ҳой, Ҳусайн, чиқсанг-чи,— деди илтимос оҳангида Шермат.

— Уйга яқин қолди, менга қарамай ўзинг кетавер,— Ҳусайн Замон атайлаб орқада қола бошлади.

— Чиқа қол, ўртоқ,— деди Шермат ҳам тезликни сусайтирди. Бари бир, яна ёнма-ён кета бошлашди. Бири пиёда, бири машинада.

Ҳусайн Замон шарт тўхтади-да, пальтосини еча бошлади.

— Нима, эсингни едингми?— деди Шермат.

— Тушунмадинг, оғайни,— деди Ҳусайн Замон пальтосини авайлаб буклаб, билагига ташлар экан.— Ҳали жалада қолиб кетдим. Ҳўл пальто билан ўтирсам машина ўриндиғи ҳам, пальтом ҳам расво бўлади.

— Э, шундай демайсанми, ўртоқ,— деди Шермат енгил тортиб.

Ҳусайн Замон орқа ўриндиққа ўтирди, пальтосини худди бедана кўтарган одамдек билагига авайлаб тутиб турарди. Буни кўриб Шермат сўз қотди:

— Пальтолар муборак бўлсин. Зўридан олибсан-да. Кеча бизникига чиққанида Зубайдадан эшитган эдим.

— Ия, сенга ҳам арз қилдими? Ўзи пальто эмас, бир қоп ғалва сотиб олибман. Ҳар кунини уйда жанжал.

— Хотининнга ҳам олиб бер-да,— дея Шермат машинани ўт олдириди.

— Тўрт сидра пальтоси бор. Яна олиб бер деяверди.

Шермат машинани аста ҳайдаб борар экан, Ҳусайн Замонга тасалли берди:

— Қўявер, ўртоқ, хотин зотига теккан касал бу. Бировнинг эғнида бирор янги нарса кўриб қолдимми, бўлди, ўшанақасидан кийгисен келаверади.

— Ҳозирги аёлларга ҳайронман, бир оз кутишса-ю, расм бўлган мода эскириб, янгисен чиқади-я,— дея янги либосларга ўч хотин-қизларни ўзинча яниб қўйди Ҳусайн Замон.— Сабр-қаноатсиз бўлиб кетишяпти. Сабрининг хосиятини биллшмайди.

— Иложимиз қанча, хархашасини кўтаришга мажбурмиз.

— Лекин бизникида жанжал кўп-да.

— Энақага келиб қолар, сабр қил.

— Ҳали ҳам тишимни-тишимга қўйиб, одам бўлишини кутиб келяпман,— дея чуқур хўрсиниб қўйди Ҳусайн Замон ва машина жуда ҳам секин юраётганини сезиб қолиб, Шерматга сўз қотди:— Намунча имилламасаңг. Машинангга чиқмаганимда аллақачон уйга етиб олган бўлардим.

— Кўчанинг аҳволини кўриб турибсан-ку. Сен пальтонинг қанчалик авайласанг, мен ҳам машинамни шунчалик асрайман-да.

— Бунақа имиллар экансан, хўш, нега энди мени машинангга мажбурлаб чиқазиб олдинг?

— Бугун сенга бир хизмат қилгим келди.

— Қизик,— таажжубланди Ҳусайн Замон.— Сабаб?

— Сабаби шуки, бундан уч-тўрт кун бурун идорамиздаги бир ходимни иш устида қойган эдим. Орадан бирор соат ўтгач, маълум бўлдики, у ҳақ, мен эса ноҳақ эканман. Ўша заҳотиёқ узр сўрамоқчи бўлдим у гурурим зўр келди шекилли, ўзимга эп билмадим. Бир мавриди келиб қолишини кута бошладим. Мана бугун ўша ходимни ерга қўйиб келяпмиз. Мен узримни айтолмай армон-

да қолдим, у эса мендан кўнгли огриб кетди. Энди кўришмаймиз. Ҳали сени кўриб, шу армоним лоп этиб яна эсимга тушди. Ёшлигимда сенга кўп озор берганман.

Ҳусайн Замоннинг турқ-таровати ўзгарди, аъзойи баданини совуқ тер босди. Унинг энг биринчи ва энг серзардоб яраси қайта янгиланган эди. Укириб юборди.

— Тўхтат машинагини!!— деди у пальтосини авайлашни ҳам унутиб, машина эшиги тутқичига ёпишди.

— Шошма,— деди бамайлхотир Шермат.— Етиб қолдик. Мен сени машинага чиқаришимдан, атайлаб секин ҳайдашимдан мақсадим шуки...

— Бўлди!! Бас!— деди Ҳусайн Замон ўқ еган шердек тўлғаниб.

— Мен сендан кечирим сўрамоқчиман,— деди ётиғи билан Шермат.— Мени кечир, ўртоқ. Лекин сенга сира ҳам ўлим тилаётганим йўқ. Ким билади, балки сендан олдин мен ўларман. Гап бунда эмас. Ўлим ҳақида гапирганимдан чўчима. Ёшимиз, ҳали узоқ яшаймиз. Гап бунда ҳам эмас. Айтмоқчи бўлган гапим шуки, биз кутишимиз мумкин экан-у, лекин ҳаёт бизни кутмас экан.

Машина салобатли дарвоза билан путури кетган эшик қаршисида тўхтади. Дарвоза тепасига осиглиқ лампочка порлар, бостирма устидаги болохона деразасидан ҳам шуъла кўринар эди. Эшик томон писбатаи қоронғироқ бўлиб, ўша лампочка пурн бу тарафга ҳам тушиб турарди.

Ҳусайн Замон машинадан шошилиб тушди-да, эшигини тарс этиб ёпди. Уйи томон тез юриб кетди. Ҳусайн Замон кўча эшигига етиб бормасданоқ, дарвоза ичкарига очилди-да, машина бостирмага кириб, кўздан гойиб бўлди.

Ҳусайн Замон шалоғи чиққан эшигини тўхтаб-тўхтаб тақиллатар экан, ҳуши ўзида эмасди. Бу атрофлар бузилиб, янги тураржойлар тушармиш, деган овоза тарқалганидан буён у уй-жойинга қарамай қўйган эди. Секция олишни кутарди. Мана, бугун муҳокама қилин-

ган бош план лойиҳасига кўра бу атрофларга шаҳарнинг кўҳна қисми сифатида мутлақо тегилмас экан, балки шу ҳолича ободонлаштириларкан. Янги секция олишини кутиб, ҳатто кўча эшигига қўнғироқ ҳам ўрнатмагани учун ичида ўзини қойиди. У пальтосини елкасига ташлаб олганича, ҳалқа қолиб, муштлири билан эшикни ура бошлади. Бир маҳал ичкаридан қизчасининг йиғлагани, хотинининг қарғагани эшитилди. Афтидан, қизча онасига эргашарди. Яқинлашиб келаётган оёқ шарпасини эшитиб, Ҳусайн Замон эшикни муштлашдан тўхтади. Ўўлак чироғи ёнганини, йўлакка кирган хотинини эшик тирқишидан кўрди.

— Бу мен, Зубайда, — деб қўйди Ҳусайн Замон.

Зубайда бир қўллаб эшик занжирларини тушпролмасди, афтидан, мушт зарбидан эшикнинг ошиқ-мошиқлари жойидан янада ўйнаб кетган, занжир илгакка мустаҳкамланиб қолган бўлса керак, Зубайданинг зардаси қайнади:

— Қизим, бу уйда эркак киши йўқ. Бўлмаса, эшик шу ҳолда ётармиди. Уйлари ҳам, эгалари ҳам ордона қолсин...

ФИДОИИ

Мунир Мақсудович биринчи курс студентларига лекция ўқирди. Қўнғироқ чалиниб гапнинг белига тепди. У жим қолиб, студентларга савол назари билан қаради: ҳеч ким қимир этмас — гўё қўнғироқ чалинмагану ҳали дарс тамом бўлмаган. Одатдагидек бу гал ҳам Мунир Мақсудович мароқли ва мазмунли лекцияси билан студентларни ўзига шу қадар ром қилиб қўйган эдики, улар жойларига михланиб қолишган эди.

— Учинчи парамиз очиқ,— деди курс бошлиғи қўнғироқ тугаши биланоқ.— Илтимос, домла, давом этаверинг.

«Лекцияни давом эттирсам, оғринмай тинглашади», деган фикр кечди Мунир Мақсудовичнинг дилидан. Бу фикрдан руҳланиб кетиб, лекциясини келган жойидан давом эттирди. Айрим студентлар бир-бирларига им қоқиб, ўтирган жойларида қимирлаша бошлашди, Мунир Мақсудовичга ғалати қараб-қараб қўйишди. Домла буни дарҳол сезиб, лекция ўқишдан тўхтади.

— Саволлар бўлса, кейинги дарсимизда гаплашармиз,— деди-да аудиториядан чиқди. Йўлакда жингалак сочли, қўйкўзли бир студент унинг орқасидан қувиб етди:

— Кечирасиз, домла, ҳикоя машқ қилгандим,— дея Мунир Мақсудовичга кўк муқовалли бир дафтарни ўзатди.— Бир кўриб берсангиз.

— Албатта кўрамиз,— деди Мунир Мақсудович жилмайиб, очиқ юз билан, дафтарни ола туриб,— Яхши.

Студент кўз қарашлари-ла сўзсиз миннатдорчилик билдириб изига қайтди. Муаллим дафтарни портфелига солди-да, институт ҳовлисига чиқиб кетди. Унинг учун ҳам учинчи пара очиқ эди. Тўртинчи пара бошланишига ҳали анча бор. У аскарлардек саф тортган тираклар остидаги скамейкалардан бирига бориб ўтирди. Портфелидан беихтиёр ҳалиги кўк муқовали дафтарни олди.

* * *

Мунир Мақсудович ҳам шу институтнинг собиқ талабаларидан. У фаол талаба эди, тезда даврага киришиб кетарди, истасангиз-истамасангиз бир суҳбатдаёқ сизни ўзига ром қилиб оларди, ақлли гаплари хотирингизга, ёқимтой қиёфаси хаёлингизга муҳрланиб қоларди. Уни бутун филология факультетининг, қолаверса, ёндош факультетларнинг студентлари билар, танир, севар, ҳурматлар эдилар. Мунир Мақсудович биринчи курсдаёқ бешинчи курс студентлари билан қадрдонлашиб кетганидек, ўзи диплом ёзаётганида биринчи курс студентларига шахсий кутубхонасидан нодир китобларми, дарсликларми, келтириб юрарди. Ўзи имтиҳонда тўрт баҳо олса-да, курсдошлари беш олишидан қувонарди ва аксинча, имтиҳонда йиқилган курсдошидан кўра у кўпроқ қайғурарди. Комсомол ва касаба союз ташкилотлари юмушларини бажону дил бажарар, ётоқхонада яшовчи курсдошлари ҳузурига тез-тез бориб турар, у ерда бирор камчиликни кўриб қолгудек бўлса, деканатга кирар, касаба союз раисига, комсомол ташкилоти секретарига учрашар: «Нега ётоқхонада телевизор йўқ?.. Нега радиоузел ишламайди?» деб айримларнинг «бошини қотирарди».

Баъзан шунга ўхшаш «бошни қотирадиган» масала-

лар бўйича Мунир Мақсудович билан деканат ўртасида «ихтилоф»лар чиқиб қолар, ректоратгача етиб борар эди. Шунда: «Нима учун бунақа ғалати одамга касаба союз, комсомол юмушларини топширишади-я? Ахир, унақа кишилар кайфиятимизни, тинчлигимизни бузишди, факультетимиз ва унинг жамоат ташкилотларини ректорат олдида обрўсизлантиради. Бунақа одамларни жамоат ташкилотларига аъзо қилиб сайлаб бўлмайди, улар тинчгина ишлашга халақит беришади», дегувчилар ҳам учраб қоларди. Лекин шу кишилар ҳам жамоат ташкилотлари аъзолигига сайлов вақтида Мунир Мақсудович номзодини ёқлаб овоз беришарди. Бу эса Мунир Мақсудовични ажаблантирарди. «Қизик,— деб қўярди ўзига ўзи Мунир Мақсудович шундай пайтларда,— уларнинг ўзлари мени қайта-қайта сайлашадилар, менга топшириқлар беришади-да, кейин эса...»

Ҳеч ким ва ҳеч нарса билан иши йўқ, сиполикка интилувчи айрим курсдошлари уни кўпда ёқтиришмасди-ю, лекин билими чуқурлиги, қатъиятли ва продалди бўлгани, кўпчиликнинг эътиборини қозонгани учун ундан ҳайнқишарди. Унинг олдида: «Сен бизнинг фахримизсан», деб мақташарди-да, орқасидан эса оғзиларига келганини қайтаришмасди.

Баъзи бир сиркаси сув кўтармайдиган, билими ва савияси бир оз бундайроқ ўқитувчилар ҳам «ғалати» саволлар беравергани учун уни ёқтирмасдилар, дарсининг охирида — савол-жавобга ўтилганда: «Қани энди савол бермасайди», дея у ўтирган томонга қарамасликка уринишар, безиллаб туришарди. Хуллас, унга ўзгача нигоҳ билан қарашарди, гўё унда нимадир етишмагандек ёки нимадир ортиқчадек. «Ажабо, ўзлари: «Савол борми?» деб сўрашади-да, савол берсанг, сенга ғалати қараб қўйишади-я», деган фикр ўтарди унинг хаёлидан шундай пайтларда.

Мунир Мақсудович институтни имтиёзли диплом билан тугатди. Уни адабиёт кафедрасида ўқитувчи қилиб

олиб қолишди. Кейин унга аспирантликни таклиф этишди, лекин у: «Аспирантурага кириб ўқисам, уч йил қизгин ҳаётдан узоқлашиб қоламан», деган ҳаёлга бориб, бу таклифни қабул қилмади. «Кафедрамиз аъзоси Қўчқорбой Қўзиев беш йилдан бери аспирант бўлишни орзу қиларкан. Менга ажратилган ўринни унгами, ёки бошқагами берсангиз. Мен дарс бериш билан бирга изланувчи сифатида илмий ишимни давом эттираверман». Айримлар бу гапга ишонишмади, баъзилар эса Мунир Мақсудовични «довдир»га чиқариб қўйишди, қолганлар эса ундан ҳамма нарсани кутиш мумкин, дейишди.

Аспирантурага кириб ўқиб, босим илмий иш билан шуғулланган Қўчқорбой Қўзиев уч йилда, Мунир Мақсудович эса беш йилда диссертация ёқлашди. «Турмуш ва ижод» деган мавзудаги кандидатлик илмий иши тезда монография бўлиб нашр этилди. Қўчқорбой Қўзиевнинг диссертациясини эса институт кутубхонасидан ва, албатта, унинг ўзидан топиш мумкин...

Мана ўн уч йилдирки, Мунир Мақсудович институтда адабиёт назариясидан дарс беради, унга доцентлик унвони берилганига ҳам олти-етти йил бўлди. Ҳамкасби Қўчқор Қўзиев яқин орада докторликни ёқлаб қолса керак. Мунир Мақсудович эса ҳалигача бу ҳақда ўйлаб кўрганича йўқ. Бўлмаса, учта китоб нашр эттирди. «Қизгин ҳаётдан узоқлашиб қолишим мумкин», деган ҳаёлга бориб, докторлик диссертациясини тайёрлашга киришмайди, уни яқиндан билган олимларнинг фикрича, агар муқим ўтирса, олти ойдаёқ докторликни қойил қилиб қўярмиш. Олти ой қаёқда, олти кундан келинг. Мунир Мақсудович бир кун ҳам қизгин ҳаётдан узоқлашгиси йўқ. Вақтли матбуотда фаол қатнашади — мақолалар, тақризлар ёзадими-ей, ёшларга оқ йўл бағишлайдими-ей, кексаю ёшлигидан, танилган-танилмаганидан қатъий назар қайси автор: «Бир кўриб беринг», деб ниманики қўлига тутса,— шеърми, ҳикоями, қиссаю ро-

манми, эринмай ўқийди, холис фикр билдиради, лекин ҳеч қачон фикрини мажбурлаб ўтказмайди, ҳар бир танқидий мулоҳазаси ёки тақлифидан кейин: «Яна ўзингиз биласиз», «Яна ўзингиз ўйлаб кўрарсиз», деб қандай ҳукм чиқазилгани авторнинг ўзига ҳавола қилади, танқиддан кейин юнатади, авторни ёншидан, фикрлашдан совутмайди, кўнглини чўктирмайди. Матбуот саҳифаларида жуда яхши ёки бўш асарни ўқиб қолса (у газета-журналларни мунтазам кузатиб, адабиётга онд ҳар бир янги китоб билан танишиб борарди), авторига бу ҳақдаги муносабатини билдирар, бунинг иложи бўлма-са, редакцияга телефон қиларди.

Мунир Мақсудович шундай одам ва шундай олим эди. Бошқача айтганда, у аввал чин инсон, сўнгра олим эди. Йўқ, бу тўғри эмас. Унда одамийлик билан олим-лик ялакат мағиздек бирлашиб кетганди. Кншига илм олим бўлиш учун эмас, одамларга хизмат қилиш учун керак, дер эди у.

Олдида Мунир Мақсудовичнинг турмуш тарзини: «Ҳақиқий олимона ҳаёт», деб мақташарди-да, орқасидан эса: «Агар унинг эс-ҳуши жойида бўлса, вақтини, билимини майда-чуйда нарсаларга сарфламай, аллақачон докторлик диссертациясини ёқлаб, кафедрага мундир бўлиб ўтирарди», дейишарди.

* * *

Кўк муқовали дафтардаги ҳикояни ўқиб, Мунир Мақсудович шу қадар севиниб кетдики, афсоналардаги қўш ҳайдаётиб ёмби топиб олган деҳқон ҳам бунчалик қувонмаган бўлса керак. Ўқиб бўлибоқ, дафтарни қўйини чўнтагига тез солди-да, сал қолса портфелини ҳам унут-таёзиб, институт редакцияси жойлашган бир қаватли кичик бино томон шошилди. Институтда ўн кунда бир кўпнусхали газета чиқар, Мунир Мақсудович жамоатчилик асосида шу газетага редакторлик қилар эди. У ҳозир кўк дафтардаги ҳикояни шу газетада бериш учун

эмас, редакция машинкасида кўчиртириб олмоқчи, эртага республика газетасига тақдим этмоқчи эди. Унинг фикрича, ҳикоя жуда зўр, автори эса нодир талант эгаси. Бахтга қарши редакция берк эди, «Айтгандай, бугун душанба-ку, редакция ишламайди».

Мунир Мақсудович тўртинчи парада бешинчи курс студентларига лекция ўқиди. Бир кўнгли гап орасида ҳалиги ҳикояни тилга олмоқчи ҳам бўлди-ю, яна бу фикридан қайтди. Биринчи курс студенти ёзган нарсани буларга айтсам, айримларнинг кўнглига оғир ботиши мумкин, деган хаёлга борди.

Мунир Мақсудович одатда автобусда юрарди. Лекин бугун ёмби топан кун — яхши ҳикоя ўқиган кун бўлгани учун автобус бекатига бормай, такси тўхташ жойига келиб, навбат олди. Навбати яқинлашиб қолганида, такси эмас, шахсий «Волга» келиб тўхтади, олд эшигин очилди-да, машинадан:

— Домла... Мунир Мақсудович! Машинага чиқинг! — деган овоз эшитилди. Овоз таниш эди. Мунир Мақсудович машинага яқин борди-да, эгилиб қаради.

— Ия, сизмисиз, Шавкат?!

Рулда Шавкат исмли бешинчи курс студентларидан бири эди (у бугун дарсга келмаганди), орқа ўриндиқда эса икки қиз бир-бирининг елкасига бош қўйиб ўтирарди.

— Чиқа қолинг, домла, орқадан машина келиб қолади, — дея яна таклиф этди Шавкат. — Сизни ташлаб ўтамин.

— Раҳмат. Навбатим етиб қолди.

— Чиқаверсангиз-чи. Бу ерга такси онда-сонда келади.

Мунир Мақсудович ноилж машинага ўтираётиб, ҳазил аралаш сўз қотди:

— Машинангизга тушганим, имтиҳонда учга жавоб берсангиз, тўртга айлантириб қўймайди.

— Қизларнинг олдида одамни уялтирманг, домла, —

деди Шавкат ҳижолатдан қип-қизариб, машинага газ бериб.— Энди ҳаёлим фақат ўқишда.

— Қўриниб турибди,— деди Мунир Мақсудович кўзи билан орқага — қизларга ишора қилиб.

— Бугун жуда қувноқ кўринасиз, а, домла?

— Ҳа, бугун ёмби топиб олган деҳқондан ҳам хурсандман,— деди Мунир Мақсудович, дафтарни тушириб қўймадимми, деган ташвишга бориб, қўйини чўнтагига қўл солиб. Хайрият, дафтар жойида — қалбининг устида турган экан.

— Сабабини билсак бўладими?— деб сўради Шавкат, чорраҳадан ўтилгач, бир қўли билан сигаретни ўт олдираар экан.

— Бўлади,— дея Мунир Мақсудович кўк муқовали дафтарни қўлига олди.— Биринчи курс студентларимиздан Салим Жалилов деган бир йигит ҳикоя ёзибди. Мана. Жуда ажойиб! Ўқиб қойил қолдим.

— Зўрми?— деди Шавкат рулдан кўз узмай.

— Жуда.

— Шавкатчик, сен ҳам мен тўғримда битта ҳикоя ёзгин,— деди боядан бери Мунир Мақсудовичдан ётсирабми, ёки бўлмаса, гапга аралашишни ўзларига эп билмай жим ўтирган қизлардан бири.

— Мен тўғримда ҳам ҳикоя ёзиб ташлагин,— деди иккинчи қиз ҳам гапга аралашиб.— Агар ёқса, ўзим сени мукофотлайман.

Мунир Мақсудович қизлар бу гапларни ҳазил тариқасидами ёки жиддий айтишдими, ажратиб ололмади.

— Кечирасиз, буларни сизга таништираман,— деди Шавкат Мунир Мақсудовичга қараб қўйиб.— Булар менинг дўстларимдан. Чет тилларда ўқишди.

— Шавкатчик, жавоб бермадинг-ку, мен тўғримда ҳикоя ёзасанми,— деди биринчи бўлиб гапга қўшилган қиз.

— Ёзаман, Матлуп, сен тўғрингда ёзаман. Сен тўғрингда ҳам, Лутуп. Аввал ўқишни тугатиб, дипломини ёқлаб олай. Кейин ёзишга киришаман.

Бешинчи курс студенти бу сўзларни жиддий айтган эди, қизларнинг саволлари ҳам жиддий айтилганди, Мунир Мақсудович бунн сезиб киноя аралаш кулиб қўйди.

* * *

Тошбиби кечки овқатга уннаш учун ертўладан сабзи-пиёз олиб чиқиб келаётган эди, кўча тарафдан машина товуши эшитилди, орадан кўп ўтмай эри Мунир Мақсудович ҳовлига кириб келди.

— Бугун ойлик олдингизми?— деди Тошбиби қўлидаги сабзи-пиёз солинган саватчани каравотга қўйиб. Мунир Мақсудович ойлик олган кунлари уйига таксида қайтган ҳоллари бўлиб турарди, ҳозир Тошбибининг хаёли ана шунга кетиб қолган эди.

— Эсингни едингми, онаси, ахир бугун ойнинг ўнинчи кунини-ку.

— Нима қипти, ҳар кунини ойлик оладиганлар ҳам бор. Таксида келганингизга хаёлим кетибди-да, дадаси.

— Такси эмас, шахсий машина...

— Ҳа, бўлди, билдим,— дея эрининг оғзидан гапини олди Тошбиби,— Қўчқорбой деган ўртоғингиз машинада олиб келиб қўйибди. Ушанчалик ҳам бўлмасангиз, а?

— У эмас, студентларимдан бири машинасида олиб келиб қўйди.

— Ана, кўрдингизми, ишнинг кўзини билганларнинг болалари институтга ўз шахсий машинасида қатнайди,— дея яна гапни илб кетди Тошбиби.— Сиз бўлсангиз ҳеч ўзингизни ўйламайсиз, доимо бошқаларнинг ишига жон қойтасиз. Пул чиқмайдиган ишларни қиласиз. Нима, биров сиздан хурсанд бўлиб, сизни мукофотлардими?

— Биров хурсанд бўлмаса, бўлмай қўя қолсин,— деди жилмайиб Мунир Мақсудович.— Ўзимдан ўзим, қолаверса, сен хурсанд бўлсанг, шунинг ўзи мукофот-да.

— Шу юришингиз, шу одатингиз бўлса, икки дунё

даям сиздан рози эмасман. Ҳойнаҳой, бугун ҳам бирон-тасининг қаёқдаги матоҳини олиб келгандирсиз.

— Ҳа. Лекин матоҳ эмас, зўр асар. Жудаям зўр.

— Зўр асар эмиш. Ҳўш, ундан сизга, менга, болаларимизга нима наф?

— Халққа нафи тегар, онаси, халққа!— деди Мунир Мақсудович жўшиб.— Биласанми, яхши асар халққа нафи тегиб қўя қолмайди, у халқни бутун оламга тани-тади, обрў келтиради.

— Лекция ўқияпсизми,— деди Тошбиби кулиб.— Лекциянгизни ишхонангизда ўқинг. Ундан кўра тезроқ ечининг-да, менга қарашинг, овқатим кечикяпти.

— Жоним билан қарашганим бўлсин,— деди Мунир Мақсудович бир қўлини кўксига қўйиб ва қўйнидан кўк муқовали дафтарни олиб.— Овқатдан кейин, шуни ма-шинкада кўчириб берасан-да. Икки-уч бетгина чиқса керак.

— Бояги машинали тўқисникими?

— Йўқ, уники бўлса машинасига чиқмасдим. Бош-қасиники, ўзи биринчи курсда ўқийди, областдан келган. Жуда талантили чиқиб қолди бола тушмагур.

— Областан келган бўлсаям, осмондан тушган бўлсаям, энди бировнинг ишини ёзиш йўқ,— дея Тошбиби кескин бурилди-да, қўлига саватчани олиб ўчоқбоши томон шошилди.

— Шу сафар ёзгин, сен хатосиз ёзасан-да, катта газетага олиб бормоқчиман,— дея ёлбориб қолди Мунир Мақсудович хотинининг орқасидан.

Ўчоқбошидан Тошбибининг овози эшитилди:

— Хомтама бўлманг, ёзмайман дедим, ёзмайман. Принцип учун ёзмайман.

— Принцип дейди-я!— деди Мунир Мақсудович ўзига ўзи.— Принцип деса албатта ёзиши керак. Ўқиб берсам ёки ўзи ўқиб кўрса, ёзмай иложи йўқ.

Мунир Мақсудович кўчалик кийимларини алмаштиргани уйга кирди.

Тошбиби болалар боғчасида мудира эди, тўрт болага ўралашиб қолиб, бунинг устига кенжатоёлари кўп касалга чалинаверганига ишлаш ўрнига ҳадеб бюллетень кўтариб бораверишни ўзига эп билмай, фарзандлари сал ўзини эплаб олгунга қадар, вақтинча ишдан бўшаб олган эди. Ишга ўрганган экан, уйда тинч ўтира олмади, эрига: «Машинка олиб беринг, ўрганиб қўйсам, сизнинг у-бу нарсаларингизни ёзиб бериб турарман, ишга тушиб кетганимдан кейин ҳам асқотади», деди. Мунир Мақсудович жон деб машинка олиб берди. Лекин Тошбиби ўзига ортиқча ташвиш орттириб олганини кейинчалик пайқади. Чунки эри ўзининг ишидан кўра бошқаларнинг нарсаларини кўпроқ кўчиртирарди. Уйда машинка бўлгач, киши ўз-ўзидан ёзишни ўрганиб кетаркан. Унда-мунда машқ қилиб, машинкада ёзишга Мунир Мақсудовичнинг ҳам қўли анча келиб қолди. Лекин ҳали хатосиз ёзишга қийналарди.

Айтгандай, Тошбибининг эрига ҳалигидай терс муомалада бўлишига яна бир сабаб бор эди. Ишлаб, ой сайин маош олиб турган хотин киши учун эрининг қўлига қарам бўлиб қолиш ҳам осон эмас. Орзу-ҳавас, зебзийнатларга аёл кишилар эркакларга нисбатан анча ўч бўлишади-да.

* * *

Овқатдан кейин Тошбиби эрининг иш кабинетига чой кўтариб кирганида, Мунир Мақсудович машинкани бир қўллаб тикирлатиб ўтирар, баъзан-баъзан иккинчи қўлини ҳам машинкага яқинлаштирар, лекин ишлатмас, тўғриси, ишлата олмас эди.

Тошбиби эрига пахта гулли пиёлада чой узатаётиб, машинкадаги қоғозга қаради: «Чол-кампирининг қизи» деган сарлавҳа, «ҳикоя» деган рубрика қўйилибди, тўрт-беш қатор ёзилибди, холос.

— Чол-кампирининг қизи бўлса сизга нима,— деди Тошбиби эрига тегажоқлик қилиб.

— Гап шундаки,— деди Мунир Мақсудович чойдан ҳўплаб,— ўша қиз чол-кампирининг аввал келини эди, кейин қизи бўлиб қолади-да, уни ўзлари узатишади.

— Қанақа қилиб?

— Ўзинг ўқиб кўр, биласан,— дея Мунир Мақсудович кўк муқовали дафтарни хотинига тутди.

Тошбиби дафтарни варақлади, лекин яхши ўқийолмади:

— Бадхатроқ эканми?... Ўрнингиздан туринг, сиз ўқиб турасиз, ўзим ёзаман.

— Мана бу бошқа гап!— Мунир Мақсудович жон-жон деб ўрнини хотинига бўшатиб берди-да, кўк муқовали дафтарни қўлига олди.

* * *

Эртаси кун Мунир Мақсудович тўппа-тўғри редакцияга йўл олди. Уни редакциялардаги айрим ходимлар унча ёқтиришмайди. Чунки газетада хато кетса, телефон қилади, саёз материал босилса ҳам. Ўзи кам ёзди-ю, лекин тема тақдим этиб туради. У адабиёт бўлимига кириб борганида бўлим мудири Тўлаганов мук тушиб газета варақлаб, «летучка»га тайёргарлик кўрарди.

— Ке, ўтир,— дея жой кўрсатди Тўлаганов Мунир Мақсудовичга, салом-аликдан сўнг. Улар ҳам синфдош, ҳам курсдош эдилар, болаликдан бир-бирларини сенсираб гаплашишар, ҳазил-мутойибани ҳам қаттиқ қилишарди, лекин бир-бирига ўтмасди.— Лекин сен билан пачакилашиб ўтиришга вақтим йўқ. Бир соатдан кейин «летучка». Мен обзорчиман. Газетада хато-пато учратган бўлсанг, шов-шув кўтармасдан ўзимга айт. Обзорга қўшиб юборай.

— Сени қара-ю, ҳамиша ўзингни ўйлайсан, а... Чўчима, дўстим,— деди Мунир Мақсудович.— Мен ҳали газетангнинг бугунги сонини кўриб улгурганимча йўқ. Мен олдинга бошқа нш билан келдим.

— Одатдагидекми?— деди Тўлаганов енгил нафас олиб.

— Ҳа, шундай,— Мунир Мақсудович портфелидан машинкаланган уч варақ қоғоз олиб Тўлагановга узатди.— Мана, ҳикоя. Кўриб боқ. Ҳаммаси бўлиб уч саҳифагина.

— Дарҳол шуни айтақолмайсанми,— Тўлаганов қоғозларга кўз ташлаб, ўқиди:— «Чол-кампирининг қизи». Ҳикоя... «Дум»инг кўринмайди-ку?

Мунир Мақсудович кўпинча бирор ҳаваскор қаламкашини редакцияга эргаштириб келарди. Тўлаганов ҳозир шунга ишора қилаётганди.

— Бу ҳикоянинг автори Салим Жалилов менинг студентим. Биринчи курсда ўқийди. Ҳозир лекцияда бўлса керак.

— Яна хотинингга кўчиртирибсан-да, Мунир,— деди Тўлаганов ачинган киши бўлиб.— Уни жуда қийнаб юбординг-ку.

— Тошбиби бу сафар жоп-дили билан кўчирди. Ҳикоя унгаям жуда ёқиб тушди, айниқса менга.

Тўлаганов Мунир Мақсудовичга ҳайратланиб боқди, гўё у гайритабиий одамдек, думи бор кимсадек.

— Нега сен менга бундай тикиласан?— деб сўради Мунир Мақсудович.

— Ахир, сенга яна қандай қараш мумкин?— деди Тўлаганов.— Яқинда қирққа кирсан-у, лекин ҳеч ақлинг кирмади-кирмади-да. Майда-чуйда нарсаларга ўралашиб юриш сенга ярашмайди. Сенинг ўрнингда мен бўлганимдами... Хўп, майли. Қолдириб кетавер, вақт топиб албатта ўқийман,— Тўлаганов ҳикояни стол устидаги бир уюм хат-хабарга қўшиб қўйди.

— Ол бу ёққа,— деди Мунир Мақсудович аччиғи чиқиб.

— Ҳа, нега? Ўқийман дедим-ку.

— Бу асар, шунчаки нарса эмас, хатлаб уммонида кўмилиб кетмаслиги керак,— деди Мунир Мақсудович жаҳл билан.— Авторидан кўп нарса кутиш мумкин, Қелажаги порлоқ. Уни руҳлантириш керак.

— Ҳа, келажакда у ҳақда монография ёзар эканлар-да,— деди Тўлаганов киноя билан.

— Лекин, билсанг, ёш автор учун келажакда ўзи ҳақида чиқарилган монографиядан кўра ҳозир шу ҳикоясини чиқариш афзал,— деди Мунир Мақсудович ёти-ги билан гапириб.— Асар чиққач, у ҳақда тақриз ёзиш, ижодкор камол топгач, у ҳақда монография яратиш қи-йин эмас. Тайёр ошни ейишдек гап. Бир олим ёзмаса, бошқаси қилади бу ишни. Лекин аввал ошни тайёрлаш лозим, мана бу бошқа гап.

— Касбингни ерга урма, ўртоқ,— деди Тўлаганов насиҳатомуз.

— Касбимни ҳеч ерга ураётганим йўқ. Ўз касбим билан фахрланаман. Лекин танқидчининг вазифаси асар нашр этилгач, кўрсатилгач, эшиттирилгач, яъни оммага етиб боргандан кейин фикр билдиришдан иборат эмас. Бу ишларнинг рўёбга чиқишига ҳам ўз ҳисса-сини қўшиши лозим.

— Ке, қўй, Мунир, бу гапларингни кўп эшитганман.

— Сенинг қулогингга қуйиб, вазифангни яна ва яна эслатиб туриш керак. Чунки сен адабиёт бўлимининг мудирсан. Демак, адабиёт равнақи учун сен ўта жавобгарсан. Яхшини ошириб, ёмонни яширадиган ҳам сен ва сенга ўхшаш адабиёт бўлими мудирлари. Авторнинг яхши асари қолиб, бўш нарсасини эълон қилиб, ўша автордан, қолаверса, адабиётдан ўқувчи ихлосини қайтариб қўйиш ҳам мумкин-да.

Тўлаганов ҳикояни қўлига олиб деди:

— Хўп, буни кўриб чиқаман. Лекин менга маъқул бўлган тақдирда ҳам яқин орада чиқади деб ваъда беролмайман. Балки уч-тўрт ойлардан кейин...

— Уч-тўрт ойлардан кейин деялсанми?

— Ҳа, бундан илгари чиқади, деб ваъда қилолмайман. Шундайм фақат сенга бўлган ҳурматим туфайли фойдаланамиз.

— Мен эмас, ҳикоя авторини ҳурмат қилиш керак.

Ҳаммаси бўлиб уч бетгина, тушунсанг-чи, ахир!

— Газета зарур материаллар билан банд.

Энди Мунир Мақсудович Тўлагановга ҳайрат аרא-лаш боқди.

— Нега менга бундай тикилиб қолдинг?— деб сўра-ди Тўлаганов.

— Сенга яна қандай қараш мумкин? Бошқача қараш мумкин эмас-да. Газетангнинг кечаги сониди босилган бош мақолада редакция газетхонларни фидойи, фаол, жонкуяр бўлишга, ёш талантларни қидириб топиш ва эл-юртга танитишда яқиндан ёрдам беришга чақирган эди-ку...

Тўлаганов гапни бўлди:

— Бош мақола бош редактор томонидан ёзилган.

— Ўзи сенга сираям гап тушунтириб бўлмайди,— дея Мунир Мақсудович ҳикояни олди-да, хонадан чиқ-ди. Тўлаганов эса унинг орқасидан ҳайратланиб қараб қолди: «Қизиқ, ахир ҳикоя Мунирнинг ўзиники эмас-ку».

Мунир Мақсудович шу кетишда йўлакда учраган кишиларга ҳам унчалик эътибор бермай, тўппа-тўғри редактор қабулхонаси томон йўл олди. Шундай ҳаяжон-ланган ҳолатда уларга ҳам ғалати бўлиб туюларди. Улар илгарилари ҳам Мунир Мақсудовични бу ҳолатда кўп кўришган: «Тушунарли, бўлимда масала ҳал бўлма-ган. Мунир Мақсудович намунача жонини койитмаса. Ўзи учун курашса бошқа гап эди-ю, лекин кимларнидир материални деб...»

Бу пайтда Мунир Мақсудович редактор ҳузурига ошиқарди. Қўлидаги ҳикоя эса унга ёмбидек бўлиб тую-ларди, гўё янги қитъа очаётган кишидек севиная, ҳая-жонланая эди.

Баъзан шундай ҳам бўлиб туради: киши жамият ча-қирғи бўйича иш тутаяди-ю, лекин унинг ҳаракатлари уни қуршаган одамларга ғайритабиий бўлиб туюлади, ҳатто баъзи кимсаларнинг ғашини келтиради.

МУНДАРИЖА

Ирода*	3
Кураш*	13
«У — сиз эмас»	21
Бахтли мусибат	29
Ҳар томчининг сабаби бор	36
Ҳаё*	52
Ойна синди*	55
Тахт қулади*	76
Пима учун зилзила бўлди?*	89
Осмон яқин, ер юмшоқ*	97
Ўзларини кўрсатсинлар*	105
Олдиларидан бир ўтайлик*	117
Кимга учрай?	124
Қоя остида	131
Уйимда кутаман*	140
«Совуқ»	150
Ўртадаги одам	156
Пуфак ёрилди*	161
Сўнгги нур	167
Илинж*	175
Қиш ёмғири*	183
Довул*	190
Ҳаёт кутмайди*	197
Фидойи*	216

©Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982 й.

На узбекском языке

Абдукаххар Ибрагимов

НЕБО БЛИЗКО, ЗЕМЛЯ МЯГКА

Рассказы

Редактор *Х. Султонов*
Рассом *М. Содиқов*
Расмлар редактори *А. Кива*
Техн. редактор *Э. Саидов*
Корректор *Ш. Соатова*

ИБ № 2143

Босмахонага берилди 2. 12. 1981. Босишга рухсат этилди 12. 2. 82. Р 01133
Формати 70X108¹/₃₂. Босмахона қозони № 3 Адабий гарнитура. Юқори босма.
Шартли босма л. 10,15. Нашр л. 10,00. Тиражи 30.000. Заказ № 20. Баҳоси 75 т.

Гафур Ғулом помидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат Комитетининг Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2- босмахонаси, Янгийўл шаҳри, Самарқанд кўчаси, 44.

Иброҳимов, Абдуқаҳҳор.

Осмон яқин, ер юмшоқ: Ҳикоялар —Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти; 1982. 232 б.

Қўлингиздаги тўпламга авторнинг турли йилларда ёзилган ҳикоялари билан бирга кейинги йилларда яратилган янги насрий асарларидан намуналар ҳам киритилган. Уларда муаллиф ишқ-муҳаббат, вафо каби фазилатларни тараннум этади, чин севгини асраб-авайлашга чақиради, фидоилик, меҳроқибатни улуғлайди.

Беғараз кулги билан йўғрилган ҳажвинӣ ҳикоялар турли иллатларни фош этиш орқали ҳаётимиздаги ижобий кучларнинг устуворлигини таъкидлайди, майин табассум улашади.

Ибрагимов, Абдукаххар. Небо близко, земля мягка. Рассказы.